


Мұҳаббат Йўлдошева

ҚАЙНОНА



Х
и
к
о
я
л
а
р

1510	82
<u>M. Ulyezoueba Ky - 78</u>	
<u>Borimana</u>	


Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

21/8 - 442 196	
20/1 - 490 204	

Мұҳаббат ЙҰЛДОШЕВА

ҚАЙНОНА
(хикоялар)



«Адабиёт учқундары»
Тошкент-2017

УДК: 76.06

ББК: 82. 4-8

Қ78

Қайнона: ҳикоялар тўплами
муаллиф М. Йўлдошева. - Тошкент: «Адабиёт
учқунлари», 2017. - 378 б.


ISBN 978-9943-987-57-9

Ушбу ҳикоялар тўпламидағи қаҳрамонлар сизга танишдек туюлади. Бу бејзиз эмас, ахир уларнинг бари сизнинг кунда-кунора кўришиадиган, қийин кунларида ҳамдард бўладиган, мушқулотларни бартараф қилишида елкама-елка турадиган замондошларингиздир. Муаллиф эса факатгина воқеаларнинг моҳиятини очиб беради, хулоса чиқаришни эса ўзингизга ҳавола қиласди.

Тақризчи:
Лукмон БЎРИХОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси.

© Мухаббат Йўлдошева

© «Адабиёт учқунлари» нашриёти, 2017.



ҚАЙНОНА

Коронғилик қуюқлашгани сари Роҳиланинг юраги пўкиллаб, қадамини тезлатди. Аслида-ку, у қоронғидан қўрқмайди, ирим-сирилар билан ҳам иши йўқ. Аммо... баъзан шунаقا вазиятлар ҳам бўладики, қўрқмай сира иложинг қолмайди. Ана, ўзларининг дарвозаси қўзга ташланди. Қайнонаси унинг ишдан кеч қайтишини билгани учун ҳам кеч киргани ҳамони дарров дарвоза тепасидаги чироқни ёқиб қўяди. Фақат шу... чироқнинг ҳадеб куйиб қолавериши чаток-да! Ҳафта сайин Мамлакат хола чироқни алмаштиришдан эринмайди, унинг ҳадеб куйиб қолавериши бежизмаслигини ичичидан сезади ва ҳар гал сидқидилдан кимнидир қарғайди.

– Ҳа, қирчинингдан қийилгур! Бизларга ёмонлик тилаган бўлсанг, илоё ўликларингнинг устида ўтирай! Шум ниятларинг ўзингни гўрга тиксин-а!

Албатта, Мамлакат хола бақириб-чақирмайди, кимдир эшлишиб қолишидан чўчигандек, шивирлабгина қарғайди. Набиралари катта бўлиб қолган ахир, уларнинг кўнглини бузишдан нима наф? Аммо ҳар оқшом дарвоза ёнига чиқиб, кутиб ўтиришини канда қилмайди. Кўчанинг бошида одам қораси кўрингани ҳамон безовталаниб тикилади. Келини бўлса, дарров зипиллаганча унинг қархисига юради.

– Вой, ойи-ей, ҳеч эринмагансиз-да, дам олиб ўтирсангиз бўлмайдими? – дейди келин қайнонасининг меҳрибонлигидан кўнгли ийиб.

– Коронғида чўчиб юрмагин, дейман-да, болам, ахир ёмон одамлар кўп. Кел, битта тўрхалтангни беракол, сен ҳам чарчагандирсан...

Келиннинг кўнгли бузилиб кетади, миҷжаларида ёш қалқиёди. Яхшиямки, қоронғида буни ҳеч ким кўрмайди.

– Йўғ-е, ойижон, кутиб олганингизга ҳам раҳмат, – дейди у. – Унча оғир эмас, тағин ўзингиз чарчаб қолманг, ахир болаларимни сизга ишониб ишлаб юрибман-а!

– Майли, майли, болам, ишқилиб омадингни берсин, шу болаларингнинг баҳтига бошинг омон бўлсин, – деб алқайди Мамлакат хола. – Ишқилиб, соғ бўлгин, баҳтингни берсин...

Кампир ножӯя гапириб қўймадиммикин, деган ҳадиқда шартта гапдан тўхтайди, келиннинг чироқдар нурида ранги ўчиб кетгандек ғалати кўринаётган юзига қараб қўяди. Аммо келин миқ этмайди, ўз хаёли билан банд, боши эгик кетаверади. “Бахт-а? – деб ўйлайди у ўзича. – Бахтим бор эди, энди йўқ. Энди мени баҳтиёр қилишга қодир зот топилармикин бу ёруғ оламда?..”

* * *

Бугун негадир Мамлакат холанинг қораси кўринмаяпти. Қайнанасининг кутиб олишидан дадиллашиб кетадиган Роҳиланинг юраги пўкиллаши шундан. У йўлнинг иккӣ четидаги уйларнинг очик дарвозаларидан тушиб турган шуълаларга қарай-қарай, ўз ҳовлисига етишига сал қолганида, тўсатдан шитирлаш эшитилди. Роҳила устидан бир челяк совуқ сув қуиб юборилгандек тўсатдан совқотиб кетди, юраги тез-тез уриб, оёқлари қалтирай бошлади. У ҳатто қўшнининг дарвозаси томонга кўз ташлашга ҳам ботинолмай, уйи томон бурилди.

– Тўхта!

Уларнинг дарвозаси ёнидаги тарвақайлаган ёнғок ларажти ортидан гавдали эркак чиқиб келди. Роҳила лир-дир қалтираб, турган жойида қотиб қолди.

– Ҳўш, таклифимни ўйлаб кўрдингми?

Салом йўқ, алик йўқ, дабдурустдан гап бошлиган ёркакнинг важоҳатини кўрибօқ Роҳиланинг тил калимага келмай, бош чайқади. Бу девор-дармиён қўшниси Холмат ака эди. Мамлакат хола унинг онаси Мехри хола билан дугона бўлишгани учун ҳам бу икки оила илгари жуда иноқ яшашарди. Роҳила келин бўлиб тушган дастлабки кезларда уларнинг қадрдонлигига ҳайратланиб қаарди. Аммо кутилмагандан Роҳиланинг эри Ботир автоҳалокатда нобуд бўлди-ю... Холмат ака шундан сўнг Роҳилага хунук ният билан тирғала бошлиди. Кунда-кунора йўлини пойлайдиган, ўзининг касалманд хотини жонига текканидан ҳасрат қилиб, хунук шаъмалари билан Роҳиланинг юрагини ёрадиган одат чиқарди. Баъзан эса Мамлакат холанинг уйда йўқлигини пойлаб, девор оша мўраларди.

Роҳила охири чидаёлмади ва бор гапни қайнанасига айтиб берди. Ўзи шундок ҳам алпдек ўғли ҳалоқ бўлиб, дард-дунёси зулматга чўмган Мамлакат холанинг фигони фалакка чиқди. Аммо на чиқиб жанжал қила олмади, на бошқа бирор ҷора ўйлаб тополмади. Чунки Холматнинг хотини Салимахон ҳақиқатдан ҳам оғир касал бўлиб, бир шифокор саратонга чалинган деса, бошқаси тузалиб кетишига умид билдирарди. Дарди бедавога учраган Салимахон озиб-тўзиб, доим тунд киёфада юрар, фақат касаллигу дўхтирлар ҳақида вайсайвергани учун маҳалла хотинлари уни ўтиришу

гап-гаشتагига қўшмай қўйишиган эди.

– Майли, қизим, тағин жанжал кўтариб, Салимахоннинг ўмрига завол бўлиб ўтирмайлик. Гулдек жувон эди-я, қараэнди юришини... Шунақасидан худо асрасин, ўзингга эҳтиёт бўлиб юрсанг бўлди, ишқилиб!

– Ойижон-еј, сиз билмайсиз-да ундан қанақанги кўркишимни! – йиғлаб юборди Роҳила. – Уни кўрганим ҳамони титроқ босади, тилим айланмай қолади...

Мамлакат хола чидай олмади, келинини бағрига босиб, унга қўшилиб йиғлай бошлади.

– Майли, қизим, қўлимиздан нимаям келарди, пешонамизга битилгани шу экан-да! – деди йифи аралаш келинини юпатиб. – Ёлғиз бошим билан қатта қилган Ботирим пешонамизга сиғмай кетди, на илож. Йиғлама, йиғлама, кучли, иродали бўл, ҳали болаларинг учун узоқ керак бўласан.

– Ойижон, бу ердан кўчуб кета қолайлик...

– Қўй, болам, бу гапни тилингга ола кўрма. Учта бола билан қаерга ҳам борасан? Бундай итдан тарқаган кимсалар ҳар ерда ҳам бор-да! Билсанг, бева хотиннинг бошига Бухородан итлар келиб ўтириб кетармиш... Хафа бўлмагин, тағин, бунака “холматлар” бошқа жойларда ҳам бор, демоқчиман-да... – деди-да, Мамлакат хола ўзи чидаёлмай, яна йифи бошлади.

Шундан сўнг у ҳар куни келини келадиган пайтда кўча бошига чиқиб пойлайдиган бўлди-ю, Роҳиланинг сал кўнгли жойига тушди. Бугун эса негадир Мамлакат хола йўқ, аксига олиб, Холмат пойлаб турибди.

– Аланглама, қайнананг сенга ёрдамга келолмайди –

ўйда думалаб ётибди, – түнғиллади Холмат. – Ё бугун жавобини берасан, ёки...

– Бу... бу нима деганингиз? – зўрға тилга кирди Роҳила. – Нима, мени қўрқитмоқчимисиз? Ёки сингилтак хотинларга ўхшаб кўриндиммики, ҳали Ботир акамнинг тупроғи совумай туриб, шунақсанг ғапларни айтяпсиз?

– Ботир ақанг аллақачон кўкариб чиққан!

Шу пайт дарвоза ғирчиллаб очилди-ю, Холмат ғизиллаганча ўзининг ҳовлиси томон отилди.

– Ойижон! – йиғлаб юборди Роҳила ўзини тутиб туролмай.

– Кўй, кўй, қизим, йиғлама, – унинг елкасига қоқди Мамлакат хола. – Ҳаммасини эшилдим, болам. Юрақол, уйга кир, чой-пой ичиб ўзингга келиб ол!

Роҳила қайнанасининг ранги бўздек оқариб кетганини энди сезди.

– Тинчликми, ойижон, нима бўлди?

– Тинчлик, болам, тинчлик, – Мамлакат хола дарвоза раҳига суюнди. – Бироз қон босимим ошган экан. Барака топгур Машкурахон чиқиб, укол қилиб кетганди, жоним ором олганига кўзим кетиб қолибдида... Мен ўлай-а, касал бўлмай...

– Кўйинг, ойижон, ундан деманг, ҳали бизга анча кераксиз, – ўзини мажбурлаб жилмайди Роҳила, аммо унинг табассуми қайнанага жуда аянчли кўриниб кетди, беихтиёр кўзларидан тиркираган қайнок ёшлар юзини ювди.

– Ботиржоним-а, не кунларга ташлаб кетдинг бизларни-я! – тўсатдан фарёд уриб юборди Мамлакат хола ўзини тутолмай.

У фарзандининг ўлимидан ҳам кўра кўпроқ ундан ёдгорлик бўлиб қолган набираларини, келинини ҳимоя қилишга ожизлигидан куйинарди. Бугунги воқеа эса унинг симиллаб турган ярасини тирнаб, қонатиб юборгандек бўлди. Келини ҳам унга қўшилди, қайнана-келин узоқ йиғлашди. Уйга кирганлари ҳамоноқ Мамлакат хола ўзини ташлаб юборди. Роҳила кўркиб кетди, дарҳол қўшнилари – ҳамшира Машкурахонникига югарди.

– Ие, ҳали замонгина холамга укол қилиб чикувдимку? – ажабланди Машкурахон ва ҳомуза тортганча деди. – Сиз кетаверинг, мен ҳозир кийиниб, ортингиздан етиб бораман.

– Опажон, кийинмай юраверинг, кўчада ҳеч ким йўқку! – жон ҳолатда қичқириб юборди Роҳила. – Илтимос, тезроқ юринг!

– Майли, – Машкурахон эгнидаги ранги ўнгиган халатига бир қўз ташлади-да, унинг ортидан юрди. Улар етиб келишганида, Мамлакат хола ҳамон ўша алпозда ётарди.

– Вой-бў, қон босимлари икки юздан ошиб кетибдику? – саросимага тушиб қолди Машкурахон. – Боягина укол қилганимда бир юз саксонларда эди. Уқолдан кейин бунақангি ошиши сирайм мумкин эмас. Ёки... бирон нарса бўлдими?

– Йўғ-э... – Роҳила тилини тишлаб қолди. Кейин ўзини босиб олиб, қўшиб қўйди: – Ишдан келаётсам, дарвоза тагида турган эканлар.

– Ҳа-а, шундок денг? – Машкурахон Роҳиланинг эгнига, шошилинчда бир чеккага улоқтирган сумкаси-ю

тўрхалталарга кўз югуртириди. – Ўрнидан туришлари мумкин эмас эди, туриб кетибдилар-да...

Роҳила Машкурахоннинг гап орасида чаққонлик билан Мамлакат холанинг томирига дори юборишини кузатаркан, хаёлчан бош чайқади.

Мамлакат хола икки ҳафта қимирламай ётдий. Роҳила ишхонасидан жавоб сўраб келиб, унинг тепасида ўтириди.

– Барака топгин, қизим, сендан мингдан-минг розиман, – деди Мамлакат хола ёнида қимирламай ўтирган келинининг рангпаргина юзини кўриб, раҳми келаркан. – Худо хоҳласа, у дунёга борганимда, Ботиржонимга сени қанчалик яхши кўришимни айтаман, қизим.

– Ойижон, ундаи деманг, – кўнгли тўлиб йиғлаб юборди Роҳила. – Сизсиз қандай яшайман, мени ким ҳимоя қиласди? Ахир...

– Ҳа-я, эсим курсин! – саросимага тушиб қолди Мамлакат ҳола. – Анави йигит ўлгурнинг чангалига ташлаб кетавераманми сени? Ёлғизимнинг ёдгорлари кўзи мўлтираб қолаверадими? Сенинг ҳолинг нима кечади? Йўқ, йўқ, тавба қилдим, ҳали ўлишга ҳаққим йўқ мени...

Мамлакат холанинг тилаги ижобат бўлдими, у тез оёққа турди. У энди келинини автобус бекатида кутиб ўтирадиган бўлди. Албатта бу дарҳол қўшни аёлларнинг кўнглини очиш учун бир баҳона бўлди.

– Мамлакат хола яна бекатда ўтирибди-я, – гап бошларди биттаси.

– Вой, бирам келинини алқайди, оғзидан бол томади, фақат ялаб-юлқаши қолди, холос, – дейди иккинчиси оғзини тўлдириб.

– Билмаган одам уларни қайнана-келин эмас, балки она-бала дейди-я! – гапга қўшилади учинчиси. – Боқадиган ўғли ўлиб кетди, энди келиним ҳам ташлаб кетмасин деяётган бўлса кераг-ов...

Шундай кунларнинг бирида Холматнинг нақ бузоқдек келадиган бўрибосар ити ечилиб кетиб, Мамлакат холанинг ҳовлисига кириб қолди. Унинг ҳовлига қандай киргани номаълум, аммо бу итнинг ўта қопонғичлигини билган Мамлакат ҳола қўрққанидан кўча томонга қараган деразадан ташқарига ошиб тушди-да, Мехри холаникига югорди. У тағин набиралари мактабдан келиб қолса, ит тишлаб олмасин деб, дарвозани ташқаридан қулфлаб кетди.

– Вой, хозиргина Холматим шу орада ивирсиб юрувди-я! – деди Мехри ҳола довдира. – Биронта ўртоғиникига тентираб кетган, шекилли. Ҳали замон келиб қолса, итини боғлаб қўяр. Мен унинг итини ушлай олмайман. Кўрқаман.

Шу пайт тиржайиб ҳовлига Холмат кириб келди. Мамлакат холани кўрди-ю, дарҳол юзидағи кулгу ўчди. Итнинг ечилиб кетганини эшишиб, бепарвогина бир четга тупурди-да, Мамлакат холаникига жўнади. Дарвоза очилганида Мамлакат ҳола ичкарига шундай қаради-ю... боши айланиб, дарвозахонанинг деворига суюниб, ўтириб қолди. Ҳовли тўла товуқ пати, ҳар ер-хар ерда бўғизланган товуқлар қонига булғаниб, бўкиб ётар, ҳовлидаги эндингина гулга қирган помидор, баклажон, булғор қалампири кўчатлари сингац, пайхон бўлганди. Олапар эса ҳовлининг бир бурчагида бамайлихотир товуқ гўшти билан ўзини сийларди.

– Вой-ей, бу не кўргулик? – йиғлаб юборди Мамлакат хола. – Холмат, нега итингни қўйиб юбординг, қилиб қўйган ишини қара уни! Етимгина набираларимнинг ризқини қийибди-ку, бу жувонмарг бўлгуринг!

– Итимни қарғаманг, айб товуқларингизнинг ўзида!
– тўнғиллади Холмат Олапарнинг бўйнига арқон ташлаб, боғларкан. – Агар товуқларингиз кўзини сузмаганида эди, итим арқонини узмасди, билдингизми?!

– Вой, бу нима деганинг... – деган жойида Мамлакат хола Холматнинг ити нега “ечилиб кетганини” нинг сабабини тушунди-кўйди. – Майли, итинггаям боқсан бало бордир, кўрасан ҳали, худодан қайтади.

– Э-э, худони тинч қўйинг! – жаҳл билан вишиллади Холмат Мамлакат холанинг юзига юзини яқинлаштириб. Кампирнинг димогига гуп этиб арокнинг қўланса ҳиди урилди. – Мен ўзимга ўзим худоман, тушундингизми? Итимга ҳам! Ҳали, қараб туринг, шунақанги эсингизни қиритиб қўяманки, сиз ҳам, анави манжалаки келинингиз ҳам кунингизни кўрасизлар. Сиз-чи, кампир, – у ўқловдек келадиган кўрсаткич бармоғини кампирга ниқтади, – ҳали оёғимни ялайсиз. Келинингиз эса чўрим, канизагим бўлади, тушунарлимни?

Эгасининг кайфияти таъсир қилдими, бўрибосар ити ваҳшат билан бир ириллаганди, Мамлакат холанинг эс-хуши бошидан учди-кетди. Бир вақт ўзига келиб қараса, тепасида тўнғич набираси Нодиржон турибди. Боланинг кўзи тўла ёш, митти қўлчалари билан бувисининг ёқасидан тортқидаяпти.

– Йиғлама, қўзичноғим, йиғлама, – деди Мамлакат хола зўрға қаддини ростларкан. – Майли, ёмонларга ҳам боққан бало бордир...

Мамлакат хола йиғлай-йиғлай, ҳовли сахнида сочилиб ётган товуқларни йиғишира бошлади. Оз эмас, кўп эмас, нақ йигирма тўртта товуқ-а! Ҳаммасини бўғизлаб ташлабди, беақл ҳайвон. Ахир бу товуқларни келини не умидлар билан бокаётганди, “Эрта-индин ёзги таътил бошланай деяпти. Товуқларни ёз бўйи боқиб, янги ўкув йили бошланишига сотсак, ҳарна болаларнинг кам-кўстига ярайди, жиллақурса китобдафтар, кийим-бош олармиз” деганди бечора. Ҳали манави аҳволни кўриб, не кўйга тушаркин шўрлик... Мамлакат хола ўйлай-ўйлай, бир қарорга келди.

– Роҳила, жон болам, энди менга қулоқ сол, – деди Мамлакат хола кечқурун ётиғи билан сўзлашга ҳаракат қилиб. – Худо менга қиз бермади, шунда келиним қиз бўлсин, деб ният қилдим. Ёлғизимни кўпайтириб, қиз ўрнига қизим бўладиган келинимни сира хафа қилмайман, иккинчи онаси бўламан, дегандим, ниятимга етдим, Оллоҳга шукр. Энди, жон болам, икковимизнинг ҳам пешонамиз шўр экан, суянган тоғимиз – Ботиржон пешонамизга сиғмай кетди.

Мамлакат хола пешонабоғининг учи билан кўзини артди. Аллақачон кўз ёшлари юзларини юваётиган Роҳила у гапни қаёққа бураётганини билолмай, гап қўшди:

– Кўйинг, ойижон, хадеб йиғлайверманг, тағин қон босимингиз ошиб кетмасин.

– Сени қизим деганман, энди ҳам қизим эканлигинги кўрсат, – бор иродасини жамлаб, сўзлай бошлади

Мамлакат хола. – Турмушга чиқмасанг бўлмайди, қизим...

– Нима-а?! – Роҳиланинг оғзи очилиб қолди. – Ойижон, нималар деяпсиз, ўзи?

– Бошқа иложинг йўқ, қизим. Анави ит эмганлардан химоя қиласидиган эркак керак сенга. Биламан, сен бундистамайсан, мен ҳам... Аммо бошқа чорамиз йўқ – Холмат сени энди тинч кўймайди. Нима ҳам қиласидик, пешонамиз асли шўр экан...

– Ойижон, шу ердан кўчиб кетайлик, – ўтинди Роҳила – Келинг, шаҳарга кўчиб кетамиз. Ахир Тошкентдай жойга излаб бормас...

– Йўқ, бу ерда ўғлимнинг қабри бор, – унсизгина елкалари титрай бошлиди кампирнинг. – Колаверса, ота-онам, Ботиржонимнинг отаси... ҳаммаларини ташлаб қандай кетаман...

Роҳила жавоб бермади. Қайнанаси ҳам индамади. Роҳила бу гапни қайнанаси унтиб юборишидан умид қилганди, аммо орадан бир ҳафта ўтгач, Мамлакат хола яна шу ҳақда оғиз очди: икки маҳалла нарида яшовчи Нурматжон исмли йигитдан совчи келганмиш. Узоқ йиллардан бери бефарзанд бўлган Нурматжон айб ўзида эканлигини билганидан сўнг хотинининг жавобини бериб юборибди. Энди фарзандлари бор, покиза бир аёлга уйланиш ниятида эмиш.

Мамлакат хола йиглади-сиктади, ишқилиб, Роҳилани Нурматжонга турмушга чиқишга кўнмагунича кўймади. Кейин тўнгич набирасини олиб қолиб, Роҳиланинг Нурматжонникига кўчиб кетишига розилик билдириди. Аввалбошда Мамлакат хола кунда-

кунора Роҳилани кўргани келиб юрди-ю, охири бўлмади: қон босими ошиб кетиб, ётиб қолди. Роҳила ишхонасидан таътил олиб, иккинчи онаси – қайнанасини парвариш қила бошлади.

– Болам, ҳадеб ўзингни уринтираверма, менинг ҳам кетадиган вақтим етди. Фақат сенга бир гапни айтиб ўйай, эсингда тут: бир кун келиб Холмат сенга кўрсатган хўрликларининг жазосини олади.

– Майли, ойижон, уни қўяверинг, ўзингизни ўйланг, – деди Роҳила. – Уни-ку, тўнғиз қўпса ҳам ачинмайман, фақат қон босимингиз ошиб кетишини истамайман.

– Ахир бир куни худодан қайтади, – такрорлади қайнанаси худди унинг гапларини эшитмаётгандек. – Яратган Эгам арқонни узун ташлаб қўйиб, бандаларини кузатиб ўтиради, қизим. Мен уни худога солғанман...

– Ойи... ойижон, қўйинг, – ялина бошлади Роҳила. Шу онда тўсатдан қайнанасининг юзи ҳаракатсиз қотиб колганини сезди ва даҳшат босиб, қичқириб юборди.

Мамлакат холанинг маъракаларини ўтказгандан кейин Роҳила ўзи келин бўлиб тушган, баҳтиёр кунлари ўтган, фарзандларининг киндик қони тўқилган бу ховлини сотиб юборди. Ҳар бири қайнанасини эслатиб турадиган буюмларини олиб, йиғлаб-йиғлаб кетди. Аввалига ўтган кунларини эсдан чиқаролмай, янги турмуш ўртоғи Нурматжонга билдирамай йиғлаб юрди. Аммо тез орада мўъжиза юз берди-ю, у барча баҳтсизликларини унугиб юборди. Шифокорлар кўп йиллардан бери Нурматжонга бенуштлик ташхисини қўйиб келаётган бўлишка-да, Роҳила қизчалик бўлди...

– Жуда расво кун бўлди-да, – деб кириб келди Нурматжон бир куни.

- Ҳа, тинчликми? – сўради Роҳила.
- Э, анави илгари яшаган маҳаллангда биттасининг томи кетиб қолибди.
- Кимнинг, нима бўлибди?
- Холмат ака деган бир одам бор экан, ўша одам руҳий хасталикка учрабди. Аввал касалхонад даволатишибди, энди уйида эмиш. Боя уни кўриб, тиббий рўйхатга олиб кўйиш учун боргандим. Келини қайнатасининг уйига киришга кўркишини айтди. Бир куни чой бергани кирган кенжা келинига тажовуз қилган экан, бечора зўрға қочиб қутулибди. Кирсам, хонадаги ҳидга чидаб бўлмайди: иштонини тўлдириб кўйибди. То ўғли ишдан келмагунича шу аҳволда юрармиш. Ўғли қайтганидан сўнггина келини ювинтириб, кийинтириб қўярмиш. Кенжা келини бўлса, қайнатасининг аҳволидан кўркиб, отасиникига кетиб қолибди...

Нурматжон яна нималар деди, Роҳиланинг қулоғига кирмади. У унут бўлмаса-да, қалбининг туб-тубига кўмиб юборган хотираларини эслади. Ҳар куни йўлини пойлаб, ҳақоратлайдиган Холматни эслади. Унинг қайнанаси Мамлакат холага “... сен оёғимни ялайсан, келининг чўрим бўлади” дегани ёдига тушди. Шу пайт кўз олдида қайнанасининг сиймоси пайдо бўлди: “Ахир мен уни Худога солғанман, дегандим-ку...”

- Ойижоним-ей, – деб юборди Роҳила беихтиёр.
- Нималар деяпсан? – эрининг ажабланган товуши эшитилди.

Роҳиланинг хуши жойига келиб, жилмайди.

– Келинг, қўйинг, бирорларнинг дардини гапирманг.

Хар кимки нени кўрса, пешонасига ёзилганини кўради,
ўзи қилган ишлари учун жавоб беради...

Роҳила тўсатдан жим бўлиб қолди, чунки у қайнанаси
доим қайта-қайта айтишдан эринмайдиган гапларни
айтаётганини сезиб қолганди.

ИШОНЧ ҚУДРАТИ

– Ҳа-а, бўйнигинанг узилиб, ўлигинг кўчаларда
судралиб қолсин-а! Сочларинг сартахтага ёилиб,
жонинг ҳиқилдоғингдан чиколмай қолсин! Илоё,
оғзингдан лахта-лахта қонларинг келсин!

Сабзи ўтоқ қилаётган Жамиланинг бели зирқираб
оғриса-да, қаддини ростлашга ва ҳовлидаги тахта
сўрида хамир қораётган қайнанаси томон ўгирилиб
қарашга кўрқади. Ўнг қўли билан ёввойи ўтларни юлса,
чап қўлини белидан ололмайди, гўё олса бели синиб
кетадигандек. Қайнанасининг эса овози тобора
баландлаб боради, шаҳд билан хамирни муштларкан,
гўё қарғашдан куч олаётгандек жафи тинмайди.
Жамила эса қайнанаси нима сабабдан эрталабданоқ
тўнини тескари кийиб олганига, ким билан урушиб
улгургани-ю ҳозир кимни қарғаётганини тушунолмай
гаранг. Шу сабабдан ҳам кўзи ёришига икки ҳафта
қолганига қарамай, пушталар орасида чўнқайганча
сабзи ўтоқ қилиш билан овора. Унинг иш қилаётганини
кўрса, қайнанаси ҳарна камроқ турткилайди...


– Вой, ит уруғ-ей, овози чикмайди-я! Тилгинанг
кесилиб, гунг бўлиб ўлгин! Отингни ҳам айтольмай
қолгин, ҳа-а, қовоғарига ўхшаб ғўнғиллаб қолгин!

Илоё, боланг оғзингдан келиб, туголмай ўлгин!

Шундагина қайнанаси ўзини қарғаётганини Жамила тушушиб етди, аммо нима гуноҳ қилганини билолмади. Хўрлиги келди, томоғига бир бўлак чақиртош тиқилиб қолгандек бўлиб туюлди. Ахир у умрида қайнанасига тик боқмаган, гап қайтармаган бўлса, шунчалар қарғашнинг нима кераги бор? Тўғри, қайнанаси Умриниса опа жанжаллашишни, айниқса “бураб-бураб” қарғашни яхши кўради, аммо... “Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди” деган ақида билан ўсган Жамила бу қарғишларни эшитганида юраги орқасига тортиб кетади. Эри Неъматжон мўмингина, камгап йигит бўлганиданми, онасининг қарғашларига жавоб ҳам қайтармайди, “булбулигёё”нинг илҳоми келган пайтларда ўрнидан шартта туриб, кўчага чиқиб кетади. “Нимаям қилардинг, сен – келинсан, чидашинг керак, – дейди Неъматжон бавзан хотинига насиҳатомуз. – Ҳамма қайноналар ҳам бир, барининг тупроғи бир ердан олинган”.

Жамила эса... беш йилдан бери қайнанасининг қарғишларига кўниколмайди, ҳар сафар ўзиними ёки бироними қарғаётганида юраги титраб кетади. Мана, оқибатда қон босими ошиб кетадиган бўлиб қолди. Биринчи фарзанди ўлик туғилди. Шифокорнинг айтишича, онасининг қон босими баланд бўлса, болага ёмон таъсир қиласмиш. Касалини даволатгунича ҳам қайнанасидан эшитмаган гапи қолмади.

Энди иккинчи фарзанди дунёга келишига ҳам саноқли кунлар қолди Шифокорлар яна Жамиланинг



қон босими ошиб кетишидан хавфсирашыпти. Бунинг устига, бола күндаланг ётганмиш, жаррохлик йўли билангина туғдириб олишармиш. Куни кеча қишлоқ шифокоридан шу гапни эшитиб қайтган Умриниса опа “қайнагандан қайнайпти”. Жамила эса боласи ҳақида ўилашга ҳам кўрқади. Яна бир бало бўлса-я, қон босими ошиб кетсами ёки айтганлариdek жарроҳи қилишсами... уй юмушларига ярамай қолади-ку, унда қайнанаси нима деркин?..

Жамила кўзини очганида касалхонада ётганини, тёпасида беш-олтита доктор куймаланаётганини кўрди. Билса, яна қон босими ошиб, сабзи пуштаси орасида йиқилиб қолган, шу тарзда бир соатдан ошиқча ётган экан. Бахтига, Нематжоннинг трактори бузилиб қолиб, қандайдир эҳтиёт қисмни олгани уйга келиб қолибди..

— Хотинингизни Тошкентга жўнатамиз, — бош шифокор қовоғини уйганча Нематжонга ўқрайди. — Бу кетища ҳам боласиз, ҳам хотинсиз қоласиз!

Шу тариқа Жамила Тошкентга — илмий-тадқиқот институтининг тұғруқхонасига келиб қолди. Мана, касалхонада ётганига ўн кунча бўлди ҳамки, эридан дарак йўқ. Ўша куни Нематжон хотинини бу ерга келтириб ётқизди-ю, шу бўйи бадар кетди. Жамила қайнанаси рухсат бермагунича эри келмаслигини яхши билади, шунинг учун уни кутмайди ҳам. Аммо... палатадош аёлларнинг олдига кун бўйи беш-олтиталаб ҳол сўрагувчилар ташриф буюрганида, улар келтирган бирдунё ноз-нематларни Жамилагага ҳам узатишганида, унинг хўрлиги келади. Икки ҳафтада бир марта

хотинини келиб күрөлмаган эридан хафа бўлади, қариндош-уруғларидан узокда – бегона шаҳарда мусофири бўлиб, бир оғиз ширин сўзу бир коса иссиқ овқатта мухтож бўлиб қолганидан ўксинади. Касалхонада оч қолаётгани йўқ, уч маҳал иссиқ овқат берилади, аммо Жамила қорнига эмас, қадрига ийғлайди...

– Вой-вой, манави хотинни қаранглар, эси жойидами ўзи буни? – жаранглаган овоздан Жамила сапчиб тушади-да, дарров кўз ёшларини артади.

Бу – Маҳлиёхон. У кеча кечкурун касалхонага келганига қарамай, аллақачон ҳамма палаталарга кириб, аёллар билан танишиб, кимларгadir латифалар айтиб, кулдириб, кимларнингдир ҳасратларини эшлитиб, маслаҳатлар ҳам бериб чиқишига улгурган. Палатада эса дарров “малика” вазифасини ўтай бошлади. Беш нафар аёл ўн кундан бери фақат ўз касали, ташвишлари ҳакида гаплашишар, эри ва қайнаналарини гийбат қилиш билан вақт ўтказишарди. Аммо Маҳлиёхон келди-ю, дарров “кундалик тартиб”ни ўзгартириди-кўйди.

– Эрлару қайнаналарни ўтмишда қолдириинглар, – деди у амрона бир оҳангда. – Эр билан қайнаналар салбий қувват манбаидир, уларни эслаш соғлиғингизга зиён келтиради. Касалингиз ва ташвишларингизни ҳам унутинг, чунки буларни гапираверишдан сирам фойда йўқ. Бугундан бошлаб то эсон-омон болангизни бағрингизга босиб олгунингизга қадар фақат яхши гаплардан гаплашамиз. Истаганлар биринчи муҳаббати ҳакида сўзлаши, хоҳлаганлар эса латифа айтиб бериши

мүмкин. Фақат, битта шартим бор: латифа айтилган пайтда . хаҳолаб кулмаганлар палатадошларини музқаймок билан сийлашади. Маликаи Маҳлиёхоннинг амрига розимисизлар?

— Маликаи Маҳлиёхоннинг амрига розимиз! —
шүхчан оҳангда бидирлади бурчакдан Зарифа.

Унинг буйраги оғрир, бадани шишиб кетган, тинмай инкіллаб ётарди. Аммо Маҳлиёхон келганидан бери Зарифа ҳам ўзгариб, чеҳраси очилиб қолди.

Жамила эса тинмай латифа айтишдан чарчамайдиган, бир гапирса ўн қуладиган, оппоққина, юзида сепкиллари бор, озғингина Маҳлиёхоннинг оғзига термудганича ўтиради. Маҳлиёхоннинг ўзи ҳам қон босими хавфли даражада ошиб кетгани туфайли бу ерга, келиб қолган. У келганидан сўнг ҳатто бош шифокор ҳам бу палатага тез-тез бош суқадиган бўлиб қолди.

Муолажаларингиз тугади, қон босимиңгиз меърига тушди деди бир куни бош шифокор Жамилани хузурига чақириб. — Боланинг туғиладиган муддати келди, аммо тўлғокдан дарак бўлмаяпти, устига-устак бола кўндаланг ётибди, муолажаларимишга қарамай, унинг ҳолати ўзгармаяпти. Энди жарроҳи қиласак бўлмайди!

“Жарроҳи” сўзининг ўзиёқ Жамиланинг икки ҳафта давомида зўрга пастга тушган қон босими ни яна ошириб юборди. Шифокорлар зир югуриб унга муолажа қилишга тушишди, иккала қўлининг томирига дорини томчилатиб қўйишиди.

— Жамилахон бугун жарима тўлайди, чунки

маликанинг амрига бўйсунмай, қон босимини ошириб юборди, – деб эълон қилди Маҳлиёхон ниҳоят Жамиланинг қон босими тушганидан сўнг. – Жазо шарти шундан иборатки, Нематжон ниҳоят жуфти ҳалоли борлигини эслаб, боши оғиб, бу ерга қадам ранжида қилганида ҳаммамизга биттадан музқаймоқ олиб беради. Унгача эса Жамилахон ҳар бир латифага кулиб туради. Кулолмаса, рақс тусиб беради!

Маҳлиёхоннинг боласифат гапларига Жамила кулиб кўя қолди. У ўзини ёш қизалоқдек тутадиган бу озғингина аёл катта журналист эканлигини ҳам, касали жуда жиддийлигини ва ҳаёти хавф остида турганини ҳам яхши биларди. Аммо ўзини жиловлай олиши-чи? Эҳтимол, ўқиган аёлларнинг ҳаммаси шунақа билимдон бўлишса керак... Жамиланинг шу жиккаккина аёлга жудаям ҳаваси келди. Қанийди, у ҳам шунақа, ўзининг ўрнини, ҳурматини саклай биладиган, иродали аёл бўлолса...

– Жамилахон, ҳар бир инсонда ирода бўлади, – деди Маҳлиё кутилмаганда унга ўгирилиб. – Бу нарса, айникса, аёлларда кучлироқ. Сиз ҳозир ўзингизни эмас, болангизни ўйланг. У сизга қанчалик керак бўлса, сизнинг соғлифингиз унга шунчалик зарур. Демак, сиз уни эсон-омон туғиб олишингиз шарт. Бош шифокор эртага сизни жарроҳи қилишларини айтди. Аммо бундан қўрқмаслигингиз керак, чунки ҳамма нарсанинг боши аввало – Яратган эгамдан, ана ундан кейингина бандасидандир. Сиз Аллоҳдан мадад сўранг, бошқа нарсани ўйламанг, – Маҳлиё сирли жилмайди. – Яхиси, тунда йўлакнинг у бошидан бу бошигача

минг қадам юринг. Ҳар қадам босганингизда ҳаётингизда юз берган биронта баҳтли ёки кувончли воқеани эсланг. Агар умрингизда юз берган мингта кувончли воқеани эслай олсанғиз, унда болангиз жарроҳисиз туғилади.

– Ростданми? – Жамиланинг юрагида умид учқуни пайдо бўлди.

У ҳозир Маҳлиёхон ҳазиллашаётганини сезмас, ҳамхонасининг сўзларига чипла-чин ишонганди.

– Бўлмаса-чи! – бош иргади Маҳлиёхон.

Маҳлиёхон яна нималар деди, Жамиланинг қулоғига кирмади. У хонадошлари кулаётганини кўрса-да, гапларини эшитмасди. У энди тун тезроқ киришини кута бошлади. Жамила умрида ҳеч қачон бунчалик интизор бўлиб тун киришини кутмаганди.

Ниҳоят, кечки муолажалар тугаб, палатадаги аёллар уйкуга ётишди. Маҳлиёхон латифа айтавериб силласи қуриди шекилли, боши ёстиққа тегиши билан пишиллаб ухлаб қолди. Шунда Жамила аста ўрнидан турди, йўлакка чиқди. Бири ёзув столига бошини қўйганча, уйкуга “асир тушган”, иккинчиси бир тўда қоғозларни титкилаб ўтирган навбатчи ҳамшираларга бир караб қўйди-да, йўлак бўйлаб юра бошлади.

Мана, у бир қадам босди. Тўхтади. Ҳаётидаги энг баҳтли кунини эслашга уринди. Аммо баҳтли воқеалар сира эсига келмас, эслашга тиришгани сарий кўпроқ қайнанасининг қарғашлари-ю жанжаллари ёдига тушаверар эди, холос.

Жамила шу алфозда анча турди. Тўсатдан, у ўзини жуда баҳтли ҳис қилган кунини эслади. Ўшанда – тўнғич фарзанди туғилмасидан аввал, – Жамила юраги

остидаги нуридийдасининг заифгина ҳаракатини сезган, гүё у оёқчаларини тўпиллатиб, ўзининг ҳам бор эканлигидан хабар бераётгандек бўлганди. Ўшанда Жамила ўзини қанчалар баҳтли ҳис этганди-я!...

Доимий уруш-жанжаллардан зада бўлган, ҳаётида нурли кунлар тугул, ҳатто ёруғроқ дарча ҳам қолмаган, ҳамма нарсадан кўнгли совиган аёлнинг ҳорғин юзида табассум пайдо бўлди. Майли, фарзанди пешонасига сиғмаган экан, ўрнига-ўрин бошқасини Аллоҳ бердик! Ишқилиб, бу фарзанди эсон-омон, саломат туғилса бўлгани...

Гўё ўзини эсланганидан хурсанд бўлгандек, юраги остидаги митти вужуд питирлашга тушди. Жамила дала ишларидан қуруқшаб, ёрилиб кетган қўлининг кафтини питирлаётган митти вужуд устига босди ва ўзича шивирлади: “Ховлиқма, болагинам, яқинда мени кўрасан. Ўғил бўлсанг ҳам, қиз бўлсанг ҳам, барибир сени жудаям яхши кўраман”.

Жамила Маҳлиёхоннинг ҳар бир сўзига чиппа-чин ишонганди. У мўъжиза юз беришини, “Боланг кўндаланг ётибди, жарроҳисиз туғсанг, ўласан!”, деган қищлоқ врачи тилини тишлаб қолишини шунақсанги истардики...

– Анави хотин нега у ёқдан бу ёқقا юраверади? – ажабланиб деди орқадан кимдир.

Йўлакдаги навбатчи ҳамширалар икки соатдан бери Жамиланинг бир қадам босиб тўхташи ва бир неча дакиқа ерга тикилиб туриб, яна бир қадам ташлапшини кузатиб ўтиришарди.

– Кўявер, томи кетиб қўлган уни, – деб жавоб берди иккинчи ҳамшира. Буниси ўрта ёшлиардаги, босикқина

аёл эди. – Жарроҳи қиласиз, дейишганига ўтакаси ёрилиб ухломаяпти. Майли, индама, яна бир оз юрса, чарчаб, ухлагани кетади.

Жамила саноқдан янгишиб кетди. Бунинг устига кўп юргани таъсир қилдими ё уйқусизликданми, боласи ҳам бетиним қимирлар, у питирлагани сари Жамиланинг кўнгли беҳузур бўлиб бораради.

Йўлак охиридаги деразадан ғира-шира тонг ота бошлагани сезилиб қолди. “Ҳайрият-э, тонг отиб қолибди!”, деб ўйлади Жамила. Ва, шу ондаёқ хаёлига лоп этиб бугун ўзини жарроҳи қилишлари кераклиги тушди. “Эй, худойим-ей, ўзинг асрарин”, деб шивирлади Жамила даҳшатга тушиб. Тўсатдан бутун вужудини қаттиқ оғриқ қамраб олди, гўё кимдир ўткир пичоқ билан уни қиймалаб ташламоқчи бўлаётгандек эди. Оғриқ зўридан Жамила қичқириб юборди, икки буқчайганча деворга суяниб қолди.

Йўлакда мудраб қолган ҳамшира сапчиб туриб, югуриб келди-да, хушидан кетаёзган Жамилани ушлаб қолицга улгурди. Тонготар маҳалда Жамила сингари бедор ўтирганлар кўп экан, шекилли, бирпасда йўлак одамга тўлди: бемор аёллар, навбатчи ҳамширалар, шифокорлар...

Икки ҳамшира дарроғ Жамилани аравачага ётқизиб, итариб кетишли. Навбатчи шифокор оқ ҳалатини елкасига ёпинганча, қўлида бир тўда қоғоз билан уларга эргашди. Жамилани бешинчи қаватдан учинчи қаватга – жарроҳлик операциялари бажариладиган жарроҳхонага олиб тушишлари керак эди, аммо аксига олгандек, шу пайтда лифт ишламай қолди. То лифт ишлагунича ўтган икки дақиқа давомида навбатчи

шифокор сўкинавериб, ҳамширанинг ҳам, оғриқдан додлаб юбораётган Жамиланинг ҳам жонини ҳиқилдоғига келтирди.

– Нега беморни бизга олиб келдинглар, уни биринчи қаватга олиб тушинглар! – деб ўшқирди жарроҳхона бошлиғи навбатчи шифокорга. – Кўзингиз қаерда тутрук бошланибди-ку, ахир?!

– Уни бугун жарроҳи қилишимиз керак, мана бош шифокорнинг йўлланмаси! – қичқирди навбатчи шифокор ўз галида. – Бу жарроҳи режалаштирилган, унинг боласи кўндаланг ётибди!

– Қанақасига кўндаланг ётади, бола аллақачон боши билан ростмана туғила бошлабди-ку?! – заҳарханда қилди мудир. – Нарироқ туринг, энди биринчи қаватга ҳам етқизиб боролмайсизлар...

Жамила у ёқда турсин, ҳатто аравачани итариб келган ҳамшира қиз ҳам шифокорларнинг нима ҳақда гаплашаётганларини тушунолмай, гоҳ унисига, гоҳ бунисига анқаярди.

– Нега лаллясан, кўтаришиб юбор беморни! – ўшқирди жарроҳхона бошлиғи ҳамширага. – Эҳтиёт бўл, бола ерга тушиб кетмасин...

Жамила эшитган охирги сўз шу бўлди. Кўзини очганида палатада ётганини кўрди. Ёшгина ҳамшира қиз томирига дорини томчилатиб юбормоқда эди.

Жамила нима бўлганини сўрашга ботинолмади.

– Вой, уйғондингизми? – қувониб деди ҳамшира. – Табриклайман. Бирпас чиданг, ҳозир ўғлингизни олиб келиб кўрсатаман. Ўзиям полвон экан-да, худди айиқнинг боласига ўхшайди. Уч кило олти юз...

Ўғил... Ўғил-а! Наҳотки, бу туш эмас, ўнги бўлса?!

Жамила қулоғига ишонолмай, ҳамширага тикилди.

– Жарроҳи-чи?

– Нима “жарроҳи?” – тушунмай сўради ҳамшира. – Ҳа-я, эсим қурсин, сизни жарроҳи қилмоқчи бўлишган экан-а? Болангиз ўзи туғилди, ҳатто туғруқ хонасига олиб боришга ҳам улгурishолмади. Ҳеч қандай асорат ўйқ. Болада ҳам, сизда ҳам. Ўғлингизни кўрасизми? Ҳозир олиб келаман!

Ҳамшира қиз пилдираганча чиқиб кетди. “Кўрасизми?” эмиш-а! Ҳамшира билсайди, бу бола Жамила учун қанчалар қимматга тушганини... Жамиланинг эсига яна ўзини жарроҳи қилмоқчи бўлғанлари тушди. Наҳотки, врачлар янглишган бўлишса? Уларнинг хатосини деб, Жамила шунча ой ич-этини еб, титраб яшадими?..

Тўсатдан бош томондаги телефон жиринглади. Жамила чўчиб тўшиб, телефонга қаради. Кейин ўзига келиб, гўшакни кўтарди.

– Жамилахон, табриклайман! – гўшакдаги овоз қулоғини тешиб юборай дерди. – Ҳозир уйғонсам, шунча тўполондан бехабар қолганлигимни айтишди. Табриклайман, жуда зўр иш бўлиби... Жамилахон, илтимос мени кечиринг.

– Нега? – ажабланди Жамила.

У Маҳлиёхоннинг овозини энди таниганди.

– Мен ахир ҳазиллашган эдим, – гуноҳкорона оҳангда деди Маҳлиёхон. – Шунчаки, ҳадеб нолийвермаслигингиз учунгина ҳам минг қадам юрсангиз, боланинг вазияти тўғриланиб қолишини тўқиб чиқаргандим. Бўлган воқеани эшитиб, ўзимни

шунақанги гуноҳкор ҳис этяпман-ки... Бош шифокор билан гаплашдим. Унинг айтишича, мўъжиза юз берганмиш. “Кўндаланг ётиб, бўксаси билан келаётган бола бир кечада айлациб, боши билан келиб қолганини ва шунақанги осон туғилганини умримда кўрмаганман” деяпти...

— Йўқ, Маҳлиёхон, бу мўъжизанинг сабабкори – ўзингиз! – деди Жамила. У ҳозир жуда кўп нарсани тушуниб етган, энди илгариги Жамила эмасди, – Сиз менга, шу билан бирга бошқаларга ҳам, ихлос ва ишончнинг қудрати қанчалар бекиёс эканлигини исбот қилдингиз. Гарчи сиз ҳазиллашган бўлсангиз ҳам, мен Яратган Эгамнинг қудратига, мўъжиза юз бериб жарроҳисиз кўзим ёришига ишонгандим. Мўъжиза ҳақиқатан ҳам юз берди, энг муҳими – шу!

Эшикдан чақалоқ кўтарган ҳамшира кириб келди. Жамила эса унинг қўлида ўғлинингина эмас, балки қуёшли, бутун борлиқни, ёруғ оламни кўргандек бўлди. Энг муҳими, у яхши тилак, ихлос ва ишончнинг қудратини кўрди.

Ноҳақ қарғиши ҳеч қачон урмас экан...

ТАҚДИР СИНОВИ

Жамила опа тонг ёришиши билан уйгонди. Чой қўйди, кейин ўйланиб қолди: нонуштага болаларига нима берса экан? Саққиз ёшли Анор билан олти ёшли Элмира-ку, нима берса жон деб еб кетаверади-я, аммо ўн олтига кириб қолган Нуралининг ҳар қанча овқат бўлса кўрмадим дейдиган пайти. Бола бечора

шунақанги озғинки, қовурғаларини битталаб санасанг ҳам бўлаверади. Ғинг демайди, аммо...

Жамила опа неварасига қараб туриб, юрак-бағри әзилиб кетади: бу норасидаларда нима айб эдики, ҳам отадан, ҳам онадан ажралиб, қари, қасалманд бувисининг нафақасига қараб қолишса? Айни ўйнаб-улиб, шод-хуррам ҳаёт кечирадиган ёшида бечоралар корни овқатга тўймай, эгни янги либос кўрмай, фақат кимларнингдир эски-туски кийимларини кийиб улғайишяпти. Илгари қўшнилари фарзандларининг эски кийимларини келтириб беришарди. Бу кийимларнинг баъзилари жуда эски бўлса, баъзан япянгилари ҳам учраб қоларди. Шунда кичкинтой Элмиранинг қувонишини кўриб, Жамида опанинг кўзларига ёш қалқиди. “Болам-а, бари-бир қиз боласан-да, чиройли нарсаларни яхши кўрасан, — деб ўйлади невараларига кўрсатмаслик учун кўз ёшларини енгининг уни билан сидириб оларкан. — Қанийди, онанг, кўзимнинг оку-кораси Асалим тирик бўлганда эди, сенларни шунақа қунларга ташлаб қўярмиди? Бировларнинг эски кийимларига зор қилиб қўярмиди? Йўқ, қизим тирик бўлганида фарзандларига бозорнинг энголдини кийгазган, бу бечоралар еганнинг оғзига суқланиб боқиши нималигини билмаган бўларди-я...”

Ха, Асал тирик бўлганидами... Жамила опа қизининг бўй-бастига тикилиб тўймасди. Бирам гўзал, ақлли, чаққон қиз бўлганди-ки у!

Кизи техникумни битириб, каттагина корхонага ҳисобчи бўлиб ишга жойлашганида Жамила опа қанчалар қувонган эди.... Асал икки йил ўтар-ўтмас

бош ҳисебчиликка күтарилиди, она-боланинг бағрига шамол тегиб, түққизинчи қаватдаги бир хонали уйини мана шу кенг-мўлгина ҳовлига алмаштиришди. Кейин Асал турмушга чиқди.. Куёви Бахит тузуккина йигит чиқди. Эсли-хушли, одобли, ақлли...

Жамила опа қизи билан күёванинг бир-бирига қанчалар муносиблигини, тинч-тотув яшашларини кўриб бир қувонди, бир қувонди! Аммо энди оёғини узатиб ўтиришни кўзлаган маҳалида бахтига кўз тегди. Невараси Нурали олти ёшларга кирганида, Қозоғистондан — Бахитнинг ота-онасидан шошилинчнома келди, Бахитнинг онаси оғир касал бўлиб, тўшакка михланиб қолган, укасининг хотини касал қайнанага қарашдан бош тортгани учун ота-онаси оғир аҳволда қолишганди. Кейин... Бахит билан Асал кўч-кўронини йиғишириб, Қозоғистонга кўчиб кетишиди. Жамила опа эса ҳайҳотдек кенг ҳовлида бир ўзи қолди. У кун бўйи хат ташувчи аёлни кутиб вақт ўтказар, тунлари эса қачон тонг отишини пойлаб, бедор ўтириб чиқарди. Тўғри, қизи хат ёзишни канда қилмас, байрамларда бир-икки кунга бўлса-да, келиб кетарди. Аммо ёлғизликнинг йўриғи бошқа-да...

Орадан йиллар сездирмай ўтиб кетди. Бу орада Асалнинг касал қайнанаси вафот этди, қайнотаси ҳам қазосини топширди. Аммо Асал билан Бахит негадир қайтиб келишни ортга суришаверди. Жамила опанинг “Бағримга қайтиб келсанглар бўлмайдими-я...” деган илтижоларига қизи доим кўзини яшириб “Кейинрок... Сал сабр қилинг...” дейишдан нарига ўтмасди.

Бир куни Жамила опанинг номига расмий мактуб келди. Унда қизи яшайдиган манзилга тез етиб келиши

сўралганди. Жамила опанинг юраги бежо бўлиб, ўлимлигига атаб қўйган пулларини олди-ю, самолётга чипта олгани югурди... Билсаки, куёви Нурали бир ойча муқаддам ·дом-дараксиз йўқолган экан. Қизи Асални эса уч кун мўқаддам жонсиз ҳолда катта йўл ёқасидан топишибди. Ўн ёшли Нурали, икки яшар Анор ва уч ойлик Элмирани тартиб посбонлари вақтингча етимхонага топширишибди...

Буларни эшитиб, Жамила опа жони-жаҳонидан ажралиб, ерга қулади. Ўзига қелганидан сўнг ҳам бу воқеалар ўнгига бўлаётганига сира ишонгиси келмасди. Нихоят, қизини дафн этиб, невараларини етимхонадан олиб чиқди. Бахитнинг укаси жиянларидан ҳеч бўлмаса биронтасини ўз тарбиясига олишдан бош тортди. “Ўзимнинг тўртта боламни боқиб олсан ҳам катта гап, — деди у Жамила опага хўмрайиб. — Етимхонага топшириб юбораверинглар, акам ўзи пайдо бўлиб колса, боқиб олади”.

Қизидан ёдгорлик бўлган қоракўзларни етимхонага топшириш?. Йўқ, йўқ, Жамила опа буни тасаввур ҳам қилолмади. У набираларини олиб, ўз уйига қайтди. “Худо ҳар кимни яратганида насибасини ҳам беради”, ўзини ўзи овутарди ў. “Майли, бу болалар ҳам қийналиб-эзилиб бўлса-да, бир кун оёқка туриб олишар... Фақат, улар оёқка туриб олгунича қазойим етмаса бўлгани...”

Жамила опа яратганга илтижо қиларкан, ҳам отасиз, ҳам онасиз шум етим бўлиб қолган нуридийдаларига соғлик-омонлик ва ўзига умр тилайди. “Ота-онасининг тешонасига сиғмаган бу шўринг курғурлар мендан

кейин не кўйларга тушади?” деган ўй унга тинчлик бермайди. У ҳатто ўлишга ҳам ҳаққи йўқлигини тушунади. Аммо озгинагина нафақасига тўрт оғизни тўйдириб бўлмайди-да! Болаларга кийим-кечак ҳам керак, тинмай ўсишяпти, ахир. Мактабга борадиган Нурали билан Анорга китоб-дафтар дегандек... У ёқда қозоқ тилида ўқиган Нурали бечора то ўзбек тилида ўқишни ўргангунича бир йил синфда ҳам қолиб кетди. Яхшиямки, баҳтига қўшниси Ҳафизахон – ўқитувчи, математикадан дарс беради. Ҳафизахон бир йил сабртоқат билан Нуралига ўзбек тилида ўқиши-ёзиши ўргатди.

Илгари неваралари қўшнилар берган эски кийимларни кийиб юришаверарди. Аммо бир қуни Анор кўчадан дод солиб йиғлаб келганида Жамила опа қўрқиб кетди. Кейин маълум бўлдики, Анордан бир синф тепада ўқийдиган Ақмал деган бола ўртоқлари билан келаётиб, уни масхара қилибди, ҳаммадан қолган кийим-кечакларни кийиб юришини юзига солибди. “Эгнингдаги кўйлагинг ҳам меники, ишонмасанг бориб бувингдан сўра!” деб кулибди.

Ўғил бола эмасми, Анор ориятига чидолмай, ерга думалаганча роса дод солди, кейин эгнидаги ҳаворанг кўйлакни ечиб, йиртиб ташлади. Бувиси ҳам, акаси Нурали ҳам кўзлари ёшга тўлганча қараб туришар, на тасалли беришга, на койишга бирон сўз топишолмасди.

Шундан бери Жамила опа невараларига Кўйлиқ бозорининг орка томонидаги ёймачилардан кийим сотиб олади. Кийилган бўлса-да, ҳарна арzon-гаровгина. Беминнат ҳам.

Бироқ Жамила опанинг жиндақкина нафақасини сира қоринга етказиб бўлмайди-да! Нари борса икки ҳафтадан сал ошикроққа етади, холос. Кейин яна қаердан нон пули топиш ташвиши бошланади. Болалар катта бўлгани сари бу ташвиш ҳам катталаша бошлади. Бир ерга бориб ишлай, деса, ёши етмишга яқинлашиб қолган, соғлиғидан путур кетган, бир кун соғ бўлса бир ҳафта қасал, гоҳ қон босими ошиб, гоҳ оёғидаги тузлари қийнаб, икки-уч кун чўзилиб ётадиган, бунинг устига кўзи ҳам хира кампирни ким ҳам ишга оларди?

— Бувижон, ўзим катта бўлиб, яхши ишга кириб олсам, сизга кўзойнак олиб бераман, — дейди Элмираси тушмагур бувисининг пинжига тиқилиб. — Кейин-чи, чиройли кўйлак олиб бераман. Ўнта, йў-ўқ, юзта кўйлак олиб бераман, — қизча қулочини кенг ёзиб, бир кучоқ кўйлакни тасвирлаган бўлади. Кейин ўйланиб қолади. — Бувижон, анув Феруз бор-ку, ўша айтдики... Анақа... уларнинг телевизорида ҳар куни зўр-зўр мультфильмлар кўрсатишаркан. Бизнинг телевизоримиз нега йўқ?

Бувиси оғир хўрсинди. Ҳа, унинг ҳам телевизори бор эди. Мана шу уйга кўчиб келишганида, Асал кичикроқ телевизор ҳам сотиб олганди. Аммо... бир неча йил муқаддам олдинига Анор, кейин Нурали тепки деган балои азим қасал билан оғриб қолишиди. Шифокор аёл тепки оғир қасал ҳисобланмаса-да, асоратлари ёмон бўлишини, айниқса ўғил болаларда даволанмаслик оқибатида бепуштлик пайдо бўлишини хижжалаб роса тушунтирганидан сўнг Жамила хола ваҳимага тушиб қолди. Дори-дармон олишга пули йўқлиги сабаб,

телефизорини дарров арzon-гаровга сотди-да, невараларини даволатди. Ўшандан бери телевизор нималигини билмай ўтилти неваралари...

Буви яна хўрсинади.

— Бувижон, касал бўлиб қоляпсизми? — яна бижирлайди қизалок.

У бувисининг касал бўлишидан жуда қўрқади. Бувиси касал бўлмасин-да, ишқилиб... Қизалоқнинг жажжи юраги увишиб кетади. Бувиси касал бўлса, яна кийналиб ўтиришади, ҳатто нон ҳам сотиб олишолмайди... Олти яшар қизалоқнинг шунга ақли етади, у ҳам бувиси сингари оғир хўрсинади.

Улар кўпинча бувиси билан шаҳар чеккасига боришидади. Бувиси дараҳт соғсида ўтиради. Қизалок эса олдидан ўтиб кетаётган, ранг-баранг ва жуда чиройли кийинган амакилар ва холаларни томоша қиласди. Тўғри, бу амаки-холалар қизалоқقا эътибор ҳам беришмайди, унга қайрилиб ҳам боқмай, ўзларига ҳавас ила термулган коп-қора кўзларни пайқамай ўтиб кетаверишади. Баъзан-баъзан улардан биронтаси қизалоқнинг қўлига майда пулми ёки тангами бериб кетади. Қизалок хурсанд бўлади, топганини дарров бувисига элтади. Бувиси пулни қўлига олиб узок тикилади, лаблари қимирлайди, худди овозсиз гапираётгандек. Кўзларининг бурчида томчилар қалқиёди.

— Бувижон, йиғляпсизми? — ҳавотирга тушади қизалоқ. — Бувижон, йиғламанг, касал бўлиб қоласиз!

— Хўп, хўп, болам, йиғламайман, — бувиси итоаткорлик билан кўз ёшлирини артади-да, жим бўлиб

қолади. Қизалоқ эса яна қизиқиши билан чиройли кийинган одамларни томоша қилишда давом этади.

Кун тушдан оғгач, улар уйга қайтишади. Жамила хола қаерга боришганини Нуралига айтмайди. Аммо набирасининг синчковлик билан тикилган нигоҳлари бир нимани пайқагандек бўлади. Қовоғи уюлиб, қошлари чимирилиб кетади. Аммо индамайди.

Бувиси унинг бир нуқтага тикилганча узок ўтирадиган одат чиқарганини пайқаб қолди. Неварасининг бу одатини ўзича тушунади, яна юраги эзилади. Бола шўрлик ўн олтига киряпти, эҳтимол бирон қизга кўнгил қўйганми, ким билсин? Уйда ахвол бу бўлса...

Нурали саккизинчи синфни битириб, ишга кирмоқчи бўлганида, Жамила хола қўймаган, “Нима бўлса ҳам мактабни битириб олгин, тағин бир кун келиб, ўқиёлмай қолганингдан ўқиниб юрмагин”, деб насиҳат қилганди. Ўшанда ишга кириб кетганида ҳам яхши бўлармиди? Балки укаларига сал-пал мадад бўлармиди? Ўзининг эса бу ёқда яна мазаси қочяпти. Ётиб қолишидан кўркиб, ўзини мажбурлаганча ўрнидан туриб, уйда ғимирлаб юрибди-ю, факат одатдагидек “тирикчилик”ка чиқолмаяпти. Ҳарна, беш-ўн сўм нон пули бўлиб турганди...

— Эй, художоним-ей, ишқилиб шу етимларимнинг баҳтига соғлигимни бериб тургин-да! Ишқилиб, шу қоракўзларимнинг баҳтига ўлиб қолмайин-да...

Жамила хола тўсатдан остоноада турган Нуралини кўриб қолди. Неварасининг катта-катта очилган кўзлари ҳадик, даҳшат ва ваҳима ичра бувисига қадалганди.

— Ҳа, буви?

— Йўғ-э, бўталоғим, чўчима, шүнчаки ўзим хаёлга

ботиб кетибман, — кампир аранг ўрнидан турди-ю, неварасига яқинлашди. Тикандек қаттиқ соchlарини силади. — Қўрқма, болам, сенлар бор экансан, менинг ўлишга ҳаққим йўқ.

— Буви... Мен...ўнинчи синфни ўқимайман, яхшиси ишлай қолай, — Нурали бувисига илтижоли тикилди

— Илтимос, бувижон, хўп денг. Ахир ўзингиз ҳам қийналяпсиз, укаларим ҳам... кейин... “ишингизни” ҳам ташланг. Келинг, энди сизларни ўзим боқа қолай.

Ҳар сафар невараси ўқимасликдан сўз очганида оғзига уриб турадиган Жамила хола бу сафар эътиroz билдиrolмади. Нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, яна индамади.

Эртаси кундан бошлаб Нурали қўшни маҳалладаги новвойга шогирдликка тушди. Ҳаш-паш дегунча орадан бир ой ўтиб кетди-ю, ниҳоят бир куни кечкурун Нурали икки қўлида тўрхалталар, оғзи қулоғида кириб келди.

— Бугун биринчи маошимни олдим, бувижон! — деди у бувисига қараб, ўзи томон юргурган Элмирага қучоғини очаркан. Кейин чўнтағидан бир даста пул чиқариб, бувисига узатди.

— Ўзинг олавер, болам, — Жамила хола севинчидан кўзига ёш олди. — Ўзингга тузукроқ кийим-бош сотиб олгин, ахир энди ўртоқларинг билан...

— Қўйсангиз-чи, бувижон, кийим қочиб кетмас, ҳали бунақа пуллардан кўп оламан, — шарақлаб кулди Нурали. — Ҳали қараб туинг, бойиб кетамиз. Ана ўшанда сизга шунақсанги нарсалар олиб бераманки... Анорни ўқитамиз, у банкда директор бўлади. Жарақ-

жарақ пулларни санаб ўтиради. Элмира эса инглиз тили ўқитувчиси бўлади...

— Йўқ, мен ўқитувчи эмас, тикувчи бўламан! — кичкирди аллақачон бурчакдаги жойига бориб олган синглиси. У ўзининг эски кийимларини қирқиб-чатиб бир нарсалар тикиар, доим кўчада ўтиришганида лдиларидан ўтадиган гўзал холаларнинг кийими каби гўзал лиbosлар тикишга уринарди. Аммо эски кийтиқлардан яратилган “либос”лар унчалик гўзал чиқмай, қизчанинг ҳафсаласини пир қиласарди.

Нуралининг маоши сабаб, хурсандчилик недигини аллақачонлар унутиб юборган хонадонга янә қуёш мўралагандек бўлди. Невараларининг шодлийк балқиган чехраларини кўргаён кампирнинг юраги ёзилди, кўнглининг ҳовури кўтарилиди. Ҳатто бир ҳафтадан бери ўзини қийнаётган дарди — юраги санчиб-санчиб кўяётгани-ю, гоҳ-гоҳ боши айланиб, кўнглий гумуриб кетаётганини ҳам унугандек бўлди. У укаларини ёнига олиб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига гап уқтириб, бир нималарни орзу қилаётган Нуралига қараб, кўнглида ажиб бир хотиржамликни туйди. Ва астагина кўзи уйқуга кетганини сезмай колди.

Нурали бувисининг пинакка кетганини сезиб, унинг қўлидан сочилиб кетган пулларни йиғди, бувисининг ёстиғи тагига тикиб кўйди. Кейин укаларига жой солди.

— Қани, ухланглар-чи, эрталаб ишга вақтли кетишим керак!

Тонг сахарда Нурали шовқинсизгина уйдан чиқиб, новвойхонага йўл олди. Ҳар доим бувисининг

уйғотишига ўрганган укалари эса күёш терак бўйи кўтарилигандагина қўз очиши. Аммо уларнинг уйғонишига чой тайёрлаб қўядиган Жамила хола кечаси қандай ётгац бўлса, ҳамон ўша алфозда донг қотиб ётарди.

Энди уни хеч нарса уйғота олмас, бувисинин юзларидан ҳаётидан мамнун, ҳамма ишларини битириб кетаётган инсонларники сингари майин табассум муҳрланиб қолганди...

ПИСТАЧИ ҚИЗ

Туни бўйи қичқира-қичқира, ниҳоят Куёшнинг жамолига етишган хўроздарнинг бошқа қиладиган юмуши қолмай, қўндоғига чиқиб мудрашга тушган каллаи сахарда кўп қаватли уйнинг қатор тизилган йўлакларидан бирин-сирин одамлар чиқиб кела бошлашади: баъзилар ишга ёки хизматга шошса, кимдир ўқишга ёки югуриб келгани спорт майдончасига йўл олишади, бошқа бирорлар эса “кўшнисининг боши тепасида” бокадиган итларини айлантиргани олиб чиқишиади...

Яқиндагина етти ёшга тўлган, дунёдаги ҳамма боладар сингари эрталаблари узок-узоқ ухлашни жуда севадиган Дилнавознинг эса сахар-мардондан кўчага чиқиб олишдан мақсади бўлак. Қанийди, иложи бўлса эди, у ҳам күёш тиккага келгунча ухларди-я, аммо... бунинг сира иложи йўқ, чунки бирнасдан кейин теварак-атрофдаги кўп қаватли уйларда яшайдиган болакайлар пешма-пеш боғчалари томон тизилиб кела

бошлашади. Сира уйкуси ўчмай, ойижониси ширин тушини бузиб қўйганидан инжиқланаётган болалар оёқчаларини алпанг-талпанг босиб келаётган, баъзан эркаланиб, “ойиси қўлига кўтариб олмаса, боғчага бормаслиги” хакида пўписа қилаётган пайтларида Дилнавознинг худди ўзига ўхшаш миттигина онтахтаси устига ёйиб қўйилган бир дунё ширинликларни кўришади-ю, ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб, қадамлари ҳам илдамлашиб, “пистачи қиз” томон ғизиллаб кетишганини ўзлари ҳам сезмай қолишиади.

Оналарга нима керак? Албатта, боласи ҳархаша қилмай юрса-ю, уни тезроқ боғча опасига топширса ва ищхонасига вактлироқ етиб борса бўлгани-да! Шошганидан, баъзан кеч қолаётганиданми ёки боласининг инжиқлигиданми (эҳтимол, эрта тонгданоқ уйда бўлиб ўтган жанжалнинг ҳовури тарқалиб улгурмаганидандир?) қайфияти бузилиб, қовоғидан қор ёғиб келаётган она фарзанди кўрсатган ширинлик ёки сакични олиб беради-ю, яна боғча томон судраб кетади.

Фарзанди қўли билан кўрсатган ширинликни дарров сотиб олиб берадиган ойиларга ва эркалик қилишга ҳаддисигадиган болаларга қараб ўтириб, Дилнавознинг ҳаваси келади. Баъзан ҳўрлиги келиб кетади, шундай пайтларда астагина йиғлаб олади ҳам. Барибир унинг йиғисини ҳеч ким кўрмайди – эрта сахардан кўчада писта сотиб ўтирадиган қизалоқ билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Кимнинг ҳам иши бўлсин, ахир ўзининг отаси, Саида холаси... йўғ-э, ўгай онаси турганида?

“Бирор бирорни ўйлайдиган пайтми ҳозир?” деб ўйлайди онаси ўлганидан кейин худди катталардек фикр юритадиган бўлиб қолган қизалоқ. Фақат... унинг ҳам бошқа болалар сингари куни бўйи кўча чангитиб ўйнаб юргиси, кўнгли истаган шириналарни сотиб олиб егиси, ота-онасига эркалик қилгиси келади. Аммо унинг эркалигини кўтарадиган ким бор: дадаси тонг ёришмасдан ишга кетади, ярим тунга яқин келади. Опаси ўлганидан кейин поччасига тегиб олиб, энди “ойилик” даъво қилаётган Саида холаси эса илгарилари — хола эканлигида яхши эди, доимо Дилнавозни эркалаб, “асалим”, “шириним” деб атарди, энди бўлса уни кўргани кўзи йўқ, тинмай қарғайди, “кўзинг тешилгур”, “итдан тарқаган”, “сариқмашак” ва яна қанақадир хунук сўзларни айтгани-айтган.

Дилнавоз болалигига боради-да, бир вактлар ойисининг севимли синглиси бўлган холасининг энди нима сабабдан бунақанги қўпол, бақироқ бўлиб қолганига сира тушунолмайди. Баъзан, тунда эшик кўнғироғининг овозидан Дилнавоз уйғонади ва дадасини соғиниб кетганидан сакраб туриб, эшик томон чопади. Яқинда эса Саида холаси, йўғ-э, ўгай онаси Дилнавозга дадаси тунда ишдан қайтганида ўрнидан туришни таъқиқлаб кўйди. “Агар даданг ишдан келганида яна маймунга ўхшаб, сакраб туриб югуриб борсанг, нақ каллангни узиб оламан, тушундингми?” деди қизчанинг сонини қаттиқ чимчилаб. Дилнавоз тушунмасинми, эх-хе, шунақанги қаттиқ-ки!

тушунди. Тағин ҳам Саида холасининг кўли Дилнавозга бир тарсаки

туширса, нақ бир ҳафта бадани оғриб юради. Бир ойча олдин қаттиқ итариб юборганида, Дилнавознинг учеб бориб, боши иситкич қувурига урилган ва хушидан кетиб қолганди. Хушига келганидан кейин кўнгли айниб, боши гир-гир айланди, куни бўйи ўрнидан туролмай ётди. Саида холаси қўрқиб кетди, шекилли, Дилнавозга қаттиқ гапирмади, аммо қечқурун бўлган воқеани “дадасига айтса, етимхонага топшириб юборишини, ўша ерда бир бурда нонга зор бўлиб юриши”ни айтиб, қизчанинг юрагини олиб қўйди. Дилнавознинг қўлидан нима ҳам келарди..

Хаёлга чўмиб, қўзи уйкуга кетаёзган Дилнавоз олдига келиб тўхтаган қўшни аёлларнинг овозидан чўчиб тушди.

– Вой қизим-ей, намунча вақтли чиқиб олмасанг, ҳали яна бироз ухласанг бўлмасмиди? – сўради баланд бўйли, озғингина Назира опа меҳрибонлик билан.

– Эргалаб савдо яхши бўлади-да, опоқи, – хозиржавоблик билан деди Дилнавоз салом берганидан сўнг. – Боғча болалари вақтли ўтишади, кейин мактаб ўқувчилари...

– Ҳа-а, катта тижоратчининг нуқси уриб қолибди-ку, сенга? – деди биринчи қаватда яшайдиган Санобар опа.

– Бу дейман... сен савдо қилган пулларни йиғиб босавериб, ўгай ойингнинг ҳожатхонаси ҳам тилладан бўлиб кетгандир-а?

Дилнавоз болалигига бориб, қўшни аёлнинг кесатигини тушунмади, аммо бу гаплар тагида ўнта илонни ҳам ўлдирадиган заҳар ётганини тушуниб етди-да, нима деярини билмай бир Санобар опага, бир Назира опага жавдираф қаради.

— Майли, қизим, эътибор берма, Санобар опоқинг ҳазиллашяпти, — деди Назира опа қизалоқнинг кўзлари мўлтиллаб, мижжаларига ёш инганини кўриб. — Кўявер, хали бу кунларинг ҳам ортда қолиб кетар, ҳаммаси унут бўлар...

Назира опа бир-иккита ширинлик олган бўлди-ю, шериги билан йўлига равона бўлишга шошилди.

— Шу Сайдани кўрсам, бўғиб ўлдириб ташлагим келиб кетади, — гапида давом этди Санобар опа ҳамон шанғиллаганча. — Бу манжалақининг кимлигини унутдингизми? Аслида-ку, Дилрабо бечоранинг бошига етган ҳам аслида шу мегажиннинг ўзгинаси...

Санобарнинг куйиб-пишиб айтаётган гаплари Дилнавознинг қулоғидан “четда қолмади”, албатта. Айниқса, ойижонисининг исмини эшитди-ю, баданини фалати титроқ босди, ўз-ўзидан юраги сикилиб, ўксиниб кетди, мижжаларига қалқиб чиқсан кўз ёшлари ёнокларида ҳўл из қолдирганча оқиб туша бошлади...

Кўшни аёлнинг гаплари ғийбат эмас эди. Хушфеъл, оғир-вазмин ва одамларнинг дардига ҳамдард бўла олишдек ажойиб фазилати учун ҳам Дилрабони қўни-кўшилари жуда яхши кўришарди. Дилрабо ўзининг исмига уйқаштириб, “Дилнавоз” деб исм кўйган қизчасини еру кўкка ишонмас, доим “Сенга кўзлари қоп-қора ука олиб келиб бераман”, дерди. Укачаси бўлишини эшитиб, суюнганидан боши кўкка етган Дилнавоз “Ойижон, укам кимга ўхшаган бўлади?” деганида, ойиси “Уканг албатта сенга ўхшаган бўладида, пучуғим” деб бурнини чимдиб кўйганди...

Кейин ойисининг синглиси Саида келди-ю...
Дилнавоз, турган гапки, ўзи эндиғина беш ёшга

кирганида бўлиб ўтган воқеаларга унчалик ақли етмаган, яхши эслолмайди ҳам. Аммо ойижониси тўсатдан “жаннатга кетиб қолгани”га ҳам, “кўзлари қоп-қора укачаси ойиси билан бирга кетгани”га ҳам Саида холаси айбдор эканлигини жажжигина юракчаси сезиб туради.

Қизик, Саида холаси нега Дилнавозларнинг уйида яшави керак бўлиб қолган экан-а? Тавба, ўзларининг уий йўқмиди? Дилнавоз ҳанча ўйласа-да, бунга сира тушунолмайди.

Дилнавоз узоқ тоғли қишлоқда яшовчи бувиси билан Саида холаси уйларига меҳмон бўлиб келишганини яхши эслайди. Ўшанда бувиси қизига “Синглинг тиббиёт билим юртига кирди. То ўқиши тутагунича сеникида тура қолсин. Ҳарна қилса ҳам қиз бола, бегона жойларда, нотаниш одамлар орасида яшашидан чўчияпман... Ўзинг биласан, синглинг сал ўйин-кулгуга ўчроқ” деганди. Дилрабо эса кулиб, “Ҳавотирланманг ойи, синглимга ўзим кўз-кулок бўлиб тураман. Айниқса, манавиндака оғироёқлик пайтимда синглим ёнимда бўлгани ҳам яхши” деган эди. Бундай “хушхабар”ни эшитиб, бувиси роса хурсанд бўлган ва Яратгандан қизига ўғил беришини сўраб, дуо қилганди.

Синглиси уларникида яшай бошлаганидан Дилрабо жуда қувонди, Саида эса доим Дилнавозни эркалатиб, ўйнатиб, кўчаларда айлантириб юарди...

Киши кунларининг биридан Дилнавоз ойисининг йиғлаб сўзлаётган овозидан уйғониб кетди. Ойиси телефонда кўшнилари Санобар опа билан сўзлашаётган

экан. Дилнавоз ойисининг нималар деяётганига унчалик тушунмади-ю, фақат “... ўз синглим қўйнимга илон бўлиб кирганини пайқамабман-а, Санобар опа! Бир қориндан талашиб тушган синглим тузимни ичиб, тузлигимга тупуриб, эримни йўлдан урса-я! Ярим тунда уйғонсам, синглим эримнинг бўйнига осилиб турибди! Энди нима қиласай?!” деганлари эсида қолди, холос. Щу сўзларни айтаётиб, тўсатдан ойисининг овози узилиб қолди, кейин инграгани эшитилди ва тарақлаган товуш келди.

Дилнавоз аввалига қўрқиб кетди, кейин дарров ўрнидан туриб, ошхонага чопиб чиқди. Қараса, ойиси ранги оқарганча ошхона полида чўзилиб ётар, телефон гўшаги осилиб қолганди. “Ойи, ойижон, сизга нима бўлди?!?” қичқириб юборди қизалоқ ва қўрққанидан нима қилишини билолмай, онасининг ёнига чўккалаб, соchlарини силай бошлади, кўз ёшлари лўпигина юзларини юваётганини ўзи сезмасди. Кейин эшик каттиқ тақиллади. Қизалоқ югуриб бориб очса, биринчи қаватда яшайдиган Санобар опа экан. “Ойинг қани?” деб сўради Санобар опа хавотирли овозда ва қизчадан жавоб ҳам кутмаёқ, ошхона томон югурдиди. Кейин “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилди. Дилнавоз қўрққанидан нафасини ичига ютганча, ҳалиям кўзини очмаган ойисини шифокорлар замбилда кўтариб кетишганини кўрди...

Дилнавоз даставвал нега уйларини тумонат одам босганини ҳам, қовоғи осик кўшни аёллар тинмай кириб-чиқишаётганини ва нима сабабдан ўзи кун бўйи Санобар опоқисининг уйида ўтириши кераклигини

ҳам тушунмаганди. Ойисини соғиниб, йиғлайверганидан кейин эса дадаси ойисининг “жаннатга кетгани, яқин орада келмаслиги, чақалоқни ҳам бирга олиб кетгани”ни тушунтириди... Кейин Саида холаси Дилнавозга “Энди мен сенинг ойинг бўламан. Мени “ойижон” деб чақирасан” деди. Дилнавоз холасини “ойи” деб аташга тили бормагани учун Саида уни илк марта роса урди. Илгарилари Дилнавозни “асалим”, “шириним” деб эркалатадиган, музқаймоқлар олиб берадиган Саида холасини энди таниб бўлмасди: доим қовоғидан қор ёғади, айтганини қилмаса тарсаки туширади ёки бикинини чимчилаб олади, буурган юмушларини қўнгилдагидек бажармаса, “Кейинги сафар яна шундай қылсанг, каллангни узиб оламан” деб пўписа қилади, ҳатто бир куни ошхона пичоғини ўқталди ҳам. Қизалоқ барини ичига ютади, дадасига айттолмайди. Дадасига айтса, холаси ростдан ҳам калласини узиб олишидан чўчиди.

Саида аллақачон ўқишидан ҳайдалганди, шунинг учун ҳам бекорчиликдан қўчада писта-қурут сота бошлади. Бора-бора куни бўйи қўчада сарғайиб ўтиришга эринди, шекилли, ўрнига Дилнавозни ўтқазиб қўйди. Ҳар куни дадаси ишга кетгани ҳамоно Дилнавозни уйғотади, бақиришларидан уйкуси аллақачон ўчган қизалоқни кўчага — савдо қилишга жўнатади...

Боғча ёнидаги тут тагида “очилдастурхон”ни очиб ўтирган қизалоқни хаёл олиб қочиб, уйқу элита бошлаган пайтда қўчада одам гавжумлашиб қолди. Болалар боғчага, мактабга ўта бошлишди. Қизалоқ

қовоқларини тегирмон тошидек босаётган уйкуни ўчиришучун жингалак сочли бошчасини бир силкитдида, савдога киришди. Яхши, бугун эркатойлар кўп шёкилли, эрталабданоқ савдоси қизий бошлади...

Болалар боғча-ю мактабига, катталар ишхонасига кетиб, бекорчилар ҳали уйидан чиқиши истамаётган пайтда атроф яна хувиллаб қолди. Дилнавознинг қорни очди, ичаклари бир-икки қулдиради. Уйга кирсамикин? Ишқилиб Саида холаси уйғондимикин? Холаси то ўзи уйғониб, айвоннинг деразасидан қарамагунича Дилнавознинг уйга киргани бефойда. Ё вақтли уйга киргани учун жаҳли чиқиб, бақириб қарғайди ёки умуман эшикни очмайди. Уйқусини бузгани учун яна чимчилаб олар ҳам... Дилнавоз унинг чимчилашидан кўркади — қўллари худди омбурдек, бир чимчиласа борми, нақ беш-ўн кун ўша жой кўкариб, зириллаб оғриб юради...

Корни қаттиқ очиб кетган қизалоқнинг ошқозони ачишиб, киндик атрофида қаттиқ санчиқ турди. У умид билан айвончанинг ойнасига кўз тикди: эҳтимол, Саида холаси қараётгандир? Йўқ, термулгани бефойда – хеч ким йўқ, демак Саида холаси ҳали уйғонмабди.

“Яна бироз чидай қолай”, деб ўйлади қизалоқ. Кўзи усти шоколадли печеньега тушди. “Жудаям ширин бўлса керак”, деб ўйлади у.

Дилнавоз шунча ширинликларни сотгани билан ўзи уларни татиб кўролмайди. Тўғрироғи, Саида холаси рухсат бермайди. Унинг ҳар бир нарсаси ҳисобли – савдо тугаганидан сўнг пулларини синчиклаб санаб олади. Агар Дилнавоз бир дона қурут еса борми...

Дилнавоз яна шоколадли печенъега тикилди. Кўринишидан жуда щиринга ўхшайди, акс холда болалар фақат шунга ёпишишармиди? Бор-йўғи юз сўм туради...

Дилнавоз тўсатдан кўллари ўша юз сўмлик шоколадли печенъенинг қоғозини очаётганини пайқаб олди. Вой, энди нима бўлади? Саида холаси ростдан ҳам калласини узиб олади-ку?

Қизалоқнинг бармоқлари саросималаниб, қоғознинг йиртилган жойини ғижимлади. Аммо мўъжиза фақат эртакда юз беради – қизча шунча куйинса-да, қоғознинг йиртилган жойи яна бир-бирига ёпишиб қолмади. Қизалоқ битта печенъени қоғозидан чиқариб, томоша қила бошлади. Ўзиям жуда чиройли эканми? Ҳиди бирам ширинки!

Корни очлиги шу ерда ўзини кўрсатди – қизалоқнинг кўлчалари иштаҳани қитиклаб турган хушбўй исли, дум-думалоққина печенъени оғзига олиб борди ва...

– Вой! – хитоб қилди қизча беихтиёр овоз чиқариб. Қилиб қўйган ишидан юракчаси худди қафасга тушган кущдек потирлаб ура бошлади.

Кўркқанидан Дилнавознинг мияси ҳам зўр бериб ишлаб кетди, шекилли, тўсатдан хаёлига бир фикр келиб қолди. Йўқ, буни Саида холасига айтиб ўтирамайди, акс холда печенъе эвазига яна қалтакнинг ҳам зўридан ейишига тўғри келади. Яхшиси, у бугун ўзи сотадиган ҳар бир сакич, шоколадларга беш сўмдан қўшиб сотади, ўшанда билмай еб қўйган ширинлигининг пули чиқади-қўяди.

Қизча хурсанд бўлиб кетди, печенъенинг иккинчи

донасини энди күркмай оғзига олиб борди. Учинчисини еб эса кайфияти ҳам күтарилди, бояги нохуш хаёлларидан асар ҳам қолмади.

— Ҳа, башарангни ел олсин, итдан тарқаган, очофат!
— қарғанған овоз янгради учинчи қаватдаги айвончадан.
— Заҳаргиналарни егур, суқатой! Еб түймас!

Дилнавоз худди ҳозир бошига калтак келиб тушадигандек бошини елқалари ичига қисиб, ғужанак бўлиб олди. Вой, Саида холаси кўриб қолди! Энди нима бўларкин? Холаси Дилнавозни уриб ўлдириши тайин!

Йўлакдан худди қуюндеқ отилиб чиққан Саида кўрққанидан титраб турган қизчага қарамай ҳам, шартта ширинликларни бозорхалтага сола бошлади, кейин Дилнавозга қараб, ўшқирди:

— Нимага сўррайиб турибсан, итдан тарқаган, кўтар ашқол-дашқолингни, уйга кир! Ёки мен кўтарайми?

Дилнавоз кўз қири билан холасига қаради-да, халта билан хонтахтасини зўрға кўтарганча, уйга кирди. Эшик ёпилган захоти, Саида унинг кўлидаги халтани тортиб олиб, четга улоқтириди, писта-ю қурут, ширинликлар сочилиб кетди.

— Кўзимни шамғалат қилиб, кун бўйи е-еб ўтирас экансан-да, касофат! — ўшқирди Саида Дилнавознинг калласига муштлаб. — Мен аҳмоқ бўлмасам, шунча нарсани ўғритомоққа ишониб топшириб қўярмидим-а? Ҳали қараб тур, еганларингни бурнингдан булоқ қилиб чиқармасам-ми! Ҳа-а, айтганимни қилмасам, отимни бошқа қўяман...

Қорни қаппайиб, ой-куни яқинлашиб қолганига

қарамай, Саида ажабтовур бир эпчиллик билан қизалоқнинг гоҳ калласига муштлаб урар, гоҳ юзларига тарсаки тортар, ора-чора оёқлари билан тепиб ҳам қоларди. Ўзи шусиз ҳам очликдан силласи қуриган қизалоқ калтак зарбидан ғужанак бўлганча, жажжи қўлчалари билан бошини тўсишга уринар, онда сондагина “Хола, холажон, бўлди, бошқа қилмайман, кечира қолинг..” деб ўтинарди. Унга сари Саида баттар ғазаб отига минарди.

— Ҳа-а, “хола” деган тилларинг қирқилиб, соқов бўлиб қолгин! — қичқирди у яна аёвсиз калтаклашга тушаркан. — “Ойи” демайсан-а, демайсан! Майли, демагин ҳам, барибир эл бўлмайсан сен итдан тарқаган! Ҳали шундай кунингни кўрсатмасамми, қараб тургин...

Очликдан, оғриқдан, қўрқувдан қизалоқнинг митти гавдаси эгилди, қошининг ёрилган жойидан оқаётган қон кўкариб кетган юзларига, ундан оёқ тагидаги палосга оқиб тушарди. Айни шу дамда тўсатдан ошхонада тарақлаган товуш эшитилди, ошхона билан йўлак ўртасидаги эшикка ўрнатилган ойналар чил-чил синиб тушди, ғувиллаб келган елвизак шамол зарб билан Саидага урилди.

— Вой, қирғин келгур, нима бало... — қарғаниб бошини кўтарган Саиданинг қўрқувдан тили калимага келмай колди.

Холасининг беаёв калтагини еб, хушини йўқотган қизалоқнинг боши тепасида бир тутам булут парчаси осилиб тургандек эди гўё. Кейин ўща “булут парчаси” четга сурилди-ю, аста-секин катталаша бошлади ва одам шаклига кирди. Саида ҳамон қўрқувдан карахт бўлиб бакрайиб тураркан, одам шаклига кирган сояни

негадир мархұма опасига ўхшатди. Шарпа Дилнавознинг ёнида бир зум муаллақ турди-да, кейин Саида томон силжий бошлади. Саида бутун вужудини қарахтлик, қандайдир қоронғилик қоплай бошлагани, айни шу дамда қорнининг пастки томонида қаттық оғриқ турганини элас-элас пайқади. Саида күлини қорнига босди-ю, деворга суюнганча ўтириб қолди.

Шарпа яна Дилнавоз томон сурилди ва бехуш ётган митти вужудни аста ўраб олди...

Тунда ишдан қайтган Содикжон уйининг чироқлари ўчиқлигини кўриб, ажабланди. Одатда у ишдан қайгунича Саида ухламас, эшикдан киргани ҳамони дарров бўйнига осилишини канда қилмасди.

Содикжон эшикни ўзининг калити билан очиб кирди-ю... даҳшатдан қотиб қолди. Шундоққина эшик ёнида Саида деворга суюниб ўтирас, афтидан ҳушидан кетганди. Атрофда қандайдир шириналклар, қурут ва сақичлар сочилиб ётар, палоснинг устида кон ҳалқоб бўлиб, қотиб қолганди.

– Саида! – хитоб қилди Содикжон ва хотинининг елкасидан ушлаб силкитди. – Саида, сенга нима бўлди?

Саида ўзига келмаганини кўрган Содикжон эс-хушини йиғиб олди-да, уни кўтариб ичкарига олиб кириб ётқизди. Кейин нима бўлганини сўраш учун қизининг хонаси томон йўналди:

– Дилнавоз, Дилнавоз, тур қизим!

Бироқ Дилнавознинг ўрни бўм-бўш, орастა қилиб йиғиширилган кўйи туради. Даҳшатдан эс-хушини йўқотган, нима бўлганини тушунолмай боши қотган Содикжоннинг кўзи телефонга тушди. Телефон! Ҳа, “Тез ёрдам” чакириш керак!

Тез орада етиб келган шифокорлар Сайдани хушига келтиролмай, касалхонага олиб кетишиди. Содикжон ҳам қизи йўқлигига ортиқ эътибор бермай, улар билан бирга кетди...

Туни бўйи қичқира-қичқира чарчаб, ниҳоят қуёшнинг жамолига етишган хўроздар қўноғида стагина мудрай бошлаган пайтда туғруқхонадаги навбатчи шифокор Содикжонга хотинининг ҳамон хушига келмаганлигини, аммо боласи ичидан нобуд бўлғанлиги туфайли зудлик билан жарроҳлик операцияси ўтказиш кераклигини, акс ҳолда аёлда заҳарланиш бошланишини уқтириди.

Жарроҳлик операциясидан кейин Саида ўзига келди, аммо шифокорларнинг айтишига қарағанда, · у “номаълум сабабларга кўра эс-хушидан айрилганди”.

— Эҳтимол, хотинингиз қаттиқ қўркқан ёки сиқилган бўлса керақ, — деди шифокор Содикжонга ҳамдардлик билан тикиларкан. — Ёки боласи ичидан ўлиб қолгани шундай таъсир қилганмикин?..

Нима бўлганда ҳам, Саида Содикжонни танимади. У нафақат эрини, балки ўзининг кимлигини ҳам унуганди. Энди унга бу ёруғ оламнинг ҳам, дунёнинг ғалвали ишларини ҳам кераги йўқ эди. У фақат овқат ерди, уйғонарди ва яна овқат ерди, холос. Унга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ эди...

Хотини ақлдан озгани, фарзанди нобуд бўлгани, қизчаси сирли тарзда йўқолгани қаттиқ таъсир қилган Содикжон дардини унтиш учун ичкиликка берилди...

Лирик бўлмаган чекиниш. Айни шу воқеа юз берган тунда Дилрабонинг онаси Ҳадича буви ҳовлидаги

шовқин-суронни эшитиб чиқди ва дарвозаси ёнида хушсиз ақволда қонга беланиб ётган набираси Дилнавозни топиб олди. Қизчани дарров уйига олиб кириб, хушига келтирганидан кейин бўлган воқеалардан хабар топди. Кичик қизи Саида опасининг оиласини бузиб, унинг ўлимига сабабчи бўлгани, кейин эса онасига билдирмай поччасига тегиб олганни етмагандек, яна ўз жиянига қанчалар зуғум ўтказганини эшитган Ҳадича буви даҳшатга тушди. Аммо Дилнавознинг ярим тунда, шаҳардан юзлаб чақирим узоқдаги қишлоқقا (яна бехуш ҳолда) қандай қилиб келиб қолгани сирлигича қолди...

Дилнавоз тузалиб, анча ўзини ўнглаб олганидан сўнгина Ҳадича буви шаҳарга келди. Кичик қизи Саида ёруғ оламни унутган савдойига айлангани, куёви ичкиликка берилиб, ғирт пиёниста бўлиб кетганини кўрса-да, ўзида уларга нисбатан раҳм ҳиссини туймади. Аксинча, куёвига кичик қизини оқ қилганини, набираси Дилнавозни эса ўзининг тарбиясига олишини ҳижжалаб тушунтирди-да, уйига жўнади. Ҳамон жаҳлидан тушолмай, қони қайнаб бораётган Ҳадича хола биринчи қават зинасига етганида тўсатдан қаршисида муаллақ турган оппоқ шарпани кўриб тўхтади. Шарпанинг шакл-шамойилини... катта қизи Дилрабога ўхшатди. Мана, шарпа турган жойида тошдек қотган Ҳадича холага яқинлашди, оппоқ тутундек ҳилпираб турган қўлини чўзиб, аста юзини силагандек бўлди. Она юзига теккан салқин эпкинни ҳис этди, юраги эзилиб кетди, миҷжаларидан қайноқ ёш ирмоқлари жилдиради ва у тўсатдан... бўлиб ўтган воқеалар тасодиф эмаслигини тушуниб етди.

БИР АЁЛНИНГ БИР КУНИ

Махфузса соатга қарайвериб чарчади. Тўғрироғи, у куни бўйи газета саҳифаларини қайта-қайта ўқиб, текширавериб, ҳолдан тойганди. Аммо босиб келаётган уйқуни енгиб, тегирмон тошидек оғирлашиб кетаётган қовокларини зўрға кўтариб, тунги соат икки-учларгача ўсмахонада кутиб ўтирганидан сўнг, нихоят, ўлардек жонга теккан навбатчиликдан кутулганидан кувониб турганида, яна навбатчи машинани номаълум муддатгача кутиши лозимлигини эшитса борми... Ҳафсаласи пир бўлиб, дунё кўзига коронғи кўриниб кетади! Бундай вазиятда эркакларга осонроқ: бўралатиб бир-икки сўкишади-ю, сигаретини буркситиб ўтиришаверади. Махфузча-чи... У ҳеч нарсанай ўйламайди, тўғрироғи, ўлардек чарчаганидан мияси караҳт, онги ҳам жонсиз бўлиб қолгандек. У фақат тезроқ уйга етиб боришни ва... ухлашни хоҳлайди, холос.

Нихоят тунги соат учлардан ошганида навбатчи машинанинг ҳайдовчиси кўриниш берди.

— Э-э, мен ҳам инсонман, уйга бориб овқатланиб келяпман-да! — осмондан келди у Махфузанинг жиғибийрон бўлишига жавобан. — Ахир сизни кутавериб, қорним очиб кетди-ку! Ёки ошқозон ярасини орттириб олишимни истайсизми?

Махфуз ҳайдовчининг кесатигига жавоб бёришни истамади ҳам. Унинг ҳозир гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди.

— Бўпти, тезроқ қимирлай қолинг, — деди у машинага ўтираркан.

— Ҳозир-да, опажон, күшдек учиреб, элтиб қўяман,
— қувноқ оҳангда деди ҳайдовчи. — Кўзингизни бир
юмиб-очсангиз, уйингиздасиз-да!

— Фақат мен кўзимни юмганимда, сиз кўзингизни
сал каттароқ очиб, машинани ҳайданг! — кесатди
Махфуз юмилиб кетаётган кўзларини базур очаркан.

Аммо “Уйқу – ғолиб” деб бежиз айтишмайди.
Махфузанинг кўзи бир юмилди-ю... очилганида эса
машина аллақачон кўп қаватли уйлар орасида тўхтаб
туарди.

— Вой, кечирасиз, кўзим кетиб қолибди-ку, — деди
Махфуз хајолат аралаш ва шоша-пиша машинадан
тушди.

— Қоронғида қўрқмайсизми, балки тепагача кузатиб
кўярман?

— Йўқ-йўқ, раҳмат, кетаверинг, — деди Махфуз шоша-
пиша. — Вакт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

— Ҳа, соат тўрт ярим бўлибди, — деди ҳайдовчи ва
машинасини юргизди.

Махфуз шошилиб қоп-қоронғу йўлак томон юрди.
Шу пайт ҳайдовчининг гапи эсига тушиб, негадир
кулгиси қистади. “Кузатиб қўяйми?” дейди-я! Эри
кўриб қолса борми, томошанинг каттасини кўрсатади.
Эри хотини билан етаклашиб келган эркакнинг
кимлигини суриштириб ўтирадиганлардан эмас. Ўзи
шундок ҳам хотинининг навбатчиликда қолишларидан
норози, тишини-тишига қўйиб чидаяпти...

Махфуз эшикни тақиллатмасликка ҳаракат қилиб,
аста калитни қулғга сўқди. Жим-житликда юрагининг
гурсиллаб ураётгани эшитилиб туарди. Тўсатдан оёғи

остидаги ер қимирлаб кетгандек бўлди. Махфузадарҳол чироққа қаради. Йўқ, чироқ силкинмаяпти, демак, бу зилзила эмас. “Қон босимим ошяпти, шекилли” деб ўйлади Махфузва ва оёқ учидатомон йўналди. Тез дорисини топиб ичмаса бўлмайди...

— Ҳм-м, келибсан-да? — тўнғиллаган овоз эши билди ёрқадан. Эри доимгидек хўмрайиб, эшик кесакисини ушлаб туарди. У Махфузанинг кўлидаги пиёлани кўриб, кесатди. — Ҳа-а, чой ичмоқчимисан? Нима бало, жазманларинг овқат беришмадими?

— Нималар деяпсиз? — Махфузанинг қўлидаги пиёла титраб кетди. — Қанақа “жазман”ни гапиряпсиз?

— Қанақасини гапираётганимни ўзинг яхши биласан! — ўшқирди эри ва ҳаммом томон йўналди. — Бўпти, тез чой тайёрла, қорним очди. Фақат тухум қовурма, бошқа бирор нарса пишир!

Махфузадоатга кўз ташлади. Ўн минути кам беш. Хайр, уйку хақидаги хом хаёллар! Энди бу ҳақда ўйлаш ҳам бефойда... Эри-ку, аслида Махфузанинг “жазман”лари ҳузурида эмас, балки навбатчиликдан келганини жуда яхши биларди. Эрталабдан то ярим тунга қадар сахифа-сахифа матнларни ўқийвериб, хатоларни текширавериб, қанчалар чарчаганини билмаса-да, бироз тасаввур қила олади. Бирок... унинг феъли ўзи шунақа, “қолиб” гапирмаса кўнгли жойига тушмайди. Ва, ҳар сафар Махфузадоатчиликдан келганида шумашаша...

Махфузадо-чи? Ўн тўрт-ўн беш соатлаб ишлаб, чарчаганидан фақат суратигина қолган, мияси мудрок бир ҳолатда, ўй-хаёлида фақат тезроқ ўринга ётиб,

кўзини юмишни истаб турган пайтида эрининг тўнг муомаласига, яна хўroz қичқирмай туриб нонушта тайёрлаш (тўғрироғи, “нимадир пишириш”)ни талаб қилишига сира-сира кўниколмайди. Ўз вактида унинг иши-ю навбатчилиги борасида қанчадан-қанча жанжаллар бўлмайди, оқибатда Махфуза қон босим ошишидек дарди бедавони орттириб олди. Аммо касбини жуда севганидан, бунинг устига эрининг қўпол муомаласига қасдма-қасдига ишидан бўшаши истамайди.

Аёл оёғи остидаги ер силкинишдан тўхтагани, боши айланмаётгани, юрак уриши ҳам бироз пасайганини сезди. “Ҳайрият, қон босимим тушабошлади, шекилли” ўйлади у. Кейин ўрнидан туриб, одатдагидек нонушта тайёрлашга тушди. У бир лаган варақини пишириб бўлганида, “корнини ит талаётган полвон” аллақачон иккинчи уйқуни ураётганди.

Эрининг хуррак отишига караб, Махфузанинг хўрлиги келди. Қорни оч одам хуррак отмаса керак. Қани энди иложи бўлса-ю, тегирмон тошидек оғир қовоқларини зўрга очиб, амал-тақал пиширган варақини лаган-пагани билан кўтариб, манави “ичини ит талаётган” зотнинг калласига солса!.. Йўқ, афсуски бунинг иложи йўқ. Аксинча, уни ҳам, ширин уйқуда ётган фарзандларини ҳам уйғотиб, ишга ёки мактабга жўнатиши, шу орада биринчи синфда ўқийдиган эркатойи Сардор кеча уй вазифасини қандай бажарганини текшириб улгуриши, ўн яшар Раъононинг сочини ўриб қўйиши ва Алишернинг шимини дазмоллаб беришга улгуриши керак.

Алишерни эслаб, Маҳфузанинг кулгиси қистади, сал кўнгли очилди. Боласи тушмагур синфидағи бирор қизга ишқи тушиб қолган шекилли, “Шимимни дазмоллаб беринг” деявериб безорижон қилиб юборяпти. Ҳарна қилса ҳам тўққизинчи синф, яна билиб бўладими?.. “Ўзини дазмол қилишга ўргатишм керак” деб ўйлади Маҳфуза ва чой дамлашга ту tinди.

Ва, ниҳоят, эрини ишга, фарзандларини мактабга жўнатган аёл ётоқхонасига кириб, ўрнига чўзилди. Худойим-эй, шунчалик ҳам чарчайдими одам? Бутун бадани зириллаб оғрияпти, гўё ҳозир тутдек тўкилиб тушадигандек... Оҳ, юмшоқ ўринга чўзилиб, кўзингни юмиш қанчалар роҳат!..

— Вой-вой-ей, шунчалар ҳам ифлос, ипириски бўладими одам деган? Ҳаммаёқни чанг босиб кетибди, оёқ босадиган жой йўқ!.. Вой-бў, кирларини! Ўзиям бир йил ювмаганми, дейман?.. Роса тўплабди-я, жувонманг бўлгур! Вой шўримга шўрва тўкилмай ўлсин-а...

Маҳфуза шанғиллаган овозлардан уйғониб кетди. Боши ғувиллаб, кўз олди тиниб қетяпти. Бу шанғи овоз қаердан келяпти-я? Жудаям таниш, аммо аёл уни сира таний олмаяпти. У ўрнидан туришга мажоли етмай, жимгина қулоқ солиб ётаркан, тўсатдан нимадир гумбурлаб кетди-ю, ортидан жон ҳолатда додлаган овоз эши билди:

— Ҳаҳ, қирғин келгур, бу қандай бало бўлди-я! Вой жувонмарг бўлгур...

Шундагина Маҳфуза шанғи овоз қайнанасига тегишли бўлиб, гумбурлаган товуш эса ўзининг кир-

ювадиган машинасиники эканлигини тушуниб етди. Жон ҳолатда сапчиб турди-ю, ҳаммомга югурди. У қай кўз билан кўрсинки, бўғзигача сув тўлдирилган кир ювиш машинаси ванғиллаб ишлаб ётибди, мотор айлангани сари кўпикли сув тошиб, полдаги ҳалқоб катталашяпти. Қайнанаси бўлса ҳамон қарғаганича кирхонада ётган кийимларнинг барини: ўғлининг кўйлаги-ю пайпокларини, болаларнинг ич кийимлари ва сочиқларнинг ҳаммасини унинг ичига тиқиширияпти. Бунга сари машинадан кўпроқ сув тошиб чиқяпти.

— Вой-вой, ойи, нималар қиляпсиз? — кичкирди Махфуза ва қайнанасининг қўлидаги кўйлакни тортиб олди. — Тинчликми, нима гап ўзи?

— Тинчлик бўлмай, нима қирғин бўлармиди? — бобиллади қайноаси. — Ҳаммаёқни кир босиб кетибди, болам шўрликнинг киядиган кийими ҳам қолмабди! Болагинам шўрлик-а, не кунларга қолдинг-а??

Саломат хола йиғламсираган кўйи ўғлининг кўчалик шимини олиб, машинага тиқди. Махфуза йиғлашини ҳам, кулишини ҳам, қайнанасининг эс-хуши жойидалигини ҳам билолмай, ҳайрон бўлиб қолди. Кейин эси жойига келди-ю, дарров кир ювадиган машинанинг ўчирадиган тугмачасини босди. Агар сув учинчи қаватдаги қўшнисиникига ўтиб кетса борми, урди худо! Қўшниси Маликахон яқинда паст тўшиб-баланд чикиб, роса уйини таъмирлаганди, энди шифтидан чакка ўтиб, сувоқлари кўчиб турса, сираям ёқмаса керак!

Қайнанаси-чи, у қаердан пайдо бўлди ўзи? Ахир

эрталаб уйда йўқ эди-ку... Ёки... Маҳфузга энди тушуниб етди. Қайноаси кечада келган-у, меҳмонхонада ухлаётган бўлса керак. Эрталаб навбатчиликдан қайтган аёл нонушта тайёрлашга уннаб уни пайқамаган, эри билан фарзандларини жўнатиб, ухлашга ётганидан сўнггина қайнанаси уйқудан турган бўлса керак.

Маҳфузанинг юраги сиқилиб кетди. Ўзи туни бўйи ухламай, чарчаганидан ортиқча нафас ололмай турганида шу савдо ҳам бормиди-я унга...

Наилож, Маҳфузанинг нафаси ичига тушиб, қайнанасига чой тайёрлай бошлади. Кейин... то тушгача қайнанаси кир ювиш машинасига тўлдириб тикиб қўйган кирларини ювди, ҳаммомни тозалади, қайнанаси учун тушлик пиширди. Қарасаки, соат ҳам учга яқинлашиб қолибди. Одатда навбатчилар тушгача дам олиб, иккиларда ишга келишлари керак эди. Маҳфуз эса... У хўрсиниб қўйди-да, дам олиш ўрнига оёғини судраганча ишхонасига йўл олди. Боши хумдек оғир, худди асаларининг уясидек ғувиллайди, оёғи ўзига бўйсунишни истамайди. Аммо не илож, ишга бормаса бўлмайди. “Мехнат интизомига риоя қилиш керак” деб заҳарҳанда билан ўйлади аёл, унинг кеч келаётганини қўрган муҳаррир муовинининг башараси гармдори чайнагандек буришиб-тиришиб кетишини тасаввур қиларкан.

Маҳфуз ўзи ўйлаганидек, муҳаррир муовинига йўлакда дуч келди.

— Маҳфузахон, кечада соатингиз ишхонада тушиб қолибди-я! — деб тиржайди у Маҳфузани кўрибоқ.

Аёл ялт этиб қўлига қаради.

– Йўғ-э, Олимжон ака, бошқа биронники бўлса керак, менинг соатим ўзимда, – деди у.

– Ҳа-я, шундай денг? – яна тиржайди мӯовин. – Мен бўлсам кеч келаётганингизни кўриб, соатингиз тушиб қолибдими, деб ўйлабман...

Махфуза унинг нимага шаъма қилаётганини энди тушуниб етди. “Тиржаймай турқинг курсин” деди ичида, аммо сиртига чиқармай, хонасига кириб кетди. Нима ҳам дерди, кеч қолганидан сўнг, тили қисик бўлади-да! Кайфияти ўлган, калла хумдек, чарчоқдан енгилиб, маҳв бўлаёзган шу ҳолатда яна кечгача инлаши керак. Ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, ҳали уйида қайнанаси ҳам бор. Кечқурун яна қандай хунарларни ўйлаб топаркин, буни фақат Яратган билади...

Аёл бир амаллаб кунни кеч қилди, баҳтига муҳаррир унга топшириқ ҳам бермади, биронта эзма муаллиф келиб қолиб, бошини қотирмади ҳам. Иш вақти тугартугамас, Махфуза оёғини кўлига олиб бозорга югарди. У ҳали қўй ёғи ва қайнанаси ёқтирадиган майдачудаларни ҳарид қилиши, у хуш кўрадиган бирон-бир таом тайёрлаши ҳам керак. Саломат хола ўзи Гулистонда яшайди, ойда-йилда бир келиб, ўғлининг уйини “тартибга солиб” кетади. Акс ҳолда ўғли ўз уйида “ўтиргани жой тополмай қолиши” мумкин. Ва, ҳар келганида бир нарсаларни ўйлаб топадики, Махфуза кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билолмай қолади. Қайнанаси кетганидан сўнг эса бир неча ойгача унинг “чарчоғи” чиқмай юради...

Аёл оғир тўрхалтани тўртинчи қаватга аранг кўтариб

чиқди. У чарчоқдан оёқ-кўллари дир-дир қалтираб, ориятнинг кучидан бир амаллаб юриб келарди.

— Роса кеч қолдингиз-а, ўзиям! Уйингизнинг йўлини унугиб қўйдингизми, деб ўйлаб, энди излагани чиқмоқчи бўлиб турувдим, — чақиб олишни унутмади Саломат хола.

Махфузা индамади. Нимаям десин, ортиқча жанжалга тоби ҳам йўқ, ҳоли ҳам.

— Ҳа-я, эсим қурсин, коваток қиларсиз, деб атайлаб ток барги келтиргандим, — деди Саломат хола ва тоғорачада турган бир дунё ток баргига ишора қилди.
— Гўшт майдалаб қўяй девдим, бироз чарчабман, шекилли, тобим келишмади.

Аёлнинг таранг тортилиб турган асаблари чирт узилиб қетгандек бўлиб туюлди. Қўлидаги тўрхалта ерга тушиб кетди, оёқлари қалтириб, беихтиёр остонаяга ўтириб қолди.

— Вой, ойижон, бугун осонроқ овқат қила қолайлик, эртага қиласмиз коватокни, — деди у нима деярини билмай.

— Вой, “осонрок” деганингиз яна нимаси?! — бобиллаб кетди Саломат хола. — Овқатниям осон-қийини бўларканми? Шўрва-шўлтиқ ичаверіб-ку, ўғлимнинг куруқ сумбати қолибди ўзи! Энди мениям рамақижон қилмоқчимисиз? Қани, пиширмайман, деб кўринг-чи, ўзим пишириб олавераман ўша коватокни! Ҳали сизга қараб қолган куним йўқ, кўлимда қувватим бор! Ҳа-а!

Саломат хола жаҳл билан тоғорачадаги баргларни кўтариб, айвончага чиқиб кетди. Унинг ўзига-ўзи гапириб, у ёқдан-бу ёққа юраётгани эшитилиб турарди:

— Ҳа, сенга қолган куним қурсин-а! Билган овқати шүрва-шўлтиқ! “Чарчадим”, деб ўғлимнинг бўйнига миниб олган. Нимангта чарчайсан сен, куни бўйи юмшоққина стулда ўтиранг?! Яна дод-войи оламни бузади, мегажин! Ўзи шўрвадан бошқа овқатни билмайсан-да, онанг ўргатмаган, ҳа-а! Фақат хат ишини биламан, деб умринг ўтиб кетаверган экан-да! Ҳе, ўша қиз туғиб, тарбия беришни билмаган онангни бир кўрсам эди!..

“Қарс” этиб синган идишнинг овози Махфузанинг ҳушини жойига келтириди. У югуриб балконга чиққанида, қайнанаси сўрида бамайлихотир чой ичиб ўтирар, оёқ остида қизил пахта гулли пиёланинг синифи думалаб ётарди.

“Бундай ҳаётга ҳам қирғин келсин-а”, деб ўйлади Махфуза беихтиёр, кейин қайнанасининг оғзидан тушмайдиган қарғишни тилга олганидан чўчиб кетдида, ёқасига аста туфлади. Оғир хўрсинди ва... Яратгандан ўзига бардош беришини тилаганча, коватак учун қийма тайёрлай бошлади.

Овқат пишганида, уни ейиш учун аёлнинг холи қолмаганди. Ўлганининг кунидан оғзидаги лукмани чайнаб ўтиаркан, тўнғич ўғли Алишер ўзига ўғринча қараб-қараб қўяётганини сезиб қолди. Ва, нихоят, идишларни йиғиштираётган Махфузани даҳшат босди. Шунча идишни ювиб олишга мадори етармикин? Тўсатдан елкасида кимнингдир қўлини сезди. Ўгирилиб караса, Алишер экан.

— Ойижон, кириб ётақолинг, идишларни ўзим ювиб қўяман, — деди у. — Роза чарчабсиз, шекилли-а?

— Бугун ухлаганим йўқ-да, ўғлим, — деди Махфуза

гуноҳкорона оҳангда, боласининг мөхрибончилиги бироз хуш ёкиб.

– Биламан, сиз келганингизда мен уйғоқ эдим, – деди Алишер ва унинг овозидан Маҳфузга ўғли нимадир демоқчилигини, аммо айттолмаётганини сезди. – Билмадим, негадир уйқум ўчиб кетди.

Маҳфузга беихтиёр жилмайди. Ўғлининг “соддамуғомбир” лигини дарров тушунди.

– Ҳа, билдим, нега уйқунг ўчиб кетганинги, – деди жилмайиб. – Фақат, бу ҳақда эртага гаплашамиз, бўлтими? Бугун жуда чарчадим.

– Майли, – соддадиллик билан рози бўлди Алишер. – Сиз дам ола қолинг, ошхонани ўзим йиғиштириб қўяман.

Маҳфузга уйқуга кетаркан, қайнанасининг эркаклар ошхонага кирмаслиги лозимлиги ва яна алланималар ҳақида вайсаётганини, Алишер унга нимадир деб тўнғиллаганини, эри ҳам ўғлига пўписа қилиб ўшқирганини эшитди. Аммо ўрнидан туришга мадори етмади, ухлаб қолди.

Маҳфузга кўзини очганида соат эрталабки етти бўлганди. Шунчалик ухлаб қолганини кўриб, уни даҳшат босди. Шоша-пиша болаларини турғазди. Кейин эрини уйғотиб, нонуштага тухум қовура бошлади.

– Оббо, шу ҳам нонушта бўлдими? – одати бўйича дарров тўнғиллай бошлади Маҳмуд. – Одамларнинг хотини тонг саҳарда туриб сомса пиширади, болаларига тансиқ бир нималарни илинади, бизнинг хотин бўлса фақат тухум қовуришни билади. Топиб олгани – шу! Бўлди, тўйдим, мен емайман!

Маҳмуд қўлидаги қошиқни дастурхонга улоқтириди. Алишер хўмрайганча ликопчасига тикилар, аммо қошиқ тутган қўлининг титраши, маҳкам қимтилган лабларидан қаттиқ жаҳли чиқаётганлиги сезилиб турарди. Раъно билан Сардор гоҳ дадасига, гоҳ ойисига мўлтирашарди.

Кечаги чарчоқлардан ҳали ўзига келолмаётган Маҳфузанинг сабр косаси тўлди У эрининг олдидағи ликопчани олди-да, қовурилган тухумни шартта аҳлат челакка ағдарди.

– Майли, қорнингиз тўқ бўлса, нимаям дердим, – деди кесатиб.

– Нима-а?! Бу қанака қилиқ яна?! – ўшқирди Маҳмуд.

У қўлини мушт қилганча, аста ўрнидан тура бошлади. Дадасининг важоҳати ўзгараётганини кўрган Раъно йиғлаб юборди, Алишер сапчиб ўрнидан турди.

– Тилинг чиқиб қолибдими, дейман-а?!

Маҳмуднинг гапи тугар-тугамас, меҳмонхонадан гурсиллаган товуш, кетидан юракни ёргудек чинқириқ эшитилди. Эшик олдида турган Маҳфӯза кўркиб кетганидан гандираклаб, эшик кесакисига сұяниб қолди. Маҳмуд уни итариб юбориб, ўша томонга чопди. Аёл эрининг ортидан югорди. Икковлон меҳмонхонага кириб, не кўз билан кўришсинки, Саломат хола хонанинг ўртасида узала тушган, унинг устида пардаларга ўралашган карниз думалаб ётарди.

– Оий! Нима бўлди, оий?! – деб қичқириб юборди Маҳмуд кампирнинг елкасидан силкиб. Кейин хотини борлиги эсига тушди. – Ҳой, хода ютганмисан, қаққайиб турмай, сув обкелсанг-чи, ойим ўлиб қолибдилар!

Махфузা сув олиб келгунича Алишер “Тез ёрдам” чақиришга улгурганди. Буни эшитиб, у ўғлининг елкасига қоқиб кўйди.

– Раҳмат, ўғлим, ўзинг эслигимсан-да, – деди ва Алишернинг мақтовдан қувониб кетганлигини кўриб, кўшиб кўйди. – Яхшиям эсим борида сен туғилгансан, бўлмаса нима қиласдим-а?

– Намунча боланг билан оғиз-бурун ўпишиб қолдиларинг? “Тез ёрдам” чақирсанг-чи, имир силамай! – ўшқирди Махмуд онасининг ёнида чўнқайиб ўтирганча.

“Тез ёрдам” келгунича ҳам Саломат хола кўзини очмади, уни дарров касалхонага олиб кетишди. Кампир хушига келгач эса унинг қўли сингани, мияси чайқалгани, яна юрагидаги ўзгаришлар маълум бўлди..

– Ойи, сира тинч юрмайсиз-а, энди қилмаганингиз пардалар билан муштлашиш қолувди! – дея фифони фалакка чиқди Махмуднинг.

– Пардани ювгани олмоқчийдим, – инқиллаганча ўзини оқлади Саломат хола. – Мен ювмасам, хотининг иқки дунёда ҳам ювмайди. Уйингни чирк босиб кетади.

– Э, босса босиб кетмайдими, сизга нима эди? – ўшқирди Махмуд. – Ана энди озодахонлигингизнинг касрига бир дунё харажатга тушаман! Ҳали жарроҳига, дориларга ва сизга қараб ўтирадиган ҳамширага қанча пул тўлашим керак!

– Тўлайсан-да, нега тўламас экансан? Ахир мен онангман, дунёга келтириб, бокиб-ўстириб кўйдим, энди беш-үн сўм пулингни миннат қиляпсанми? – қичқира кетди Саломат хола.

– Бас қилинглар, бирор эшитиб қолса уят-ку, ахир!

Маҳфузә эри билан қайнонасини инсофга келтиришга уриниб гап бошлаганди, Маҳмуд онасини ҳам унутиб, унга ўшқира кетди:

– Сен овозингни ўчир, ҳамма бало аслида сендан чиқди, тушундингми! – У қўлини палаҳса қилиб, Маҳфузә томон ўдағайлаб кела бошлади. – Агар сен ҳам бошқа хотинлардек ҳам ишингни, ҳам уйингни эплаб ўтирганингда, саранжом-саришта бўлганингда эди, шунча кулфатлар ҳам бўлмасди...

Маҳмуднинг гапи оғзида қолди, тўсатдан кўзи ола-кула бўлиб, қўлини кўксига олиб борди-ю, унсизгина ерга қулади. Айни шу пайтда Саломат холага томчи дори куйиш учун хонага кириб келган, аммо оила аъзоларининг жанжалидан довдираганча ҳамон бир чеккада анқайиб турган ҳамшира қиз шоша-пиша шифокорлар хонаси томон югорди. Маҳмуднинг атрофида шифокорлар, ҳамширалар куймаланишиб қолицди...

– Инфаркт, – деди жарроҳлиқ бўлими бошлиғи Маҳфузага караб. – Эрингизни кардиология бўлимига ўтказамиз. Қўрқманг, тузалиб кетадилар...

Маҳфузә бош ирғади Тўсатдан кўзи девордаги соатга тушди – ўн бир бўлиб қолибди. Маҳфузанинг кўз олдига муҳаррир мувонинининг бужмайган башараси келди. “Бугун яна ишга кеч қолганимни кўриб, терисига сиғмай қувонса керак, – деб ўйлади аёл. – Ахир ҳамманинг олдида мени ерга уриб, уялтириш учун қулай баҳона ҳар куни ҳам топилавермайди-да. Энди бу ёғи неча пулдан тушди?..”

– Ойижон!

Махфузা чўчиб тушди. Енида Алишер турарди.

— Ойижон, мен сизга ёрдамлашаман, фақат нима килиш кераклигини айтсангиз бўлди, — деди Алишер четга қараб. У шу бир кун ичидагача улғайиб қолганга ўхшарди. — Фақат сиз сиқилманг, хўпми, ойижон?

Аёл индамай бош иргади. Унинг томоғига бир нарса иқилиб қолгандек бўлди. Кўзларида ёш қалқиди.

— Ўғлим, яхшиям сен бор экансан, — деди у.

— Вақтида туғилиб қолганманда, — ҳазилга бурди Алишер.

Она-бала кулиб юборишди.

— Ойижон, яхшиямки бувим бир йилда бир марта меҳмонга келадилар-а! — деди ўғли кула-кула.

Махфуза ўғлининг кўнгли учун жилмайган бўлди, аммо унинг хаёллари бутунлай бошқа томонда эди. У энди эри истаганидек аzonлаб тансиқ таом пишириб, уни кўргани касалхонага боради, кун бўйи ишлаб келгач, кечқурун яна овқат пишириб, энди бошқа касалхонага — қайнонасининг олдига йўл олади. Бу орада бозор-ўчар қилишга, рўзгор ишларини бажаришга ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга ҳам улгуриши керак. Бу ишларнинг баридан вақт тежаб, яна ижод қилишга ҳам вақт топади. Одатдагидек, баъзан ишга кеч қолади ёки секингина “куён бўлади”, мухаррир муовинининг заҳарҳандаларига эса индамай чидайди. Чунки бу аёл эридан ҳам, қайнасанидан ҳам ҳеч қаёққа қочиб кутулолмаслигини яхши билади. “Турмушнинг “мушти” деб шуни айтадилар-да, болам” дейди у ўғлининг унсиз саволига жавобан.

Алишер тўрсайиб туради-туради-да, “Мен дадамга

ўхшаш бўлмайман”, деб қўяди. Махфуза беихтиёр, бу сафар энди чин дилдан жилмаяди. “Ўғлимнинг шу гапи учуноқ ҳаммасига чидасам арзийди” деб қўяди у ичиди. Шу гапнинг ўзиёқ унинг умри, югуришлари бежиз кетмаётганининг исботи-да...

ХИЗМАТКОР

Шарифа зинадан кўтариларкан, бутун вужудини қамраб олган лоҳасликни ҳис этди, оёқлари худди тегирмон тоши осиб қўйилгандек оғир, сира юргиси келмасди. Бир кўнгли орқага қайтиб кетайми, деб ҳам ўйлади, аммо дарҳол бу фикрдан қайтди. ўзи шусиз ҳам икки кундан бери уйда – иситмалаб ётган боласининг ёнида ўтириби. Шаҳзодахоннинг шунчалик рухсат берганига ҳам раҳмат...

Шарифа шундай деб ўйлади-ю, негадир хўрлиги келиб кетди. Эшикни очиб, ҳашаматли хонадонга киаркан, кўзларидан беихтиёр ёш оқиб тушди. Аслида олий маълумотли, инглиз тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассис бўлган Шарифа бу хонадонда... оддий ёлланма хизматчи, холос. Унинг вазифаси ҳар куни эрталаб келиб, хонадонни йигиб-териш, тозалаш, бетартиб улоқтириб кетилган ўрин-кўрпаларни саранжомлашдан иборат бўлади. Бу ишларни бажариб бўлгунича вақт тушдан ўтиб қолади. Кейин у кечқурунга овқат тайёрлайди-да, соат беш бўлмасидан олдин хонадондан чиқиб кетади. Шаҳзодахоннинг айтишича, эри “Хизматкорларинг уйда ўралашиб юрганини кўрмай” деганиш...

Илк бор уй бекасининг оғиздан “хизматкор” деган

сўзни эшитганида, Шарифанинг дард-дунёси қоронғи бўлиб, кўзи тиниб кетган, турган жойида йиқилиб тушаёзганди. Наҳотки, у – институтни қизил диплом билан битирган, ўз соҳасида унча-мунча одамни олдинга ўтказмайдиган Шарифа кимгадир хизматкорлик қилса-я?! Айниқса, уларнинг оғзида “хизматкор” деган сўз қанчалик қўпол эшитилади, қанчалар камситади одамни...

Аммо... “Бошга тушганин кўз кўрар” деганлари шу экан-да! Қаерга ҳам борсин, кимга ҳам бош урсин энди? Уни химоя қиласидиган ота-онаси, ака-укаси, яқинроқ бирор қариндоши бўлмаса... Эри эса иккинчи қизи Малоҳат туғилишидан сал аввал ўзи билан бирга ишлайдиган аёл билан дон олишиб, уйдан чиқиб кетган, ҳатто қизчаси туғилганидан сўнг ҳам бирор марта бўлсин уларни кўргани келмаган...

Шарифа бир вақтлари эрининг гапига кириб, ишидан бўшаб олганига шунаقا афсусланди-ки! Тўнғичи Малика уч ёшга тўлганида Шарифа ишига қайтмоқчи бўлган, шунда Дониёр роса жанжал қилган, “Ишдан бўшаб, қизимга қараб ўтирасан. Ишга чиқсан кунинг – ажрашаман!” деб “ультиматум” қўйган эди. Шарифа эса оиласининг тинчлигини ўйлаб, ишидан бўшаб ола колганди.

Мана оқибат... Эри билан-ку, бари-бир ажрашди. Оҳир-оқибат қўлида икки нафар гўдак билан қолди: на иши бор, на пули, на ёрдам берадиган бирор яқини... Бири беш ёшда, бири чақалоқ бўлган икки гўдак билан бирор иш излашнинг ўзи кулгули. Ана шундай боши котиб, чорасиз тушкун аҳволда ўтирганида, тўсатдан

кўшниси Фотима бир танишига уй ишларида ёрдам берадиган эпчил ёрдамчи кераклигини, яхшигина хақ тўлашларини айтиб қолди.

— Шаҳзодаҳоннинг эри ҳам, ўзи ҳам яхши пул топишади, — деб тушунтириди Фотима. — Болалари ҳам катта бўлиб қолишган, ортиқча ташвишлари йўқ. Фақат уй ишларига қарашиб, овқат тайёрлашга кўмаклашасиз, холос.

Шарифа ўшанда ортиқча ўйлаб ўтирумай, дарров таклифга кўна қолганди. Тўғрироғи, ўйлаб, танлаб ўтиришнинг иложи ҳам йўқ эди. Иккита гўдагини боқиши, кийинтириши учун пул керак, бунинг учун эса ҳар қандай иш бўлса ҳам қилишга тайёр эди...

Шаҳзодаҳоннинг муомаласи ёмон эмас. Уч кун аввал қўнғироқ қилиб, қизчаси Малика иситмалаб қолганини айтганда, дарров “Вой, майли, бир-икки кун дам олиб, болангизга қарай қолинг” деганди хушмуомалалик билан. Кейин Маликага боғчада сариқ касал юққани маълум бўлди. Энди уни касалхонада олиб ётиш керак, бунинг учун эса икки яшар Малоҳатни кимгадир ташлаб кетиши керак эди. Шарифа дугонаси Зулайҳодан кичик қизига қараб туришини илтимос қилди.

— Вой, ўйлаб гапиряпсанми ўзи? — деди Зулайҳо ажабланиб. — Каттанг сариқ қасал бўлса, кичигингга ҳам юққандир балки? Менинг ҳам ёш болаларим бор-ку, ахир? Уларгэ ҳам касал юқиб қолса, нима қиласман? Эрим нақ калламни узади-я!

Шарифа иситмада ёниб ётган қизалоғини ўйлар, хаёлида “Энди нима бўлади?” деган савол ғужғон ўйнарди. Шу орада “бекаси” Шаҳзодаҳон жонига оро

кирди. Унинг бир таниш шифокори Маликани уйда даволашга рози бўлибди. Ҳақиқатан ҳам, муолажа бошлашлари биланоқ қизалоқнинг иситмаси тушиб, ранг-рўйи ҳам очилиб қолди.

Бугун эса қўшниси Фотима уйдалигидан фойдаланиб, Шарифа унга қизини қолдирди-да, - ўзи Шахзодахонни кига кетди. Аммо куни бўйи хаёлидан қизи кетмади, фикри-зикри унда бўлди...

Тўсатдан эшик қулфи шикирлаганида, овқат тайёрлаётган Шарифа бир чўчиб тушди. “Шахзодахон ишдан вактлироқ қайтибди, шекилли” деб ўйлади-ю, эшикни очгани югорди. Щу пайт йўлакдаги девор соатга кўзи тушди: олтидан ошибди.

– Бу яна нимаси?! – ўшқирди эшик ёнида турган гавдали, бащанг кийинган киши. – Ўз уйимга киромай, беш соат кутишим етмай турувди энди! Сен кимсан?

Сўнгги ўшқириқ ўзига қаратилғанини сезган Шарифа сал ортга тисарилди. У ўзи бир йилдан бери бирон марта ҳам кўрмаган, аммо таърифини жуда кўп эшитган уй эгаси Асатилла акани дарров таниганди.

– Кечирасиз, – шивирлади у зўр-базўр. Назарида томоғига жўхори сўтаси тиқилиб қолгандек бўлиб туюлди. – Мен Шарифаман.

– Шарифамисан? – масхараомуз чўзиб сўради Асатилла унга бошдан-оёқ қараб чиқаркан. – Жуда хурсанд бўлиб кетдим-да танишганимдан!.. Шахзода қани?

– Ҳали келмадилар.

– Ҳа-а, шунақами? Ҳали келсин, онасини Учқўргондан кўради ўзиям! Мен уйга келсам-у, хизматкор кутиб

олса-я... Нари тур! – Асатилла Шарифани қўполлик билан четга сурди-да, куракда турмайдиган сўзлар билан хотинини сўкканча йўлакка ўтиб кетди.

Шарифа турган жойида қаққайганча туриб қолди. Назарида бу сўкишлар ўзига аталаётгандек на ишини давом эттиришни, на кетишини билолмай, довдирағ қолди.

– Хўш-ш, бу нима туриш?! – ўшқирди тўсатдан Асатилла яна йўлакда пайдо бўлиб. – Туркитароватингни яна анча томоша қиласманми? Йўқол, кўзимга кўринма!

Шарифа унинг кайфияти чатоқми ёки аслида шунақсанги қўполми, билолмай, дарров пешбандини ечди-да, эшик томон йўналди.

– Тўхта! – орқадан Асатилланинг овози эшишилди.

Шарифа тўхтади-ю, кўзини ердан узолмай, кутиб турди. Асатилла лапанглаганча, унга яқинлашиди.

– Иқкинчи бу ерда қорангни кўрмай, уқдингми? Мана ҳаққинг! Бу сенга ўхшаганлар учун бир умрга етади!

Асатилла бир даста тахи бузилмаган юз долларлик пулларни чиқариб, бештасини Шарифага узатди.

– Бўлди, орамиз очик. Даф бўл!

Шарифа қўрққанидан шоша-пиша пулларни олди-ю, чиқиб кетди. Бекатга яқинлашгандагина бироз ўзига келиб, бўлган воқеа ҳақида фикр юрита бошлади. Энди нима қиласа экан: бу воқеа ҳақида Шаҳзодахонга айтсинми ёки шу билан “иши”дан кўнгил узиб қўя қолсинми? Ахир бу ёқда катта қизи касал бўлса, доридармонга ва шифокорга қанча пул кетади, бунинг

устига тузалганидан сүнг ҳам узок вақтгача пархез тутиб, яхши овқатлантириш керак. Ҳали узок вақт боғчага ҳам чиқмайди, демак, Шарифа бошқа иш излаёлмайди ҳам. Ахир иккита ёш болали ходим кимга ҳам керак?

Шарифа тұсатдан ён томонидан қаттиқ чийиллаган товушни эшитиб, шошиб ўгирилди-ю, қандайдир мовий машинани ва үзига дахшат ила тикилган күзларни күрди. Шу ондаёқ қаттиқ оғриқни ҳис этди...

Шарифа күзини очганида деворлари оппоқ бегона хонада, ўринда ётарди. Тепасида әнгашыб турған оқ халатли лобаргина қыз жилмайди.

– Ҳайрият-э, үзингизга келдингизми?

Шарифа нималар бўлаётганини англаёлмай, атрофга алангламоқчи бўлди, аммо күзини қимирлата олмади. Боши ҳам негадир караҳт, ҳеч нарсани ўйлаёлмасди.

Хонага елкасига оқ халат ташлаган ўттиз ёшлардаги йигит кирди.

– Тузукмисиз? – деди у Шарифага яқинлашиб ва бошқа сўз тополмагандек унга тикилиб қолди.

Йигитнинг ҳамдардлик ва қандайдир билинрабилинмас меҳр тараги турған нигоҳи Шарифага жуда таниш кўринди-ю, аммо уни қаерда кўрганини сира эслай олмади. Тұсатдан эсига қизлари тушди, юраги ховлиқиб кетди, ахир Малика касал эди-ку! У шоша пиша туришга ҳаракат қилди, аммо гавдаси үзига бўйсунмади.

– Қимирламанг! – деди йигит унинг елкасидан тутиб.
– Қизларингиздан хавотирланманг, уларга ойим қараб турибдилар.

Кейин у Шарифага бўлган воқеани айтиб берди. Маълум бўлишича, Шарифа қизил чироқ ёнаётган пайтда, Нозимжон кетма-кет сигнал беришига қарамай, йўлни кесиб ўтган экан. Мажлисга шошиб, катта тезликда келаётган Нозимжон машинасини тўхтатолмай, уни уриб кетибди. Йигит хушидан кетган Шарифани дарҳол касалхонага элтибди. Шошилинч муолажалардан сўнг оёғи гипсланган Шарифа то наркоздан ўзига келгунига қадар Нозимжон унинг оиласига хабар бериб келмоқчи бўлибди. Аммо қўшнисидан ўзи уриб кетган аёлнинг аянчли тақдирини эшитгач, унинг қизчаларини ўзининг уйига олиб кетибди.

– Ахир энди бирор ой гипсда ётишингизга тўғри келади-да, – деди Нозимжон гуноҳкорона оҳангда. – Бунга эса менинг шошиб келаётганим ҳам сабаб бўлди. Фақат сиз хавотир олманг, ойим қизчаларингизга яхши қарайдилар. Ойим бир умр ҳамширалик қилганлар, болалар билан тил топишишни эплайдилар...

Шарифа то касалхонадан чиқкунича Нозимжон ҳар куни ундан хабар олиб турди. Шарифа эса ҳар сафар у бир талай ноз-неъматлар кўтариб келишидан хижолат бўлар:

– Ҳадеб ўзингизни уринтираверманг, – деб қўярди.
– Шунчалик қизларимга қараб турганингиз учун ҳам раҳмат.

– Шу аҳволга тушиб қолганингизга мен айбор бўлсан-у, яна раҳмат айтасиз-а! – дерди Нозимжон бунга жавобан. – Аслида ўша мажлисни ярим соат кечроқ бошласам ҳам осмон узилиб ерга тушмасди,

Аммо фалокат оёқ остида бўлади деганлари шу эканда...

Нозимжон Шарифа билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирас, баъзан ўзи раҳбарлик киладиган қурилиш фирмаси ҳақида гапириб берар, сўнгра ҳазиллашиб “Майли, гап йўғида шу ҳам гап-да” деб жилмайиб ўйяди. Бир куни гап орасида хотини Нигора вафот ётганини, шундан бери онаси ҳар қанча қистаса-да, уйланишга юраги бетламаётганини айтиб қолди. Аммо шу заҳотиёқ юраги тубида яширин сирларини бутунлай бегона бир аёлга очаётганини тушуниб қолди-ю, шоша-пиша гапни бошқа ёққа бурдивা “зарур иши борлиги”ни баҳона қилиб, кетди-қолди...

Нозимжоннинг онаси Мунаввар опа ҳар куни бирор тансик таом тайёрлаб, Малоҳатни қўтариб келар, Малика анча тузалиб қолганини, қон таҳлиллари яхши цикканини, унга парҳез овқат пишириб бераётганини айтарди. Ота-онаси ўлганидан бери бирор одамдан ортиқча меҳр кўрмаган Шарифанинг кўнгли бузилиб кетар, баъзан кўз ёши қилиб оларди ҳам.

– Шундай ёш, куч-ғайратга тўла аёл бўла туриб, йиғласангиз уят бўлади-я, қизим, – дерди Мунаввар опа уни койиб. – Ўзингизни асранг, ҳали қизчаларингиз учун анча керак бўласиз. Оёғингиз сингани ҳеч нарса эмас, ҳали югуриб кетганингизни сезмай ҳам қоласиз.

Нихоят, Шарифанинг оёғидаги гипсни олиб, юришига рухсат беришди. Малика энди ойижониси юра олишини эшитиб, қувончидан дик-дик сакрар, бу пайтда Мунаввар опа ошхонада куймаланиб, таом

тайёрлаш билан овора эди. Эшик кўнғироғи жиринглаганини Мунаввар опа эшитмади, щекилли, ошхонадан чиқавермади. Шунда Шарифа ҳали ўзига яхши бўйсунмаётган оёғини базўр судраганча, эшикни очгани йўналди. Эшик олдида бир даста қип-қизил атиргул тутган Нозимжон турарди.

– Койил-э, эшикни ўзингиз очдингизми?! – деди у сидқидилдан кувониб.

Нозимжон гулларни Шарифага тутқазиб, ўзи томон юргилаб қелаётган Маликага қучоғини очди. Малика Нозимжоннинг бўйнидан маҳкам қучиб олганини кўриб, Шарифанинг юраги бир қалқиб тушди, боши айланиб, эшик кесакисига суюниб қолди.

– Э-э, эҳтиёт бўлинг, – Нозимжон бир қўли билан Маликани қучиб, иккинчи қўли билан Шарифанинг елкасидан тутди. – Сиз бироз дам олинг, ўзингизни уринтириб қўйманг, тағин!

Малика ошхонага – “амакиси” келганини Мунаввар опага хабар қилгани юрганида, Нозимжон Шарифага қараб жилмайди.

– Қаранг-а, “Тасодифнинг кўзи кўр”, дейишади, мен эса бундан жудаям бахтиёрман. Агар шу тасодиф бўлмаганида, сизни топмасдим, – у мулойим, очик нигоҳи билан Шарифага термулди. – Тўғри, шу тасодиф туфайли сиз анча азият чекдингиз, аммо... Ишонаманки, келгусидаги бахтимиз чеккан азобларингизни эсингиздан чиқариб юборади...

ҚАРОР

Юлдузхон бугун одатдагидан бироз кечроқ уйғонди. Бир күнгли дарров ўрнидан турмоқчи эди, кейин ўйлаб қолди. Майли, шошилмай яна бир оз мизғиб олса ҳам бўлаверади, ахир унинг ўрнига нонушта тайёрлаб турадиган чаққонгина келини бор. Қайнанаси вақтли турганини кўрса, келини шошиб қолади, ҳаяжонлаганидан ҳаракатлари ҳам қовушмайди...

Ётавериб зерикиб кетган Юлдузхон ахийри қадини кўтарди. Э, доимо югуриб юрадиган одамга ҳаракатсизликдан кўра ортиқроқ азоб йўқ-да ўзи!

У ювениб, ошхонага кирганида, одатдагидек газетага мук тушиб, нонушта қилиб ўтирган эрини кўрди. Аммо на ўғиллари, на келини кўринмасди.

– Болалар қани? – сўради Юлдузхон бу ноодатий жим-житликдан ҳайратланиб.

Эри жавоб ўрнига бурни остида бир нарса деб ғўлдираб қўиди. Юлдузхоннинг энсаси қотди: “Сўрагани топган одамимни қара!”. У дастурхон ёнига ўтириб, эрининг олдидаги чойнакни ўзи томон сурар экан, тўсатдан кеча кун бўйи ўйлаган ўйи эсига тушди.

– Менга қаранг, дадаси... – у гап бошлишга бошлиб қўиди-ю, эри кўзини газетадан узмай, тўрсайиб ўтирганини кўриб иккиланиб қолди. Кейин ўлганининг кунидан гапини давом эттириди. – Шу-у... бугун Илҳомжонингизнинг туғилган куни-ку?!

– Нима бўлибди шунга? – Мавлон аканинг бир туки ҳам қилт этмади.

– Ҳеч нима бўлмабди! – кесатди жаҳл билан Юлдузхон, аммо гапни бошлагандан сўнг давом

эттирмасликнинг иложи йўқ-да, шунинг учун ҳам у юрагида кўтарилиб келаётган нафрат бўронини босишга уриниб, кўзини эридан четга, девор томонга қаратди. – Очигини айтсам, туғилган кун баҳона қуда чақириқни ўтказиб юборсак бўларди.

– Қанақа “куда чақириқ” яна?! – Мавлон ака қўлидаги газетани бир четга улоқтириб, хотинига ўқрайди.

– Ахир тўйдан кейин “куда чақириқ” қилинади-ку, биз эса эрта-индинг суриб келяпмиз...

– Қилгинг келса қилавер! – ўшқирди Мавлон ака ва заҳарханда аралаш қўшиб қўйди. – Ана, тўйни гумбурлатиб қилиб бердим, менда бошқа қарзларинг қолгани йўқ. Энди қудаларингни ҳар икки кунда едириб-ичириб жўнатишга атаган ортиқча пулим ҳам йўқ!

Мавлон ака қўлидаги сочиқни жаҳл билан бурчакка улоқтириди-да, ўрнидан туриб чиқиб кетди. Юлдузхон шундагина остонаяда турган келини Лобарни кўрди: қўлида шиша идишда қаймоқ, ранги эса қўлидаги қаймоқдан-да баттарроқ оқариб кетган.

– Ойижон, ўғлингизнинг туғилган кунларига қаймоқли торт қилмоқчидим, – лаблари титраб зўрга гапирди Лобар ва шивирлагандек паст овозда қўшиб қўйди: – Қаймоқ олгани гузарга чиқиб келиш учун рухсат сўрамоқчи эдим, ухлаётган экансиз, шунга безовта қилмай деб...

– Вой, қизим-еј, жуда яхши қилибезиз уйғотмай, баҳонада анча дам олдим, – деди Юлдузхон жилмайиб.

– Тортни ҳам пиширинг, бошқа тайёргарлигингишни ҳам кўриб қўйинг. Ҳа, яна уййнгиздагиларга ҳам айтиб

қўйинг, туғилган кун баҳона “қуда чақириқ”ни ҳам ўтказиб юборармиз...

— Хўп бўлади...

Юлдузхонга ҳаммадаң кўпроқ ёққани, келинининг “хўп бўлади” деб туриши эди.. Мана, ҳозир ҳам гарчи эрининг тўнғиллашидан кайфияти бузилған бўлса-да, Тобарнинг бир оғиз “хўп бўлади”сидан баҳри-дили очилди. Нима бўпти, эри тўнғилласа-тўнғиллабди-да, ахир салкам ўттиз йилдан бери шу туриши шу туришку! Гарчи севишиб турмуш куришган бўлишса-да, Мавлон акасининг сал ўтмаёқ феъл-атвори ўзгариб, асл “бащараси” намоён бўлғанди. Тўғри, ўшанда ёшлиқ қилғанмиди ёки севгани туфайлими, Юлдузхон эрининг қўполлигига ҳам майдагалиги-ю ўзига етгунча худбинлигига ҳам кўз юмиб кета олганди. Арзимаган нарса баҳона бўлиб жанжалчиқараверганида эса тўнғич фарзанди қизлиги-ю, эрининг ўта ўғилга орзуманд эканлигини сабаб деб билди. Тўғри, Ниғорасидан сўнг уч йил ўтиб Илҳомжон, ундан кейин Ихтиёр дунёга келишди, аммо шу билан ҳам “ўғилталаб” отанинг авзойи очилмади. Энди уч фарзанд тарбияси билан ўралашиб қолган Юлдузхон ортиқча нарсани ўйлашга ҳам вақт тополмас, илгариги “севги”дан асар ҳам қолмаганлигини ўйлаб баъзан ажабланарди. Бора-бора у Мавлон акасини ҳеч қачон-севмаганлигини, шунчаки ёшлиқдаги эҳтиросни севги деб ўйлаганлигини тушуниб етди, аммо уч бола билан ажрашишга кўзи киймади. Бу орада Юлдузхон астасекин хизмат мавқеида кўтарилиб, оддий шифокорликдан даволаш бўлими мудири, кейин бош

шифокор ўринбосарі лавозимига күтарили, иккі йил мұқаддам эса вазирликка ишіга үтиб кетгән бөш шифокорнинг ўрнига үтирди.

Тұғри, ҳаёт ғизиллаб ўз изида үтаётган, орзулари амалға ошаётган, үғил-қызылары бириң-сирин вояға етиб, ўз йүлини топаётган бўлса-да, баъзи-баъзид Юлдузхонга нимадир етишмаётгандек туюлаверарди. У ўйлаб қоларди: унга ҳаётда яна нима керак ўзи? Яхши лавозимда ишлайди, моддий қийинчиликлар худди тушдек бўлиб ўтмишда қолиб кетди, ишхонасида ҳам ҳурмат-иззати жойида. Қизи Нигора ҳам шифокор, ҳозир бир яшар қизчаси билан оналик таътилида үтирибди, баҳтидан мамнун. Мана, яқинда Илхомжонни уйлантириди, келини Лобархон ҳам эсли-хушли, чаққонгина, тилидан “лаббай” билан “хўп бўлади” тушмайди. Ихтиёрға келсак... у ҳали ёш, эндиғина ўн сакқизга кирди, уйлантиришга ҳали эрта.

Юлдузхон калласида ари уясидек ғувиллаётган оғир ўй-ҳаёллардан күтүлмоқчи бўлгандек бошини чайқаб, уф тортди. Ҳа, ҳаётида ҳамма нарса бор-ку, фақат чорак асрдан кўп вақт давомида бир ёстикка бош кўйган, ҳаётда энг азиз бўлиши керак одамидан бир оғиз шириң калом эщитмай, заррача иззат кўрмай үтиб кетаётгани баъзан ўксинтириб юборади-да... Ҳа-а, “Бахтнинг бир чети доим қемтік” деганлари шу бўлса керак-да..:

Ҳайдовчиси қелгани баҳонасида Юлдузхоннинг ўйлари ниҳоясига етди-ю, миясини бутунлай бошқа нарсалар – шифохонанинг кундалик ташвишлари эгаллади-кўйди. Ишхонасига кириб келаркан..

ходимларининг ҳурмат ила салом беришларидан анча кайфияти кўтарилиди ва ишга шўнгиди-ю, кундалик ишларига бёрилиб, бугунги режалари ҳам пақъос эсдан чиқди-кетди.

Юлдузхон кечқурун ишдан қайтганида уйидаги вағир-вугурни кўриб даставвал хайрон бўлди, кейин бугун ўғлининг түғилган куни эканлиги-ю “куда чақириқ” қилиш режаси эсига тушди. “Вой ўлмасам, энди нима бўлади?” ўйлади у ташвишга тушиб. Келинига қандай тайёргарлик кўришни ҳам тайинламабди. Аммо у ичкарига кирди-ю, келинининг дидига қойил қолди. Дастврхон қойилмақом қилиб тузатилган, Илҳом ишидан жавоб сўраб келиб хотинига қарашган, эринчоққина Ихтиёр ҳам келинойисининг ширин қалом ила қилган илтимосларини қайтаролмай, югур-югур ишларни бажарган, ҳатто Нигора-ю, унинг эри ва қайнонасига ҳам хабар беришга улгуришганди. Елкасидан тоғ тушгандай бўлган Юлдузхон ийиб кетиб, келинини бағрига босган дамда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Лобар югуриб бориб очган эшикдан аввал салкам одам бўйи келадиган узун-узун гладиолуслар гулдастаси қириб келди, унинг ортидан эса каттакон тоғора билан ундан ҳам каттароқ қоғоз қутидаги тортни кўтарган Санобархон кўринди.

– Бу гуллар Илҳомжондек ўғилни дунёга келтирган Юлдузхонга! – дўриллаган овоз эшитилдигулдастанинг ортидан ва Лобарнинг отаси Карим ака гулларни Юлдузхонга тутқазиб кўйди.

Юлдузхон кучогини тўлдириган гулларни кўтарганча

дөвдираб туриб қолганди. У негадир ҳозир ўзини худди ҳавода муаллақ тургандек ҳис этарди. У ҳаётда күп гул олган, лекин сира бунақанги ҳолатга тушмаганди. Юлдузхон қулоқларигача қизиб кетаётганини сезар, лекин нима учундир доимо пичоқдек кескир бўлган тили ҳозир танглайига ёпишиб қолгандек, боши хумдек бўм-бўш, на гап тополмас, на ўрнидан қимиirlай олмасди. Тўғри, дарров ўзаро ҳол-аҳвол сўрашишга тушиб кетган яқинлари унинг аҳволини сезишмади, қудаси Санобархоннинг ёқимли овози уни карахт ҳолдан чиқарди.

– Менинг Илҳомжон ўғлим қанилар? – ёш қизлардек эркаланиб ёқимли овозда хитоб қилди Санобархон. – Ўғлим йўқ деб армон қилмасам ҳам бўлади, шундай паҳлавон ўғлим бор энди!

Санобархон күёвини худди ёш боладек эркалатиб, пешонасидан ўпди, кўлига олиб келган совғасини тутқазди. Юлдузхон кимнингдир ўзига қадалган нигоҳини сезди-ю, ён томонга ўгирилди. Карим ака жилмайганча унга тикилиб турар, бу кўзларда акс этаётган бир туйғу бор эдики, уни асло тасвиirlаб бўлмасди. Юлдузхоннинг бутун вужудига титроқ кирди, баданлари худди чумоли юргандек жимиirlай бошлиди, назарида ич-ичидан олов кўтарилаётгандек ва ҳозироқ бу олов ташқарига отилиб чиқса...

Юлдузхонни яна қудаси Санобархон қутқарди.

– Вой, қудажон-эй, шундай полвон ўғилларни қандай топгансиз-а? – бидирлади Санобархон Юлдузхонни махкам қучиб кўришаркан. – Вақтироқ танишмаган эканман-да сиз билан, балки йўл-йўрикларини ўргатармидингиз?

Санобархоннинг шалдир-шулдир гаплари ҳамманинг гуррос кулгисига сабаб бўлди-ю, Юлдузхон ниҳоят ўзига келди ва меҳмонларни ичкарига таклиф қила бошлади. Тўсатдан Юлдузхоннинг юраги гуп-гуп уриб, худди ҳаво етишмаётгандек ўзини ғалати сеза бошлади, атрофидаги борлик худди қаймоқдек қуюқ тир маъвога айланған-у, ҳар тарафдан уни сиқиб келаётгандек эди. Ич-ичидан иссиқ ҳарорат кўтарилиб, боши, юзлари, қулоқларигача қизиб кетган, қулоқлари худди кўрғошин куйиб қўйгандек оғир эди. Бир фурсатдан кейин бу ҳолат ўтиб кетди. Шифокор эмасми, Юлдузхон аввалига ўзидағи бу ҳолатни чарчоққа йўйди ва қандайдир касалликнинг бошланғич белгилари деб ўйлади. Ана шундай ҳолатларнинг бирида у Карим аканинг ўзига қадалган нигоҳини сезди-ю, ўзидағи бу ғалатиликнинг сабабини тушунди. “Вой, тавба, худди илк бор учрашувга чиқан қизалоқдек юрагимнинг дукурлашини-ей!” ўзини-ўзи койиди у ичида. Аммо у қанчалик ўзини босишга уринса-да, сира ўзини кўлга ололмас, ҳаёллари пароканда, факат сурати жилмайиб ўтиради-ю, ичида туйғулар бўрони жўш уради.

Кудаларни зиёфат қилиш аносисида Юлдузхон бир неча марта Карим аканинг ўзига қадалган нигоҳини сезди. “Вой, худойим-ей, нималар бўляпти менга? – деб ўйлади у саросимага тушиб. – Ишқилиб, ўзинг шарманда қилма... Нималар бўляпти-я? Ёки... бу одам гипнозчи эмасмикин, ишқилиб...”

Ниҳоят зиёфат ҳам охирлади-ю, игна устида ўтиргандек безовталанавериб адойи-тамом бўлаёзган

Юлдузхоннинг азоблари ҳам тугади. Аммо ҳақиқий азоб ҳали олдинда экан. Энди Юлдузхон турса ҳам, юрса ҳам, кўз ўнгидаги Карим аканинг қиёфаси турарди. Бирон ўйлаган ўйини охирига етказолмас ёки ҳамкаслари билан гапини тутгаллай олмас – орада лоп этиб Карим аканинг ўзига қадалган нигоҳи эсиг тушар, кўз олдига бир даста оловранг гулларни узатиб турган қиёфаси келаверар ва ўйини ҳам, сўзини ҳам унудиб, бир нуқтага тикилганча хаёлга ботиб қоларди. Тўғри, буни ҳамкаслари ҳам сезишганди, аммо улар Юлдузхонни анча йиллардан бери яхши танишгани учун ҳам бу ҳолатни чарчоққа ёки ёшга боғлиқ бўлган муамоларга йўйиб кўя қолишарди.

Шундай кунларнинг бирида Юлдузхон эрталаб ишга келганида хонасида турган бир даста қизил атиргулларни кўрди. У котибасини чақириб, савол назари билан гулга имо қилди.

– Буларни азонлаб қудангиз ташлаб кетди, – деди котибалиқ вазифасини бажарувчи ҳамшира қиз бепарвоник билан. – Биласизми, Юлдуз Шокировна, қудангиз жудаям аломат одам экан... – котиба Юлдузхоннинг чимирилганини кўриб, саросималаниб қолди. – Вой, мен қаердан билай, ўша киши “Мен Юлдуз Шокировнанинг қудасиман”, деди-да, ахир! Ўшанга олиб қолавердим... гулинни...

Юлдузхон котибасининг хижолат бўлганидан кўзларида ёш ҳалкаланаётганини сезиб, унга жавоб берив юборди-да, юмшоқ ўрйиндиққа оғир чўкди. Кўзлари ял-ял ёниб турган чўғдек атиргулларга тушди. “Эй, тавба, бу ёғи неча пулдан тушди энди? – ўйлади у

ҳайратга ботиб. – Бу гуллар энди нимадан дарак бераркин? Ҳурматми... йўқ, ҳурмат деганлари бундай бўлмайди. Севги десанг... йўғ-е, оиласи, бола-чақали, ёши бир жойга борган, боз устига қуда бўлсак... Оғримаган бошимга шу етмай турганди ўзи...”

Юлдузхон ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади, куни бўйи қўли ишга бормади, жойига ўтиргани ҳамони кўзи гулларга тушавергач, атиргулларнинг хидидан боши оғриётганини баҳона қилиб, гулдастани даволаш бўлими бошлиғи Наргиза Анваровнага чиқартириб юборди. Раҳбарнинг бундай эътиборидан боши кўкка етган шифокор аёл ғизиллаб келиб, раҳмат айта-айта бошини қотирганидан сўнг ҳам кайфияти кўтарилимагач, Юлдузхон вактлироқ уйга отланди. Майли, уйга бориб, яхшилаб бир ўйлаб олсин-чи, кейин бирон хулоса чиқарар...

Юлдузхон шифохона дарвозасидан чиқиб, хизмат машинаси томон йўналганди ҳамки, орқасидан таниш овоз эшитилди:

– Юлдузхон!

Қарасаки, дарвозадан сал нарироқда, йўл четидаги опроқ “Нексия”сига суюнганча Карим ака турарди. Юлдузхон уни кўрди-ю, тўсатдан яна аввалги ҳолат қайтарилиди: юраги худдиг қинидан чиқиб кетгудек гупиллаб уриб, оёклари паҳтадек бўшашиб, жонсиз бўлиб қолди, қўллари беихтиёр дир-дир титрай бошлади. У сумкачасини маҳкам ушлади-да, ўзини қўлга олишга уриниб, аста қудаси томон юрди.

– Шу ердан ўтиб кетаётгандим, сизни кўриб тўхтадим, – деди Карим ака баланд овозда, хизмат

машинасининг хайдовчиси томон бир қараб қўяркан.
— Энди-и... қудаси билан саломлашмай ўтиб кетиш одобдан бўлмас, нима дейсиз?

Карим ака баланд овозда қах-қах отиб кулди-ю, шу билан орадаги таранг вазият сал юмшагандек бўлди, Юлдузхон ҳам сал ўзига келди.

— Болаларимни соғиндим, уларни кўриб ўтай деб сизларникига кетаётгандим, — деди Карим ака Юлдузхонга синовчан боқаркан. — Хайдовчингизга жавоб бериб юбора қолинг, сизни ўзим олиб кетаман...

Юлдузхон хайдовчисига уйига кетаверишини тайинлаб, қудасининг машинасига ўтиаркан, минг бир истиҳола билан у ёқ-бу ёқдан гапирган бўлди, Санобархоннинг соғлиғини суриштириди, охири гап тополмай қолди-да, индамай кўчаларни томоша қилиб кетаверишни маъқул кўрди. Карим ака эса аксинча, оғзи тинмас, қандайдир қизиқ воқеаларни, латифаларни айтиб, кўпроқ ўзи куларди. Юлдузхон эса у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетаётган латифаларга аранг жилмайган бўларди, холос.

— Юлдузхон, агар ижозат берсангиз... — Карим ака гапдан тўхтаб бир зум жим қолди-да, кейин тўсатдан машинани йўл четига яқинлаштириб, тўхтади. — Мен... мен сизни севиб қолдим!

— Нима-а?!

— Ҳа, ҳа, тўғри эшитдингиз, — шоша-пиша изоҳ берди у атрофга аланглаб қўяркан. — Биласизми... бу шундай нарсаки, уни тан олмай иложим йўқ. Юрсам ҳам, турсам ҳам қўз ўнгимдасиз. Ҳатто тушимда ҳам бир даста гулни қучоқлаб турганингизни кўраман. Тағин

үйқусираб, исмингизни айтиб юбормай, деб хавфсираганимдан тунги навбатчиликларга ҳам қола бошладим. Түғри, бўлим мудири сифатида навбатчиликка қолишим шарт эмас, аммо буни хотинимга “Қизингнинг бешик тўйига пул йиғиш керак, шунга қўшимча пул ишлайман” деб ушунтиридим. Санобар менга ишонади, аммо... Кўриб турибсиз-ку, юракка буйруқ бериб бўлмас экан-да... Энди, нима десангиз ҳам ихтиёргингиз, фақат сизни севишга рухсат беринг...

Аллақачон тирик ҳайкалга айланиб бўлган Юлдузхоннинг жавоб бериш учун тили лол, ақли беҳол эди. Ўйлай деса, ўйини ўйлолмайди, гапирай деса тили караҳт. У худди минг йилдек бўлиб туюлган бир дақиқадан сўнг аста кўлини машина эшиги томон чўзди-да, уни очиб, ташқарига чиқди. Тескари томонга ўгирилиб, бошини эгиб ўтирган Карим акага бир муддат қараб турди-да, аста йўлакдан кета бошлади. Тезроқ, тезроқ бу ердан қочиш керак. Акс ҳолда у ҳам ўзини тутолмай қолади-ю, юрагидаги хиссиятлари ташқарига чиқиб кетади. Ана унда... Йўқ, йўқ, бундай шармандагарчиликка сира ҳам йўл қўйиш мумкин эмас... Ахир эри, ўғли ва келини нима дейишади? Қариндошлари-чи? “Қудамни севиб қолсам-а... Ё, алҳазар! Шундай кўргулик ҳам бормиди менга...” Хаёлига келган бу ўйдан Юлдузхон ўзига келди-ю, йўл четига чиқиб, йўловчи машинага қўл кўтарди. Киракаш машинага чиқиб оларкан, қаёққа бориш кераклигини сўраган ҳайдовчи йигитга тезроқ ҳайдашни буюрди. У ўзидан, ўзлигидан қочиб кетмоқда эди. Ҳайдовчи ҳам

ўзича тушунди, шекилли, катта шоҳкӯча бўйлаб физиллаб кетди.

Юлдузхон қандай қилиб уйига етиб келганини билмади. Уйда эса уни совға қутиб турарди: эри сўкинган, Илҳом тўнғиллаған, келини бир бурчакда ийғлаб ўтирибди, Ихтиёр уйдан чиқиб кетган қаердалиги номаълум.

– Тинчликми, сизларга нима бўлди ўзи? – сўради Юлдузхон баттар асабийлашиб.

Эри жавоб ўрнига қоғозча узатди. Қоғозчада Мавлон аканинг тез ривожланувчи саратон кўриниши билан оғригани ёзилганди. Шифокорнинг ташҳисига қараб, Юлдузхон эрининг узоғи билан бир йил, бўлмаса бешолти ойлик умри қолганини тушунди.

– Ё, тавба, бу қанақаси бўлди? – деди у оёғидан мадори қочиб, деворга суюниб қоларкан. – Ахир туппатузук юргандингиз-ку?

– Нима, ўзингга ўҳшаган дўхтирларнинг қоғозига ишонмаяпсанми? Қайтангга яхши эмасми, мендан биратўла қутуласанлар-кўяссанлар! – жаҳл билан тўнғиллади Мавлон ака. – Ишдан бўшадим, эртага Фарғонага кетаман, умримнинг охирги кунларини ҳеч бўлмаса киндик қоним тўкилган жойларда ўтказай...

Ўзи не ҳасратда ўтирибди-ю, эрининг гапларини эшитиб Юлдузхоннинг кулгуси қистади. “Киндик қони тўкилган жой”ларни Мавлон ака беш-олти йилда бир, ўшандা ҳам бирор қариндошининг тўй-пўйи баҳонасида эсламаса, ўз ҳолича бёриб кўриш тушига ҳам кирмасди-да... Тўсатдан Юлдузхоннинг хаёлига бир фикр келди.

- Мен ҳам сиз биylan бирга кетаман! – деди у эрига.
- Шундай оғир пайтда ташлаб қўйиб бўладими? Ҳали даволаниб, отдай бўлиб кетасиз...

Аллақачон “ўлимни бўйнига олиб” қўйган Мавлон ака хотинига бир ўқрайди-ю, индамай чиқиб кетди. Ўз ишини ўлардек севадиган хотини ҳамма нарсани, шу жумладан, бош шифокорликдек мансабидан ҳам воз кечиб, эри билан бирга Фарғонадаги олис бир қишлоққа бориб яшши Мавлон акага жуда хуш ёқкан, худбин юрагига анча малҳам бўлганди. Юлдузхон учун эса бу ташвишлари ва кечикиб келган муҳаббатидан қочиш учун жуда яхши имконият эди. Майли, ҳозирча вақтдан ютса бўлгани. Қолганини эса тақдирдан кўрар...

Юлдузхон узоқ ўйлаб ўтирамди-да, сафар тарддудини бошлаб юборди.

“МАЛИКА”НИНГ БАХТИ

Гўзал йўлакдаги катта тошойнага боққанча қотиб туради. Ҳа, илгариги Гўзалинг “Г” ҳарфи ҳам қолмабди: лўппи, шафттолидек таранг юзлар ўрнини қанор қопдек осилиб, қават-қават ажин босган бир нарса эгаллаган, шаҳло кўзларининг чақноғи йўқолган, худди қалин кул остидан мўралаётган чўғдек “милт-милт” этиб қўяди, соchlарининг ярмини кумушранг толалар эгаллаган (кумушранг десак анча ҳаққимиз кетиб қолади, кулранг десак, тўғрироқ бўлади), бир вақтлар қанча йигитларнинг юрагига ўт ёқкан тўсдек қоп-қора қошларга ҳам оқ оралай бошлабди... Ваҳоланки, Гўзал эндиғина қирқ ёшга кирган...

Гүзал териси қуруқшаб, майда тўр-тўр ажин билан қопланган қўлларини аста кўтариб, пешонасини, сўррайиб қолган бурнини, аразлаган боланики сингари чўччайиб турган лабларини бир-бир силади-да, тўсатдан кўзларига қайноқ ёш тўлди. Бу кўз ёшлари хафа бўлганиданми, хўрлиги келганиданми ёки ўз-ўзига ачинганидан қуйиляптими, ўзи ҳам тушунмасди.

Бир вақтлар қанчалар гўзал эди-я... Уни бир кўрган одам, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак, барибир унга тикилиб қоларди. Бор-йўғи қирқ ёшга кирибди-ю, худди етмишга кирган кампирга ўхшаб қолган бўлса-я... “Хусн – бевафо” деб шуни айтсалар керак-да. У бўлса фақат оила, бола-чақа, рўзгор ташвишлари, эрининг эркаликларини елкасига ортмоқлаб югураверибди, югураверибди, худо берган ҳуснини қаерда тушириб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолибди!

“Аслида энг катта аҳмоқ ўзим” деб шивирлади Гўзал ўзига-ўзи ойнадаги аксига тикилганча.

Гўзал илгари мактабда инглиз тилидан дарс берарди, кейин коллежга ишга чақиришди. Унинг коллежга ишга киришига эри анча қаршилик қилди. Раҳматжон ҳам хотини билан бирга мактабда ишлар, информатика асосларидан дарс берарди. Туш пайтидаёқ дарслари тугаб, уйга қайтиб келар, кейин кечгача телевизор кўриб ётишдан зерикмасди. Турган гапки, қуруқ маошни ҳозирги ўлчовлар бўйича каттагина бўлган силаси ва тўрт боласига етказиб бўлмасди.

Шу туфайли ҳам Гўзал ўзини ўтга-чўққа уриб елиб-югурап, беш-ён сўм ортиқча пул топиш ниятида кўшимча ишлар олар, таржималар қиласар, ҳатто олий

ўкув юртига кираётган талабалар учун иншолар ҳам ёзиб бераверарди. Бунинг уят жойи бор эканми, у ахир меҳнат қилиб пул топяпти-ку?! Раҳматжон эса хотинининг бунақанги “пул ишлаши”дан ўзича ор қилган бўлиб, доим у билан ғижиллашгани-ғижиллашган эди. “Хотин кишининг топгани – ғистонадан ташқарида! Уй-рӯзғорингни ташлаб қўйиб, бунақа пул топишинг керакмас менга!” деб ўшқиради у хотини бирор иш қилаётганини кўриб қолса. Ва, бу ишни қилдирмаслик учун албатта жанжал бошларди. Охир-оқибатда Гўзал “левий иш”ини ярим тунда – эри донг қотиб ухлаб ётганида тугатишига тўғри келарди...

Гўзал коллежга ишга ўтаётганида ҳам Раҳматжон аввал жанжал кўтарди, кейин “Агар мактабдан бўшасанг – ажрашаман!” деб дўқ қилиб кўрди. Ўн беш йилдан бери эрининг чизғидан чиқмаган Гўзалнинг юрагида исёнкор бир рух уйғонди.

– Майли, агар сизга шу керак бўлса, ажрашавераман ҳам, – деди пинагини бузмай.

Раҳматжон бўш-баёвгина, меҳнатдан бошқани билмайдиган хотинидан бундай қатъиятни кутмаганиданми, аввалига довдираб қолди. Гўзал эса эрининг индамаганидан фойдаланди-ю, шартта коллежга ишга ўтиб кетди. Очиғини айтганда, коллежда ҳам шу мактабдаги ишини қиласди-я, аммо у ерда маош бироз баландроқлигини ўйлаб, иккиланиб ўтирмади.

Раҳматжон хотинининг “галга кирмаганлиги”дан Гўзал кутганидек ғазабланмади ҳам, жанжал ҳам қилмади... аммо уйга пул олиб келмай қўйди. Гўзал

пул сўраса, қўполлик билан “Нима, коллежингнинг ойлиги етмаяптими? Бойвуччасан-ку, пулинг кўп, яна мендан сўрагани уялмайсанми? Пулинг етмаётган бўлса, мактабга ишга қайт, ўшандада менинг ойлигимни кўрасан!” дерди. Топган пулини кўчада еб-ишиб, кийиниб, улфатларига сарфлаб юраверди. Гўзалнин қайсарлиги тутди-да, қайтиб эридан пул сўрамай кўйди. Одатдагидек елиб-югуриб пул топиш дардига тушиб кетди. Ахир икки ўғил, икки қизни вояга етказишнинг ўзи бўладими, бунинг устига катта бўлгани сари уларнинг талаблари, ҳаражатлари ҳам катталашиб бораверса...

Яқинда Раҳматжон тўсатдан қандайдир фирмага ишга кириб олди. Унинг фирмада ишлаётганини Гўзал эри биринчи маошини олганида – бир даста пул кўтариб келганидагина билди.

– Мана, кўрдингми, биз ҳам пул ишлашни биламиз!
– деганча Раҳматжон пулларини дастурхон устига сочиб юборди. Битта минг сўмлик пул катта ўғли Анварнинг косасига тушди. Кайфи тарақ Раҳматжон ўғли пулни косасидан олиб, нима қилишини билмай каловланиб турганини кўриб, тиржайди. – Э-э, еб юбормайсанми, ахир бу ҳалол пул-ку! Менинг ҳалол мёҳнатимга... эшакдек қилган мёҳнатимга келган-ку!

Овқат овқатда қолди, болалар косадаги овқатини ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билолмай, бир отасига, бир онасига қараб, жимгина ўтирадилар.

– Ҳа-а, намунча, оғзингга сўк солиб олдиларингми?
– ўшқирди Раҳматжон. – Мана, кўрдиларингми, мен ҳам онангдан кўпроқ пул топа оламан. Ҳа-а, ҳали

ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман сенларга...

Раҳматжон чайқалганча ётоқхонага кириб кетди. Орадан кўп ўтмай, унинг бир нарсалар деб ғудрангани эшитилди. Гўзал ўрнидан туриб, етиб келганида у ечинмаёқ, ўзини ўринга ташлаган, вадаванг хуррак отаётган эди...

Бу воқеага ҳам ярим йилча бўлди. Гўзал шундагина эри хотинидан камроқ пул топгани учун эзилаётганини тушуниб етди. Беихтиёр кўнгли бўшаб кетди, унинг кўполлигини ҳам, ҳатто бир неча йил давомида топган пулинини кўчада еб-ичганини ҳам кечириб юборди...

Гўзал барибир аёллигига борди, эри шу тариқа ишлаб турса рўзгорни анча тиклаб олишларига умид қила бошлиди. Бу ёқда фарзандлари вояга ётиб қолишяпти, уларни уйлаш-жойлаш керак, ахир.

Кеча бўлса Раҳматжон яна кайфи тарақ келди.

– Янги йилни фирмамиз ходимлари ресторонда кутиб олишмоқчи, – деди Гўзалга тикилиб. – Ҳамма ходимлар эри ёки хотинини олиб бориши керак эмиш. Мен бир ўзим боравераман-да, энди...

– Вой, нега унака дейсиз, мен-чи? – деди Гўзал эри гапнинг даромадини қаёққа бураётганини тушунолмай.

– Сеними? – сўради Раҳматжон, кейин Гўзалга еб кўйгудек ўқрайиб, бошдан-оёқ қараб чиқди. – Сени олиб борайми? Сен менинг фирмамдаги аёлларни бир бориб кўргин аввал!

Гўзал тушунди. Унга ортиқча гапнинг кераги йўқ эди. Раҳматжон айтмаса ҳам, Гўзал фирмада ишлайдиган аёллар қанақанги кийинишиларини, ўзларини қандай парвариш қилишларини яхши

тушунади. Аммо аёл киши ўзига қараб, ўзини парвариш қилиб юриши учун аввало оиласида имконияти бўлиши лозим-ку!

Орадан бир ҳафта ўтди. Гўзалнинг афтодаҳол бўлиб юрганини ишхонасидагилар дарров сезиши. Кўзлари киртайиб, юзлари қандайдир кулранг тус олган, кифтлари олд томонга эгилиб, букчайиб қолган Гўзални коллеж директори ўз хонасига чақирди.

— Гўзалхон, синглим, бу нима юриш? — меҳрибонлик билан сўради директор Малика опа. — Афти-ангордингизни кўриб, юрагим ачишиб кетяпти. Нима бўлди, айтинг, оиласигизда бирор ташвиш бор бўлса, ёрдам берайлик.

— Йўғ-э, Малика опа, нималар деяпсиз, ҳамма ишларим жойида, — деди Гўзал ҳазин илжайиб. — Оиласида тинчлик, болаларим ҳам соппа-соғ, эрим ҳам...

— Ҳа-а, ана тилингиздан тутилдингиз, — жилмайди Малика опа ва ҳазиломуз оҳангда давом этди. — “Эрим” дедингиз-у, тилингиз тутилиб қолди. Демак эржонингиз бирор “килиқ” чиқаряпти шекилли, тоғдимми?

Гўзалнинг юраги тўлиб турган эди, чидаёлмади: йиғлаб юборди. Малика опа ўрнидан туриб, унга яқинлашди, меҳрибонлик билан елкасидан қучди.

— Майли, йиғланг, йиғлаб олинг, юрагингиз бўшайди, — деди у. — Фақат бир шарти билан, яъники кейин шундай чиройли кўзларни йиғлашга мажбур қилган ўша сўтак эрингиз ҳақидаги ҳамма ҳақиқатни айтиб берасиз. Келишдикми?

Гўзал бош ирғади. Унинг бошқа иложи ҳам қолмаган

эди. Кейин эса чуқур нафас олди-ю, дардини бошлади. Ўн саккиз йиллик ҳаёти давомида бошидан кечирганлари, эрининг ҳақоратлари, рўзғор ташвишлари, эрининг бир ҳафта олдин у билан зиёфатга борищдан ор қилгани ҳакида сўзлаб беради.

— Гўзалхон, мен сизни олий маълумотли, яхши іедагог, жонкуяр она, фарзандларининг бўйи бўйига тенг бўлиб қолган бир аёл сифатида билсан, сиз фирт фўра экансиз-ку, — деди Малика опа. — Наҳотки, ўзингизнинг гўзалаёл эканлигингишни тушунмасангиз? Агар гўзаллигингишни ўзингиз тан оламасангиз, буни бегоналар тан олармиди? Эрингиз-ку, инчунин!

— Нима қиласай бўлмаса? — ёш тўла кўзлари билан Малика опага тикилди Гўзал.

— Нима қилишни мен сизга айтаман! — деди Малика опа кескин овозда. — Фақат қулоқ осмай, айтганларимни бажарасиз! Бугундан бошлаб чарчаган, хорғин эканлигингишни унутасиз, ўзингизни дунёдаги энг гўзал аёл деб ҳис қиласиз. Тўғрироғи, сиз ҳозир ҳам жуда гўзалсиз, фақат буни ўзингиз унугиб қўйгансиз, оқибатда ҳуснингиз сизни тарк этган. Биз эса уни қайтарамиз ва эрингиз сизни танимай ҳам қолади.

— Болаларим-чи? — сўради Гўзал.

— Нима, болаларингиз? — тушунмай сўради Малика опа ва кутилмаганда хандон отиб юборди. Гўзал ҳам беихтиёр унга қўшилганини ўзи сезмай қолди. — Вой афандининг хотини-ей! “Болаларим-чи”, дейди-я! Фарзандларингиз наздида сиз ҳар қандай шароитда ҳам дунёдаги энг гўзал она эканлигингишни унутманг. Агар билсангиз, аёл киши бир ишга жазм этса, албатта

унинг уддасидан чиқади. Шундай қилиб, олдимизда роппа-роса бир ой вақт бор экан. Фақат, ўзингизда бўлаётган ўзгаришларни эрингизга сездирмайсиз. Бундай эрларни бир ҳайрон қолдириб жазолаш лозим.

Малика опанинг иштиёқ билан, кўзлари чақнаб гапиришини кўрган Гўзалнинг кўнгли ёришиб кетди юрагида қандайдир бир умид учқунлари уйғонгандек бўлди.

– Майли-и... – деди у бўшашиброқ.
– Энди ўзингизни қўлга олинг, бўшашманг! – буруқнамо оҳангда деди Малика опа. – Эсингиздан чиқарманг, сиз ўзига хос гўзал ички оламга эга ва дунёдаги энг латофатли аёлсиз. Ичингизда тинмай “Мен – дунёдаги энг гўзал аёлман. Мен – маликаман, менинг ҳуснимга инсонлар тугул, юлдузлар ҳам маҳлиё!” деб қайтарасиз. Эрталаб уйғонган заҳотингиз, кун бўйи эсингизга тушган пайтда, кечкурун уйқуга кетишдан олдин, хуллас, кунига камида ўн марта қайта-қайта ўзингизга уқтираверинг... Сандигингизда газламаларингиз борми? – тўсатдан сўради у.

– Ха, албатта, – шоша-пиша деди Гўзал. – Қанча керак?

– Менга эмас, сизга керак. Сандингиздаги чиройли матолардан бирор кийимлик ола келинг, дунёдаги энг гўзал малика учун кўйлак тикамиз. Билмасангиз билиб қўйинг, Малика опангиз нафақат сизнинг раҳбарингиз эмас, балки қўли гул чевар ҳам, – жилмайди Малика опа. – Хўш, нима дейсиз?

Гўзал бир неча йил муқаддам хорижий бир матони сотиб олганини эслади. Юмшоқ, ғижимланмайдиган,

лов-лов ёниб турувчи оловранг газламани анчагина пулга сотиб олган, кейин Раҳматжонга кўрсатмаёқ тўнғич қизи Дилфузага атаб сандикқа солиб қўйганди.

Эртаси куни Гўзал ўша газламани Малика опанинг хонасига олиб кирди. Оловдек ёниб турган газламани кўриб, Малика опанинг ҳайратдан кўзлари катта очилди.

– Вой-бў! “Дода”-ку, а?! Қаердан топдингиз буни?

Гўзал елка қисибгина қўя қолди.

– Жуда қиммат мато! – деди Малика опа ёруққа солиб кўаркан. – Бузиб қўймасмикинман, ишқилиб?

– Майли, – деди Гўзал, – агар бузсангиз, тақдирим шу экан, деб қўя қоламан-да!

– Йўқ, бунақаси кетмайди. Дарров тушкунликка тушъяпсизми? Мен нима дейишингизни билиш учун атайлаб ҳазиллашгандим. Сизни билмадим-ку, лекин мен маликани ўз кўзим билан кўрмагунимча қўл қовуштириб ўтиromoқчи эмасман.

Орадан яна икки ҳафта ўтди. Бу вақт давомида Гўзал Малика опанинг кўрсатмаси бўйича ўзини-ўзи ишонтириш ва юзини “янгилаш” билан овора бўлди. Яъни, Малика опанинг усуллари бўйича юзига гоҳ асалли, гоҳ кўкатли ниқоб кўяр, бу ўзгаришларни эри сезиб қолмаслиги учун уйда рўмолини пешонасигача бостириб ўраб юрарди. Турган гапки, Раҳматжон хотинидаги ўзгаришларни сезмас, кун ўтгани сайин тундлашиб борарди.

Гўзал эса юзидаги ўзгаришларни пайқай бошлади: аввалига даҳани атрофидаги, кейин кўз осталаридағи, кейинроқ эса пешонасидаги ажинлар камайиб, текисланба бошлади.

— Ана энди исмингиз жисмингизга мос бўлибди, — деди Малика опа учинчи ҳафтанинг охирларида Гўзални хонасига чорлаб. — Манави “мўъжиза”га бир қаранг-а...

Ҳа, бу ҳақиқтан ҳам мўъжиза — ҳақиқий маликаларнинг кўйлаги эди. Уни кийган Гўзал шунақанги ўзгариб, гўзаллашиб, ҳатто бирор ўн ёшга ёшариб кетгандек бўлиб туюлди. Елкалари ростланиб, ҳаракатларида виқор, савлат пайдо бўлди. Оловдек ёниб, тўкилиб турган бу кўйлакда у бутунлай бошқа одамга айланиб қолгандек эди.

— Ё, тавба! — хитоб қилди Малика опа. — Шунча ҳусн, малоҳатни кўрмаган эрингизнинг кўзи кўрмикин?

— Ҳа-я... — шивирлади Гўзал кўзгудаги аксига сукланиб боқиб, кейин бу соҳибжамолнинг ўзи эканлигига ишонмагандек кўзларини пирпиратди. — Малика опа, сиз сеҳргар экансиз!

— Сеҳргарэмасман-ку, аммо сеҳргарликка ўқиётганим рост! — деди ҳозиржавоблик билан ўзининг меҳнатидан лаззатланаётган директор ҳам қувонганча. — Энди эса, жонгинам, ҳозир ўзингизни қандай хис қилаётганингизни унутманг! Эрингизнинг фирмасида ишлайдиган юзта соҳибжамолдан ҳам гўзалроқсиз ва шу ҳуснингизга муносиб бўлинг. Энг муҳими, ресторанга борганда, ўзингизни ҳақиқий маликадек тутинг. Бу ҳақда эрингиз қандай фикрлаши муҳим эмас. Унинг ишхонасидагиларда қандай таассурот қолдиришингиз муҳимроқ.

Шу гаплардан кейин Малика опа ўйланиб қолди.

— Гўзалхон, сиз яхиси бу кўйлакни ҳозирча эрингизга кўрсатманг.

— Нега?

— Хозирча уни беркитиб қўя туриңг. Фақат ресторанга кетаётган кунингиз, соchlарни турмаклаб, пардозни жойига қўйгандан кейин қийинг, ана шунда ҳақиқий мўъжизани кўрасиз.

— Бўпти! — хитоб қилди Гўзал. Директорининг овозидаги ўйноқилик, болаларча шўхлик унга ҳам оққанди. — Қани, мўъжизани ўзимиз яратайлик-чи!

— Ҳа, яшанг. Омадингизни берсин! — деди Малика опа Гўзални кузатаётиб.

Ана шу тўртинчи ҳафтанинг ўтиши бирам қийин бўлди-ки! Гўзалнинг назарида шу охирги ҳафта етти кун эмас, балки етти йилга чўзилгандек бўлиб туюлди. У гоҳ-гоҳида, эри уйда йўқлигига сандиқни очиб, янги кўйлагини бирров кўздан кечирар, кейин болалари кириб қолишидан чўчиб, дарров беркитиб қўярди. Ойнага қараб, юзига никоб қўйишни қанда қилмасди.

Узоқ кутилган кун ҳам етиб келди. Эрталаб ишга кетаётган Раҳматжон хотинининг юзига қарамасдан тўнгиллади:

— Бугун ишдан эртароқ қайтгин, соат учларда сени олиб кетгани келаман!

Гўзал бир кун олдин ишдан жавоб сўраб келганини эрига айтиб ўтирмади. У эри ишга кетиши биланоқ сартарошхонага чопди. Сочларини русумга кирган қорамтири-олча рангига бўятди, турмаклатди, бармоқларини уқалатди, тирнокларини ва юзларини пардоз қилдирди. Тушликка яқин уйга қайтди, эшикни кенжатои – учинчи синфда ўқийдиган Шоҳинур очди.

— Сизга ким керак? — деб сўради Шоҳинур онасини янги қиёфада таний олмай.

— Сен кераксан-да, эркатоим, — деди ўғлининг

довдираб қолганидан янада рухланиб кетган Гўзал.

– Вой, ойижон, шу сизмисиз? – деди Шохинур ҳамон онасига қараб анқаяркан.

Эри келадиган вақт яқинлашгани сари Гўзалнинг кўнглига ғулғула тушиб, юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлиб ура бошлади. Қани, Раҳматжои хотинини кўриб, нима деркин? Унга ёқармикин ёки...

Раҳматжон ҳам худди ўғли сингари эшикни очган хотинини бир боқишида таний олмади. Таниганидан сўнг ҳам анчагача тили айланмай, хотинига бошдан-оёқ тикилиб тураверди. Оловдек ял-ял ёниб турган ажойиб кўйлакдаги Гўзални чиндан ҳам таниб бўлмасди.

– Э-ҳа... – деди ниҳоят Раҳматжон ҳам ўзига келгандай бўлиб. Кейин бармоғи билан кўйлакка ишора қилди:

– Бу қаердан келди?

– Ижарага олдим, Вактинча кийиб туришга, – деди Гўзал атайлаб қесатган оҳангда. – Директоримиз Малика опадан олдим.

– Қойил!.. Қани, бўлақол, кеч қоляпмиз.

Йўлда кетаётиб ҳам Гўзал эрининг ўзига зимдан қараб-қараб кўяётганини сезиб турарди. Аммо бу ҳали ҳолваси экан... Улар зиёфатга бироз кечикиб келишди. Ресторандаги катта хонада, узун стол атрофида фирма ходимлари жуфт-жуфт бўлиб жойлашишган, тўрда савлат тўкиб ўтирган гавдали, келишган, бир гапириб ўн кулаётган кексароқ одам ҳеч кимга гап бермас, афтидан фирма хўжайини шу эди.

Гўзал остоидан ҳатлаши биланоқ ўтирганлар орасидан гўё шабада югуриб ўтгандек бўлиб туюлди. Барчанинг нигоҳи ўзига қадалганидан бироз

эсанкираган Гўзал ичида “Эй, худойим-ей, ишқилиб қоқилиб кетмай-да” деб ўйлади. Раҳматжон кўзи олазарак бўлиб, бўш жой излар экан, фирма директори қўли билан уларга ўзининг ёнидаги бўш жойни кўрсатди.

— Марҳамат, кеч қолганларга дастурхоннинг тўри мунтазир!

Директорнинг ўнг томонида ўтирган рафиқаси – ёши элликлардан ошган бўлса-да, анча ёш кўринувчи, энг сўнгги русумда кийинган хушрўйгина жувон аввалига эрининг такаллуфидан энсаси қотгандек бўлиб, улар томон бир чимирилиб қаради-ю, кейин... нигоҳини Гўзалдан узолмай қолди. Директор эса рафиқасининг Гўзалга тикилаётганини сезди шекилли, ўзича ҳазил қилган бўлди:

— Буни қаранглар-а, нега ўтган сафар Баширов зиёфатга рафиқасини олиб келмай, ёлғиз ўзи серрайиб ўтириди, деб билолмай доғда қолгандик. Энди билсак, у энг ҳақиқий маликасини хеч кимга кўрсатмай, фақат ўзиники қилиб олган экан-а, худбин...

У кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилгандек бўлиб, Раҳматжонга никтади. Ўтирганларнинг нигоҳи яна Гўзалга қадалди. Гўзал эса директорнинг гапига ҳайрон бўлди. Ахир Малика опа уни “малика”га айлантиrmокчи бўлганини у қаердан биларкин? Директор эса унинг ўйланиб қолганини кўриб, кўз қисиб кўйди-да, ўрнидан туриб, уни рақсга таклиф қилди.

— Баширов, маликангиз билан рақсга тушсан, рашқ қилмайсизми? — деди Раҳматжонга қараб. Раҳматжон ўлганинининг кунидан илжайиб, бош ирғади.

Раҳматжон хотинидаги кутилмаган ўзгаришдан, ишхонасидагиларнинг унга бўлган муносабатидан довдираб қолди. Наҳотки шу доим югуриб-елиб чарчамайдиган, ҳатто дам олаётганида ҳам қандайдир иш билан машғул бўладиган, доим хорғин қиёфада юрадиган хотини бўлса?.. Раҳматжон хотинининг ноз билан куйга монанд хиром этишини, атрофдагиларнинг ўзига бўлган эътиборига жавобан худди қироличадек викор билан жавоб қайтаришини кўриб, ўзи ҳам ундан кўз узолмай қолганди. Юрагида хотинига нисбатан илиқ бир ҳиссиёт пайдо бўлди, худди ич-ичидан чумоли юриб ўтгандек бадани жимиirlаб кетди.

Куй кетидан куй уланиб, даврадагиларнинг бари рақсга тушиб кетганини, стол ёнида фақат ўзи қолганини Раҳматжон энди сезди. Шу пайғ директорнинг хотини унга яқинлашди.

– Маликангизни илиб кетишганидан сўнг, садоқат билан кутиб ўтирас экансиз-да! – деди ҳазиллашиб. Кейин жиддий оҳангда қўшиб қўйди: – Гўзалхон менга жуда ёқди, ажойиб аёл экан. Сиз ҳам бу ерга зерикиб ўтиргани келмаган бўлсангиз керак, ахир, даврага қўшилсангиз-чи!

Нима бўпти, Раҳматжон ракс тушолмайдими? У хотини билан шундай берилиб рақс тушдики, бошқалар даврани бўшатиб қўйиб, уларни томоша қилишга мажбур бўлишди. Гўзал ракс тушмаётганди, балки бугун ҳақиқий мўъжиза юз берганини тантана қилаётганди. У эрининг хизматдошлари ўзига кўрсаттан эътибордан, энг муҳими, умрида ияк бор шунақанги ғалаба нашидасини суриш баҳтига мұяссар бўлганидан ҳамон маст эди. У ўзини ҳақиқий малика

сингари тутар, энг муҳими, Раҳматжон ҳам буни ҳис этарди.

— Очиғини айтсам, ҳали ҳам кўзимга ишонолмаяпман, — деди Раҳматжон бекатда такси кутиб турганларида. — Шу ўзимнинг Гўзалимми ёки... бироннинг хотинини етаклаб келдиммикин, деб ўйлаяпман, — у шундай деб, илжайиб кўйди. — Бир чимчилаб кўр-чи, тагин бу тушим эмасмикин?

Гўзал кучининг борича унинг билагидан чимчилади. Оғриқдан эрининг башараси қийшайиб кетганини кўриб, мамнун жилмайди.

— Ҳа, қалай, тушингиз эмас эканми? Шуни билиб кўйингки, мен сиз билган Гўзал эмасман, балки энг ҳақиқий маликаман. Боя директорингиз айтганида эшитмадингизми?

— Ҳа-я, шу ҳақда нимадир деганди... Майли, кўявер, хозирсалкайфим ошиб турибди, барибир эслаёлмайман. Аммо манави кўйлакни Малика опангдан биратўла сотиб олақол, у сенга шунақангি ярашибди-ки! Ўлай агар, умримда сенинг бунақангি гўзал бўлганингни кўрмаганман.

Гўзал алдаёлмади, очигини айтди-кўйди. Барибир бекатда ҳеч ким йўқ, аксига олгандек, такси ҳам кўринмаяпти. Гап йўғида шу ҳам гап-да...

Эртаси куни баҳтдан ял-ял яшинаб ишга келган Гўзалини кўрган ҳамкаслари танимай ҳам қолишиди. Улар Гўзалини бундай баҳтиёр ҳолда сираям кўрмагандилар.

— Малика опа, сиз сеҳргар экансиз! — хитоб қилди Гўзал директор хонасиға отилиб кириб.

— Мен эмас, сеҳргар — ўзингиз! — деди Малика опа

суриштирмаёқ. Гўзалнинг ял-ял ёниб турган чехрасини кўрибоқ, у ўз ғалабасини сезганди. – Сиз ўз қатъиятингиз, иродангизнинг кучи билан мўъжиза яратдингиз – ўзингизни англаб етдингиз. Ички олами гўзал бўлган инсон эса доим бахтга сазовор бўлади. Бу – табиат қонуни! Ўн беш-йигирма йил ёнма-ёї яшагандан сўнг инсонлар бир-бирига кўнишиб қолади, деб хисоблаш нотўғри. Буни мана амалда синааб ҳам кўрдингиз. Хўш, ресторандан қайтгандан сўнг эрингиз ўзгариб қолдими? Ўша кўйлагингизни мендан “сотиб олиш”ингизни айтгандир?

– Вой, қаердан билдинсиз? – сўради Гўзал ажабланиб.
– Синглим-а, мен ҳаётни биламан, – жилмайди Малика опа. – Мана, мени айтди, дерсиз, энди уйингизда бахт доимий кўним топди. Сиз эса юрагингиздаги маликани унутиб юбормасангиз бўлди...

Малика опа бу сафар ҳам янглишмаганини Гўзал кейинчалик тушуниб етди.

ЭПЧИЛ КЕЛИН

Дарс тугагани ҳамони Назира китоб-дафтарларини апил-тапил сумкачасига солди-ю, эшик томон интилди.

– Назира, қаёққа?
Эшик олдига етай деб қолган Назира ортига ўгирилди. Шаҳзода икки қўлини биқинига тираб, қошлирини чимирганча “қайнонасифат” бўлиб турарди.
– Қаёққа бўларди, уйга, – деди Назира хеч нарсани тушунолмай.
– Ҳо-о, уйгами? – кесатиб деди Шаҳзода. – Бугун

туғилған куним эканлиги ҳақида икки кундан бери жаврасам-у, бу келинпоштанинг қулоғига танбур чертгандек бўлибман-да, а?! Сенларни ресторонга олиб бораман деб, дадамдан ҳиқиллаб пул ундиргандим-а... – Шаҳзода қаппайиб турган бежиримгина сумкаласини уриб кўйди. – Нима, ўша томи қийшиқ уйинг биздан афзал бўлдими? Борарсан ўша уйингга ҳам, тўярсан ўша қайнонангга ҳам, эринггаям...

Шаҳзоданинг “маъруза”сини жон қулоғи билан тинглаётган қизлар гап шу ерга келганда бараварига ҳандон отиб юбориши. Шаҳзоданинг ўзи ҳам кула-кула кўзларига қалқан ёшни қўли билан сидириб ташлаб, ҳамон эшик олдида қаққайиб турган Наргизага қош қоқди:

– Ҳа-а, эшик ёнига қоқилиб қолдингми?
– Эртага Рамазон ҳайити эканлигидан хабаринг борми? – деди Назира жиддий равишда. – Бугун эса арафа куни эканлигини ҳам биларсан? Бугун ош дамлаб, қўшниларга улашиш лозимлиги ҳам эсингдадир? – гап мавруди қай томонга айланаётганини тушунолмаётган Шаҳзода “Нима бўпти?” дегандек бащарасини бужмайтирди. – Қайнанам ишдан кеч қайтади, менга эса ортиқча жанжал керакмас. Сени қанчалик яхши кўрсам ҳам, келинлик бурчимни бажаришга мажбурман. Мажбурма-ан...

Назира Шаҳзоданинг шанғиллашига парво ҳам қилмай, эшикдан чиқиб кетаркан, соатига кўз ташлашни ҳам унутмади. Вой-бўй соат ҳам учга яқинлашиб қолибди-ку! Ҳали уйга етиб боргунича бир соат ўтади. Ишқилиб, қайнанаси ишдан келгунича ош

шишса бўлгани, акс ҳолда тоза балога қолади-да... Ўзи шусиз ҳам кейинги кунларда қайнанаси сал “қайнаброқ” юрибди. Гоҳ бир ишидан камчилик топади, гоҳ бошқасидан. Боз устига қайнанасидан истиҳола қилиб, биринчи марта рўза тутаётгани учунми, Назиранинг сал мазаси қочди: эрталаб тетик юради, аммо тушдан кейин боши айлана бошлайди, юраги тез-тез уриб, кўз олди қоронғилашиб кетавёради. Баъзан, домлалар узокроқ маъруза ўқиб қолса, кўзи тиниб кетади. Уйга зўрға етиб келади-ю, рўзғор юмушларини бажараётгандек бўлиб, ифтор маҳалини орзиқиб кута бошлайди. Гоҳо оёқлари дир-дир қалтираб, юраги қафасидан чиқиб кетгудек бўлиб ура бошлайди, кўнгли бехузур бўлиб кетади.

– Намуンча?! Рўза тутган битта сизмидингиз? Бутун мусулмон зоти рўза тутяпти, ўлиб қолмаяпти-ку? – деб кесатади қайнанаси унинг оёғини зўрға судраб, имиллаб юришини кўриб.

Назира қайнанаси дам олишга рухсат беришни орзиқиб кутади. Аксига олиб қайнана-қайнатаси чой ичиб ўтиришаверади, ўтиришаверади, охири телевизордаги кўрсатувлар ҳам ниҳоясига етади. Шундан сўнггина тинимсиз чой қуишишлардан безор бўлган Назиранинг дам олиши учун рухсат тегади. Қовоқларини харсанг тошдек босаётган мудроқдан кутулиш учун бошини силкиб-силкиб кўяётган Назира қайнанасининг “Майли, дам ола қолайлик бўлмаса”, деганини эшитиб елкасидан тоғ қулагандек бўлади, ўрнидан дик этиб сакраб туради, дастурхонни йиғишириади. “Вой, савил-ей, уйқу деса томдан ташлайди-я!” деб минғиллаб қолади қайнанаси унинг ортидан.

Аммо Назира қайнанасининг минғиллашига парво қиласидиган аҳволда бўлмайди. У ётоқхонага киради-ю, ўзини таппа ўринга ташлайди. Баъзан шу ётишда эрталаб соат жиринглашидан уйғонади. Соат жиринглаганини эшитиб, Назира сапчиб ўрнидан туради, қайнанасига саҳарлик тайёрлаш учун шошилганча кийина бошлайди.

— Тошдек қотиб ухлайсан-а! — кесатади Жамшид, кейин норози оҳангда тўнғиллади: — Намунча имирсиладинг, чироқни ўчирсанг-чи, уйкуниям ҳаром қилдинг!

Дарс тайёрлаш хақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Китоб вараклашга Назиранинг ҳоли етмайди. Ҳоли етган тақдирда ҳам вақти етмайди: гоҳ кир ювиш керак, гоҳ ойналарни артиш керак, гоҳ кафель қопланган деворларни... кейин палос ва гиламларни қоқишишга навбат келади. Шу тарзда уй юмушлари сирам тугамайди. “Ё, тавба, бир уйда шунчалик ҳам ойна кўп бўладими-я? — деб ажабланади Назира. — Ҳар ҳафтада ойна артиш шартмикин? Ҳафта сайин палос қоқиш-чи? Ахир уйни ивирситадиган ёш бола бўлмаса...”

Назира ўйлаб-ўйлаб, ўйининг тагига етолмайди. Ўтган куни ойиси қўнғироқ қилганида чидолмади: қийналиб кетгани, мазаси йўқлиги-ю дарсларини тайёрлай олмаётганингача, бари-барини тўкиб солди. Охири йиғлаб юборди. Ойисининг ҳам кайфияти бузилди, то Назиранинг дийдиёси тугагуница индамай эшитди, кейин анчагача индамай қолди. Назира ойисининг феълини яхши билгани учун ҳам унинг

хозир қанчалар сиқилиб кетганини тасаввур қилди.

— Майли, қызим, энди нимаям қилардинг, чидайсанла, — деди ниҳоят ойиси тилга кириб. — Ҳамма келинлар ҳам бошида шунақа қийналишади. Сабр қилавер-чи, зора тезроқ фарзандли бўлсанг, набирасига овуниб, қайнананггаям инсоф кириб қолса...

— Ҳа-а, кейин тоза Худо бераркан-да, — деди Назира ойиси ҳам ўзини тушунмаётганидан буткул кайфияти тушиб. — Шунча уй юмушлари устига боланинг ташвишлари ҳам қўшилса, чарчаб ўларканман-да биратўла...

Бекатда одамларнинг тапир-тупур автобусдан тушишлари Назиранинг хаёлини бўлди. Қараса, ўзининг бекатига етиб келганини сезмай қолибди.

Назира автобусдан тушди-да, сирғаниб йиқилмаслик учун йўлнинг қорбосган томонидан юриб, ғизиллаганча уйи томон ошиқди. Йўл четидаги дарахтлар қалин қор остида худди оппоқ рўмол ўраган келинчаклардек бош эгиб туришарди. Тинимсиз машиналар ўтишига қарамай, йўлни қоплаган қатқалоқ муз эришга улгурмайди. Йўл четида эса болалар тўпланиб олишган. Улар музлоқ йўлда сирғаниб кетмаслик учун тошбақадек имирсилаб келадиган машиналарни кутишмоқда. Биронта машина кўриниши билан болалар хушёр тортишади, аммо ўзларини бепарво қилиб кўрсатишга уринишади. Машина олдиларидан ўтиши билан унинг орқасидан осилиб, музда сирғаниб кетаверишади. Анча нарига борганда ҳайдовчи уларни сезиб қолади, машинасини тўхтатади-да, бўралатиб сўкишга тушади. Болалар қийқирганча тирақайлаб

қочишади. Баъзи ҳайдовчилар эса “йўловчилари”ни сезиб қолишиша, тезлигини яна ҳам камайтиришади ва ҳазиллашгансимон кетма-кет сигнал чалганча йўлда давом этишади. Баъзи ҳайдовчилар эса болаларга қарашмайди ҳам, парво ҳам қилишмайди...

- Назира уйига келди-ю, тезгина кийимларини алмаштириб, ошхонага ўтди. Газўчоқни ёқди-ю, ҳафсаласи пир бўлди: олов тили ўчай-ўчай деб зўрға милтиллаб ёнарди. Бунағанги паст оловда ош дамлаб бўладими? Яхшиямки, эрталаб сабзи-пиёзни қовуриб, зирвагини қайнатиб кетгани...

Назира қозонни олов устига қўйди-да, қўлинни унинг тафтига тутди. Иккى ҳафтадан бери шу аҳвол: тўсатдан кетма-кет қор ёғиб, қаттиқ совуқ тушди-ю, газ босими пасайди-колди. Бир чойнак чой ярим соатдан ошиқ вақтда зўрға қайнайди, овқат ҳам “солди-пишди” бўляпти. Бундан эса қайнанасининг баттар жигибийрони чиқади. Газ босими пасайгани уйларни иситувчи қозонхоналарнинг ишлашига таъсир қилган, шекилли, уй ичи ҳам кўчадагидан сал иликроқ.

Назира гуручни солиб, зирвак қайнаб чиқишини кута бошлади. Ўн дақиқа ўтди ҳамки, зирвак қилт этмаса-я! “Оббо, энди нима қиласман? – ваҳима ичра ўйлади Назира. – Гуруч бўкиб қолади-ку, кейин палов палов бўладими?”

Назира шу ондаёқ гуручи бўкиб, ланж бўлиб қолган ошни, қайнанасининг чимирилган башарасини тасаввур қилди. Қўрққанидан юраги гуп-гуп ура бошлади, кўз олди қоронғилашиб кетди. У ииқилиб тушмаслик учун жон ҳолатда музлатгичга суюнди-ю...

тўсатдан музлатгич ёнига тахлаб қўйилган газеталар уюмига кўзи тушди. Қайнатаси ўқишига ишқибоз: ҳар куни бир тўда газета-журналларни кўтариб келади, ярим тунгача уларни ўқийди, улгуролмаса, нонушта пайтида ҳам ўқиб ўтиради. “Яна кироатхонликни бошладингизми? – деб минғирлайди қайнанаси. – Ундан кўра тузукроқ чой ичиб олинг. Бу кетища ошқозон ярасини ортириб оласиз хали!” Эри жавоб ҳам қайтариб ўтирмайди, газетани буклаб, чўнтағига солади-да, ишхонасиға жўнаб қолади.

Ҳозир эса газеталар уюмини кўриб, Назиранинг хаёлига бир фикр келди. У бир тўп газетани олди-да, узунасига буклаб, тўрт томондан қозон тагига сукди. Газеталар ёниб бўлгунича, у яна бошқаларини шутарзда буклаб, тайёрлаб турди. Тез орада ошнинг зирваги биқирлаб қайнай бошлади...

Қайнанаси ишдан қайтганида Назира қўшниларга чиқариш учун қосаларга ош сузаётганди.

– Уф-фо, уйни куйинди ҳиди босиб кетибдими? – деб шанғиллаганча ошхонага кириб келди қайнанаси. – Вой, бу нимаси?! Ошни ўзим дамлайман, девдим-ку?! Боплабсиз, келинпошша! – У қозондан бир кошиқ ош олиб, оғзига солди. – Нима бало сасияпти-ей, тагига олиб кетдими?!

Назира қайнанаси ошни ўзи дамламоқчи эканлигини эшитмаганди ҳам. Негаям шу ошни дамлади-я? Ана энди боши ғалвадан чиқмайдиган бўлди. Аслида-ку, ош тагига олгани йўқ, ланж ҳам бўлмаган, шунчаки ёнган газеталарнинг ҳиди тўлиб кетганди ошхонага. Аммо қайнанаси барибир бошқа баҳона топади-да...

– Кечиринг, ойижон, эрталаб гапингизни эшитмай қолибман, – деди Назира ва ойнани очиш учун бир қадам ташлади-ю...

У кўзини очганида, ўзининг ётоқхонасида ётганини кўрди. Оқ ҳалат кийган кексароқ аёл қоғозга нималарнидир ёза туриб, қайнанасига куйиб-пишиб апираётганди.

– Саксонга қирқ беш қон босими билан гавдасини қандай кўтариб юрганига хайронман! – қулоқни тешиб юборгудек қаттиқ овозда уқтиради у қайнанасига. – Эрталаб зудлик билан шифокорга учрашсин, қон таҳлили топширсин. Қони камлиги шундай ҳам кўриниб туриди, рангпарлигини қаранг! Хулласи шуки, келинингиз қаттиқ толикқан, камқонлик, ҳомиладорлик, устига-устак талаба экан...

– Ҳм... рўза ҳам тутувди, – қандайдир англаб бўлмас гуноҳкорона бир оҳангда минғиллади қайнанаси.

Назира оқ ҳалатли аёлнинг қошлари чимирилганини кўрди, аммо энди уларнинг кейинги гаплари қулоғига кирмади ҳам.

“Ҳомиладор, дейдими? – даҳшат ичра ўйлади Назира.
– Вой, шўрим-м, энди шу етмай турувди! Энди нима қиласман?..”

Назира ўзининг она бўлиши ҳақида ўйлаёлмади, қувонмади ҳам, балки шунча рўзгор юмушлари устига боланинг ташвишлари, бола парвариши-ю тинимсиз кир ювишлар ҳам қўшилишини тасаввур қилди-ю, юраги тез-тез уриб кетди, чап кўкраги остида қаттиқ оғриқ турди. У чидай олмай, инграб юборди.

– Бўлди, бўлди, қизим, ҳозир опоқ бўлиб қоласиз, –

деди оқ халатли аёл худди ёш болага гапираётгандек өркаплатувчи оҳангда, кейин қайнанаси томон ўгирилди.

Ҳозир тинчлантирувчи дорини эмлаб кетаман, қанча қўн ухласа ҳам уйғотманглар.

Қайнанаси индамай бош иргади. Назира қайнанасининг кўз қараашларида қандайдир янги би мінью пайдо бўлганини сезиб қолди. Бу – ачиниш эдими ёки меҳрми, тушуна олмади. Баданига игна болганини сезиб, бир сесканди...

Наргиза уйғонганида кун ёйилиб кетганди. Ҳаво сонук бўлишига қарамай, қуёш чараклаб турар, кўчадан бола-бақранингчувиллашиб қорбўрон ўйнашаётгани эшитилиб туарди. Назира қўрқиб кетди, ўрнидан сапчиб туриб, кийина бошлиди. Шу пайт эшик қия очилиб, қайнанаси мўралади. Назиранинг кийинаётганини кўриб, югургилаб ичкарига кирди.

– Вой, болам, нега ўрнингиздан турдингиз? – деди қайнанаси Назира илгари сирам эшитмаган илиқ бир овозда. – Қани, дарров ётиб олинг-чи!

– Ойижон, кечиринг, ухлаб қолибман, – шивирлади Назира юраги шувиллаб. – Соатни бураш эсимдан чиқибди, шекилли...

– Майли, майли, хечқиси йўқ, – деди қайнанаси хушнуд оҳангда. – Уй юмушлари хеч қачон тугамайди, бир кун қолса қолсин.

Қайнанаси бир зум жим қолди-ю, кейин кийинишини ҳам, қайтиб ўрнига ётишини ҳам билолмай, боқканча юраги шувиллаб турган Назира елкасидан охиста қучиб, пешонасидан ўлди.

– Мени кечиринг, болам, яна шу ахволингизда рўза

туттириб, сизни ҳам қийнаб қўйибман. Энди бу ёғига эхтиёт бўлинг, хўпми, жон болам...

Назира кийиниб, ошхонага кирганида, қайнана-қайнатаси ва эри нонушта қилиб ўтиришарди. Нонушта майтида доим жизиллаб турадиган қайнанасининг бугун кайфияти жуда кўтаринки, Жамшид акасини-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Жамшиднинг кўзларида [REDACTED] оҳр уфуриб турардики, Назира беихтиер уллио, ерга қаради.

Назира қайнатасига салом бериб, чойнакка кўл зайди.

— Ҳай, болам, бугунча дам олақолинг! — деди қайнонаси чойнакни унинг олдидан тортиб оларкан. — Менга шундай ҳайитлик тайёрлаб қўйибсиз-у, эвазига бугун мен сизга чой куйиб бера қолай!

Қутлуғ Рамазон ҳайити кунида бу оила сўнгги ярим йил ичида йўқотиб қўйган тинчлик-хотиржамлигини топиб олгандек эди гўё. Гангир-гунгир сухбатлашиб, чой ичиб ўтиришар экан, Назира бу хонадонга шодликни қайтариб берган мўъжиза айнан ўзининг пораги остидаги миттигина вужуд эканлигини тушуниб қолди. Унинг ҳали туғилмай турибок, шунчалар кудратга эга эканлигини кўриб ҳайрати ошди, юрагида илик бир ҳис уйғонди. Бу – оналик меҳри эди.

СИНОВ

[REDACTED]
хеч нарса демаган
[REDACTED]
сошқачароқ чакнаб,
шаблари тасасумга юрганиб, пир-пир учишидан қиз

онасининг кайфиятини кўтарадиган қандайдир ҳодиса юз берганини дарров сезди.

— Ойижон, тинчликми? — сўради у ажабланиб.

— Тинчлик... — чўзиб деди Салима опа, аммо хурсандлигини ичига сифдиролмади, шекилли, гапнинг лўундасига кўча қолди. — Боя... совчилар келганди!

— Вой-бў, шунга шунчаликми? — ажабланди Моҳигул.

Кизнинг ажабланишида ҳам жон бор. У мактабни битирганидан бери уйларини совчи босган. Моҳигулнинг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам бунга кўнишиб қолишган. Дадаси “Кизим институтнинг биринчи босқичида ўкияпти. Ҳеч бўлмаса охирги босқичга ўтганида узатаман. Акс ҳолда ҳам рўзғорни, ҳам ўқишини эплаёлмай, қизим қийналиб қолади” деган баҳона билан совчиларни қайтаряпти.

— Вой, билмайсан-да ким келганини! — хитоб қилди Салима опа. — Тоғамнинг келини Назира сени ўғли Зилолиддинга сўраб келибди!

Моҳигул кимдан совчи келишини кутса ҳам, Зилолиддиндан келишини кутмаганди. Тўғрироғи, у ўзинци Зилолиддинга мос деб умид ҳам қилмасди. Баланд бўйли, алпқомат, тўсдек кошлари остидан тундек қора кўзлари чақнаб турадиган, хушмуомалаликда булбулигўёни ҳам токчага ўтказиб кўядиган бу йигит ўзи кирган даврадаги аёл зотининг дикқатини тортмай қолмасди. Икки йил муқаддам Моҳигулнинг акаси Равшан уйланганида тўйга келган Зилолиддин шу ердаги барча қизларнинг юрагига бир чўғ солиб кетганди гўё. Шу жумладан, Моҳигулнинг ҳам...

— Ойижон, мен бир нарсани тушунмадим, — қиз хаёлини йигиб олиш учун қошларини чимирди. — Нега айнан мени сўраб келибдилар ўзи?

— Бунинг нимасини тушунмайсан?! — Салима опа жаҳл билан кизига тикилди. — Бип-бинойидек қиз бўлсанг, ҳуснинг ўнта қизга етиб-ортгулик! Ендеқ қиз ўғлига тегса, жон десин ҳали!

— Майли-ку, лекин... Шундай келишган, ўқимишли, якинда олим бўладиган йигит шу пайтгача ҳеч кимга қарамагани, яхши кўрмаганини тасаввур қилиш қийинда!

— Сен қизга нима бўлган ўзи, эс-песинг жойидами?!
— бобиллаб кетди Салима опа. — Шундай йигитдан ҳам айб қидиряпсанми ҳали? Танлаб-танлаб, тозисига учрамоқчимисан? Бир ёқда дадангнинг топиб олган гапи “Қизим ўқишни битирсан” бўлиб қолган, сен эса ҳар келган йигитдан бир айб излайсан! Нега энди Зилолиддин қимгадир қараши керак экан? Ўқийман, олим бўламан деган одамнинг қизларга қараашга вақти бўлармиди?!

— Лекин...

— “Лекин”лама! Шу келаётган якшанбада Зилолиддин билан учрашувга чиқасан, гап тамом!

— Нима-а...

Моҳигул онасиға эътиroz билдиришга чоғланди-ю, лекин ақасининг тўйида Зилолиддинни кўрганида “жиз” этишга улгурган юраги кургур бунга йўл бермади. Қиз бўғзидаги отилиб чиқишига тайёр турган эътирозини қайта ютди-ю, лом-мим демай ўзининг хонасиға кириб кетди. Моҳигулнинг сукутини ўзича тушунган Салима опа дарров Назирага сим қоқиб,

қизининг учрашувга чиқишига рози бўлганини хабар қилишга шошилди.

Одатда, икки томоннинг розилиги билан бўлган иш тез битади. Совчилар келганини эҳтиобоқ Анвар аканинг ранги-рўйи ўзгариб, хотинини койишга чоғланганди ҳам-ки, эрининг нима дейишини олдинданоқ билиб турган Салима опа хушхабар айтаётгандек табассум ила шоша-пиша:

— Қизингиз ўзи рози бўлди! — деди.

— Йўғ-э, Моҳигул рози бўлдими? — сўради Анвар ака қулоқларига ишонмай.

— Ҳа-да, шундоқ йигитга рози бўлмай ўлибдими?! — тантана қилди Салима опа. — Совчилар келганини, якшанба куни учрашувга чиқишини айтгандим, сукут аломати ризо дёгандек миқ этмай хонасига кириб кетди.

— Ие, ҳали қизингга айтмасданоқ уни учрашувга чиқаришга рози бўлиб кўя қолганмидинг? — жаҳл отига минди Анвар ака. — Балки тоғангнинг келини билан келишиб, мен бехабар тўй куниниям белгилаб қўйгандирсизлар-а??!

— Ҳа-я, Назирахон ноябрь ойининг бошларига тўй қилишни мўлжаллаётган экан, — деди эрининг кесатаётганини тушуниб етмаган Салима опа. — Қишига қолиб кетмайлик, деяпти-да!

— Ие, ҳа-а... — жаҳли чиққанидан Анвар ака гап тополмай қолди. У бир зумча қурукликка чиқиб қолган балиқдек оғзини каппа-каппа очиб тургач, нихоят ўзига келиб, хотинига ғазаб билан ўқрайди. — Октябрь яримлаб қолди-ку! Сен, нима, бир ой ичидаги тўй қилиб юбормоқчимисан? Йигитнинг ўзини, оиласини

кўрмайсанми, суриштирмайсанми?

— Суриштириб ўлибманми? — хитоб қилди Салима опа. — Нимасини кўраман яна? Туғиншган тогамнинг набираси бўлса! Туппа-тузук йигит, ўқиган, олий маълумотли! Яқинда диссертация ёқлармиш.

— Нима, диссертация ёқлайдиганларнинг бари авлиё бўлармишми?

— Вой-ей, сизга ҳеч ким ёқмайди-я! Унисини ўпок дессангиз, бунисини сўпок дейсиз! Қизингизга ёкиб турганидан кейин нима қиласиз-а боланинг бахтини тўсиб...

Анвар ака “Кизинг қаерда кўрибдик, уни ёқтирган бўлса?” деб сўрамоқчи эди ҳамки, тўсатдан ўғлининг тўйида хушмуомала, одобли, хушсурат Зилолиддинни кўрганида ўзининг ҳам хаёлидан “Киройи куёвинг бўлса, шундай бўлса-да” деган фикр ўтганини эслади. Майли, нимаям десин, бу йигит бўлмаса, бошқасига беради-да қизини... Моҳигулнинг ўзиниям кўнгли бор экан-да, индамабди-ку, ахир... Ўқиши бир гап бўлар, шунча қизлар турмушга чикиб, ҳам ўқишини, ҳам рўзғорини эплаб кетишяпти...

— Бўлти, ўзинг биласан, — қўл силтади Анвар ака ниҳоят, — Кечқурун ўғлининг ишдан қайтганида, маслаҳатлашамиз.

Салима опа хурсанд бўлганидан оғзининг таноби қочди-ю, аммо индамасликни маъкул ҳопди. Эрининг феъли чатоқ, кутилмаганда томдан тараша тушгандек айниб қоладиган одати бор. Тағин ҳамма ишни бузиб, пишибгина турган ошни ланж қилиб ўтирмасин. Шундай хаёлга борган Салима опа одатига хилоф равишда ортиқча гаплар билан эрининг бошини

қотирмади, балки тезроқ сандигини очиб, қизининг аллақачон тайёр тұрган сепидаги кам-құстларни ңамалашга түшди.

Якшанба ҳам келди. Келинойиси билан учрашувга чиққан Моҳигул онаси билан бирга келаётган Зилолиддиннинг қорасини күргандаёқ юраги дукурлаб уриб, юzlари-ю қулоқларигача қизиб кетаётганини хис этди. Қайнансинглисидаги үзгаришни дарров пайқаган Нозима уни уялтирмаслик учун ўғли билан бирга келаётган Назира томон юрди. Зилолиддин Нозима билан номигагина сўрашиб, Моҳигул томонга ўтиб кетди. Икки аёл бир дақиқача сўрашган бўлишди-ю, кейин сал нарирокда индамай турган ёшларга зимдан қарай-қарай, бу ердан узоқлашишга щошилишиди.

Зилолиддин ўзининг онаси билан қизнинг келинойиси такси тұхтатиб, бирга ўтириб кетишиларини кузатиб, миқ этмай турарди. Ниҳоят, аёллар кетгач, у орадаги сукунатни бузди.

— Моҳигул, сиз менга ёқасиз, — деди у охиста, ҳар бир сўзни чертиб-чертгиб гапиаркан. — Лекин бугун сиз билан гаплашишга вақтим йўқроқ. Ўзингиз тушунасиз, бу ёғи хизматчилик, Петербургга кетаётган ҳамкасб оғайнимни кузатиб қўйишнга ваъда бергандим. Ойим мен бехабар шу ишни бошлаб қўйибдилар. Ҳалиги, учрашувни айтяпман... Мен, — у билагидаги соатига қараб қўйди, — яrim соат ичида аэропортга етиб бормасам бўлмайди. Кейинги сафар бафуржга гаплашармиз, майлимий?

Зилолиддин ҳамон ер чизиб турган қизга тикилди. Моҳигулнинг ёноқлари лоладек лов-лов ёнар, узун киприклари пирпиарди. “Шунчалик ҳам чиройли қиз

бўладими?” беихтиёр ўйлади Зилолиддин унга сукланиб боқаркан. У юрагининг туб-тубида қаршисидаги париваш қизнинг ёнида қолишдек истак бош кўтарганини пайқаб, зўрға ўзини қўлга олди.

— Мендан хафа бўлиш йўқ-а? — сўради у қизнинг юрагини ўйнатиб юборган мафтункор табассум билан.

— Келинг, сизни кузатиб юборай...

Зилолиддин бир зумда такси тўхтатиб, манзилни тушунтириди-ю, таксичи билан савдолашмаёқ айтилган пулни қўлига қистирди ва Моҳигулни ўтқазиб, эшикни ёпиб ҳам кўйди. Нима дейишини ҳам, ўйлашини ҳам билолмай, лол-хайрон қолган Моҳигул уйга келинойиси билан изма-из етиб борди. Эндиғина уйга келиб, кийимини алмаштиришга улгурган Нозима ортидан кириб келган қайнисинглисига бир карашдаёқ кайфияти чатоқлигини тушунди-ю, аммо гап сўрашга улгуролмади – телефон жиринглаб қолди. Назира экан. У ўғли йўлдан кўнғироқ қилганини, Моҳигул Зилолиддинга маъқул тушгани ва тўйга рози бўлганини айтди. Нозима қайнанасининг тўй ҳақидаги охири йўқ режаларига кулоқ тутаркан, қайнисинглиси ҳақида пакъкос унутди.

Ота-оналар уч ҳафтадан кейин тўй қилишга келишишди. Икки ҳафта давомида Моҳигул тиқ этса эшикка қараб, телефон жирингласа юраги бир қалқиб тушиб яшади. Аммо кунлар кетидан кунлар ўтди ҳамки, кутгани бехуда кетди — куёв бўлмиш Зилолиддиндан дарак бўлмади. У Моҳигулни қайта учрашувга чақирмас, ҳатто кўнғироқ қилиб ҳам гаплашмасди. Ниҳоят, бу ҳолатни Моҳигулнинг акаси Равшан сезиб қолди.

— Менга қара, бу қанақаси? — деди Равшан синглисидан гап сүролмай, хотини Нозимани сўрокқа тутаркан. — Нега куёвболадан дарак йўқ?

— Билмадим, — хотинининг кўзлари ер сузди.

— Эсинг жойидами, нега билмайсан? — бу сафар қизишидигит. — Сен билмасанг, мен билмасам, ки билади унда? Нега бу йигит эрта-индин ўзи уйланадиган қизни қайта кўришни, у ер-бу ерга айлантиргани олиб боришни хоҳламаяпти? Қиз боланинг ҳам кўнглига қарashi керак-ку, ахир!

— Анақа... — Нозима гап бошлиб қўйди-ю, эри ўзининг “анақа” деган сўзини ёқтирмаслигини эслаб, тилини тишлади. — Ўтган куни келин сарпони олишга чиққанимиздаям куёв кўринмадилар. Онаси билан ўзимиз...

— Шуни дарров менга айтмайсанми? — портлаб кетди Равшан. — Жуда латтачайнарсан-да ўзиям... — у гапираётган гапидан тўхтаб, бир зум ўйланаб қолди. — Тушунмадим, Зилолиддин нега бундай қиляпти экан-а? Туппа-тузук, эсли-хушли йигит бўлса...

Елка қисибгина қўя қолган хотинидан гап чиқишидан умидини узган Равшан онасини қийин-қистоққа олди, турган гапки, Салима опадан ҳам тайинли жавоб ололмади. Равшан тўй тадориги билан банд отасига ёрдамлашишга берилиб кетиб, кўнглига оралаган шубҳаларини унутди.

Тўй ниҳоятда чиройли ўтди. Тўйга ташриф буюрган меҳмон аёлларнинг вақти фақат келин билан куёвнинг бир-бирига “узукка кўз қўйгандек мос” эканлигини муҳокама қилиш билан ўтди. Дарҳақиқат, баҳтидан масрур Моҳигул давра тўрида ўн тўрт кунлик ойдек

ял-ял ёниб ўтиради. Гарчи Зилолиддин жуда жиддий ўтирган, тишининг оқини кўрсатмаётган бўлса-да, қариндошлар унинг ҳолатини жиддийликка йўйишиди. Ахир беш дақиқаси кам олим йигит бўлса, худа-бехуда тиржайиб ўтирамиди?

Моҳигул эса ҳозир қаршисида очилаётган баҳт дарвозалари ва келгусидаги баҳтли ҳаёт нашидасидан бошқа ҳеч нарсани ўйлашга қодир эмасди. Гарчи лабидан табассум аrimаётган, кўзлари шўх-шодон даврани кузатаётган бўлса-да, у хаёлан баҳтидан сармаст ҳолда еттинчи осмонда учиб юради.

Тўй тугаб, янгалар келин-куёвни ўзларига аталган уйда холи қолдиришиди. Зилолиддин бир неча дақиқа келинлик либосидаги Моҳигулга қараб турди-да, кейин хўрсиниб қўйди.

— Бугун роса чарчадингиз, — деди у кизнинг юракларини ўйнатиб юборган мафтункор табассум билан. — Озгина дам олиб туринг, менинг бир ишим бор. Шуни қилиб олай, кейин гаплашамиз.

Йигит шундай дея келин-куёвга аталган ўрин томон юрди. Моҳигул унинг ҳатти-ҳаракатларини қизиксиниб кузатаркан, йигитнинг нияти нималигини сира тушуна олмади. Зилолиддин ёстиқнинг остини кавлаб.. иҳчамгина планшет олди-да, ҳамон қаққайиб турган келинга эътибор ҳам бермай, кўзгу қаршисидаги юмшоқ курсига ўтириди ва планшетни тиззасига қўйиб, жиддий қиёфада нималарнидир ёза бошлади. Иш бундай тус олишини сирайм кутмаган Моҳигул беихтиёр келин-куёвга аталган ўринга яқинлашиб, юмшоқ кўрпалар устига аста ўтириди...

— Моҳи, тура қолинг тезроқ! — келинойисининг овозидан чўчиб кўзини очган Моҳигул даставвал

қаерда эканлигини англаёлмай, атрофга аланглади. Нозима эса унинг қўлидан тортиб, шоширди. — Бўлинг, бўлинг, тезроқ туринг, саломга кеч қолмайлик тағин!

— Ухлаб қолибманми? — сўради Моҳигул эс-хуши жойига келиб, кейин кўзлари билан Зилолиддинни излади, аммо излаганини тополмади.

— Чарчагансиз-да! — деди келинойиси, кейин қайнисинглисига ҳамдардлик нигоҳи билан тикилди.

— Нима, бу дейман... куёв билан гаплашмадингизми?

— Йўқ, — Моҳигул тундаги воқеани эслади. — Билмадим... Негадир планшетини олиб, роса бир нарсаларни ёзди-ей! Кутавериб, зерикканимдан ухлаб қолибман...

— Вой-бў! — Нозима кафтини лабига босди. Унинг эсига тўйдан бир неча кун олдин эри Зилолиддиннинг бепарволигидан роса жизғанак бўлгани тушди. Кейин қайнисинглисига далда берищ учун унинг елкасини силади. — Майли, эътибор берманг, ҳаммаси яхши бўлади. Турақолинг, ювиниб, келинсаломга тайёрланайлик.

Эрта тонг. Гарчи ноябрь ойининг аччик нафаси баданларни жунжиктирса-да, уфқдан бош кўтариб келаётган қуёшнинг заррин нурлари нафакат табиатни, балки кўнгилларни ҳам ёришириб юборяпти. Қелин тушган ҳовли қариндошлар, қўни-қўшнилар билан тўлган. Моҳигул баҳтдан гул-гул ёнганча, ўзи энди бир умр яшайдиган уйга, қайнатасига, қайнанасига сидқидилдан салом қилди.

Назира ўзига салом қилаётган келинига баҳт тилаганча, унга олмос кўзли узук ва зирақ тўпламини тақиб қўйди. Тўпланган аёллар орасидан ҳаваснинг

енгил эпкини учиб ўтгандек бўлди.

— Ўғлим билан қўша қаринг, баҳтли бўлинг, қизим,
— деди Назира Моҳигулнинг юзларидан ўпаркан.

Моҳигул қайнанасига таъзим қилаётган пайтда унинг ёнида турган аёлга кўзи тушди. Ёшгина, баланд бўйли, юзлари сутга чайиб олингандек оппоқ, малласоч ёлнинг қўлидаги икки ёшлар чамасидаги қизалоқ келинга худди каттакон қўғирчоққа қарагандек маҳлиё бўлиб қолганди. Энг қизифи, шу пайтда ҳовлига сув куйгандек жимлик чўккан, аёлларнинг шивир-шивирлари тўхтаган, ҳатто саломни айтиб турувчи аёл ҳам нима қиласини билмай, каловланиб, гапини йўқотиб қўйганди.

— Чиройли экансан-а! — деди малласоч аёл сўзларни ғалати талаффуз қиласкан, Моҳигулга ғазаб тўла нигоҳларини тикиб. — Ҳуснинг билан Зилолни йўлдан уриб, мендан тортиб олмоқчи бўлибсан-да! Зилолни деб беш йил умрим кетганини биласанми сен? Уни деб бегона тилниям ўргандим, барибир онаси ўғлини менга раво кўрмади. “Миллатинг бошқа” деди, мана энди бизни бир-биримиздан ажратиб, кўнгли тўлиб ўтирибди. Ўғлига сендеқ ҳали кўзи очилмаган кучукчани топиб берибида? Майли, олавер, бошингда қолсин Зилол! Аммо эрингнинг итваччасини ҳам ўзинг бок, уни деб ёшгина умримни ҳазон қилмоқчи эмасман!

Малласоч аёл қўлидаги қизчани Моҳигулнинг оёклари ёнига қўйди-да, ортига ўгирилиб, тез-тез юриб кетди. Шундагина Моҳигул аёлнинг тор шим ва ёқаси кенг ўйилган кофтада эканлигини кўрди. Кизча бир зум нималар бўлаётганини тушунмай турди-да, кейин йиғлаганча аёлнинг ортидан югурди. Ҳовли тўла

аёллар саросимада нима қилишини билолмай, бирбирига аланглашарди.

Моҳигул сониялар ичидә нима вөкөа юз берганини тушуниб етди. Мана, Зилолиддин у билан учрашишни истамай, баҳоналар топгани, унаштирилганларидан сўнг ҳам сувга тушган тошдек жим бўлиб кетганинин сабаби бу ёқда экан-да!

Моҳигул саросимада тошдек котиб қолган қариндошларига, ёнгинасидаги тили калимага келмай, фақат киприкларини пирпиратаётган келинойисига бир-бир қаради. Мана, тақдир чархпалаги деганлари шу экан-да! Қачон, қаерда, қандай шўришлар сени кутаётганини билмас экансан... Мана сенга тақдир синови! Синовмикан бу ёки мазаҳми?

У ҳозир оний тезликда қарор қабул қилиши керак. Хафа бўлишга, ғазабланишга қейин ҳам улгуради. Аммо унгача... Моҳигул бошидаги рўмолини аста олиб, эшикка етиб қолган малласоч гўзал ва унинг ортидан пилдираб кетаётган қизчага тикилганча қархисида тош қотиб турган қайнанасининг кўлига аста тутқазди. Кейин ўзига аталган, умрининг охиригача баҳтли ҳаёт кечиришига кафолат берилган уйга отилиб кирди. Тошойна олдида турган сумкачасини олди, яна ҳовлига чиқиб, ҳалиям ўзига келолмай турган келинойисининг ёнига борди:

— Кета қолайлик, манзилимиз қариdi, шекилли...

Моҳигулнинг овози худди сехрлангандек қотиб қолган аёлларни хушига келтирди. Кенг ҳовлида қийчув кўтарилиди: кимдир уйига кетаётган келинни тутиб қолишга уринса, бошқаси тўйни бузган малласоч аёлнинг ортидан югурди, яна бири эса дарвоза олдида

йиқилиб тушиб, йигига зўр бераётган қизалоқни кўтариб олди. Назиранинг девор-дармиён қўшниси Саломат хола нималарнидир вайсаганча маҳалла нозирини чақиргани югуриб кетди. Моҳигул эса ўзини тутиб қолишга уринган қариндош аёлларга ҳам, улар орасида турган онаси Салима опанинг ҳушидан кетиб йиқилганига ҳам парво қилмай, эшик томон йўналди. Кечагина тўй нашидаси билан тўлган файзли хонадон худди аза чиққандек йиги-сиги ва фарёдга тўлди...

Айвонда дадаси билан эндинга нонушта қилишга ўтирган Равшан очиқ дарвозадан секингина кириб келган Моҳигул билан Нозимани кўриб, шошганидан иссиқ чойни ҳўплаб юбориб, қалқиб кетди. Бир кўнгилсизлик бўлганини сезган йигит йўтала-йўтала кўлидаги пиёлани четга улоқтирди-ю, ҳовлига отилди:

— Тинчликми, нима бўлди?!

У сўрашга сўради-ю, шу заҳотиёқ нима бўлганини идрок этди ва овозининг борича ўшқирди:

— Ўлдирман!

— Шошма, ўғлим! — оёқяланг ҳолда ўғлининг ортидан юргурган Анвар aka Равшанинг елкасидан маҳкам тутди. — Ўлдирганинг билан иш битмайди. Аслида айб ўзимизда. Совчи келди-ю, сўрамай, суриштиrmай бериб юборган ўзимиз айбормиз ҳаммасига! — Анвар aka бошини саранглатиб, пешонасига бир муштлади. — Эҳ, хомкалла, ҳамма айб менда! Қизимни мен баҳтсиз қилдим!..

Нима учундир Моҳигул атрофдагилар сингари асабийлашмасди. Ўзининг хонасида, кўзгу қаршисида ўтираркан, калласи бутунлай бўшлигини, ҳеч нарсани ўйлаёлмаётганини сезмасди. Қайнатаси билан эрига

бўлган воқеани қисқагина тушунтириб, қайнинглисингорни ортидан югуриб кирган Нозима йиғи аралаш нималарнидир гапириб, ўзига далда беришга уринаётганини ҳам пайкамасди. Ҳовлида акаси болохонадор қилиб сўкинаётганини ҳам эшиитмасди. Гўё бу фожия у билан эмас, балки бутунлай бошқа, бегона бир қиз билан содир бўлгандек... Гўё содир бўлган ишнинг унга сираям даҳли йўқдек..

Тўсатдан унинг мудроқ оламини бузиб телефон жиринглади. Нозима қайнинглисингорни олиб нималардир деди. Мана, келинойисининг кўзлари катта-катта очилди, рангидан қон қочиб, пахтадек оқарди, ёноқларида эса паға-паға қизиллик пайдо бўлди. У секинлаштирилган кадрдаги сингари жуда секинлик билан телефонни Моҳигулга узатди. Моҳигул ҳам худди у сингари секинлик билан телефонни қулоғига тутди.

— Алло, Моҳи!

Моҳигул қулоғини тешиб юборгудек жаранглаётган овозни танимади, худди чинни қўғирчоқ сингари телефонни қулоғига тутганча, қимир этмай тураверди.

— Моҳи, эшиятпизми? Мен Зилолиддинман!

Моҳигул аста телефонини ўзига ўгириб, экрандаги рақамларга қаради, бир зум ўйланиб тургач, қизил тугмачани босди. Яна бир зумдан кейин телефонни ўчириди ва хавотир ила ўзидан кўзини узмаётган Нозимага қаради.

— Келинойи, хавотирланманг, мен эсимни еганим йўқ. Бу – синов! Мен доим аълочи бўлганман, демак, бу синовдан ҳам зўр ўтаман.

Моҳигул кўзгуга қараб, ҳамон эрталабки келинсаломга кийган кўйлагида ўтирганини пайқади

ва либосини алмаштириш учун кийим жавони томон юрди. Унинг ортидан Нозиманинг лаблари унсизгина шивирлади:

— Айтганингиз келсин, сингилжоним!

ШАЛЛАҚИ ХОТИННИНГ КҮНГЛИ

Махфуз “шаллақи” деган ном орттирганига анча бўлган. Махалладаги ёшу-кари, ҳатто оқсоқоллар ҳам бу гавдали, ҳали нисбатан ёш бўлса-да, сочлари оқариб кетган аёл билан сал ҳайиқибрөқ муомала қилишади. Аёллар эса тўй-маъракаларига энг аввало уни чақириб келишади. Охирида чақириб кўришсинг-чи, холларига маймуналар тугул, ҳатто товуқлар ҳам кўз ёши тўқади. Махфузанинг “илхоми” қайнаган пайтда ҳатто машхур Калашников автомати ҳам ип эшолмай қолади.

У бакирганида бегоналар тугул, ўз яқинлари – эри ва ёлғиз ўғли Нодиржон ҳам орқа-ўнгига қарамай, сичқоннинг инини минг тангага баҳолаб, жуфтакни ростлашади. Махфузга овозининг борича бақира-бақира чарчагач, бир муддат жимиб қолади. Кейин кўзини ерга тикиб, охистагина:

— Ахир менда асаб деган нарса қолмаганлигини биласизлар-ку, нега ҳадеб қайрайверасизлар? – дейди.

Афсуски, бу надоматларни эшитадиган одамлар аллақачон бир чақирим нарида бўлишади. Махфузга ҳомуш тортиб қолади, ҳорғин қиёфада худди бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдек гарангсиб юради. Унинг бу аҳволини кўрган эри Абдулла баъзан ҳазиллашиб:

Ха-я, онаси, носқовоғини йўқотиб қўйган бангига
Уҳшиб қолибсан? Заҳар қосанг бўшаб қолдими, дейман,
Бир “шапрапка” қилиб олсанг бўларкан!.. – дея кулади.

Ўзининг ҳазили ўзига нашъя қилиб, Абдулла қаҳ-қаҳ
отади. Нодиржон бўлса қош-қовоғини уйиб, тумшайиб
олади. Онасининг шу феълини деб ҳам у ўртоқлар
орисида бош кўтаролмай қолган. Болалар гоҳ
оркиваротдан, гоҳ эса ўзининг олдида ҳам тап тортмай
онасининг шаллақилигини юзига солиб қолишади.
Оқибат эса муштлашиш-у Нодиржоннинг бир неча
жойи кўкариши билдан тугайди. Бунинг оқибатида эса
Махфузанинг “қулфи-дили” очилиб кетади, етти
маҳаллани бошига кўтарганча ўғлини “хафа қилган
безориларнинг уйига югуради, қўшнилар эса.., текин
томуша топилганидан хурсанд, дарров кўчани
тўлдириб, “томошабин” бўлиб тураверишади.

Хотин-халаж Махфузани ғийбат қилишдан
бўшамайди, гап айланаб келиб, унга тақалаверади.

– Вақтнинг ўтишини қаранг-а, айлаңай, – гап
бошлайди хотинлардан бири. – Худди күшдек учади-я,
югурсанг ҳам етолмайсан... Ҳай, анави Нодиржонми?
Махфузанинг ўғли-чи?! Вой тавба, шипдек йигит
бўпти-я, ўзиям!

– Ҳа-я, унинг тенгқурлари бир-иккита болали бўлиб
кетишиди, – гап кўшади иккинчи аёл. – Бу бўлса ҳалиям
бўйдоқларнинг даврасини гуллати-иб юрибди...

– Ҳали-вери уйланолмайди ҳам, – таъкидлайди
учинчи аёлнинг кайфияти кўтарилиб. Афтидан у
қачонлардир Махфузга билан бўлган даҳанаки жангда
“таслим” бўлганлардан бири, шекилли, хеч бўлмаса

гап билан ўч олиш пайти келганидан кўнгли очилиб кетади. – Бунақанги шаллақига ким ҳам қизини берарди-я? Ўзиям бутун шаҳарга донғи кетган-ку! Агар келин олса ҳам, бирорвинг бечорагина боласи ё Махфузанинг заққумларига чидолмай беш кунда инфаркт бўлади ёки кўч-кўронини ҳам ташлаб, отасиникига қуённи суради!

Махфуза ҳар ердаги аёллар даврасида ўзи ҳақидаги шунақанги таъриф-тавсифлар тугамаслигини яхши билади, аммо парво ҳам қилмайди. “Мевали дарахтга тош отишади, – дейди у юрак ютиб ўзига оғиз очиб қолганларга. – Итлар хураверади, карвон эса ўтиб кетаверади. Майли, гапиришаверсин, қайтага гуноҳим тўкилади. Гийбатчиларни эса... Худога солдим. Билмаган нарсани гапириш гуноҳ-ку, улар ахир менинг қанақалигимни қайдан ҳам билишсин...”

Махфуза шундай дейди-ю, узоқ ўйга толади. Бундай пайтда унинг ўйини бузишга ҳам, нималарни ўйлаётганини сўрашга ҳам, ҳатто унинг қанақа эканлигини суриштиришга ҳам ботинишолмайди. Бунга ҳатто Абдулланинг ҳам ҳадди сиғмайди. У хотинига гапиравериб, уни тўғри йўлга солишига уринишдан чарчаган, энди унинг қилиқларига ҳам, феъл-авторига ҳам кўл силтаб қўя қолган эди. Асли ўзи мўмингина бўлгани учун ҳам кўпинча хотинига “Э, бўпти, сенинг айтганинг-да!” деб қутулиб қўя колади.

Махалла оқсоқоллари баъзан Абдуллани қистовга олишади, хотинининг шаллақилигидан безор бўлишганини, бунга бирор ё чора кўриш кераклиги ҳақида гапиришганида эса, у аввалига ерга боққанича уларнинг гапларини тинглаб туради-да, кейин:

– Бўлдими, шикоят тугадими? Хотиним онасидан

шундай туғилган, шаллақилик унга сут билан кирган. Хўш, энди шуни дебгина боламни етим қолдириб, хотиним билан ажрашайми? – дейди.

Бундай қарши хужумни қутмаган чоллар саросимага тушиб, бир-бирлариға аланглаб қолишади. Абдулла эса пайтдан фойдаланиб, жўнаб қолади.

Ғийбатчи хотинларнинг таъбири билан айтганда, вакт елдек учиб ўтиб кетди-ю, ниҳоят Маҳфузада келин туширадиган, Нодиржоннинг манглайига қуёш тегадиган, Абдулланинг қулоғи тинчийдиган палла стиб келди. Эҳтимол, энди эрига аталған жаврашлар келиннинг ҳиссасига ўтар...

– Онаси, ишқилиб, юрагингни сал кенгроқ қилгин, тағин уч кунда келиннинг қочиб кетиб, эл-юрт олдида шарманда бўлмайлик, – деди Абдулла “оқ ўраб” келишганидан сўнг. – Балки... тўй олдидан касалхонага ётиб, бироз асабларингни даволатиб оларсан?

– Нима бало, эсингизни еганмисиз ёки қариб, томингиз кетиб қоляптими? – бобиллаб кетди Маҳфузада.

– Мен нима, жинниманмики, асабларимни даволатиб келсам? Юрагингиз пўкилламай кўя қолсин. Қочиб кетаман деб келинингизнинг ҳам кўзи учётгани йўқ, бирорнинг арзанда қизини сўйман, деб мен ҳам пичоқ қайраб ўтирганим йўқ. Одамларга қараманг, эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Одамларнинг оғзини тикиб қўйсанг...

– Оббо, худо урди!

Абдулла чидаёлмай, сакраб ўрнидан турди, ҳовлига чиқиб кетди. Хотинининг ҳамон бир нарсалар деб ўзига ўзи вайсаётгани ҳамон эшитилиб турарди.

* * *

Бир вактлар, ҳозир Маҳфузанинг назаридаги миллион

йил муқаддам бўлиб туюладиган чорак аср илгари у бўш-баёвгина қизалоқ эди. Шаллақилик унга эри айтганидек сут билан кирмаган, балки ўта мўминлиги учун доим онасидан гап эшитарди.

— Вой-вой-эй, жудаям лапашангсан-да, қизим, — деб нолирди Мехри опа. — Бу кетишда ҳаётда нонингни ониб еб кетармикинсан-а? Бир жойга борганингда гап эшилавериб, ўлиб кетасан-да...

Мафузга эса жилмайбгина қўя қолади. У ўзининг кимдантир дакки ейишини сира тасаввур қиломас, бўлғуси оилавий ҳаёти назарида ўта гўзал ва жозибадор бўлиб туюларди. У узок-узоқ ҳаёл суриб ўтиришни яхши кўрар, доим меҳрибон, ғамхўр эрини, ширинсўзгина қайнонасини, бири-биридан гўзал, истараси иссик болачаларни тасаввур қиласарди. Шунча ўиласа-да, тасаввурида уруш-жанжал, ёмон гапларга ўрин топилмасди.

Тақдир эса Махфузанинг ҳаётини ўзича режалаштириб қўйганди: мактабни битириши арафасида холаси совчи бўлиб келди.

— Яхши қиз маҳалладан ташқарига чиқмайди, — шанғиллади Санобар опасининг азза-базза туғун кўтариб келган ҳайратга тушган синглиси Мехрихонга.

— Кел, кариндошлигимиз бузилмасин, биз ўтиб кетганимиздан кейин болаларимиз орасидаги ришталар узилмасин. Бу эса бизга – катталарга боғлик. Тўғрими?

— Ҳа, — деди Мехрихон опаси гапнинг буромадини қаёққа бураёттанини тушунолмай.

— Ҳа, ўлма, — Санобар опа чаққонлик билан тиззасидаги тогорасини оча бошлади. — Мен ҳам

шундай фикрдаман. Шунинг учун ҳам опасигилчилигимизни янада мустаҳкамлаб, фарзандларимизнинг бошини қовуштириб қўйсак, нима дейсан?

Мехрихон елка қисди. У опасининг феъли тезроқ. ՚тркакшодароқ эканлигини, кези келганда бир-иккит ՚тркакни ҳам ёқасидан чангллаб отишини яхши биларди. Ҳали қандоқ қайнона бўларкин-а?.. Йўғ-э, Махфузасини ёшлигидан бир бошқача ёқтиради, севимли жиянига феълини кўрсатмас? Тағин ким билади уни...

– Қайдам, – деди Мехрихон иккиланиброқ. – Опа, биласиз-ку, қиз боланинг иши қийин, тағин худо кўрсатмасин...

– Вой-вой-вой, нималар деб алжираяпсан? – ўшқирди Санобар опа. – Эсинг жойидами сени? Ёки ёнғок-понғокнинг тагидан ўтганмидинг? “Худо кўрсатмасин” деб нималарни назарда тутяпсан? Намунча чайналдинг, бўлақол, гапир тезроқ!

– Ҳалиги... дадаси ишдан келсин, яна қизимдан ҳам бир оғиз...

– Э, эрингни гапирма, рози бўлмай қаёқса борарди? Жон десин мен билан қуда бўлганига! – Санобар опа кошларини чимирди. – Қизингдан эса сўрашнинг ҳам хожати йўқ, уни жаннатнинг олмасидай қилиб, бошимда кўтариб юраман. – Санобар опа синглиси томон эгилди. – Очигини айтсам, латтачайнаргина боламни биронта мегажин эгаллаб олмасин деяпманда! Бор топган-туганим қизингга қолсин, деяпман, тушундингми, лақма?

Мехрихон бош ирғади. Тушунди, тушунмай қаёкка ҳам борарди. Ҳақиқатан ҳам опасининг ёлғиз ўғли Абдулла мўмингина, итоаткор бола. Онасининг чизган чизигидан чиқмайдиган йигит. Ўзи муҳандис, машина тұзатиши бўйича устаси фаранг бўлиб кетган, дейишади...

Санобар опа Махфузанинг дадасини дарровгина, ҳатто Мехрихондан ҳам тезроқ кўндириди. Кизининг жаннатдаги парилардек ҳаёт кечиришини тасаввур қилган дадаси узоқ ўйламай розилик берди ва қизи мактабни битириши билан тўй қилишга келишиб олишди. Югур-югур, чопа-чоп билан тўй ҳам бўлиб ўтди. Энди Махфуза – данғиллама кенг ҳовлининг келинчаги. Севимли холажонисининг келини. Эри Абдулла ҳам илгаридан Махфузага назар ташлаб юрган эканми, муомаласи қиз кўркиб кутганидек илиқ-милик эмас, анчагина ҳароратлироқ бўлди. Шу тариқа Махфуза тасавvuридаги баҳтли хаёти ижобат бўлгани ҳақида ўйлай бошлади. Мехрибон, ғамхўр эри, шириңсўз қайноаси бор, фақатгина кеннойисини жонидан ортиқ кўрадиган қақажон қайнисингиллар йўқ, холос. Чунки Абдулла – холасининг якка-ю ёлғиз ўғли, кўзининг оқу-кораси. Энди бу аҳил оиласа фақат дўмбоқкина, ширингина болажонлар етишмаяпти-да..

Тез орада бу камчилик ҳам бут бўлди: тўнгиchi Нодиржон дунёга келди. “Болали уй – бозор” дейишади, аммо Нодиржоннинг туғилиши оиласа бир олам қувонч эмас, балки ташвиш, тўполон, жанжал олиб келди. Ҳаммаси Абдулланинг шифокорга бериш учун онасидан пул сўрашидан бошланади.

Пул? Яна қанақа пул?! – Санобар опанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. – Эсинг жойидами, нега энди шифокорга пул бермоқчисан?

– Ойи, тушунсангиз-чи, ахир шифокорлар Махфузани фақат жарроҳлик ёрдамида туғдириб олишмоқчи, бошқа иложи йўқ экан, – бўғиларди Абдулла.

Абдулла онаси билан гап талашиш бехудалигини яхши биларди, шунинг учун ҳам ортиқ бахсласиб ўтирамди-да, оғайниларидан жарроҳ сўраган пулни топиб берди. Тўғри, барибир бу сир тезда ошкор бўлди-ю, Санобар опанинг “қайнаши”га баҳона топилди.

Ҳали Махфузатуғруқхонадан чиқмасиданоқ Санобар опа Мехрихонникига элчи – кичик синглиси Муҳаррамни юборди ва набираси туғруқхонадан чиқадиган куни бешик олиб келишларини тайинлашни буюрди.

– Вой, ўлмасам! – бошини чанглаб қолди Мехрихон.
– Ахир боланинг чилласи чиққунига қадар сабр қилсалар бўлмасмиди-я?! Ахир қизим жарроҳидан сўнг зўрга юрган бўлса, бунинг устига мен ўлгур ҳам бирор ойлардан сўнг олиб борарман, ҳали бешик тайёрлашга уннаганим йўқ эди-я! Энди нима қиласман?

– Опажон-ей, Санобар опамларни яхши биласиз-ку, агар айтганини қилмасангиз, юмма талайди, – деди Муҳаррамхон опасига юраги ачиб. – Устига-устак қизингиз ҳам унинг қўлида – бир умр кўзини очирмайди бечоранинг. Очиги... – Муҳаррамхон “айтами-айтмайми” дегандек иккиланиб турди-да, кейин сўз бошлади. – Опа, ростини айтсам, шу Санобар опамларга қизингизни бериб, бекор қилдингиз-да!

- Йўғ-э, нега бундай деяпсан?
- Феълини биласиз-ку опамнинг, энди...
- Кўй-э, ундай дема, ахир ўзимнинг опам-а, боламга азоб бермас...

— Майли, бекорчи гапларни бас қиласлик, — Муҳаррамхон ўрнидан қўзғалди. — Тайёргарлигингизни ўраверинг, мен ҳам караб турмайман, кам-кўстингизни гўғрилашга қарашиб юбораман. Шу баҳонада бешим ташвишидан ҳам кутулиб ҳам оласиз.

— Ҳа-я, шуни айтгин, — кўнгли очилди Мехрихоннинг. Шу тариқа бешик масаласи ҳам ҳал бўлди. Амма-ю холалари жам бўлишди, роса ўйнаб-кулишди, ниҳоят, Нодиржонни бешикка белашди-ю, жўнаб кетишди. Гарчи мадори йўклигини сездирмасликка уринган бўлса-да, меҳмонлар кетгач, Маҳфузанинг мазаси кочди. “Тез ёрдам” чақириб, дори-дармон қилдиришгач, бироз ўзига келди ва жарроҳининг ўрни йиринглай бошлигани маълум бўлди. Яна шифокорга катнашлар, азоблар бошланди. Бу орада боласига ҳам қараши керак... Шифокор унга оғир кўтармаслик кераклигини, кўлини совуқ сувга урмаслигини тайинлаган бўлса-да, келин экан-да, чўзилиб ётса ҳаммага шумшук кўринаркан. Ҳатто туғишган холаси бўлган қайнанага ҳам...

Ана шундагина Маҳфуза нима учун ҳамма Санобар холасидан чўчишини тушуниб етди. Аммо энди кеч эди. Бу уйдан, Санобар опанинг бураб-бураб қарғашлари, заҳар тўла кесатиқларидан қочиб кутулишнинг сира иложи йўқ эди. Оилани оила қилиш Маҳфузанинг сабр-бардошига боғлиқ энди...

Махфузда тишини-тишига кўйиб, холасининг ишқиқликларига чидашга ҳаракат қиласарди. Баъзан туни бўйи ухломай, холаси, йўғ-э, қайнанасининг зога бунчалар ўзгаргани ҳакида ўйларди. Ўйлаб-ўйлаб, мининг тагига етолмасди... Ана шунақангидан узок-узок тикисиз тунларда ўғли сира ухламай, чирилла ўйглайдиган одат чиқарди. Болалар шифокори Модиржоннинг соғлом эканлигини, бунақангидан тинимсиз йиғлаши учун ҳеч қандай асос йўқлигини айтиб, боши қотарди. Ниҳоят, сабаб ҳам топилди: қаттиқ асабийлашавергани ва ҷарчоқлар туфайли Махфузанинг сути қочиб кетган, оқибатда бола оч қолганидан чириллаб йиғлар экан.

– Вой-бў, кўкраклари ёқасини йиртиб юборай деяпти-ю, муштумдеккина гўдакка етгулик сути йўқ эканми? – деди Санобар опа заҳарҳандали илжайиб.

Махфузда чўчиб тушди, ўзини худди яланғочдек жуда нокулай сезди, дарров кўйлагининг ёқасини ғижимлади.

– Кўйинг, хола, ундей деманг, – деди шифокор аёл Махфузага “парво қилма” дегандек сезилар-сезилмас бош ирғаб. – Ҳозирги пайтда ёш келинларнинг кўпчилигига шу аҳвол. Ҳали ёш-да, ўзининг қадрини билишмайди. Югуриб-елиб, ўзини ҷарчатиб кўйишади, оқибатда, қарабсизки, боласи сутсиз қолади. Майли, кейинги сафар ақллироқ бўлиб қоларсиз, хафа бўлманг, – у Махфузага қофозча узатди. – Мана, болангизга берадиган кўшимишча сутнинг номини ёзиб кўйдим. Дўкондан олиб келиб, берарсизлар.

Шифокор кетганидан сўнг Санобар опа қилди жанжални, қилди жанжални... Ўртага эри – Неммат ака

хам тушолмади, Абдулла ҳам. Ҳатто дод-войни эшигіб үйғилган құни-құш nilар ҳам Санобар опага бас келишолмади.

– Бу келин эмас, бошга биттан бало чиқди-ку! – деб бакиради Санобар опа. – Тұрган-биттани зиён-а, зиён! Бир жаррохга пул дейди, бир ярасини боғлаттгани атнаб, бөр-йүғимни совуриб ташлади, энді боласини дүкөндеги сут билан бोқармиш! Нима, бу ерда Санобар сенга пул туғиб ётибдими, тинмай совураверасан?!

– Ойижон...
– Ойи дема мени, хув, тилинг қирқилсін!
– Холажон...
– Нима-а, мен ҳали сенга “холажон” бўлиб қолдимми?
– Янада ғазаб отига минди Санобар опа. – “Хола” деган тиялларингни суғуриб олмасамми сенинг...
– Ойи, бас қилинг энди, құш nilар нима дейди? – онасини тинчлантиришга уринарди Абдулла.

– Нари тур, менга ақл ўргаттандан кўра шалтоқ хотинингни эплаб олгин, сўтак! – ўғлини силтаб ташлади Санобар опа. – Құш nilар нима дерди? Ўғли сўтак, келини шалтоқ экан, дейди! Боласини ўзи туғишини ҳам эплолмаса, дўхтирлар қорнидан ёриб олиб, тайёр қўлига тутқазиб қўйишса... Тайёр болани эмизилни ҳам эплолмай, мени жарак-жарак пулга туширса... Вой-дод, шўрим курсин, бу нима кўргилик?!
– Санобар опа тўсатдан Махфузанинг ёқасига ёпишди.
– Болангни ўзинг эмизиб бок, тушундингми?! Агар шуниям эплолмасанг, манави ҳавасга диркиллатган кўкракларингни кесиб ташла! Сен кесмасанг, мен кесаман, тушундингми?!

Шу пайтгача томошабин бўлиб, қаққайиб турган қўшнилар ниҳоят ўзлари аралашишмаса, бу жанжалнинг охиривой бўлишини тушунишди, шекилли, уч-тўрт кишилашиб Санобар опани келинидан ажратиб олишди. Қайсиdir холис қўшни “Тез ёрдам” чақиришга, яна бири маҳалла бошидаги тартиб посбонларини чақиргани югурди. “Тез ёрдам” келиб, қўркув ва асабийлашганидан дағ-дағ қалтираб ётган, бутун

ёруғ оламни, ҳатто ўғлини хам бутунлай эсидан чиқарган Махфузани шифохонага олиб кетди. Шу орада етиб келган участка нозири Акромжон эса келинини “жинни қилмоқчи бўлган” Санобар опани тартибни сақлаш пунктига олиб кетди.

Махфузা бир ойча асаб касалликлари бўлимида ётди, боласини эса онаси боқди. Касалхонадан чиққанидан сўнг Махфуза онасиникида қолмоқчи эди, аммо Мехрихон билан Муҳаррам холаси уни ўз уйига боришга кўндиришди.

– Қайнонангнинг инжиқлигини дебгина тиғ тагида топган болангни етим қолдиролмайсан-ку! – деди Муҳаррамхон ва опаси томон энгашиб, паст овозда деди: – Очиғини айтсам, Санобар опамнинг бу қилиғидан кейин уни ҳатто “опам” дейишга ҳам тилим бормаяпти. – Кейин Махфуза томонга ўгирилди. – Сен хафа бўлмагин, қайнонангнинг ўзи ёшлигидан шунақа сал феъли тезроқ. Айниқса, пул масаласида жуда қаттиқ. Сал ортиқча ҳаражат қилиб юборса, дарров томи кетиб қолади. Шунинг учун ҳам “хўп-хўп” дегин-у, ишингни битиравергин. Сен “Боламни ўзим

эмизяпман”, десанг, қайнонангнинг кўнгли тинчийди, сени эса қулоғинг...

- Холажон, ўйлаб гапиряпсизми, ахир бир томчи сутим қолмаган бўлса, кейин боламни қандай боқаман?!
 - хитоб қилди жаҳл билан Махфузга.
 - Болани боқиши мана менга қўйиб беравер! –
 - ‘Мұхаррамхон мамнун жилмайиб қўйди.

Дарҳақиқат, Мұхаррамхон жуда устомонлик билан режа тузганди. Аввал бориб, Санобар опасига “Касалхонада даволаниб, Махфузанинг сути кўпайиб қолибди”, дейишади. Кейин эса... ҳар куни тунда Мұхаррамхон Махфузага сут олиб келиб беради. Баҳтларига Махфузанинг уйи деразалари кўча томонга очилади, дераза дарчаси ҳам қишин-ёзин очиқ туради.

– Наҳотки болам катта бўлгунича ҳар тунда сут олиб келиб беролсангиз? – ажабланди Махфузга. – Бунинг устига ҳар куни тунда кўчага чиқишингизни поччам сезиз қолсалар, нима дейдилар?

– Биринчидан, боланг катта бўлгунича эмас, балки беш-олти ойгина сут ташибшга тўғри келади, – жилмайди Мұхаррамхон. – Ҷунгки бола етти-саккиз ойлик бўлганидан бошлаб унга овқат бера бошлийсан, қарабсанки, сут керак бўлмай қолади. Иккинчидан эса, бу “аклли маслаҳат” ўзи аслида поччангдан чиқди. Тўғри, кечаси сутни поччангнинг ўзи ҳам олиб келиб бериши мумкин эди-ку, тағин биронтасининг кўзи тушиб қолса, ортиқча гап-сўз бўлмасин, деб чўчияпти...

Бир томондан поччаси ва холасининг бу меҳрибончилиги таъсир қилиб, бошқа томондан қайнона бўлган холасининг зуғумлари кайта эсига тушиб, Махфузга йиғлаб юборди.

— Йиғлама, бу кунларинг ҳам унут бўлиб кетади, ҳили, — деди Мұҳаррамхон жиянининг елкасидан кучиб. — Ҳадемай ўғлинг ҳам қаторга кириб қолади, ӯзинг ҳам қайнона бўласан. Факат ўшандада шу кўрган кунларингни унутиб қўймасанг бўлгани...

Махфуза юраги бетламайгина қайнонасининг уйиг қайтди. Келини боласини ўзи эмизиб боқишини, сут учун пул сўрамаслигини эшигтан Санобар опанинг сал чехраси очилгандек бўлди, аммо бир ойдан бери кўрмаган набирасига қайрилиб ҳам қарамади. Шу тариқа кунларни қувиб ойлар ўтаверди. Махфузатишини-тишига қўйиб, кун санаб, вақт ўтказаверди. Ҳар куни тунда у дераза ойнасини очиб қўяр, эрта тонгда эса шиша идишдаги сутни олиб, тезгина қайнатиб қўяр, боланинг сут ичадиган идиши билан сўрғичларини кўрпалар қатига яширар, тағин ўзи йўғида қайнонаси уйинититкиласа, яширган идишлари билан сутни топиб олишидан хавфсираб, ҳатто кўчага ҳам ортиқча чиқавермасди.

— Майли, болам, шу ерда униб-ўсгин ишқилиб, — дерди Мехрихон қизини кўргани келганида. — Биздан хавотирланма, яхши ўтирибмиз. Хабар олгани бормасанг ҳам майли, қайтага шу баҳонада ўзимиз тез-тез келиб турамиз. Сен тинч бўлсанг бўлгани!

— Эй, тавба, ўз холанг шунаقا қилиб турганидан кейин, бегона қайноналарга худо инсоф берсин-а, — деди бир куни опасидан хабар олгани келган синглиси Муяссар. — Очигини айтсам, сизнинг хаётингизни кўриб, турмушга чиқишга ҳам чўчиб қолдим. Қанийди, иложи бўлса-ку, шу эр ва қайноналарни кўрмасам ҳам, қуймасам ҳам...

Қаҳратон қиши кунлари эди. Махфузада уй сөкетмаслиги учун дераза ойналарини ёпди-ю, толаси сут олиб келиши кераклигини ҳам унучыйди. Аксига олиб, шу куни Мұхаррамхоннинг қочиб қолғанлиги учун сутни унинг эри олиб келидеразалар ёпиклигини күриб, аввал хайрон бүкейин астагина ойнани чертди. Махфузада донг үхлаб қолганидан эшитмади. Поччаси яна ойнан чертди. Абдулла уйғониб кетди-да, ажабланган жаңы деразани очди. Дераза очилгани он ичкарига шағиришида сут ушлаган эркак кишининг қўли узатилиб Абдулла то нималар бўлаётганини тушуши ўлгургунича ҳалиги эркак сутни дераза токчаси қўйди-ю, ғойиб бўлди. “Тушимми бу ё ўнгимми?” Ўйлаган Абдулла бундай қараса, токчадаги шағиришида сут турибди, кўчада эса хеч кимса йўлчироқни ёқди-да, кўчага чиқиб, қараб келди. Аёзиган гунда ҳатто итларнинг ҳам уни ўчган, кўчада ҳам кимнинг қораси кўринмайди. Абдулла яна уйга қайтишади ва Махфузани уйғотди. Махфузада кўзини очгани ҳамони токчадаги сутни кўрди ва ҳамма гапни гушунди. Кўрққанидан юраги товонига тушиб кетгандек бўлиб туюлди. У кўрқа-писа бўлган воқеанинга айта бошлади. Махфузада ҳозир Абдулланинг бақириб-чакириб кетишини, кейин қайноаси кириб келишини ва яна жанжал кўтарилишини, оқибатда юз берадиган хўрликлар, номусни тасаввур қилди-ю, ийғлаб юборди. Аммо эри у кутганидек бақирмади. Қайнаб-тошмади, балки... сёкингина Махфузани елкасидан кучди-да:

— Илтимос, бошқа фарзанд кўрмагин, хўпми? — деди астагина. — Яна шунаقا қийналишингни сирайм

тимайман. Майли, менга шу битта ўғил ҳам етади...
Ииллар ўтди. Махфузә эри илтимос қилганидек
минчи фарзанд ҳақида ўйламади ҳам. Чорак асрлик
при қайноасининг зугуми, уруш-жанжаллар орасида
ди. Баъзан қайноаси жуда ҳаддидан ошган пайтда
хфузанинг юрагида бир тўлқин пайдо бўлар, ич-
идан бир нило келар, гўё кимдир ичида туриб, “Нега
ди мени босиб-янчаверишади? Нега мен уларга
воб қайтаролмайман? Ёки бунга ҳаққим йўқми?”
б фарёд ураётгандек бўлиб туюларди. Ва...
нларнинг бирида, Санобар опа қайнаб-тошиб,
хфузанинг сочига кўл узатганида, у чидаёлмади.

- Кўлингизни тортинг! – деб ҳайқирди у ғазабидан
траб-қақшаб. – Қайнона бўлсангиз ўзингизга! Энди
идамас экан, деб бошимга чиқиб тепкилайверасизми?
Ахир қурбақани ҳам боссангиз “вақ” дейди-ку, мен
има, ўша қурбақачалик ҳам йўқманми?!

- Хо-о, тиллари чиқиб қолибдими?! – ўшқирди
Санобар опа. – Охирзамон бўлибди-да, а? Сен ҳали
мени ким деб ўйлајисан? Ҳали тилларингни узиб
олмасамми, қараб тур...

Хуллас, Санобар опа у деди, Махфузә бу деди...
Оқибатда, каттагина жанжал бўлди, қўни-қўши nilar
врага тушиб, бир амаллаб уларни тинчтиши. “Қайнона қайнамаса, келин айнимайди” деганларидек
бўлди. Махфузә ҳар қанча ўзини тутишга уринмасин,
Санобар опа бақира бошлаганида ўзини эплолмай
қолар, бир вақт ўзига келганида роса бақираётганини
кўриб, ҳайрон бўларди. Бу орада озгина асабларини
даволатиб ҳам олди, аммо сира фойдаси бўлмади. Сал
асабийлашса, дарров бақира бошларди. Ҳатто кўча-

кўйда бегона одамлар сал қаттиқроқ гапириб кўйицс
ҳам ўзини йўқотиб қўяр, беихтиёр жанжал кўтариб
юборганини ўзи ҳам сезмай қоларди. “Ҳа, қайнона
билан келиннинг тупроғи бир ердан олинади,
деганлари рост экан-а! – деб ажабланишарди қўшнилар,
– Қаранг-а, шаллақи Санобархоннинг келини ҳам
жир-оқибатда қайнонасиининг қолипига тушди-кўйди.
Қони бир-да, қони бир...”

* * *

Ва, ниҳоят, Маҳфузा келин туширди, орзусига етиб,
қайнона бўлди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, қўшнилар
унинг ҳовлиси томон қулоқ тута бошлишди. Тўғри-да,
шаллақи Маҳфузанинг шанғиллашини эшитишмаса,
зерикиб қолишмайдими? Ахир энди унинг қелини бор,
текин томоша роса кўпаяди-да...

Қўшнилар шунча пойлашса-да, зангори дарвозанинг
ортида тинчлик хукм сурарди. Маҳфузанинг келини
чилласи чиқар-чиқмас ишига чиқиб кетди. Ҳар куни
эрталаб сумкасини кўтариб кетади, кеч қайтади.
Кўпинча Нодиржон кечқурунлари хотини билан ясан-
тусанни жойига қўйиб, қаёқларгадир кетаётганини
кўриб, қўшнилар ажабланганча уларнинг изидан
тиклиб қолишади.

Маҳфуз-чи? Одатдагидек. Кўчада ғинг дегани
жойига михлаб кетади, аммо уйида сокинлик, осудалик
хукм суради. Ҳатто илгаригидек ўғлига бақириб
қолишлари ҳам тўхтаган. Ойлар тугул, йиллар ҳам
ўтяпти, бу хонадонда худди вақт тўхтаб қолгандек.
Бирин-кетин набиралар туғиляпти, ҳамки, “Шаллақи”
унвонига эга қайнонасиин оғзи “кулфланган”.

— Тавба, келин олди-ю, Махфузса сирайм ўзига
жашмай қолди-я, — деб ажабланишади аёллар.

— Балки уни ҳам анави сериаллардаги каби
шаштириб қўйишгандир? — тахмин қилади бир
шуниси.

— Эҳтимол, сехр-жоду қилиб, оғзини қулфла
шашлашгандир? — дейди иккинчиси.

Бунаканги шаллақиласарга сехр-жоду ҳам кор
жилмайди, — деб зътиroz билдиради учинчиси. —
Меннимча, бу ерда бир гап бор-ов...

Аммо гийбатчи хотинларга мавзу топиб берган
Махфузанинг ўзиғинг демайди. Бозор-ўчарини қилади,
набираларига қарайди, бирини боғчага, бошқасини
мактабга олиб боради, олиб келади. Набираларининг
тоби қочса ёки эмлайн пайти келса, шифокорга ўзи олиб
чиқади.

— Болангизга сиздан кўра яхшироқ қарай оламан, —
дейди у келинига. — Шунинг учун ҳам касаллик
варақасини олиб, уйда ўтирманг. Уйда ўтирсангиз,
ҳаммага шумшук кўринасиз. Ёшлик пайтингизда
ишлаб, ишхонангизда обрўйингизни орттириб, эрингиз
билан бирга болаларингизнинг келажаги учун замин
яратиб олишга ҳаракат қилинглар. Набираларимни эса
ўзим ҳам эплайман. Шундай қайнона бўлишга
етказганига шукр!

Келини Наргизага эса ишхонасидаги аёлларнинг
жуда ҳаваси келади. Тўғри-да, “уйим-жойим, болам-
чақам” демайди, ҳаммасига қайноаси балогардон.
Келини ишдан кеч қайтса, овқатни ҳам ўзи пишириб
кўяверади. Фақат кир ювмайди. “Сизга ҳам биттагина
иши қолсин-да”, дейди. Аммо Наргиза бундан сирайм
хафа бўлмайди.

– Ойижон, яхшиям бахтимга сиз бор экансиз, – деб кўяди у баъзан. – Сиз бўлмаганингизда нима қиласдирм?

– Биронта мўминтой қайнонага учрадингиз-да, – деб кўяди Маҳфузга кулмисираб.

Наргиза қайнонасининг сўзларини ҳазилга йўйиб, шарақлаб кулиб юборади. Аммо Маҳфузга кулмайди.

Баъзан Абдулла ҳам хотинининг жиғига тегиш учун:

– Онаси, жудаям яхши қайнона чиқдинг-да, – деб кўяди кулиб. – Кўз тегмасин, ишқилиб, келинингга худди қизингдек муомала қиласан-а!

– Йўғ-э, мен яхши қайнона бўлганим йўқ, – дейди Маҳфузга ўйчангина. – Шунчаки мен ўзимнинг келин бўлган даврларимни ҳали эсдан чиқаролганим йўқ. Ва, хеч қачон эсдан чиқаролмасам ҳам қерак. Айниқса, қайнонамнинг кўнглини дебгина битта фарзанд билан ўтиб кетишига мажбур бўлганимни...

НАЖОТ БЕКАТИ

Бу бозор мунча иссиқ бўлмаса-я... Бозор ҳавосидаги кислород заррачалари ҳам иссиқка чидолмай қочиб кетган, шекилли, бозорчи аёллар худди куруқликка чиқиб қолган балиқлар сингари оғзини каппа-каппа очиб ўтиришибди. Бозорнинг одатдаги ғала-ғовури иссиқдан эриб, қуюқлашиб кетгандек бўғиқғувиллашга айланган...

Қани энди, шунақанги иссиқда пешонангдаги терларинг шувиллаб оқиб, кўйлагинг баданингга чиппа ёпишиб, оғирдан-оғир тўрхалталарни кўтариб бозор кезмасанг-да, бирон-бир салқингина хиёбонда

муздеккина музқаймоқ еб ўтирсанг. Худди кинолардагидек. Оқ пешбанд таққан сарвқомат қызлар тавозе билан буйруғингни кутиб туришса. Ёнингдаги келишган, алпқомат турмуш ўртоғинг чўнтағидан бир даста пул чиқариб санайди, сен эса хадеб типирчилаётган шўх болаларингни тинччиши учун бир нималарни ваъда қиласан...

Раъно қоқилиб кетди. Кўлидаги тўрхалта ерга тушиб, ичидаги картошкалар қайноқ ҳовур уфуриб турган асфальт устига сочилиб кетди. “Нотавон кўнгилга қўтирижомашов бўлмай ўлақолсин! – деб ўйлади у жаҳли чиқиб, картошкларни териб оларкан. – Келиб-келиб бозорнинг қок ўртасида хаёл сурасанми-я? Сенга хаёл суришни ким қўйибди? Кўнгиллари пулдор эрни-ю, музқаймоқ ейишни тусаб қолибди-да... Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи!”

Раъно икки елкасини узиб юборгудек ерга томон тортаётган тўрхалталарни зўрға кўтарганча, трамвай бекати томон югорди. Аслида-ку, шу картошка-пиёз учунгина шаҳарнинг нариги чеккасидан Чорсу бозорига келиб-кетиши шартэмасди. Чунки ўзларининг маҳалласида ҳам кичиккина бозорча бор. Аммо келинойиси уч-тўрт сўм арzonлиги боис Раъонони доим Чорсуга жўнатади. Кошкийди, зилдек тўрхалталарни кўтариб юриш осон бўлса... Аммо Раъно миқ этолмайди, чунки у – боқиманда.

Раъонинг ёшлигига ота-онаси вафот этиб кетишган бўлиб, у акаси билан келинойисининг қўлида тарбияланди. Раъно ҳам дунёдаги барча етим болалар сингари ўсди: эркалик нелигини билмади, хеч кимсадан

мehr күрмади, бирордан ортиқча нарса талаб қилмасликни ўрганди. У мактабда яхши ўқир, саранжом-саришта эди, чунки йўқотиб қўйган биттагина ўчирғич ёки қалами учун ҳам келинойисидан қанча қалтак ейиши мумкинлигини яхши тушунар, янгисини олдириш учун қанча ялиниши лозимлигини дам яхши биларди. Фақат... баъзан дугоналари танаффусда дадалари олиб берган нарсаларни мақтаниб қолишгандагина жажжи юрагини тушуниб бўлмас бир мунг қопларди. Раъно ўзи ҳеч қачон дугоналари сингари беғам-беташвиш ва... бахтли бўлолмаслигини бола қалби билан ҳис этарди-да, беихтиёр мунғайиб қоларди. Кейинчалик эса танаффусга кўнғироқ чалиници билан Раъно кутубхонага югурадиган бўлди. У факат китоблар орасидагина ўзини бахтли ҳис этар, келинойисидан узокда дам оларди. Раъно кўпинча кутубхоначи Зухра опага ёрдамлашар, болалар ўқиб, қайтариб топширган китобларни расамади билан тахлашга кўмаклашарди. Ҳушчакчақ, оғзи гапдан, қўли эса пайпоқ тўқишидан бўшамайдиган Зухра опа камгап, меҳнатсевар бу қизчани ёқтириб қолди.

— Барака топ, қизим, сени менга худонинг ўзи етказди,
— деб алқарди Зухра опа Раънони. — Семизлигим курсин,
ортиқча қимирлагим келмайди-я! Қанча кам
қимирласам, шунчалик семириб кетяпман-да...

Раъно Зухра опанинг “ҳасрат”ини эшитаркан, мийигида кулиб қўярди, аммо индамасди. Зухра опанинг бўлган-тургани шу, шикояти доимо семизлигига бориб тақалади.

– Менга қара, Раъно, – деб қолди бир куни Зухра опа, агар ҳар куни келиб, менга қарашиб турсанг, эвазига сенга кийимлар тўқишини ўргатиб қўярдим.

– Шундай ҳам келиб ёрдамлашавераман, – деди Раъно тортинибгина.

– Ўзингдан катта одам бир нарса деганда, “хўп” десгин, – ўзича койиган бўлди Зухра опа. – Бу ҳам бўлса бир ҳунар, санъат. Эҳтимол бир кунингга яраб ҳам қолар. Истасанг, бичиш-тикишини ўргатаман... Ойингга айтгин, уйимга қўнғироқ қилсинглар.

– Менинг ойим йўқ, – аста шивирлади Раъно. – Дадам ҳам... Келинойим бор. Акам...

– Вой бечорагина-ей, билмабман-а, – Зухра опа ҳаяжонланиб кетганидан тўладан келган юзлари бир пасда қизариб, мижжаларида ёш томчилари кўринди.

– Вой, асал қизим-ей, мени кечир, билмасдан ярангни тимдалаб қўйибман-ку!

– Хечқиси йўқ, мен ўрганиб кетганман, – деди Раъно елкасини қисиб.

Унинг бу гапидан янада таъсиrlаниб кетган Зухра опа энди росмана йиғлаб юборди.

Кечкурун Зухра опа қўнғироқ қилиб, Раънонинг келинойиси билан узоқ гаплашди. Шундан сўнг Раъно Зухра опага шогирд тушиб, бичиш-тикишини ўргана бошлади. Зухра опа беш-олти нафар қизларнинг баъзиларига тикувчиликни, баъзиларига торт ва пишириклар пиширишни ўргатар экан. У бошқа қизлардан берган таълими учун пул олса-да, Раънога бу текин тушарди.

– Майли, қизим, савоб ҳам керак-ку, – деди бир куни

Зухра опа ва Раънонинг мунгайиб қолганини кўриб кўшиб кўйди. – Ахир сен ҳам кутубхонани тартиби келтиришда текин ёрдамлашасан-ку? Агар сеъ бўлмаганингда аллақачон озиб, чўп бўлиб қолармидим...

Зухра опа ҳазили ўзига нашъя қилиб, хаҳолаб юборди ва қайтиб бу мавзуда оғиз очишмади. Шу тариқа бирданига ҳам ҷевар, ҳам пазанда бўлиб олган Раънонинг вакти қўшниларига кийим тикишу пишириқ пиширишдан ортмай қолди. Хизмат ҳақини эса келинойиси олар, эътиroz билдиришни Раъно хаёлига ҳам келтирмасди...

Раъно иссикдан лоҳас бўлиб, трамвайдага тебраниб келаркан, тўсатдан манзилига етиб келганини сезиб қолди. У зил-замбил тўрхалталарни кўтариб, уйларига яқинлашиб қолганда, дарвозадан тогора кўтарган уч нафар аёл чиқди-да, унга бошдан-оёқ тикилганча ўтиб кетишди. Уларнинг тикилишидан хижолат тортган Раъно ерга қараганча салом берди-ю, қадамини тезлатди. Совчилар, шекилли... Ҳам ҷевар, ҳам пазанда қиз бўлиб донғи кетганигами, мактабни битириши биланоқ совчиларнинг қадами узилмай қолди. Бундан хурсанд бўлиш ўрнига келинойисининг жиғибийрони чиққани-чиққан. Мана, ҳозир ҳам ҳовлидан вайсагани эшитиляпти.

– Намунча, аҳлат излаган пашшадек ҳаммаси шу ёкка югуради-я! Ота-онаси бир дунё мол-мулк ташлаб кетган деб ўйлашяптими, нима бало? Тавба, шу етимча кимга ҳам керак экан?..

Келинойиси эшикдан кириб келган Раъно гапларини эшитаётганидан хижолат ҳам бўлмади, қайрилиб уйига кириб кетди. Раъно келинойиси унинг кўнглини вайрон

қилмоқчи бўлаётганлигини яхши тушунади, ўзининг бу ёруғ дунёда ҳеч кимга керак эмаслигини ҳам яхши билади, аммо... кўнгил экан-да, келинойисининг гаплари унинг юрак-бағрини ўртаб юборади. Нокераклигингни билиб яшашдан ҳам ортиқроқ азоб бўлмаса керак дунёда...

Раъонинг қўлидан нима ҳам келарди, тўйиб-тўйиб йиғлашдан бошқа нарсага курби етмайди. Келинойиси Эса шуни ҳам кўрлмайди.

— Ҳа-а, яна аза тутибдилар-да! — деб бобиллади Раъонинг йифидан қизарган ковоқларини кўриб. — Ҳудди мен еб, бу киши қуруқ қолгандек-а! Ҳов-в, мёнга кара, сен-чи, бўлар-бўлмасга кўзингни сувини оқизаверма, тушундингми?! Бемаҳал йиғинг билан биронтамизнинг бошимизга етмоқчимисан, шумқадам? Ота-онангнинг бошига етганинг камлик қиляптими, сенга? Агар яна йиғлаганингни кўрсам, ўзингдан ўпкала! Кўз ёшларингни йиғиб қўй, эринг ўлганда аскотиб қолар...

Келинойиси ота-онасининг ўлимига Раъони айбдор қилиши ўлганинг устига чиқиб тепгандек бўлади, қизнинг кўзлари ёшга тўлиб, шўр томчилар ёноқларидан думалаб тушаверади, тушаверади...

Бахтсизлик пешонасига битилган одамнинг умри кўз ёши билан ўтиб кетаркан-да, ўзи. Раъно ҳам аслида ота-онасининг тилаб-тилаб, зўрға эришган фарзанди эди. Шифокорлар туғишини тақиқлашганига қарамай, Жамилахон дунёдан ёлғиз ўғил билан ўтиб кетишни сира истамаганди. “Қанийди, биттагина қизим бўлганида эди” деб орзу қиласарди у. Аммо тилаб-тилаб

эришган қизини сўйини насиб этмаган экан: Жамилахонни шифокорлар сақлаб қолишолмади. Раъно бир ёшга кирганида эса оғир хасталик туфайли отаси вафот этди. Шунда ўн олти ёшга кирган Тоҳиржонни тоғаси олиб кетди, бир яшар Раъонони эса болалар уйига топширишди. Тоҳиржон синглиси Ҷаънодан тез-тез ҳабар олиб турарди. Ҳарбий хизматни ўтаб келгач эса Тоҳиржон синглисини болалар уйидан қайтариб олди. Болалар уйининг мухитидан юрак олдириб қўйган сингилчаси сал қаттироқ овоздан ҳам чўчиб тушишини, бўйини қисиб, атрофга аланглашини кўриб, Тоҳирнинг юраги сиқилиб кетарди.

— Майли, пешонамизга битилгани шу экан, — дерди сингилчасининг бошини силаб. — Энди, Худо ҳоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳали шундай яшайликки...

Кейин Тоҳиржон уйланди. Аммо Раъононинг пешонасига ёзилган қора кунларнинг энг қорароқлари шундан сўнг бошланди. Келинойиси унга бақириб-чақирав, силталаб уриб ташларди. Оқибатда, ўзи шусиз ҳам одамлардан юрак олдириб қўйган қизалоқ баттар одамови бўлиб бораверарди. У факат мактабдагина ўзини төм маънода инсон деб билар, чунки аъло ўқигани, ўткир заҳни туфайли ҳам доим мақтов эшитар ва шу ердагина ўзини бироз баҳтироқ хис этарди...

Аммо мактаб даври ҳам абадий эмас экан. Қоп-қора кунларини сал-пал ёритиб турувчи бу муддат ҳам тугади. Раъно эндини ҳаёти қандай бўлишини тасаввур ҳам эта одмасди...

Куттилмаганда келинойиси қўшни маҳалладан уч-

тўрт марта қайта-қайта келган совчиларга розилик бериб юборди. Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Аввалига юрак ховучлаб юрган Раънога бу оиласидаги ҳаёт ҳакиқий жаннатдек кўринди. Чунки унга ҳеч ким овозини кўтариб гапирмас, ҳамма ўз иши-юмуши билан овора эди. Қайнонаси тикувчилик фабрикасида ишлар қайнотаси пенсияда эканлигига қарамай, кун бўйи машинасида киракашлик қилиб юради. Қайноғаси Аҳмаджон мўъжазгина дўкони билан овора, овсини Нигора эса ҳамшира бўлиб ишлайди. Раънонинг эри Раҳимжон қайсиdir фирмада менежер бўлиб ишлайди, кенжатой ўғил Расулжон эса ҳарбий ҳизматда экан. Гарчи оила аъзоларининг биронтаси ҳам зиёли бўлмасада, бўш вақтларида газета-китоблар ўқишар ёки ўқиганларини муҳокама қилиб, сухбатлашиб ўтиришарди. Эрталаб ҳамма иш-ишига жўнар, уйда бир ўзи қолган Раъно рўзғор юмушларини бир зумда бажариб кўйиб, китоб ўқишига тушиб кетарди. Бу уйда шунақсанги китоб кўп ҳудуд! Ҳар бир китоб олиб келинганидан сўнг галма-гал ўқиб чиқилиб, кейин албатта оила даврасида муҳокама қилинарди.

Раъно янги оиласининг бу қадар иноклигига сира кўниколмас, доим оиласидаги тутувликка кўз тегишидан ёки бошига қўнган баҳт қуши учиб кетишидан хавотирланарди. Кўнгли ғаш бўлғанлиги бежиз эмас экан, Раънонинг ҳомиладорлиги жуда оғир кечди, жарроҳлик операцияси ёрдамида кўзи ёриди. Ўғилчасининг исмини Жавоҳир кўйишиди.

Оиласи кутилмагандаги фалокат кириб келди: Раънонинг қайноғаси Аҳмаджонни кимлардир

ўлдириб, ахлатхона ёнига ташлаб кетишибди. Оила азага чўмди. Раҳматжоннинг йилини беришган куннинг эртасигаёқ унинг хотини Нигора қўч-кўронини ортиб, икки фарзанди билан ота-онасиниқига кўчиб кетди. Нигоранинг юкларини ташиб бўлишгунча қайноаси уйининг эшиги ёнида қимириламай унсиз ҳайкалдек қотиб турди. Фақат юзларини юваётган қўз ёшларигина кампирнинг дилида кечаетган ҳиссиятларни англатиб турарди.

Шу кезлари Раҳимжоннинг ҳам феъл-автори ўзгарди. У Раъно билан тез-тез жанжаллашадиган, юрищ-туриши ва гап-сўзларидан айб топадиган бўлиб қолди. Вақтли ишга кетар, кеч қайтар, ҳатто ўғилчасига қайрилиб қарамаган кезлари ҳам бўларди. Эндиғина тили чиккан Жавоҳир “Дада, дада”лаб елкасига ёпишганида, кўзини телевизордан узмай:

— Карасанг-чи болангга! Дам олгани қўясанларми ёйўқми?! – деб ўшқирарди.

Раъно тўсатдан иккинчи фарзандига ҳомиладор эканлигини сезиб қолди.

— Ҳм, яна қорнингга чандик тушаркан-да! – тўнғиллади Раҳимжон бу янгиликни эшитиб. – Ўзи-ку, битта чандиғингдан кўнгил озаётганди, энди буниси...

— Нега унақа дейсиз, бунинг учун мен айбор эмасман-ку! – хафа бўлиб деди унга жавобан Раъно. – Тойдек ўғлингиз борлигига шукр қилсангиз-чи!

— Ўғил туғишни ҳаммаям эплайди, – деди Раҳимжон ва ҳозиргина ишдан қайтганлигига қарамай, яна кийина бошлади. – Ўғлингни менга писанда қилмай қўя кол, керак бўлса ўзимга ўнта ўғил топиб оламан!

Раъно тўнғиллаганча уйдан чиқиб кетаётган эрини

«Үүлари билан унсиз күзатиб қолди. Раҳимжон шу кетгандай бадар кетди, эрта тонгдагина қайтди. Раъонинг “Қаерларда юрибсиз, тонг отай деб қолди-ку?” деган саволини эшитиб, туатақиб кетди.

— Сенинг ишинг бўлмасин, қаерни хоҳласам, ўша урда юраман! — деб ўшкирди. — Чидасанг — шу, мидамасанг — катта кўча!

Раъно ўзи қўрқкан нарса юз берганини тушунди. Унинг бахти дарз кетган, ўзи билан эри ўртасида совук бир девор пайдо бўлганди. Раъонинг қорнидаги ҷандик эса бир баҳона эди, холос. Энг ёмони, яна жарроҳ тифи остига ётишга тўғри келиши эди. Ўтган сафар шифокорлар Раъони бу ҳакда огоҳлантиришган, ғар фарзандлари орасидаги ёш фарқи тўрт йилдан кам бўлса, демак, иккинчи фарзанди ҳам жарроҳлик ёрдамида туғилажагини айтишганди.

Ва, шундай бўлди ҳам. Қизалоги ҳам жарроҳ ёрдамида дунёга келди. Қайнанаси то жарроҳлик операцияси тугаб, Раъно наркоз уйқусидан уйғонгунича қабулхонада кутиб ўтирди. Келини эсон-омон кутулгани, аҳволи яхшилигини эшитгачгина уйига кетди-да, кечқурун яна овқат кўтариб келди. То Раъно касалхонадан чиққунига қадар қайнана-қайнатаси галма-гал, гоҳ бирга хабар олгани келиб туришди. Аммо Раҳимжон қорасини ҳам кўрсатмади.

Раъони түгруқхонадан олиб чиқиб кетишга Тоҳир акасининг ўзи келди. Унинг айтишича, Раҳимжон уйдан чиқиб кетиб, ўзи билан бирга ишлайдиган бир аёлницида яшайдиганмиш.

Раъно такдирга тан берди, акасиникига кетди. У энди

Симади келинойиси. – Вой савил-ей, тиллари бурро-
урро бўлиб қолибдими? Ҳой, менга қара, ўзинг яхши
улганингда-чи, эрингнинг уйидан қувилмасдинг,
малдингми? Менинг уйимда яшашни истасанг,
тганимни қиласан, истамасанг, унда тўрт томонинг
абла!

Келинойиси ғазабдан тили гапга келмай, ранги
зордек оқариб кетган Раъононинг ҳолатига парво ҳам
келмай, ичкарига кириб кетди. Раъно ҳамон ўксиниб-
ксиниб йиғлаётган ўғилчасини бағрига босғанча, уни
ининг хонасига олиб кетди. Бироздан сўнг акасининг
шдан қайтганини эшитса-да, унинг олдига чиқмади,
очки овқатни ҳам емади.

Раъно икки фарзандининг пишиллаб ухлашига қараб
тиаркан, ўзининг факат ғам-андуҳдангина иборат
лаётини кўз олдидан бир-бир ўтказди. Дунёга бахтсиз
ўлиб келган одам умр бўйи йиғлаб ўтиб кетар экан-да.
Голеи паст деб Раънога ўхшаганларни айтишса керак,
еслида. Ота-она меҳрига тўймай, етимхона азобларини
тортиб, устига-устак келинойисининг калтакларини
отани етмагандек, энди турмуши ҳам бузилди, не
азоблар билан тиг тагида топган икки нуридийдаси
отасиз, ўзи сингари боши эгик, кўнгли синик бўлиб
ўсишади энди... Келинойисининг калтакларини ўзини
егани етмагандек, фарзандлари ҳам онасининг шум
такдирини қайтаришадими?

Шу ҳаёт ҳам ҳаёт бўлдими? Бундай яшагандан кўра
улган минг марта афзал. Аммо Раъононинг ўлишга ҳам
ҳаққи йўқ. Ахир у икки фарзанди учун масъул бўлса...
Ўзи-ку, етимликнинг шўришларини хўп татиди-я, энди

тилаб олган фарзандларига ҳам шу тақдирни раво кўрадими? Йўқ, Раъно ўзининг ота-онаси йўл қўйган хатони тақрорламайди. Унинг ота-онаси химоясиз қизалокни ёруғ дунёning хўрликларига ташлаб кетишганди, Раъно эса ўзи хўп тўйган ҳаётни фарзандларига раво кўрмайди. Ҳатто отасига ҳам керак бўлмаган болалар Раънодан бошқа яна кимга ҳам керак... Ҳаётдан тўйган Раъно бир қарорга келди. Майли, худо уни кечирар, ахир Раънонинг бошқа иложи йўклигини Ўзи кўриб турибди-ку...

Тун бўйи мижжа коқмаган Раъно эрталаб аzonда турди, ширин уйқуда ётган Жавоҳирни уйғотиб, янги кийимларини кийдирди. Қизчасини йўргакламади, чунки боласи нариги дунёга қўл-оёғи боғлиқ кетишини истамасди. Бир вақтлари “Қиз кўрсам кийдирман”, деб яхши ниятлар билан тикиб қўйган кўйлакчани қизчасига кийдирди.

— Ойижон, дадамникига борамизми? — эркаланиб сўради Жавоҳир.

Раънонинг кўзларига ёш тўлди-ю, ўғлини маҳкам бағрига босди. Кейин қизалогини кўтариб, Жавоҳирни етақлаганча трамвай бекати томон юрди. Ҳаёт синовларини енгаверишга бардоши етмаган Раъно ўзини сувга ташлашга қарор қилганди. У ўзини азобукубатли дунёга ташлаб кетган ота-онасидан фарқли ўларок, фарзандларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетмоқчи эди. Раъно ўзини қотил деб хис этмас, қилаётган ишидан виждони ҳам қийналмасди. У яшашни истамасди, холос...

Хаёллар оғушида келаётган Раъно трамвай бекатига

стай деб қолганида автобусдан тушган қайнанасини кўриб қолди. Аммо у ортига қайтиш ёки четга бурилиб кетишга улгуролмади: бувисини кўрган Жавоҳир “Бувижон!” деб қичқирганча юргурилаб кетганди. Қайнанаси Жавоҳирнинг юз-кўзларидан ўпиб, Раънога каради.

– Яхши юрибсанми, болам? – деб сўради илиқ овозда.
– Шукур... – Раънонинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди, кўзларида ёш ҳалқаланди.

– Бугун сизларни туш кўрибман, шунга... бир хабар олай деб... – қайнанаси Раънонинг юзига синовчан тикилди. – Менга қара, қизим, фарзандларингни олгинда, уйингга қайтиб кел. Ахир ақангникида яшаш осон эмас, келинойингнинг ит феълидан сен тутул, кўшнилар ҳам безор. Ўша уйдаги ҳаёт жонингга тегмаганмиди?

Раънонинг хўрлиги келди, киприкларида милтиллаб турган кўз ёшлари юзини ювди.

– Қайтиб кел, болам, – яна қайтарди қайнанаси. – Уйинг ҳувиллаб ётмасин.

– Ахир, ойижон... Нима деб қайтаман? Ўғлингиз...
– Эрингни ўйлама, – унинг гапини шартта бўлди қайнанаси. – Уни уйдан ҳайдаб солганман. Анави мегажинини олиб келмоқчи бўлганди, икковини ҳам тирқиратиб қувладим. Энди-и, қизим, кулоқ сол. Менга ҳам осон тутма. Мен икки ўтнинг орасида қолдим. Қай бармоғимни тишласам ҳам оғрийди. Сени-ку, болалигингдан ўзим яхши кўриб, ҳалол, меҳнаткаш қизлигингни билганим учун келин қилгандим. Ҳаётнинг бунақанги найранглари ҳам бўлиши етти

ухлаб тушимга кирибди, дейсанми? Бу ёқда катта ўғлим ўлиб, икки набирам шум етим бўлиб, бувабувисининг кўлида сарғайиб қолди: Аҳмаджонимнинг хотини Нигора болаларини ота-онасига ташлаб, эрга тёгиг кетибди. Бу ёқда сен ўз ёғингга қоврилиб, мунчоқдек икки набирам тириқ етим бўлиб ўтирса... Чабираларимнинг уволи тутмайдими, индамай қараб турган менга гуноҳи ёзилмайдими? Бу кўз ёшлар оҳиратимни куйдириб юбормайдими?..

Қайнанасининг гапи шу ерга келганида Раъно чидай олмади, росмана хўнграб йиғлаб юборди.

– Мени кечиринг, ойижон, – дея олди, холос.

– Кечирим сўрама, қизим, сенда айб йўқ, – деди қайнанаси Жавоҳирни бағрига босиб. Чунки ойисининг йиғлаётганини кўрган Жавоҳирнинг ҳам кўзлари ёшга тўлиб, лаблари титрай бошлиган эди.

Кейин... қайнана-келин ўзлари йўл олган манзилларини ҳам унутиб, яқинлашиб келаётган трамвайга парво ҳам қилмай, йўлга тушишди. Камгап, вазмин қайнатаси эса Раъононинг кўчларини олиб келиш учун юқ машинаси излаб кетди.

Бир ҳафтадан сўнг, хотини қайтиб келганидан хабар топган Раҳимжон келди. У аввал онаси билан роса жанжаллашди, гапини ўтказолмаганидан сўнг эса, онасининг кўнгли бўшлигидан фойдаланмоқчи бўлди.

– Оий, ўзингизнинг фарзандингизни кўчага ҳайдаб кўйиб, бирорнинг боласини бағрингизга олиб ўтиришингиз инсофданми? – деб сўради онасига ялтоқланиб.

– Биз сени дунёга келтирибгина қолмай, хеч нарсага

жориқтирмай бокдик, тарбияладик, ўқитдик, ҳаётда ўрнингни топишингга ёрдамлашдик, – деди онаси совуққина оҳангда. – Бу бизнинг ота-оналик бурчимиз эди. Даданг икковимиз ўз бурчимизни тўлиқ адо этдик. Аммо сен икки фарзандни дунёга қелтирдинг-у, аммо оталик бурчингни бажаришдан бош тортдинг. Бу эс бизнинг тарбиямиз чала бўлганлигини билдиради. Демак, биз ўз хатоимизни тузатишга – сен бош тортаётган бурчингни адо этишга мажбурмиз.

– Ҳа-а, тушунарли, – деди Раҳимжон ва олдида турган пиёлани дастурхонга тўнкарди-ю, ўрнидан туриб эшик томон йўналди. Эшик тутқичини ушлаб, онаси томон ўгирилди. – Нимаям дердим, унда... Зайнабингиз билан яшайверинглар!

– Ярамас! – онаси қўлидаги пиёлани ола солиб, ўғлига отди. Пиёла эшикка тегиб, чил-чил синди.

Раъно йиглаб юборди. У бир вактлар “Ўтган кунлар”ни қайта-қайта ўқир, Отабек билан Кумушнинг соф севгисига тўғаноқ бўлган Зайнабни кўргани кўзи йўқ эди. Ҳозир эса у ўша кунларни эслади-ю, Зайнабдан нафратланмаётганини, балки севиб-севилишни истаган, аммо тақдир тақозоси билан суюксиз хотин бўлишга маҳқум этилган бечора аёлга жуда раҳми келаётганини ҳис қилди. Чунки севилмаган хотиннинг кисмати қандай бўлишиний бошидан ўtkазиб кўргандида!

Мана, ўзини ҳам Зайнабга қиёслашди... Ҳа, Зайнаб бечорага ҳам есон бўлмаган экан...

– Кўй, йиғлама, энди фойдаси йўқ, – деди қайнанаси уни юпатиб. – Қизим, ўзингда ҳам айб бор-да, ахир.

Мундоқ бир ясаниб-тусанишни, сочларингни алламбало қилиб турмаклаб, ўзингта оро берин юришни билмасанг... Қўлида жарак-жарак пурорадиган эркак бунақанги аёлни бошига урадими?

— Ясаниб-тусанишни, ўзимга оро беришни билмасам, нима қилай? — баттар хўрлиги келди Раъонинг. Ахир менга буларни ўргатадиган онам бўлмаган-ку? Ҳатто ўсма қўйишга ҳам журъат этолмасдим! Эсимни танибманки, умрим келинойимнинг эскирган кийимларини кийиш билан ўтди, келин бўлибгина эгним охорли қўйлак қўрди...

— Майли, арқонни узунроқ ташлаб қўй, қизим, отайланиб, ахийри қозигини топар...

Йиллар елдек учиб ўта бошлади. Раъно бу пайтда пенсияга чиқсан қайнанаси билан бирга пашмак қилиб сота бошлади. Кейин уйида кичик цех ташкил этиб, шарқона ширинликлар ва турли пишириқларни тайёрлаб, бозорга чиқарди, бу ишларга қайниси Расулжон билан унинг хотини Зулайҳони ҳам жалб этди. Бироз вақтдан сўнг эса цехни кичик корхонага айлантирди, бир нечта хусусий дўконлар очди.

Раъно энди салобатли кийинишни, ўзига оро беришни, тадбиркор аёллар сингари шахдам-шахдам сўзлашни, машина ҳайдашни ўрганди. Ўнлаб одамлар ишлайдиган корхона соҳибаси бўлган Раъно ўтган кунларини даҳшатли бир тушдек эсларди. Аммо ҳар қандай даҳшатли туш ҳам бари-бир ниҳоясига етгани сингари Раъонинг хаёт йўлидаги изтироблари ҳам ўтмишда қолиб кетди ва энди унинг ёруғ, нурли келажаги бошланди. Бу келажакнинг эшигини эса

Инг қайнанаси эрта тонгда – трамвай бекати олдида
шеб берганди. Раҳимжон эса... У Раъононинг ўтмишида
шеб кетди...

МАШЬУМ СЕВГИ

Икки қалбни бир-бираiga боялаган севги
шиталарининг қанчалар мустаҳкамлигига улар ёнма-
н ўтирадиган партა-ю синф хоналари ва баъзан
сегажоқлик қилиб уларни “Тохир-Зухро” деб атовчи
и саккиз нафар синфдошлари гувоҳ бўлишганди.
Бундан ташқари гувоҳлар қаторига қишлоқ четида
шарқираб оқувчи сой ва унинг ёқасидаги тарвакайлаб
усган асрий гужум дараҳтини ҳам бемалол кўшса
бўлади. Моҳидил билан Азамат кўпинча шу гужумнинг
тагида дилини очишар, уларнинг илк севги изҳорига
ҳам шу дараҳт гувоҳ бўлганди.

Мактабни битиришгач, Азамат Тошкентта – ўқишига
кетди, Моҳидилни эса ота-онаси нотаниш, гавжум
шаҳарга юборишмади. Тўғрироғи, отаси “Киз бола
ўқиб шаҳар олиб берармиди? Рўзғори билан бола-
чақасини эпласа, шунинг ўзи кифоя!” деди. Умр бўйи
эрининг гапини икки қилмаган, айниқса, ўғил туғиб
беролмагани учун доимо тили қисиқ бўлган онаси ҳар
доимгидек эрига қарши чиқолмади.

Совчилар эшик турумини буза бошлиди, аммо
Моҳидил уларнинг барига рад жавоби берар, кўзлари
нигорон бўлиб, Тошкентдан келадиган мактубларни
кутарди. Азамат ҳам хат ёзишга эринмас, почтани
амаки кунда бўлмаса-да, кунора уларнинг дарвозаси

ёнида тұхтарди. Мектубларнинг бәзилари узуиді, узун, бәзилари қысқагина – учтүрт оғиз гана иборат бўлса, гоҳида бир неча мисралик шеърларни ўзигина келарди.

Моҳидилнинг юрагини зардобга тўлдирган бир йил хам ниҳоят ўтди-кетди ва Азамат ёзғи таътилга келди. Қизининг “муҳаббат тарихи”дан аллақачон хабар гонгани ва кун сайн кош-қовоғи уюлиб, асаби таранглашиб бораётган Нормат ака хотинига деди:

– Хабаринг борми, анави Тошпўлатнинг ўғли таътилга келганмиш-а?

– Ҳа, зингитдим, – деди Мамлакатхон эри гапнини индаллюсини қаёқка бураётганини тушунолмай, аммо хар эҳтимолга көрши иидамай, унинг ёрилишини кутуб турди.

– Бўлмаса, қизинигга айт, анави... бола билан гаплассин. Агар бирор максади бўлса, совчи юбориб, элнинг оғзига копиқ ёрсин. Акс ҳолда биринчي келган совчига ҳўй деб юбораман, ундан кейин додини худога айтсан.

Мамлакатхон кўлидаги сочиғи билан оғзини тўсганча, кўзлари шукосасидан чиқиб кетгудек бўлиб эрига тикилди. У-ку, эрининг феълинин билади. Айтганини килмай кўймайдиган хилидан. Аммо севиб-севилмай турмушга чиқиб, тажанг қайнона-ю юраги тор эрининг зугумидан азилт чекиб, умри ҳазон бўлган Мамлакатхон қизининг кўйигил кўйиб турмушга чиқишини, ҳаётда баҳтли бўлиб; яйраб-яшишини истарди; аммо... Эй, худойим-эй, ахир тезрок совчи юборгин деб йигит кишига қандай айтиш мумкин-а?..

Мамлакатхон эрини ишга кузатиб, кун бўйи шу ҳалда бош қотирди. Рўзгор юмушларига ҳам қўли бормади, фақат сигирини амаллаб соғди, холос. Ўйлайвериб, қон босими ошиб кетди, шекилли, тушдан кейин мазаси қочиб, биратгўла ётиб қолди. Шу пайт тогора кўтариб Азаматнинг онаси ва икки нафар кўши авсл кириб келишди. Улар совчилликка келишганини Мамлакатхон дарров пайқади-ю, “хафақони” ҳам бирпасда тарқади-кетди, елқасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. “Ўзингга шукр, бир атаганим бор экан” деб шивирлади-ю, қўли олти, оёғи етти бўлиб, совчиларга манзират қила бошлади. Азаматнинг онаси гапни узок чўзмай, дарров мақсадга ўтди: улар ўғлини шу ёзги таътил ичида уйлантириб қўймоқчи эканликларини, келин уларга хизмат қилмаса ҳам майли, шаҳардан ижараҳона уй олиб яшайверишини, ўқигиси келса эри билан ўқишини ёки иш топиб ишлашти мумкинлигини айтди. Мамлакатхон аввалига унинг мулоҳазасидан ажабланди. Ўтган йили қизи “Ўқишига кираман”, деб қанча худонинг зорини қилди-я, аммо отаси икки оёғини бир этикка тиқиб, қўнмай туриб олди. Зора омадини бериб, қизи ҳам эрининг шарофати билан ўқиб, баҳтли бўлиб кетса...

Бўлғуси қудаларининг мулоҳазаси Нормат акага жуда маъқул тушди. Тездагина тўй куни белгиланиб, куда томонлар ўзаро олди-бердиларни келишиб олишди. Тўйнинг сурурли чопа-чоплари билан нихоятда чарчаганига қарамай, Мамлакатхоннинг кайфи чоғ, бир гапириб, ўн куларди. Бу шодиёнанинг сабабчиси бўлган йигит билан қизигина ҳамзишлоскларидан андши қилиб, гужум тагида

учрашмай қўйишган, энди хижрон азобида қовурилиб, уйдан қўчага чиколмай, сикилиб ўтиришарди.

– Менга қара, қизим, ҳали-замон қариндош-уруглар кела бошлиди, уйда қадам босгани жой қолмайди, – деди Мамлакатхон тўйдан бир кун олдин. – Тўйи бўладиган қиз уларнинг олдида селкиллаб юравериши добдан эмас, шунинг учун ҳам синглингни олгин-да, бугунча дугонанг Маликаникига чиқиб ўтиринглар. Малика ҳам бугун уйда экан, боя янгаси келиб айтиб кетди. Кечқурун, куёш ботар пайтда уйга келарсизлар.

Моҳидил синглиси Ойгулни олиб, икки маҳалла нарида яшовчи Маликаникига кетди. Йўл-йўлакай Лола билан Раъонни ҳам чақиришди. Кизлар кун бўйи чой ичиб, гурунглашиб ўтиришди, Малика тикаётган кашталарини томоша қилишди, кеч тушиб, куёш ботган маҳалдагина уйга қайтишди.

Кизлар секин келишаркан, кўчанинг бошида оппоқ машина турганини кўришди. Улар машинани четлаб ўтиб кетмоқчи бўлишганди, унинг эшиги очилиб Моҳидилнинг синфдоши Карим тушди. У мактабни битиргач, Тошкентда яшовчи тоғасиникига кетганди. Айтишларича, бориши билан тоғаси Каримга дўкон очиб берганмиш. Илгарилари рангпар, қотмагина бола бўлган Карим ҳозир жуда ўзгариб, анча тўлишган, устбоши жуда башанг, кайфияти ҳам чоғ кўринарди...

– Вой, анави ўзимизнинг Каримми? – деб хитоб қилди Лола ажабланиб.

– Бўлмаса-чи, албатта сизларникиман-да! – деди Карим салмоқ билан, охирги сўзига алоҳида ургу берганча.

Күёв йигитларга ўхшаб жуда башангсан-ку! –
Хизиллашди Моҳидил. – Тинчликми ишқилиб?

Бугун тўйим бўлади-ю, ясанмайманми? – деди
Карим сирли овозда.

Қизлар бараварига “Вой!” деб юбориши.

– Вой, писмиғ-эй! – деди шаддод Раъно. – Чакқонсан-
ку! Тавба, тўйингдан биз бехабар қолсак-а?! Тўйга ҳам
айтмадинг-а, номард?

– Тўйга айтишга улгурман ҳали... – деди Карим.
Кейин у худди бир нарса эсига тушгандек Моҳидилга
қараб, шоша-пиша деди: – Моҳи, сенда гапим бор эди.

– Гапиравер, – деди Моҳидил бепарвогина.

Моҳидил гапини тугатар-тугатмас, Карим шартта
унинг қўлидан ушлади-да, машина ичига итариб
киргизди ва ҳайдовчига “Бос!” деб қичқирди. Қизлар
ҳали нима бўлаётганини тушуниб улгурмаслариданоқ
машина ўрнидан қўзғалди ва оппоқ машина қишлоқ
кўчасини чангта тўлдириб, физиллаб елиб кетди.
Орадан бир неча дақиқа ўтиб, машина кўздан
йўқолганидан сўнггина қизлар ўзларига келиб, дод-
фарёд кўтариши. Юраги қинидан чиқаёзган, ранги
пахтадек оқариб кетган Ойгул “Опа, опажон!”, деб
қичқирганча йиғлаб юборди.

– Вой, шўрим, энди нима қиласиз? – деди Раъно
саросимага тушиб. – Энди Мамлакат опага нима
даймиз?

– Нима дердинг, борини айтасан-да! – жеркиб берди
Лола. – Юринглар, тезроқ бориб, отасига айтайлик.

Қизларчувиллаб югуриб кетиши. Ҳовли тўла
қариндош-уруғлар, тайёргарлик авжида... Тўй
тараддуди билан овора бўлган қариндошлар югуриб

келаётган қизларни кўриб ҳайрон бўлиб қолишиди.

– Вой ўлай, ҳай, нима гап?! – Мамлакатхоннинг юраги ўйнаб, юргилаганча уларга пешвоз чиқди. – Ҳой, гапирсаларинг-чи, нима бўлди?.. Моҳидил қани?

Қизлар бири олиб, бири қўйиб бўлган воқеани баён қилишгунча Мамлакатхоннинг кўнгли кетиб, ерга чиқилди. Нормат ака пичоқ излаб ошхонага отилди, яна кимдир Азаматга хабар беришга югарди.

Ранги бўздек оқарган Азамат етиб қелганида хотин халаж аллақачон Мамлакатхонни айвонга ётқизиб, юзига сув сепиб, ўзига келтиришганди.

– Хотиржам бўлинг, ая, ҳозироқ ўша лаънатини топиб келаман, – деди Азамат Мамлакатхоннинг олдида ўзини босишга ҳаракат қилиб.

Нормат ака Азамат билан қўшниси Ганишернинг машинасида Каримнинг онаси Сорахондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳовлиқиб келган бир тўда эркакларни кўриб Сорахоннинг ранги оқариб кетди, воқеани эшитгач эса, жудаям ажабланди.

– Йўғ-е, Каримжоним бунақангни иш қиласидиган бола эмас! – деди бечора онаизор бошини сарак-сарак қилиб.

– Бошқа бирор билан янгиштирмаяпсизларми, мабодо?

– Ҳозир ҳазиллашадиган пайтми, ая?! – ўшқирди Азамат ўзини босолмай. – Каримнинг ўзи қани?! Қаерда у?

– Ўзингни бос, ўғлим, – деди Нормат ака Азаматнинг елкасидан тутиб. Кейин Сорахонга ўтинчли боқди. – Келин, ўғлингиз ҳозир қаерда?

– Билмасам, ўғлим Тошкентта кетган, – деди Сорахон. – Уч кун мұқаддам дадаси билан кетишганди...

Тўй тўйда қолди, ўй ўйда... Қишлоқнинг оғзида дув-дув гап, билган у деди, билмаган бу. Мамлакатхоннинг кон босими ошиб, ўзини билмай қолгаč, туман марказидаги касалхонага олиб қетишиди. Ойгул сира ўзига келолмас, тинмай йиғлагани-йиғлаган эди. Нормат ака ёнига Азамат билан икки нафар қўшнисин олиб, Тошкентга – Каримнинг тоғасиникига йўл олди, бўлган воқеани муҳокама қиласвериб “ёғини чиқариб юборган” қариндошлар секин-аста уй-уйларига тарқалишиди.

Бу вақтда оқ машина қўшни қишлоққа – Каримнинг оғайниларидан бирининг уйи томон ғизиллаб борарди. Карим орқа ўриндиқда Моҳидилнинг елкасидан маҳкам ушлаганча, оғзини кафти билан тўсиб ўтирарди. Моҳидил ҳарчанд типирчиласа-да, йигитнинг темирдек қўлларидан чиқиб кетолмаслигига кўзи етди-да, унинг кафтини тишламоқчи бўлди. Карим сўзсиз-несиз қизнинг чаккасига бир мушт туширганди, Моҳидилнинг қўзларидан ўт чакнагандек бўлди-ю, коронфилик қаърига чўмиб кетди.

– Оғайни, сал секинроқ-да, – деди машинани ҳайдаб кетаётган йигит. – Миясини чайқалтириб қўйма тағин, акс ҳолда, шўринг қурийди.

– Ҳечқиси йўқ, қишлоқ қизлари бақувват бўлади, – жилмайди Карим. – Билмайсан-да, бу шунақангиз зўр қиз-ки!

– Кўриниб турибди, сулувлигини қара, бир қошик сув билан ютиб юборгудек! – йигит бир текис оппок тишларини кўрсатиб тиржайди.

– Э-э, қўзингни четга қарат! – ўшқирди Карим. Кейин

бир нимани эслади шекилли, тиржайди: — Ахир бу... янганг бўлади-я!

Йигит қаҳ-қаҳ отиб юборди-ю, то қишлоққа кириб боргунларича бошқа сўз қотмади.

Моҳидил кўзини очганида худди келинчакнинг уйидек ясатилган хонада ётганини кўрди. Унинг ёнида Карим чордона қуриб ўтиради.

Моҳидил шартта ўрнидан турмоқчи бўлганди, мадори етмади. Боши қаттиқ айланиб кетди.

— Моҳидил, мен сени севаман, — деди Карим тўсатдан, гўё анчадан бери гаплашиб ўтиргандек оҳангда. — Илтимос, менга турмушга чиқ, сенсиз яшай олмайман.

Моҳидил унинг гапларини ақлига сифдира олмай, баشاрасига анқайиб қолди. Бир неча дақиқа анграйганчá Каримга қараб турди.

— Эсинг жойидами... нималар деяпсан ўзи?! — деди ниҳоят тили гапга айланиб. — Эртага тўйим бўладику?.. Одамлар нима дейди, ота-онам-чи? Азамат акамчи?

Азаматнинг исмигт тилга олиши биланоқ гўё Моҳидилнинг вужудига куч тўлгандек бўлди, ўрнидан туриб ўтириди. Карим миқ этмай уни кузатиб турарди.

— Ахир сен мени ҳеч қачон севмагансан-ку?

— Ким айтди севмаган деб? — босик оҳангда гап бошлиди Карим. — Мен доим сени севганман. Анчадан бери севаман, аммо сен бирон марта ҳам менга қайрилиб қарамагансан, дунёда мавжуд эканлигимни пайқамагансан ҳам. Сен учун бутун дунё Азаматдан иборат эди, холос. Менга доимо худди чувалчангга қарагандек қарагансан...

— Нима-а?! — Мохидил ранги гоҳ оқариб, гоҳ бўзариб кетаётган Каримга бакрайиб қолди.

— Ҳа-а, ишонмайсан-а?! Мен сени эсимни таниганимдан бери севаман. Сенсиз яшашим мумкинлигини ҳам тасаввур қилолмайман. Аммо қачон қарасам, Азамат оёғим тагидан чиқиб келаверади. Агар Азамат йўқ бўлганида эди, сен мени севиб қолган бўлардинг...

— Эсингни ебсан! — қичқириб юборди Мохидил. — Ахир эртага бизнинг тўйимиз-ку? Ўйлаб гапиряпсанми ўзи?

— Жуда ўйлаб гапиряпман-да, — кесатик оҳангода деди Карим. — “Сиз”ларнинг эмас, бизларнинг тўйимиз бўлади, яъни мен билан сенинг. Куёв эса Азамат эмас, балки мен бўламан. Рози бўласанми ё йўқми, бундан қатъи назар, ҳозирдан бошлаб менинг хотиним бўласан... Моҳи, ишон, сени бошимда кўтариб юраман, оғзингдан чиқканини муҳайё қиласман...

— Йўқ! — қичқириб юборди Мохидил унинг гапини бўлиб. — Ҳеч қачон! Ундан кўра ўлганим яхши!

— Нима-а?! — оний тезликда важоҳати ўзгариб, ўшқирди Карим. — Яхши, энди ўзингдан кўр! Сен ўлмайсан, аммо ўлгандан баттар бўласан!..

Мохидил ҳарчанд Каримнинг чангалидан чиқишга уринмасин, барибир кучи етмади. Унинг чарчаб, ҳолсизланиб қолганидан йигит усталик билан фойдаланиб, “мақсади”га эришди.

Мактабда ўқиб юрганларида ҳеч кимни хафа қилмаган, ҳазилкаш бола бўлган Каримнинг бунчалар тубан, қабих ишга кўл уриши мумкинлигини Мохидил

тасаввур ҳам қиломасди. У бунақанги хўрлик, бу азоб, бу даҳшатларга юраги дош беролмай, ўлиб қолишини кўтганди. Во ажаб, шунчалар қабиҳлик, тубанликдан кейин ҳам бу юрак шўрлик ёрилиб кетмади-я...

— Айтувдим-а, мен билан ҳазиллашмагин деб, — тўнғиллади Карим Моҳидилнинг юзига қарамай. — Шу тўулни тутишга мени ўзинг мажбур қилдинг. Бўлди, энди йиғлаганнинг фойдаси йўқ. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Агар истасанг, эртагаёқ қарсиллатиб тўй қиласиз. Истамасанг... унда ихтиёринг. Ҳозирги томошани оғайним видеотасмага ёзиб олган. Ўшани ва сени кўш қўллаб Азаматга топшираман.

— Ундан кўра ўлдириб қўя қолсанг бўлмасмиди-я? — ингради Моҳидил. — Менда нима қасдинг бор эди?

— Мен сени севаман!

Каримнинг бу хитобида шунчалар самимият ва эҳтирос бор эдики, буни ҳатто тезроқ ўлишни истаётган Моҳидил ҳам тушуниб етди.

— Ҳа, мен сени севаман! — такрорлади Карим. — Фақат сени севганим учунгина шундай қилишга мажбур бўлдим. Агар Азаматни уриб-нетиб, майиб қилсам ҳам сен барибир унга турмушга чиқасан. Азаматни ўлдиришимдан эса фойда йўқ: унда ўзим қамокқа тушаман, сен барибир Азамат учун аза тутиб дунёдан тоқ ўтасан, бу эса сендан куруқ қолдим, дегани... Севги изҳор қилганимдан ҳам фойда йўқ, сен барибир Азаматни дейсан... Ўн ийл соядек өртингдан эргашиб юрдим, ҳар куни сени кўриб туриш мақсадим эди, шунинг учун ҳатто иситмам чикиб турган пайтларда ҳам дарсдан қолмасдим... — Карим бир зум жим қолди, кейин кўлинини секин чўзиб, ўзига бақрайиб қолган

Моҳидилнинг юзини силаб қўйди. – Моҳи, илтимос, яна бир ўйлаб кўр!

Карим ўрнидан турди-да, чиқиб кетди, эшик кулфининг шиқиллаб ёпилгани эшитилди. Моҳидил Химолай тоғидан-да оғирроқ ўйлар куршовида ёлғиз колди. Қаршисидаги қоп-қоронғи дераза ойнасиг; бокқанча қимирламай ўтиради. У ўйлаёлмас, ҳатто йиғлаёлмас ҳам эди. Гўё бу даҳлатли қечинма тушида рўй берган-у, ҳозир уйғонса, ҳаммаси йўқлик қаърига чўмиб кетадигандек. Тўсатдан унинг қўз олдида Азаматнинг қиёфаси пайдо бўлди. Азамат бечора бу қечмишдан хабар топса, не кўйга тушаркин? Моҳидил инграб юборди, лов-лов ёнаётган юзларини кафтлари билан беркитди, юраги кўқрак қафасини ёриб юборгудек гурсиллаб ура бошлиди. Ниҳоят бўғзига тиқилган алам, хўрлик фарёдга айланиб отилиб чиқди-ю, Моҳидил йиғлаб юборди.

У узоқ йиғлади. Онаси доим “Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор” дегувчи эди, аммо дунёда бунақангি иложсиз вазиятлар ҳам бўларкан. Мана бунақангি ҳолатдан қутулишнинг иложи бормикин? Энди Моҳидилга ҳеч ким, ҳатто унга ҳаёт ато этган ота-онаси ҳам ёрдам бера олмайди...

Кечагина келажагини ўйлаганда баҳтиёргидан юраклари орзиқиб кетаётган, энди эса эртанги куни чил-парчин бўлиб, дард-дунёси тундек қоп-қоронғи бўлган Моҳидил кимдан нажот кутсин? Унга нажот қўлини чўза оладиган ҳеч бир қудратли зот йўқ энди. У боши берк кўчага кириб қолган: олдинга юролмайди, орқага эса йўл йўқ...

Моҳидил таслим бўлди...

Шундан кейинги воқеалар худди тушда кечаетгандек жуда тез юз берди. Карим роботсимон бир алфозга тушиб қолган Моҳидилни онасининг ёнига олиб борди, уни уйида қолдириб, ўзи тоғасиникидан ҳеч кимни тополмай қуруқ қайтиб келганидан ғазабга тўлиб-тошаётган Нормат ака билан гаплашгани кетди. Умидларини чил-парчин қилиб, кизини бутун қишлоқ олдида шарманда қилган Каримни кўрганданоқ Нормат аканинг жазаваси тутди, болта излаб ошхонага югурди, аммо ярим йўлга етганда такқа тўхтади, ҳамон дарвоза ёнида қаққайиб турган Каримга ўтирилди.

– Мен Моҳидилни севамая, – деди Карим унинг тўхтаганидан ўзича хулоса чикариб. – Унга уйланаман. Тошкентда уч хонали уйим бор. Бугунга энг зўр ресторанни гаплашиб қўйганман, тўйни тўхтатмаймиз. Агар сиз истасангиз, албатта...

– Йўқол кўзимдан, ярамас! – зўрга тили айланиб, хириллади Нормат ака, унинг оёқлари худди пахтадек бўшапшиб, жонсиз бўлиб қолганди. – Сен ит эмганни камоқда чиритмасам, отимни бошқа қўйман!

– Нимаям дердим, майли қаматаверинг, – деди Карим хотиржамлик билан. – Унда кизингиз бева, набираларингиз етим бўлиб қолаверади-да!

– Нима-а?..

Нормат аканинг саросимага тушиб қолганидан фойдаланган Карим индамай чиқиб кетди. Тезгина уйига бориб, Сораҳоннинг ҳай-ҳайлашига қарамай, Моҳидилни машинасига ўтқазиб, шаҳарга жўнади.

Кечкурун Тошкентдаги энг ҳашаматли ресторанлардан бирида тўй бўлди. Тўйга йигилган бир

дунё меҳмонлар мазза қилиб ўйнаб-кулишди, хориждан калтирилган антиқа кўйлакда қўғирчокка ўхшаб колган келиннинг ғайриоддий ҳусни-жамолидан дайратга тушишди. Факат... келин томондан ҳеч ким тўйга келмаганди...

Тўйнинг эртаси қуни Карим ўша машъум воқеа акс этган видеотасмани Моҳидилнинг кўз олдида ёқиб ташлади.

Бир маромдаги қунлар ўта бошлади. Аммо Моҳидилнинг ота-онаси Каримни кечиришмади. Гарчи Нормат ака ўзи пўписа қилганидек унинг “умрини ҳамоқда чиритиш” ниятидан қайтган бўлса-да, қишлоқдошлари олдида боши зигик бўлиб қолишида қизининг ҳам ҳиссаси бор деб ўйлади ва қизини оқ қилди. Хотини ва кичик қизига Моҳидилнинг уйига боришни, ҳатто исмини айтишни ҳам тақиқлади. “Менинг катта қизим ўлган！”, деди у хотинига қаҳр билан тикилганча. Умрида эрига тик бокмаган хотинининг кўзлари яна ер сузди...

Карим ўзи ваъда қилганидек Моҳидилни “бошида кўтарар”, уни еру-кўкка ишонмасди. Тинмай унинг кўнглини овлашга интилар, зиёфатлар, ресторонлар, кинотеатрларга олиб борар, шаҳарнинг гўзал хиёбонларига олиб бориб айлантирас, йиллар ўтаётган бўлса-да, унга бўлган меҳри совимаётган эди. Аммо Моҳидил “ўша воқеа”ни ва... Азаматни унутолмасди. Карим иш юзасидан кетгаң пайтларда хувиллаган серҳашам уйида бир ўзи қолар ва ойна олдида ўтирганча ўзи билан ўзи сухбатлашар, ўзининг кўзгудаги аксига дардларини айтиб бериш билан овнарди. Баъзан ойнадан ўзига боқиб турган юzlари

шаштотидек таранг, шаҳло кўзлари қоп-кори соҳибжамолни ўзининг акси эмас, балки бутунлай бегона бир инсон деб ўйлаб қоларди.

— Менга битта ўғил туғиб бер, — деб илтимос қиласарди Карим. — Биргина армоним шу, холос.

Аммо нима учундир Моҳидил сира фарзандли бўлолмасди. Ҳар сафар ҳомиласи уч-тўрт ойлик бўлганида ўсмай қолиб нобуд бўлар ёки ўлик туғиларди. Моҳидилнинг ярим умри касалхонама-касалхона, ярми эса руҳий ёлғизликда ўта бошлади.

— Менинг жазойим шу, — дерди Моҳидил ўзининг ойнадаги аксига қараб. — Чунки мени муҳаббатнинг уволи тутган. Мен отамнинг қарғишига қолганман.

Ойнадаги соҳибжамол бошини аста-аста ғаранглатарди. У далда беряптими ёки ҳақиқатдан ҳам Моҳидилнинг қарғишга қолганини тасдиқлаяптими, билиб бўлмасди.

Каримнинг эса ишлари тобора авж олиб борар, унинг энди учта дўкони бўлиб, ҳозир яна битта қаҳвахона очиш харакатида елиб-югуриб юрарди. У энди куни бўйи ишда бўлар, Моҳидил эса уззукун ёлғиз ўзи телевизор қаршисида ўз ўйлари билн банд бўлиб ўтирарди. Кимматбаҳо ҳорижий телевизор нималарнидир вайсаб турар, аммо улар Моҳидилнинг қулоғига кирмасди ҳам. Моҳидилга ҳеч ким ва ҳеч нарса керак эмас. Ва унинг ўзи ҳам ҳеч кимга керак эмасди. Каримдан бошқа...

Карим янги қаҳвахонаси очиладиган куни тантанага хотинини олиб кетиш учун вақтлироқ уйга келди. У эрталаб Моҳидилни огоҳлантирган, йўлга чиқаётib яна қўл телефонида айтиб ҳам кўйганди. Аммо Карим

шунча кўнгироқ тугмасини босса-да, негадир Моҳидил эшикни очмади. У ажабланиб қулфга қалит солганди, эшикнинг очиқ эканлигини англади. Бир итарганди, эшик ланг очилиб кетди. Карим туфлисини ечмаёқ югуриб уйга кирди. Моҳидилнинг овози эштилмасди. Карим ётоқхонани, ювиниш хонасини, ошхонани, айвонни қараб чиқди. Ҳеч ким йўқ. Кейин меҳмонхонага кирди.

Хонага тўшалган қимматбаҳо ипак гилам устида Моҳидил худди ухлаётгандек узала тушиб ётарди. Унинг кўзлари ним очиқ, лаблари худди аразлаган эркатой боланики сингари чўччайиб турибди. Чап билаги қирқилган, гилам устида ўткир устара очиқ ётибди. Атроф кон. Кон...

Карим даҳшатдан эс-хушини йўқотиб, Моҳидилга тикилиб қолди. Хотинининг ўз жонига қасд қилиши хаёлига ҳам келмаганди. У бир неча дақиқа серрайиб турганидан сўнг, ниҳоят ўзини тутиб олди-да, аста. Моҳидилга яқинлашди. Тўсатдан кўзи Моҳидилнинг ўнг қўли ёнида ётган қофозчага тушди. Карим беихтиёр энгашиб, қофозни олди. Чумоли изи сингари қінғирқийшиқ ҳарфларни зўрга англаб, ўқиди. Тушунмади. Кейин яна ўқиди. Аммо ўқиганини тасаввурига сифдиролмай, анча вақт турди. Кейин... ўкириб йиғлаб юборди.

Қофоз аёллар шифокорининг хulosаси бўлиб, унда Моҳидилнинг ҳомиладор эканлиги, ўттиз ҳафталик ҳомила соғлом ва мўътадил ривожланаётгани ёзилганди. Унинг тагида эса Моҳидилнинг қўли билан “Зимистон ҳаётда яшашни истамадим” деган сўзлар битилган эди...

ТОБУТ КҮТАРМАГАН ЎГИЛ

Пешин намозини ўқишга ўтирган Муқаддам жаңа боғ томондан келвётган бүтік гурсиллашни эшигін чүчиб тушди. “Уйғонди, шекилли, балогинаға учрагатын пиёниста!” Ўйлади у жаҳл билан ва шу тобда жойнаған устида эканлиги тұсатдан эсига тушиб, юрагига вакыт үралади. “Астагфурулло, тавба қилдим!” деди у щонан пиша ва энди Ботирнинг чўзиб-чўзиб кекиришларини кайт килишига эътибор бермасликка уриниб, намозини ўқишига киришди. Аммо хаёл қурғур уни тинмай ханаған томонга тортқилар, фикрлари чалғиб, суралар ханаған алкаш-чалкаш бўлиб кетар, сўзлари эсидан чиқиб қолар, яна қайта ўқишига тушарди...

Ботир Муқаддам холанинг кенжатоји. Супракоқдиси еру кўкка ишонмай, эркалигини кўтариб, инжиқлигига чидаб, иложи бўлса, катта фарзандларининг-да оғзидағини олиб бериб, кипригига кўтариб катта қилган арзандаси. Тўнғич ўғли Баходирни болалигига сарик касал деган балои азим олиб кетған, уч нафар кизи билан шўппайиб, куйиб, дуди осмонга ўрлаб қолаверганди. Шунда ён қўшниси Сабоҳат холатоидек ўғилдан ажralиб, дарду дунёси қоронғу бўлиб юрган Муқаддамга ўзича таскин берган бўлиб “Кўйинг энди, айланай, ҳадеб куйинаверманг. Ўлган ўлди-кетди, ўлганинг кетидан ким кетди...” Ўлган болангизга куйинавергандан кўра яна бир ўғилни туғиб олинг-кўйинг, ахир ёшсиз, бирини берган Худо бошқасини ҳам берар!”, деганди. Гарчи қўшни аёл бу гапларни таскин бериш максадида айтган бўлса-да, Муқаддамга бу маслаҳат чўкаётган одамга узатилган

Худонинг марҳамати билан бир йилдан кейин қўчқордек ўғиллик ўлиб олганди.

Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, бирор у деди, бошқаси бу деди, нима бўлганда ҳам ўлган ўғилнинг дардида куйиб юрган Муқаддамнинг бағри яна тўлиғ ламини бироз унугандек бўлди. Анчагина бўйи етиб, каттагина бўлиб қолган уч қизи чақалоқни қўлма-қўл қилиб кўтариб кетишганидан Муқаддамга бола боқиш ташвиши ҳам тушмади, ана-мана дегунча, Ботиржони ҳам оёққа туриб, элга қўшилди. Катта қизларини узатиб, набиралик тўкис ҳам бўлди. Аммо Ботири ҳарбий хизматдалигида тўсатдан турмуш ўртоғи Қосимжон ака қазо қилди. Эрталаб туппа-тузук юрган, “Ишга кетяпман” деб уйдан чиқиб кетган одам машина ҳайдаб кетаётуб жон таслим этганди. Яхшиямки, йўл четидаги тўсиққа тирадланча турган машинани кўрган ҳайдовчилар “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишибди ва Қосимжон аканинг кутилмаганда тутиб қолган юрак хуружидан вафот этгани маълум бўлди.

Отасининг кутилмаганда қазо қилгани сабаблими ёки бошқа бирор важданми, ҳарбийдан қайтгач, Ботир тўсатдан кўп ичадиган бўлиб қолди. Аввалига кунда-кунора ширакайф ҳолда ишдан қайтадиган ўғли бора-бора ҳар куни ғирт маст келадиган бўлиб қолганини кўрган онаизор ташвишга тушди. Кўзининг окукораси, қариганда боқадиган, суянчиғи бўладиган ўғли тоғларни урса талқон қиладиган даврида “шайтоннинг суви”ни сипқориб, чайқалиб эшикдан криб келса-я?! Энг ёмони, Ботирнинг шу ёшидан ичкиликка берилгани

маҳалла-кўйга достон бўлган, Муқаддам хола қай эшикка бош суқмасин, топганини ароққа сарфлайдиган текингтомоқ йигитга қизини беришни хеч ким истамасди. Тўғри, она бундан хафа ҳам бўлмай қўйди, ахир ўзи ҳам энди йигирма тўрт ёшга кирганида пиёниста бўлиб, қайга борса ичкилиқбозлиги туфайли шдан ҳайдаладиган, охир-оқибатда умуман ишсиз қолиб, бозорда ўтган-кетганинг юкини кўтаришиб беш-үн сўм топадиган, ўшани ҳам ичкилиқка сарфлайдиган такасалтангни куёв қилишни истамаган бўларди-да... Аммо нима қилсин, уни ўз ҳолига ташлаб қўйгани кўзи қиймайди, ўғли эса онасининг доим бир хилдаги панд-насиҳатларини тинглаб ҳам ўтиrmайди, “Э-э, шундок ҳам бошим тарс ёрилай деяпти, яна сиз ҳам оғритманг!” деб ўшқиради-ю, туради-кетади. Шу билан яна гоҳ ярим тунда, гоҳ ундан ҳам кечроқ чайқалиб, уст-боши одам қараб бўлмайдиган бир абгор ҳолатда кириб келади...

– Ойи, нафақангизни олдингизми?!

Ўғлининг ўшқириғидан қулоқ пардалари ёрилаёзган Муқаддам хола чўчиганидан сакраб ўрнидан туриб кетди. Кейин оёғи ёнидаги жойнамозга кўзи тушиб, эс-хуши жойига келди-да, ўғлига ўтирилди.

– Болам-ей, юрагимни ёрай дединг-ку? Чойингни ичиб тур, мен намозимни ўқиб олай, кейин...

– Нима кейин, нима кейин? – Ботир бир сакрашда айвонга чиқди-да, жойнамозни тепиб, ҳовлига улоқтириб юборди. – Сиз соатлаб ўтираверсангиз-да, менинг бошим ёрилиб кетаверсинми?

– Вой, бола бўлмай қолгур, бу нима қилганинг?

Шунаңғи коғир бұласанми-я?! Дүзахга тұласан-ку бу кетишіда...

– Э-э, “дүзах” деб қулоққа тепманг, ўзи шусиз ҳам бошим ёрилай деяпти! – ўщырди Ботир онасига эътибор ҳам бермай ва бошига ишора қилди. – Сиз айтаётган дүзах-чи, мана бу ерда! Агар ҳозир бол оғриғига пул бермасанғиз, миям портлаб кетади, тушундингизми?!

– Тушундим, болам, тушунмай ўлибманми? – үғлининг яна хумори тутаётганини кўриб, Муқаддам хола паст кела қолишини маъқул топди. – Факат... шу...

– Нима “шу”? – гўддайди Ботир.

– Ҳали нафакани олмагандим-да, болам.

– Бўлмаса яширган пулингиздан беринг, – Ботир онасининг ҳай-ҳайлашига эътибор ҳам бермай, эски калиши билан тоза кўрпачаларни босиб, тўрдаги сандик томон юрди. – Кизларингиз ҳар келганда эридан яширганларини ташлаб кетишади-ку, сиз бўлса босиб ўтирасиз... курк товукдек. Ҳа-а, босиб ўтира туринг, бир куни жўжа очилиб чиқар. Пулнинг жўжалари, вах-ҳа-ҳа!

Ўзининг ҳазили ўзига нацъя қилган Ботир сандик устидаги кўрпаларни куллатиб, улар орасидан сочилиб кетган бир даста пулни қўлига олди. Куни кеча кенжা қизи Мунаввар келиб, яқинда ўғил тўй қилишини мўлжаллаётганини айтган ва сарпо олиши учун онасига шу пулларни ташлаб кетганди. Сўнгги пайтларда ҳардам-хаёл бўлиб қолган Муқаддам хола қизининг пулларини кўрпанинг тагига яширганди-ю, кейин хаёлидан кўтарилиб кетганди.

— Ҳай, болам, бунга тегма, опангнинг пули-я бу! Хитоб килди у жон ҳолатда. — Ахир...

— Мингиrlаманг! — ўшқирди шунча пулни кўриб оғзининг таоби қочган Ботир. — Қизингизда пул кўп сўрасангиз яна бераверади. Бўпти, мен кетдим!

То Муқаддам хола эс-хушини йиқкунича ўғли шамолдек ғойиб бўлди. Дард-дунёси куйиб кетган кампир ўзига келгач, ҳали ҳам ўглининг инсофга келишидан умидвор бўлиб, унинг ортидан юурди. Жон аччиғида узун кўйлагининг этакларини халпиллатганча юуриб чиккан она уч-тўрт уй нарида ўғлига етиб олди.

— Жон болам, опангнинг пулiga тегма! — яланди у кўзларидан шашқатор ёш оқизиб. — Бечорагина не умидлар билан йикқан бу пулни ахир!. Майли, ўша зорманданга кераклисини олиб қол-да, қолганини кайтиб бер, болам...

Ботир туйкус тўхтади. Бир худди Ойдан тушган одамга қарагандек ҳайрат билан онасига боқди, бир кўлидаги даста пулга тикилди. Бир неча сония шу алфозда тургач, тўсатдан юzlари қип-қизарип кётдида, ваҳшат ила онасига ўшқирди:

— Сиз... менга қанча пул кераклигини қандай биласиз? Текин келган пулни ҳам қизғаняпсизми?! Шу пулни берайми сизга? — у кўлидаги пулни онасининг юзига яқинлаштириб, силкитди ва унинг оғиз очишини ҳам кутмай, елкасидан қаттиқ туртди. — Йўлимдан қочинг!

Ботир шарт ўгирилиб, кўча бошидаги дўкон сари юуриб кетди. Ўғли туртганиданми ёки кутилмаган бу тапшишдан боши айланиб кетганиданми, Муқаддам

хола чайқалди-ю, асфальт йўлга шалопплаб йиқилиб тушди. Ботирнинг ичкиликка берилганидан боҳабар бўлгач, ўндан ҳазар қилиб, она билан ўғилнинг жанжаллашаётганини эшитишса-да, сира аралашмайдиган кўшнилар бу сафар ҳам ўзларини “холис томошабин”дек тутишни маъқул кўришди. Он ва ўғил ўртасидаги гап-сўзларга гувоҳ бўлишди, асфальт йўл узра ерпарчин бўлиб ётган кампирни ҳам кўришди... шу, холос. Орадан озми-кўпми фурSAT ўтгач, шу кўчадан ўтиб кетаётган бир йўловчи йигит ерда ётган кампирни кўриб қолиб, кўл телефонидан “Тез ёрдам” чақиртирганида, энди бу дунёнинг ташвишлари Муқаддам холани қизиқтиrmайдиган ахвол юз берганди.

Боягина ўғил онани туртиб, йиқитиб кетганида, “холис томошабин” бўлишни маъқул топган қўшнилар қандай ҳол юз берганини тушуниб етгач, дарров “мехрибончилик” кўрсата бошлишди: кампирни уйига олиб боришди, узок-яқиндаги қизларига хабар беришди. Муқаддам холани сўнгги йўлга кузатиш ҳаракатларини бошлишди. То холанинг уч қизи ва қариндош-уруглари йиғилгунларига кадар куёш қайтиб қолди вожаноза эртаси куни аzonга белгиланди...

Оз эмас, кўп эмас, нақ икки юз минг сўм пулга эга бўлиб қолган Ботир эса бу вактда “бошига кўнган баҳт куши” дан ўзини йўқотгудек хурсанд, бош оғриғини босиб ўтиарди. Шиша бор жойда албатта ҳамшиша-улфатлар ҳам бўлади. Шу тарика Ботирнинг атрофида текин ичкилик бўлса, ётиб ичадиганлар кўпая бошлиди ва ҳаробгина хилват чойхонада “ота-от” авжига чикиб,

нақ ярим тунгача давом этди. Ва, ниҳоят, кутилмаг мижозининг пуллари тамом бўлганини тушуни чойхоначи дастёр йигитларга Ботирни ташкари чиқариб ташлашини буюрди. Ўлардек маст Ботир иккайигитнинг елкасига осилганча бораркан, ниҳоят унда анқиётган бадбўй ҳид ҳам, кайфда ғўлдираши ҳам астёрларнинг жонига тегди. Йигитлар Ботирни кўлларини ўзларининг елкасидан олишди-ю, уни сув куриган ариқка улоқтиришиди.

— Вей, нима қиляпсанлар?.. — ғўлдираганча қолди Ботир ариқдан чиқишга уринаркан.

Уст-боши ариқ тубидаги балчиққа беланган ўотир урина-урина бир амаллаб тепага чиқиб олди-ю мастиликдан ўзини бошқаролмай майсалар устига кулади ва ухлаб қолди... Ниҳоят, тун ўтиб, эрта тонгда томоги қакраб уйғонган Ботир ўзининг қаерда ётганини билолмай, роса каловланди. Ўлардек ичганидан ҳалиям кайфи таркамаган, боши ёрилиб кетгудек бўлиб оғрирди. “Хозир озгина бўлганидами?” деб ўйлади Ботир чўнтакларини титкиларкан. Аммо чўнтаклари бўм-бўш эди. Кеча бир даста пул кўтариб юргани ҳали ҳам эсида бўлгани учун у атрофига аланглади, пулни кўрмади ва жаёлида ўзини улфатлари тунаб кетган деб ўйлаб, сўқина бошлиди. Аммо шу билан бош оғриги босила колмади, балки баттар авжига чиқди. Тезрок уйга бориши керак, онасида пул бўлади...

Ботир шу хаёlda уйи томон йўналди. У алпаинг-талланг босиб уйига кетаркан, йўлда учраган кўшинилар ўзига ғалати қараётгандарини ҳам сезмади. Уларга қараш у ёқда туреин, ҳатто ҳовлисида одам тўла

Эканлигига ҳам эътибор бермаган Ботир тўғри айвонга қираб юрди. Жанозага йиғилган қўшнилар Ботирнинг ахволини кўришса-да, онаси ning хурмати учун индамай, унга йўл бўшатишарди. Ботир айвонга етганда ичкаридан йиғлай-йиғлай шишиб кетган катта опаси Махфират чиқди, укасининг афти-ангорини кўриб, ор-номусдан ерга кириб кетишига сал қолди.

– Одам бўлмай ўл, бу нима юриш?! – деди у укасининг елкасидан туртаркан, паст овозда. – Бундоқ уялсанг бўлмайдими?

– Йўқол! – ўшқирди Ботир жаҳл билан итариб юбораркан. – Энди сен қолувдинг менга ақл ўргатмаган! Бор, жўна ўзингнинг уйингга!

Ботир ичкари хона томон йўналди:

– Ойи! – чақирди у овозининг борича. – Ойи, қаердасиз? Пул беринг!

Ичкари уйдаги марҳума билан сўнгти марта хайрлашиш учун йиғилган яқин қариндошлар жим бўлиб қолишли. Сукунатни Ботирнинг овози бузарди:

– Ойи, пул беринг! – Ботир тўсатдан ўзига бақрайиб колган аёлларнинг юзини илғади-да, ўшқирди: – Сенларга бу ерда нима бор?! Пишириб қўйибдими? Йўқолларинг ҳамманг!

Ботирнинг хурмача қилиқларига қараб, сиқилиб кетган катта поччаси Козим ака ниҳоят чидолмади, қайнисига яқинлашиб, қулоқ-чаккасига яхшилаб тарсаки туширди. Ботир ўзини тутолмай, уйнинг бурчагига учиб кетди, узала тушган жойида ҳам гўлдиради:

– Ойи, пул беринг...

Бу пайтда аллақачон қуёш оламни заррин нурлариг белаб, балқиб чиқиб бўлганди. Жаноза ўқили Мұқаддам хола ўз уйидан сўнгги сафарга йўл олди атрофни уч қизнинг “Вой, онам”лаб қилган фарёд тўлдириди. Айни шу дамда ичкари уйда фирт масти ётган Ботирнинг йўлбарс ўқириғидек баҳодирона хурраги овлидаги хотин-халажнинг йифи-сифисига жўр бўлар одатда ўғиллар кўтариши керак бўлган тобут эса күёвлар ва маҳалла эркакларининг елкасида силкиниң кетарди...

БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

Зина туғилган юртда кўп-кўп, қалин-қалин қорлар ёғар, то баҳорнинг ўртасигача ердан муз аrimасди. Аммо шўх-олов болаларни шимол шахрининг узоққа чўзиладиган қишлиари ҳам чўчитолмас, қалин кийимнарга бурканиб олганча, мазза қилиб чана ва чанғи учишарди. Фақат... Зина исмли нозиккина қизалоқ бундан мустасно эди, холос. Киш кирди дегунча шамоллаш-у ҳарорати кўтарилаверишидан безор бўлган қизалоқ умуман ташқарига чиқмас, уззукун дераза олдида кўчани томоша қилиб ўтирас, соҳилда жойлашган уйларининг деразасидан эса дарё устидаги музда сирғанаётган болалар кўриниб турарди. Онасининг унга раҳми келар, аммо ўзи ҳамшира бўлиб ишлагани туфайли ҳам қизининг касалини яхши тушунар ва ўпқаси нозик бўлган қизалоқнинг саломатлиги учун қорда ўйнаганидан кўра уйда зерикиб ўтиргани фойдалироқ бўлади, деган фикрда эди.

Зина етти ёшга кирган йили ахволи оғирлашиб, узок
өтиб қолди. Галина Александровна қизини даволатиш
учун елиб-югурди, охири бу касаллик туфайли Зина
шымолдаги шаҳарда яшай олмаслигини, демак,
иссикрок, серкүёш жойга күчиб кетиши зарурлигини
тушунди. У аввал Украинани мүлжаллади, кейин эса
Ўзбекистонга бориш фикрида тўхтади. Галина серкүёш,
мева-чевага бой юрт ҳақида кўп ўқиган, кўп эшифтган
бўлса-да, номаълумликлар қаршисида бироз чўчирди
ҳам, аммо фарзандига бўлган меҳри кучлилик қилди.
“Болангизга кўпроқ қуёш, тоза ҳаво, мева-чева, энг
муҳими, қуруқ иқлим керак, – деди Зинани даволовчи
шифокор. – Бизнинг йилда ўн икки ой нам, совук
бўладиган шаҳримизнинг иқлими қизингизни адойи
тамом қиласди”.

Кизи оёққа туриши билан Галина Тошкентга жўнади.
Дарҳол ижарага уй топди, гарчи малакали ҳамшира
бўлса-да, ҳамширалик ўрни йўқ бўлганлиги учун
ортиқча ўйлаб ўтирмай болалар касалхонасига кичик
тиббий ходим бўлиб ишга жойлашди.

Зина даставвал ўзини худди Ойдан тушган одамдек
тутар, унга сари атрофдаги бөлаларнинг кулгиси
қистарди. Тўғри-да; ҳатто ёз ойларида ҳам пахталиқ
қалин кийимларни кийиб юришга ўрганган қизалоқ
юпқагина чит кўйлакларда кўчага чиқиши
мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди. Кўчадаги
жамалак соchlарини силкитиб, ялангоёқ асфальт йўлга
чизилган катакчаларда сакраётган қизлар кигиз этик
билан қавилган пахталиқ чопонча кийиб кўчага чиқсан
Зинани кўриб, бақрайиб қолишарди. Тўғри, бир оз

туриб, қайноқ қуёш тафти ўтарди ва Зина мўйнали қалпоғини ечиб оларди, қизчалар эса сакрашни ҳам унүтиб, “ўрис қизча”ни ўраб олишар ва унинг қордек оппоқ юzlари, оқ-сариқ соchlари ва деярли кўзга ташланмайдиган маллатоб қош-киприкларини томоша қилишарди. Зина эса... атрофида ўзи тушунмайдиган тилда тинмай чуғурлаётган қизларнинг гап-сўзларига қулоқ соларкан, улар нималар ҳақида сўзлашаштаганини англаб олишга беҳуда уринарди.

Вақт ўтгани сайин Зина шароитга кўника борди, айниқса, ундаги шамоллаш хуружлари кескин камайиб, умуман йўталмай қолганидан онаси жуда журсанд эди. Зина аста-секин кўчага чиқиб, тил билмаса ҳам, имонора билан гапини уқтирганча қизчалар билан ўйнайдиган бўлди. Аммо... ўша йили мактабга боролмади. Чунки бу яқин атрофдаги мактабларнинг барида ўзбек тилида дарс ўтиларди.

– Рус тилида дарс ўтиладиган мактаб топдим, факат йўли узоқ экан. Ўзи эндингина тузук бўлдинг, узокқа қатнаб ўқисанг, қиши кунларида қийналиб қоласанми, деб ўйлаяпман, – Галина Александровна тиник мовий қўзларини қизига тикди. – Зиночка, бу йил мактабга бормай қўя қолгин. Яна бир йил соғлиғингни тиклайлик, унгача эса қўшниларнинг болаларидан тил ўрганиб турасан. Келаси йили биратўла ёнимиздаги мактабга чиқарсан, маъкулми?

Мўмингина қизалоқ индамай бош ирғади. Шу тариқа Зина саккиз ёшдан ошиб, мактабга чиқди. Унгача эса улар ижарада яшаётган уйнинг эгаси Носир аканинг тўнғич қизи Зулайҳо ва кенжатойи Зухра

“муаллималик” вазифасини бажонудил ижро этишди. Ора-сира Сарвар ҳам “мактаб директори” вазифасини ўташ учун келиб, оқ сочли қизча қандай тил ўрганаётганини кузатар, Зинанинг тили келишмай, ажабтовур сўзлашини кўриб ичаги узилгудай кулаётган Ҳасанни сўкиб, хайдаб соларди.

Орадан бир йил ўтгач, энди Зинанинг сўзлашини эшитган одам унинг бошқа миллат вакили эканлигига унчалик ишонмасди ҳам. Ўз вазифасини қойиллатиб бажарган Зулайҳо билан Зухра қаёққа борсалар, Зинани ҳам етаклаб кетишар, ўзи ишдалигига қизи назоратсиз қолишидан хавотирланадиган Галина Александровна эса бундан фақат хурсанд эди, холос. Нихоят, Зина мактабга чиқди ва ўзининг Зухра ва Ҳасан билан бир синфга тушганини эшитиб, жудаям хурсанд бўлди. Илгари тил ўрганиш баҳона бўлган бўлса, энди дарс килиш баҳонасида Зухра билан Зина бир-биридан ажралмай қолишганди.

Шу иили қиши серёғин келди. Гарчи шимол щахридаги совуқлардан кейин Ўзбекистоннинг қиши ўйинчоқдек кўринса-да, барибир ўзини кўрсатди: яна Зинанинг хасталиги хуруж қила бошлади. Бир куни сўнгги дарс пайтида тўсатдан мазаси бўлмай қолган қизчанинг пешонасини ушлаб кўрган муаллима унинг ҳарорати кўтарилаётганини пайқади ва уйига жўнатиб юборди. Қизча қалин қорни аста босганча, мактаб ўйингоҳидан ўтиб бораркан, сал нарирокда бир тўда болалар қорбўрон ўйнаётганинни кўрди. Болалигига борибми ёки касаллиги туфайлими, Зина болаларга эътибор бермай, уларнинг ёнидан ўтиб кета бошлади. Болалар

бир зум қор юмалоқлашдан түхтаб, Зинага тикилишиди.

— Э, бу аnavи шимоллик қизча-ку! — деди ниҳоят уларнинг корачадан келгани масҳараомуз оҳангда. — Бурканиб олганини қаранглар, яна шимолдан келганмиш-а?! Бу шимолдан эмас, Африкадан келганга ўхшайди-ку!

— Қани-и... — чўзиб деди бошқаси. — Ҳужумга!

Ўша заҳоти болаларнинг кучли кафтларида думалоқланиб, тошдек бўлиб қотган қор коптоқчалар хар томондан Зинага ёғилди. Ҳам кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган, ҳам ҳарорат забтига олганидан заифлашиб бораётган Зина кор устига йиқилиб тушди.

— Қойил! — бараварига қийкиришиди болалар ва яна кўлларини қорга узатишиди.

Зина эса шалпайиб қолган ожиз гавдасини кўтаришга уринаркан, тўсатдан атрофида қандайдир шовқин-тўполон, бақир-чақир бўлиб кетганини пайқаб, кўрқанидан кўзларини чирт юмиб олди. У қўлчалари билан бошини тўсганча, ҳамон кор узра чўзилиб ётарди... Мана, кимдир унга яқинлашди. Зинанинг қўлтиғидан авайлаб кўтарди-да, ўрнидан туришига ёрдамлашди, уст-бошини қаттиқ-қаттиқ қокди.

— Нима бало, ухлаб қолдингми?

Зина Сарварнинг овозини таниб, аста кўзини очди. Ёнида Сарвар билан унинг синфдоши Жавоҳир туришар, боя Зинани масҳаралаб, корбўрон қилган болалар эса ўйингоҳнинг нариги чеккасида қорга беланганд усти-бошини қоқиб кетишарди.

— Қани, яна шу қизга кор отиб кўринглар-чи, ҳаммангни таъзирингни бераман, тушунарлимиси?! —

овозининг борича бакирди Сарвар уларнинг ортидан, сўнгра Зинага қаради. – Сен нега дарсда эмассан?

– Мени мазам йўқ эди, шунга ўқитувчи уйга жавоб бериб юборди, – деди Зина ерда ётган кўлқопларини олиб, корини қоқаркан.

– Шунақами? – Сарвар ўйланиб қолди, кейин ўртоғига юзланди. – Жавоҳир, мен манави қорқизни уйига олиб борай, тагин йўлда бир балони бошлаб юрмасин. Мусиқа домламизга айтиб қўйгин, хўпми?

Жавоҳир маънодор қилиб томоқ қирди-ю, аммо индамади...

Йиллар ўтди, гарчи Сарвар Зинага зътибор бермаётгандек кўринса-да, қизнинг ўзи доимо унинг синчков назарини ҳис қилиб турарди. Гоҳ танаффусда қизлар билан гаплашиб турганида Сарвар зимдан ўзини кузатаётганини пайқар, Зухра билан дарс қилаётганида келиб қолса, киши билмас кўз қисиб кетар, ҳатто маҳалла гузаридаги дўконга чиқканида ҳам узокдан кўзга кўриниб қоларди. Бу вақт ичida маҳалланинг қуий томонидаги кичкинагина ҳовли сотиладиган бўлиб қолди-ю, Галина Александровна бисотидаги бор тилла буюмларини сотиб, қолганига кўшинилардан, асосан, Сарварнинг онаси Малика опадан қарз-ҳавола қилиб, ўша уйни сотиб олди. “Эҳ, кичкинагина бўлса ҳам ўз уйинг бўлганига нима етсин, қизим!” деди онаси янги уйга кўчиб келишган куни. Зина онасининг кўнгли учун жилмайди-ю, аммо юрагининг бир парчаси ўша ижарада туришган уйда колиб кетганини ҳис этди.

Сарвар мактабни битириб, тиббиёт институтига

ўқишига кирди. Бўйи шипдек бўлиб кетган, бўйинбог тақиб, бурни устига қора кўзойнак қўндириб олган Сарвар эрталаб ўртоги Жавоҳир билан бирга институтга кетишларини яхши билган Зина энди мактабга вақтлироқ отланадиган бўлиб қолди. Гарчи Сарвар унга ҳеч нарса демаган, нималар бўлаётганини ўзи ҳам тушунмаётган бўлса-да, қиз ўз юрагининг талпинишига қаршилик кўрсатолмас, аzonлаб Зухранинг олдига югуради.

...Одатдагидек ясан-тусанни жойига кўйиб, дадасининг атиридан ўғринча сепиб олган Сарвар, ойисининг “Чой ичиб кет!” деб жаврашига ҳам қулоқ солмай, айвонда ўзидан кўз узмай чой ичаётган синглиси билан Зинага муқом қилганча дарвозахона томон йўналар, айни шу дамда дарвозадан бош суққан Жавоҳир “Эҳ-хе, жамоат жам-ку, фақат мен етишмай турган эканман-да!” деб қўярди. Зина кўзлари билан Сарварнинг ортидан кузатиб коларкан, уни бир бор кўрган куни негадир теварак-атроф ҳам ёришиб кетгандек бўлиб туюлишини, куни бўйи кайфияти чоғ бўлишини, ҳатто ишлари ҳам юришиб кетишини пайқаб қолди.

Сарварнинг Зулайҳо опасини узатишганида Галина Александровна ишхонасидан рухсат олиб, бир неча кун Малика огага ёрдамлашди, “Сен ҳам бориб ёрдамлашгин! Бир вақтлари уйидан жой берган одамларнинг яхшилигини бўндан бошқа қай йўл билан қайтарамиз, ахир?” деб қизига насиҳат қилган бўлди. Ўзига тўқ яшайдиган Ботир aka билан Малика опаларнинг шусиз ҳам хизматга шай ёрдамчилари

бисёр, фақат ўйнаб-кулиб, даврани қизитишигина қолганди, холос. Зухра билан бирга даврани бўшатмасликка қарор килган Зина ўйнай-ўйнай, бир вакт қараса, ўргада ўзи билан Сарвар қолибди. Зина кутилмаган бу ҳолдан ўзини йўқотиб қўйди, шошилганча даврадан чиқиб кетишни мўлжаллади.

– Ҳой қиз, тўхта, ютқизиши йўқ, – деди кутилмагандага Сарвар жилмайиб. – Мусиқа тугаши билан икковимиз баравар ўйиндан тўхтаймиз. Фақат, илтимос, бунағангидек қизармагин, бўлмаса одамлар “Кува анори пишибди”, деб сени еб қўйишади...

– Нима? – Зина оғиз очиши билан кўшиқ тугади-ю, Сарвар унга “Рақсни тўхтат” деган ишора қилди ва у гапи оғзида қолганча даврадан чиқиб кетди...

Зулайҳонинг тўйидан кейин тўсатдан Сарвар Зиналарникига серқатнов бўлиб қолди. У гоҳ “Негадир бошим оғрийдиган бўлиб қолди” деб қандайдир дармондориларни олиб келар ва Галина Александровна куйиб-пишиб унга эмлаб қўяр, гоҳ биронта китобни кўтариб келиб, қандайдир атамаларнинг маъносини сўрап ва “Бекор ҳамшира бўлиб ўтиб кетяпсиз-да, аслида билимингиз бизга дарс ўтаётган профессорларнидан ҳам кўп” деб Галина Александровнага хушомад қилас, бундан кейинги пайтда анча нозикфеъл бўлиб қолган аёлнинг кўнгли бўшаб, кўзлари намланарди.

Зина каталакдеккина кичкина уйларининг остонасида Сарвар пайдо бўлган ондаёқ ўзини эс-хушидан айрилгандек, худди туман ичра сузуб юргандек хис этарди. У Сарварнинг ўқтам овозини

тинглаганча, бир бурчакда кўзларини қия юмиб ўтирас, унинг бу ердан сира-сира кетмаслигини ич-ичида тилар, аммо қалбидаги туйғулари ошкор бўлиб қолишидан ўлгудек қўрқар, “Агар Сарвар унга бўлган туйғуларимдан хабар топса, менга сирам қайрилиб қарамайди”, деб ўйларди...

Унинг юраги бежиз безовталанмаган экан ва ниҳоят, Зинанинг юрагини ғижимлаётган мавхумлик намоён бўлди: эрта тонгда, ҳали Зина ўрнидан туришга ҳам эриниб ётган эди. Галина Александровна ишга отланаётган пайтда дарвоза шаҳд билан тарақлади-ю, то уй бекаси ўрнидан туриб қарагунча, кўзлари ола-кула Малика опа кириб келди.

– Қизинг қани? – ўшқирди у салом-алик ҳам қилмай Галина Александровнага.

– Тинчликми, Малика опа? – ранги қув ўчди аёлнинг.
– Э-э, тинчлик бўлса сўфи аzon айтмай югуриб юрармидим? – қичқирди Малика опа унга қўлини палахса қилиб. – Қизингни деб тинчлигим йўқолди-ку!
– Йўғ-э... нима-а?
– Нега бунча довдирайсан?! – Малика опанинг силласи қуриб, бурчакдаги курсига ўтириб қолди. – Қизинг ўлгур ўғлимнинг бошини айлантириб, бурнидан ип ўтказиб олибди-ку, яна “Нима?” дейсан-а, уялмай? Тагли-зотли хонадондан келин олиб, орзу-ҳавас кўраман, деб ўтирасам, бола бўлмай ўл... э-э, Сарварим қурғур “Фақат Зинага уйланаман”, деб икки оёғини бир этикка тиқиб ўтириби... – Малика опанинг юзлари қип-қизариб, киприкларида ёш ҳалқаланди. – Менга қара, Галя, ахир сен туппа-тузук тушунган

аёлсан, бир вақтлари – шимолдан күчиб келганингда, раҳмим келиб, уйимдан жой бердим, ҳатто ижара ҳаққи ҳам олмадим, “Барибир ўша уйим бўш ётибди-ку, бир бечора яшаб турса, савоб бўлар”, дедим. Энди бўлса... “Савобнинг таги тешик”, деганлари рост эканда-а?! Икки қулогингга қуиб ол, аnavи қизингга ҳам уқтириб қўй, мен ўлсам ўламанки, аммо ўғлимга ўзимга тенг оиланинг қизини олиб бераман!

Гарчи Галина Александровна Малика опанинг сўзларидан бир сапчиб тушган, юрак-бағри тирналиб кетган бўлса-да, ўзини айбдор деб ҳис қилди, виждони қийналди. Майли, аёл-да, жаҳл устида гапиряпти. Агар шу аёлнинг ўрнида ўзи бўлганида қандай йўл тутган бўларди? Турган гапки, ундан-да баттарроқ жанжал кўтаради... Наҳотки Малика опанинг айтганлари рост бўлса? Ахир қизи ундан ҳеч қачон сир яширмасди-ку? Ҳатто Сарвар “Зинага уйланаман” деб оёқ тираб туриб олишгача борибдими, демак ўрталарида бир гап бордир-да... Йўғ-е, бундай эмасдир-ов...

– Мени кечиринг, Малика опа, – деди у ҳамон жизиллаётган аёлнинг юзига тик боқа олмай. – Очиғи, мен уларнинг ўртасида нималар борлигини билмайман. Аммо ҳозироқ қизимдан суриштираман. Мабодо, сиз айтганингиздек, Зина билан Сарварнинг ўртасида бирор гап бўлганида, қизим менга айтган бўларди, ишонинг! Мен албатта чора кўраман. Фақат мендан ранжиманг, ахир сизнинг олдингизда бир умр карздорман, килган яхшиликларингизни унутмайман...

Малика опа Галина Александровнанинг юзларини юваётган кўз ёщларига бир зум караб турди-да, қўл

силтаб кетиб қолди. Унинг индамай кетиб қолгани Галина Александровнага ургандан-да каттикроқ таъсир қилди. У ҳамон ухлаб ётган қизини уйғотмади ҳам, ишхонасига бориб кун бўйи ўйлади. Кейин... қизига ҳам, бошқаларга ҳам лом-мим демай, шаҳарнинг бошқа чеккасидаги туманга кўчиб кетди. Ҳовлисининг пули учма-уч ётган бир хонали уйга кўчиб келганларидан сўнггина, қизига Малика опа билан ўргаларида бўлиб ўтган гапларни айтиб берди-да, унга Сарварни унутишни буюрди. “Сарварнинг ота-онаси бадавлат, бообру одамлар, улар сени икки дунёда ҳам келин қилишмайди, – уқтирди у қизига. – Сарварни қанчалик севсанг ҳам, уни унут. Тенгингни топ! Агар у билан алокани тикламоқчи бўлсанг, ўлдираман сени!”

Очиғи, ойисининг пўписа қилиши шарт эмасди. Зина болалигидан Сарварга нисбатан илиқ тўйғуларни туйса-да, аммо йигит ҳам уни севиб қолишини тасаввур қилолмасди. Энди эса томдан тараша тушгандек... У онасига бўйсунди. Гарчи, кўзини юмгани ҳамони кўз олдида Сарварнинг сиймоси пайдо бўлса-да, ҳар тун тушларига кириб чиқса-да, уни унутишга ҳаракат қилди. Онасининг қистови билан мактабни битирганидан сўнг сартарошлиқ ўкув курсларига ҳатнади ва сартарош бўлиб ишлай бошлади.

Геннадий Зинанинг ҳаётига кириб келганида Галина Александровна бундан бирам қувондик! У ёшларни тезроқ тўй қилиб, никоҳдан ўтишга ундарди. Тўй ҳам бўлиб ўтди ва Геннадий уларникига кўчиб ўтди. Галина Александровна кўзининг оқу қораси бўлган қизи ўз баҳтини топганига қувониб улгурмаёқ, янги ташвиш пайдо бўлди. Тўйдан бир-икки ой ўтгач, Геннадий

ичиб келадиган одат чиқарди, кейин “чарчоқ чиқариш” учуунгина юз грамм ичиш”лар сурункали ичишга айланди. Тинчгина ичса ҳам майли эди-я, маст бўлиб олиб хотинини уришга интилар, ажратмоқчи бўлган қайноасини ҳам “қуруқ” қўймасди. Эҳтимол, Галина Александровна бу ҳолга чидайверарди ҳам, аммо доим тинч шароитда, онасининг ғамхўрлиги остида беташвиш ўсган Зинага бундай ҳаёт сираям ёкмади. У ажрашишни маъкул топди, онасининг “чидаш керак”лиги ҳақидаги панд-насиҳатларига “Менга эр керакмас!” деб жавоб қайтарди...

Ажрашганидан сўнггина Зина ўзининг... ҳомиладор эканлигини билиб қолди. Галина Александровна бундан хабар топиб, ичидан қиринди ўтган бўлса-да, қизига индамасликни маъкул топди. Иложи борича уни авайлаб, ёрдам беришга ҳаракат киларди. Ниҳоят, Зина ўғиллик бўлди. Буви бўлганидан Галина Александровна бирам хурсанд бўлди-ки! У югуриб-елиб кичкинтой Сергейни парваришлашга қўмаклашар, набираси тезроқ юриб кетса, уни кўчаларда айлантириб юриши, боғларга олиб бориши ҳақида тинмай сўзларди.

Галина Александровна орзуларига ета олмади. Тунда тўсатдан юрак хуружи тутди-ю, “Тез ёрдам”да касалхонага етмаёқ омонатини топширди-кўйди. Зинанинг юраги куйиб, дуди осмонга ўрлади. Ишонган тоғи – онасидан айрилиш шунчалик оғир бўлиши етти ухлаб тушига кирмаган экан. Назарида бутун одам зулматга чўккандек бўлди, ҳаёт қувончлари у ёқда турсин, ҳатто буткул ўзига боғлиқ бўлган ўғилчаси Сергей ҳам кўзига кўринмай қолди.

Парваришсиз қолиши оқибатида бола хасталикка

чалинди: у ҳарорати күтарилиб, овқат емай күйгандан сүнггина Зинанинг эс-хуши жойига келди, шифокормашифокор югуриб-елиб, шифо излай бошлади. Энди яна янги ташвиш чиқди: пул йўқ эди! Ёрдам бериб турадиган онаси йўқ, ўзи ишламайди, боланинг нафақа пули овқатга етсинми, уй тўловларигами ёки доридармонгами... Бахтига, раҳмдил қўшнилари омон бўлсин, ёрдам беришди, аммо олган шунча қарзларини қандай қилиб тўлашни билолмай, Зинанинг яна боши қотди. Ишга чиқай деса, чақалоқни кимга ташлашини билмайди. Уйда сартарошлиқ қилиши ҳақида эълонлар ёништириб чиқди ҳам, аммо ҳар қадамда хусусий сартарошхоналар очилиб кетгани учунми, унинг эшигини тақиллатиб келадиган одам топилмади...

Оғир хаёллар билан келаётган Зинанинг қулоғига автомобиль ғилдиракларининг чийиллаши чалинди-ю, сесканиб тушди. У шоша-пиша атрофига алнгларкан, нақ биқинига тегай деб тўхтаган сутдек опроқ “Нексия”ни кўрди. Унинг ичидаги ҳайдовчи болали аёлни уриб юбордим, деган хаёлга борди, шекилли, бир зум суратдек қотиб қолди. Кейин шаҳд билан машинасидан отилиб тушиб, Зина томон югорди.

– Хой, эсинг жойидами ўзи ёки жонингдан тўйганмисан?! Нима фалокат босиб ғилдираклар тагида ўралашиб юрибсан?! Э-э... – у ҳамон боласини бағрига босганча, ҳайкалдек қимиirlамай турган аёлни бўралатиб сўкмокчи бўлди-ю, тўсатдан тили калимага келмай, унга тикилганча қолди. – Зи-на!..

Бир олам соғинч, ҳасрат ва муҳаббат оҳанглари қоришиб кетган бу хитоб эгаси Сарвар эди. У ҳамон кўзларига ишонолмай, қотиб туаркан, унинг

машинаси ортида түхтаган бошқа автомобиль эгалари кетма-кет сигнал бера бошланыди. Сарвар гап-сүзсиз котиб турган Зинанинг күлидаги болани аста олди-да, "Нексия"си сари юрди.

— Манзилингни айт, — Сарвар унга ўгирилди.

Зинанинг бир хоналик хонадонига у худди ҳар куни бу ерга кириб-чиқадиган одамдек дадил кирди, то Зина боласини жойига ёткизиб чиққунига қадар ошхонага ўтиб у ёқ-бу ёқни күздан кечиришга, ҳатто музлатгичта назар ташлаб күйишга ҳам улгурди.

— Мен сени жуда күп изладим, — унинг айтган биринчи гапи шу бўлди.

У Зинанинг гапиришига йўл ҳам кўймади. Уни биринчи кўргандаёқ ёқтириб қолгани, доим индамай севиб келгани, ўй-хаёлида фақат у бўлгани, Галина Александровна қизини олиб дом-дараксиз йўқолганидан сўнг уларни роса излагани, аммо тополмагани, охири дадасининг зуғумига дош беролмай уйлангани, бироқ хотинини сира ҳам сева олмаётгани, чунки юрагини фақат бир одам — Зина эгаллаб олгани ҳақида гапираверди, гапираверди, Зина эса индамай тинглайверди...

— Ўтган беш йил давомида нималар бўлиб ўтганидан қатъи назар, барибир, сени севаман, — қатъий оҳангда ёди Сарвар. — Бу қароримга эса ота-онам ҳам, бошқалар ҳам, ҳатто сен ҳам қарши чиколмайсан. Ахир сен мени ёвасан-ку, тўғрими?

Охириги сўзни Сарвар шунчалар меҳр ва муҳаббат илан айтдики, Зинанинг нафаси тикилиб колаёзди.

— Аммо мен сени севишга муносиб эмасман, — аста

шивирлади у ниҳоят. – Мен турмушга чикқанман, болам бор, миллатим ҳам бошқа...

– Нима бўпти, менинг ҳам болам бор, – хитоб қилди Сарвар. – Шуни билиб қўй, бизнинг бир-бириизни севишимиз кераклиги тақдирда битилган, акс ҳолда мен бугун сени учратмаган бўлардим...

Ойни этак билан ёпиб бўлмаслиги – ҳакиқат. Сарварнинг яна Зина билан топишиб олганлиги Малика опага ҳам, кейинчалик келини Нодирахонга ҳам ошкор бўлди. Малика опанинг қон босими ошиб, миясига қон қуийлди, “ана кетди-мана кетди” бўлиб узоқ ётди, охири тузалиб оёққа турди. Нодирахон бу “янгилик”ни эшитгач, “кўз очиб кўрган эрини қандайдир келгиндига бериб кўймаслиги”ни маълум қилди, қариндош-уруғлари Сарварга гапиравериб, кўзини очирмай қўйишиди, аммо бу ғалваларнинг биронтаси ҳам унга таъсир қилмади. Аксинча, у онасига бир умр бу “малласоч қиз”ни севиб келганини, ундан бошқасини демаслигини, шу билан бирга хотинини ва иккита фарзандини ҳам ташлаб кўймаслигини айтди-да, бу ҳам етмагандек, хотиржамгина оҳангда “Яқинда Зина билан менинг фарзандим бўлади”, деди ва то онаси бу янгиликни тушуниб, ҳазм килиб улгурмасидан олдин ўқдек отилиб, уйдан чиқиб кетди.

Малика опанинг кўз олди қоронғилашиб, бу ҳақда келинига айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билолмай, зимдан Зинанинг манзилини суриштира бошлади. Охири топди ҳам, бироқ бу пайтда Зина қандайдир хасталик туфайли кўзи ёришидан бир ой олдин

туғруқхонага ётиб, муолажа олаётган, даволаниш харажатини эса Сарвар тұлаётган зди.

Малика опа ўғлини “йўлдан урган келгинди билан гаплашиб қўйиш” учун туғруқхонага ҳам борди, аммо деразадан унинг қорасини кўриб қолган Зина ўзини кўришга келган “қариндоши”нинг олдига чиқмади ва ҳамширага “Менинг бу ерда ҳеч қанақангиди қариндошим ҳам, танишим ҳам йўқ” деб қўя қолди. Малика опанинг боши қотиб, туғруқхона эшигидан чиқиб кетар экан, унга кимдир салом берди. Қараса, ўғлининг болаликдаги дўсти Жавоҳир экан.

– Тинчликми, бу ерларда адашиб юрибсиз? – сўради Жавоҳир салом-алиқдан сўнг. Аслида эса Жавоҳир Сарварнинг кўргулукларидан хабардор зди.

– Э, бир қариндошимиз шу ерда ётган экан, бир кўрай деб келувдим, – деди Малика опа гапни буриб. – Ўзингчи, ўзинг бу ерда нима қилиб юрибсан, ўғлим?

– Шу ерда ишлайман, туғруқ бўлимнинг бошлиғиман, – деди Жавоҳир беихтиёр юzlари қизариб кетаётганини ҳис қиларкан. – Билмасмидингиз, Сарвар терапевтлик йўналишини танлаган, мен эса гинекологияни...

– Жуда яхши бўлибида, – унинг гапини бўлди Малика опа калласига келиб қолган фикрни тезроқ амалга ошириш учун шоща-пиша. – Менга қара, ўғлим, ундоқ бўлса, сенда бир иштим бор экан...

Малика опа Жавоҳирни бир четга тортиб, унга Сарвар яна Зинани топиб олгани, “ўша суюқёқ қиз” унинг ўғлини йўлдан уриб, ҳомиладор бўлиб олгани, у ҳозир шу ерда кўзи ёриш арафасида ётгани ҳакида сўзлаб берди.

– Энди эса, менга бир хизмат қиласан, ўғлим, – у Жавоҳир томон эгилди. – Ўша суюқоёқ аёлнинг боласи туғилмаслиги керак!

– Йўғ-э, қандай қилиб? – ажабланди Жавоҳир.

– Буни сен уддалайсан, – Малика опа мамнун жилмайди. – Ахир қанчадан-қанча чақалоқлар ўлик туғилади-ку?

– Э-э, хола, бунинг иложи йўқ! – Жавоҳир аёлдан сал нари сурилди.

– Бу қотиллик-ку, ахир?!

– Қаёқдаги гапларни гапирма! – жеркиб берди Малика опа. – Бир қелгинди туппа-тузук одамнинг оиласини пароканда қилса, бебаҳт болаларини тирик етим қилса-ю, сен ўшанинг ёнини олсанг-а? Шу ҳам гап бўйтими? Наҳотки ўртоғингга, унинг гулдек хотинига, фарзандларига ачинмасанг? Ҳеч бўлмаса, мендек онаизорга раҳминг келсин, ахир мен боламнинг баҳти синмасин деяпман-а! Сенинг ҳам онанг бор-ку?..

Жавоҳир икки ўт орасида қолди. Бир кўнгли қаршисида дув-дув кўз ёш тўкиб турган онаизорга ачинса, иккинчи томондан Сарварнинг мактабда ўқиб юрган пайтларидан бери малласоч қизни яхши кўриши, насл-насаби баланд ота-онасининг ғазабидан кўрқибгина унга кўнглини очолмаганидан хабардор эди. Аро йўлда қолган Зина-чи? На севгисидан воз кечолмайди, на бошқа миллатга мансуб бўлганлиги учунгина ўзини севган одамга муносиб бўлолмайди...

– Ма, манавини ол, – шивирлади бу пайтда Малика опа эрталаб Зинага бериб, ўғлининг олдига келмаслигини шарт қилиб қўйишни мўлжаллаган бир

даста пулни Жавоҳирнинг чўнтағига тиқишириб. – Илтимос, унинг боласини бир ёкли қилгин, қолганини ўзимга кўйиб бер! Етмаса, яна бераман, – у Жавоҳир рад этиб қолишидан чўчигандек шоша-пиша нари кетди.

Жавоҳир физиллаб кетиб бораётган Малика опанинг изидан тикилиб қолди. Йўқ, у – қотил эмас. Ахир у одамларни даволаш учун, болаларнинг дунёга келишига кўмаклашиш учун шунча йил ўқиган, ўлдириш учун эмас! У Малика опага, Сарварнинг чилпарчин бўлаётган оиласига қанчалик ачинмасин, бу уни қотилликка қўл уришга мажбурлай олмайди!

Жавоҳирнинг кўзи тўрхалталарни кўтариб, қабулхона томон кетаётган Сарварга кўзи тушди ва охиста у томон юрди. Жавоҳир унинг ёнига етганида, Сарвар ҳамшира қиздан “еттинчи палатада ётган Зумрадхон”ни чақириб беришни илтимос қилаётган эди. У Зина ҳомиладор эканлигидан хабар топганидан кейин уни “Зумрад” деб чақирадиган бўлганди. “Сен менинг Зумрадимсан, дунёдаги энг қимматбаҳо бойлигимсан” дерди гоҳо.

Жавоҳир Сарварни четга тортиб, унга Малика опанинг “илтимос”ини ва у ташлаб кетган бир даста пулни берди-да:

– Ўртоқ, илтимос, бу ёғини энди ўзинг ҳал қилгин,
– деди. – Мен шифокорман, қотил эмасман!

Жавоҳир кетганидан сўнг ичкаридан ҳамшира қиз чиқди-да:

– Сиз айтган аёлни ҳозир тўсатдан дард тутиб қолибди, биринчи қаватдаги тутгруқ хонасига олиб кириб кетишди, – деди.

– Ие, ҳали бир-икки ҳафта бор эди-ку? – деди Сарвар ажабланиб.

Ҳамшира қиз елка қисиб кўйди-да, кириб кетди. Сарвар энди нима бўлишини ва нима қилиши кераклигини ўйлаганча, қабулхонада ўтириб қолди... У ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келай деб қолганида, яна бояги ҳамшира қиз югуриб келди.

– Суюнчи беринг, Зумрад опа ўғил кўрдилар! – деди жилмайиб.

Сарвар сапчиб оёқка турди. Унинг бутун борлиги, жону жаҳони ёруғ нурларға тўлди, бир қарорга ҳам келди. У қўлини ҳамон қизитиб турган пулларни шартта ҳамшира қизнинг қўлига тутди-ю, ичкарига – бош шифокорнинг хонасига югурди. Кўнгли озиб, деворга суюнганча қолган ҳамшира қиз қўлидаги “суюнчи”га – бир даста пулга тикиларди.

– Ҳа-а, бечора роса ўғилталаб экан-да, – деди у ниҳоят ўрнидан туарқан ўзига-ўзи.

Бу вақтда Сарвар бош шифокорнинг хонасида ҳозир тугилган чақалоқ унинг фарзанди эканлигини тушунтириб, уни ўз номига олиши ҳақида ариза ёзаётганди.

Сарвар ўғлига “Искандар” деб исм қўйди. “Сен ҳам хафа бўлмайсан, чунки “Искандар” исми русча “Александр” дегани бўлади” деб ўзича изоҳ берган бўлди у Зинага. Очиги, Зина унга қаршилик билдиromoқчи ҳам эмасди, фақат мавхум келажакдан бироз чўчиётганди, холос.

Сарвар Зина учун кичкина гўзаллик салони очиб берди, ўша салонга яқинроқ жойдан икки хонали уй

ҳам олиб берди. Энди оқ-сариқдан келган, хушқомат, ўта жиддий бу аёлни ходимлари ҳам, қўшнилари ҳам Зумрадхон деб аташади. Турган гапки, унинг ўзи ҳам бу исмга кўнишиб кетди.

Баъзан уни кўргани Сарварнинг синглиси Зухра келиб қолади. Болалиқдаги қадрдан дугонаси билан акасининг кўргуликларидан куйиниб, йиглаб ҳам олади. “Эҳ, нега ҳам ойинг ўшанда сени олиб, ҳеч кимга айтмай кўчиб кетганлар-а? Эҳтимол бунақа бўлмасмиди?” деб қўяди. Зумрад нимаям дерди? Тақдири шунақа экан, энди уни ўзгартириб бўлармиди? Ахир ўргада тўртта норасида гўдаклар турибди-ку...

— Зумрад опа, ўғлингизга қаранг, ўтгани кўймаяпти!
— қўшни қизларнинг овози унинг хаёлларини бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, йўлак эшиги олдида бир қанча қор коптокларни уйиб олган Искандар қизчаларни роса “ўққа” тутаётганди.

— Бахтларингга ойим уйда эканлар! — дўриллади Искандар қўлқонларини қоқа-қоқа. — Қараб туринглар, кейинги сафар юзларингта роса қор ишқалайман!

Қизлар кула-кула йўлакка кириб кетишли. Зумрад яна бир неча дақиқа гупиллатиб ёғаётган қор учқунларига тикилиб қолди. Назарида оппоқ қор парчаларига тўлиб кетган осмонда бундан анча йиллар муқаддам унга тикилиб турган қора қошлийигитчанинг сиймоси кўрингандек бўлиб туюлди...

АРМОНГА ТҮЛА ДУНЁ

Зарофат эшик ёнидаги юмшоқ ўриндиқда анча вакт ўтири. Кийими ва юриш-туришидан баҳтиёрлик, шодлик ва беғамлик уфурган йигит-қизлар жуфт-жуфт бўлиб эшикдан кириб келишади. Улар гўё юмшоқ ўриндиқка сингиб кетгиси келаётгандек икки буқчайиб ўтирган Зарофатга шунчаки назар ташлапади-ю, шу заҳотиёқунинг мавжудлигини унудишида, назарларида дунёдаги борики инсон баҳтилдек туюладиган шу онда кимнингдир ёлғиз мунғайиб яшашини тасаввурларига ҳам сифдиролмайдилар.

Зарофат негадир гул-гул яшиаб, ҳандон отиб келаётган қизларга ҳавас ҳам қилмайди. У ҳатто бирор нарсани ҳам ўйлаёлмайди, вакт гўё тўхтаб қолгандек қаршисидаи деворга осилган заржал осма соат эса худди уни масҳаралаётгандек ҳар юз йил, минг йилда бир мартағина “чиқ” этиб милини суриб қўяди, холос. Юмшоқ ўриндиқ гўё уни ютиб юбормоқчилик ўзига тобора сингдириб боради.

Ойнаванд эшик овозсизгина очилди-ю, Зарофатнинг қаршисида ясан-тусанни ўринлатган гўзал аёл пайдо бўлди. Бу ерга келувчиларнинг эшикни шарақлатиб очиб-ёпиб кетишларидан безор бўлган Зарофат аввалига шошиб қолди, кейин ўрнидан сапчиб тушиб аёлга пешвоз юрди. Аёл аввалига унга бепарвогина қаради-ю, кейин дарҳол таниб энсаси қотди: қалдирғоч қанотидек чиройли қора қоплар чимирилди, тилла тишлар қаҳрли ялтираб кетди.

— Яна келдингизми? — деб сўради у ялтирок сумкаласини елкасидан олиб очаркан.

– Ха... – Зарофат ўзи истамаган ҳолда овози титраб кетди. – Паспортини келтирдим.

– Менга қаранг, синглим, – деди аёл ниҳоят қалитини топиб, эшикни очаркан, бироз илиқроқ гапиришга уриниб. – Мен ҳеч қачон ўзи йўқ одамни никоҳ рўйхатидан ўтказиб кўёлмайман, ахир!

– Паспортини келтирдим-ку!

– Қизиқ экансиз-ку! – Никоҳ уйининг мудираси савлатли ўринидигига ўтираркан, Зарофатга қаршисидаги стулни кўрсатди. – Агар паспорт кўтариб келаётгандарнинг барини никоҳдан ўтказиб кўяверсам, биласизми, нима бўлади?! Балки сиз бу паспортни топиб олгандирсиз? Ёки ўғирлаганмисиз, буни ким билади? Балки товламачидирсиз?

– Мен қандай қилиб бирорвонинг хужжатини олиб келаман, ахир? – ўз навбатида ажабланди Зарофат. – Менга бундан нима фойда? Ҳозир у касалхонада ётиби, деб ўтган сафар айтувдим-ку, сизга...

– Яхши, у касалхонадан чиққанидан сўнг бирга келиб никоҳдан ўтинглар! – мудира тоқатсизланиб қўлидаги қаламни силкитди.

– Ахир... ахир у оғир ётиби, – Зарофатнинг лаблари титраб кетди, аммо йиглашдан ўзини аранг тўхтатиб, гапида давом этди. – Дўхтирлар тузалишига умид йўқ, уч-тўрт ойлик умри қолган, дейишяпти.

– Эй, тавба, жуда қизиқ экансиз-а! – ҳитоб қилди мудира. – Умид йўқ бўлса, оғир касал бўлса, уни бошингизга урасизми? Уч-тўрт ойдан кейин бева иомини олиб юрмоқчимисиз? Шу ёшда-я?!

Хўрлик бўғзидан отилиб чиқди, алам ёшлари

кўзларидан тиркираб кетди, қаршисидаги бепарво инсоннинг мазаҳи, ночорлик юрагини ханжарде қиймалаб ташлади.

— Йигламанг, йигламанг, ҳожати йўқ, — деди мудира ўзича юпаттган бўлиб. — Ахир шундай азим шаҳари йигит қуриб қолганмиди-я сизга? Бир дараҳтга тоғ отсангиз, ўнта йигит ёғилса.... Касалманд эрнбошингизга урасизми, мундо-оқ соғломгинасини топсангиз-чи!

— Ахир болам... болам... — Зарофат гапиролмади.

Мудира энди масалага тушунди-ю, қаршисидээзилиб йиглаётган қизга раҳми келди, бироз юмшади

— Ҳа-а, гап бу ёқда денг! — деди у Зарофатнинг юзиги карамасликка тиришиб. — Лекин, сиз ҳам мен ўтушунинг, ёрдам беришдан ожизман. Бунга ҳаққиң йўқ, бўлмаса жон деб ёрдам берардим... Балки болангизнинг баҳтига худо шифосини бериш йигитингиз тузалиб кетар, шунда икковингиз биргакелсангиз, бажонидил никоҳдан ўтқазиб қўяман Бенавбат...

Зарофатнинг бу ерда қиласиган иши қолмаганди Кўз ёшларини артиб, охирги илинжини мудиранинн хонасига дафн этиб кетишдан бошқа иложи ҳам қолмади.

Наҳотки ёруғ оламда уни тушунадиган, ёрдам кўлини чўза оладиган бир инсон топилмаса? Юраги остида яшаётган, шу ёруғ оламни тезроқ қўришиг; ошиқаётгандек талпинаётган жажжи вужуд ўзини шунчалар бепарво дунё кутаётганини билармикин Билганда-ку, бу оламни қўришни умуман истамаи қўярди-я..

* * *

Зарофат на оёғи остида нола қилаётгандек оҳиста шитирлаётган сап-сариқ баргларни, на қизғиш-зарьфарон либоси ўзига хос бир тароват баҳш этган хиёбондаги дараҳтларни, на “ёғайми-ёғмайми” деб ўйлаётгандек қовоқ уйган кулранг булултар-у шамол учирин қелиб башарасига сочаётган баргларни сезмай хиёбон бўйлаб оҳиста юриб борарди. У Равшан акаси билан танишганида ҳам худди шундай куз кунлари эди. Ҳар йили кузда институт талабаларини пахта териш мавсумига олиб кетишдан олдин шифокор кўригидан ўтказишарди. Соппа-соғ, ўйнаб-кулиб юрадиган Зарофат ҳам шифокор кўригидан ўтди-ю, тўсатдан уни... пахта теримига борищдан озод қилишди. Талабалар поликлиникасининг шифокори унинг кўлига бир тўда қоғозчалар билан рентген суратини берди-да:

— Эртагаёқ манави қоғозчада ёзилган манзилга бориб, шифокор кўригидан ўтиб келасан, — деди.

— Нега, мен соппа-соғман-ку? — деди Зарофат ажабланиб.

— Қизим-а, соппа-соғ бўлсанг мен сени овора қиласмишим? — норози оҳангда тўнғиллади, гавдали, хорғин қиёфали шифокор аёл. — Соппа-соғман деб уриб енгасанлар-у, аслида... Ўзи-ку аслида қизи силга чалинлигини билмай, боз устига яна даволатмай юрган онангни уриб ўлдириш керак эди-я... Билмадим, институтга кираётганингда қайси кўлинг сингур дўхтир сенга қоғоз тўғрилаб берган экан... Ҳа-а, ҳаммасининг давоси пул-да, пул...

Зарофат хонадан қандай чикқани-ю қандай ижара хонасига етиб борганини эслолмайди. Унинг миясида факат шифокор аёлнинг “сил” деган овози янграрди. “Наҳотки, мендан сил топишган бўлса... Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин эмас, ахир умримда сирайм оғир касал бўлмаганман-ку...”, – ўйлаб ўйига етолмасди у.

Телефон қаттиқ иаранглади. Зарофат чўчиб тушди, аммо ўрнидан турмади. Унинг бутун вужуди карахт, ўзини худди харсанг тошдан ўйиб ясалгандек оғир ҳис қиласди. Ижарачи кампир телефон гўшагини кўтарди, кейин Зарофатни чақиргани эшитилди.

Зарофат истар-истамас ўрнидан кўзғолди, хонасидан чиқиб, гўшакни олди. Курсдоши Шаҳодат экан.

– Ўрин-кўрпаларингни бугун ётоқхонага келтирсанг, эртага бирга чиқиб кетардик, – деди Шаҳодат бидирлаб.

– Эрталаб тупканинг тагидаги ижарахонангдан бир ўзинг сўппайиб келасанми?..

Зарофат нима дейишини билмай, жим турарди. У ҳамон шифокорнинг хуносаси ҳақида ўйлар, мияси карахт, бошқа нарса ҳақида ўйлай олмасди.

– Зарофат! Нима бало, тилингни ютиб юборганимисан?

– тоқатсизланиб деди Шаҳодат. – Ёки ижарачи кампиринг бугун пайшанба эканлигини билиб қолиб, тилингни ошга босиб юбордими? Ҳа-ҳа-ҳа... – ўзининг ҳазили ўзига нашъа қилған Шаҳодат хандон отиб юборди.

Дугонасининг кулгисини эшитибина Зарофат карахтилик ҳолидан чикқандек бўлди.

– Йўқ, Шаҳодат, мен кейинроқ борарман, ҳозир сал тобим йўқроқ...

– Ўв-в, менга қара, нима бало, жинни-минни бўлиб

қолдингми?! – ўшқирди қизиққон Шаҳодат. – Ахир институтдан ҳайдаласан-ку, буни биласанми? Эсинг жойидами сен қизнинг ёки... ойинг “справка” тұғирлаб бердими?

– Йүк, – деди Зарофат тұғрисини айтишга қарор қилиб. – Мени пахтадан озод қилишди. Эртага дүхтирга учрайман, сенга хат ёзиб тураман.

– Менга қара, Зарофат...

Зарофат унинг гапи тугамаёқ шартта гүшакни қўйиб қўйди. Кейин бироз ўйланиб тургач, телефонни симдан узди-да, хонасига кириб кетди. Ошхонадан унга қараб ўтирган ижарачи кампир – Настя буви ҳеч нарса демади-ю, факат бошини сарак-сарак килганча қолди.

Телефон эртаси кунгача симдан узилганча турди, на ижарачи кампир, на Зарофат уни улаб қўймади...

Эртаси куни эрта билан Зарофат қоғозчадаги манзилга йўл олди. Қидириб-қидириб зўрға етиб борди. Қабул бўлимидағи ҳамшира қиз қоғозларни кўргач, бир Зарофатга, бир унинг кичкина сумкаласига қаради-да:

– Нарсаларингизни ҳам олиб келгандирсиз? – деб сўради.

– Қанақа нарсаларимни? – ажабланди Зарофат.

– Қанақа бўларди, кийимларингиз, шиппак, чойнак-пиёла дегандек... Ахир сиз касалхонага ётишга келгансиз-ку!

– Мен ётишга келганим йўқ! – чўчиб кетди Зарофат.

– Менга фақат шифокорга учрашишим кераклигини айтишди, холос.

– Эй, тавба! – ҳамшира қиз ўшшайиб, қўлидаги қоғозни силтади. – Мана, йўлланмангиз бор-ку!..

Майли, кутиб туриңг, ҳозир навбатчи шифокорни чакираман.

Одамзод ҳамма нарсага күнікар экан. Зарофат ҳам одамлар номини эшитгандаёқ юраги орқага тортиб кетадиган хасталикка учраганига ҳам, қасалхонада ётганига ҳам, илгари ўзи ўлардек қўрқадиган игна сукишларга ҳам кўнікди. Дастребки кунларда у палатада қимирламай ётар ёки ойнага қараганча хаёл сурарди. Охири зерикди, бир ҳафтадан сўнг ҳовлига чиқди. Тахта ўринидикда ўтирганча ҳовлидаги хасталарни кузатган бўлди, аммо бу машғулотдан юраги сиқилиб кетди, тиш-тиник куз осмонига, чараклаб турса-да хеч бир тафти йўқ илиққина куз куёшига тикилди. Кўзини юмди, кўз олдига қадрдан қишлоғи келди. Мана, Зарофат томга ёйилган туршакларни каттакон саватга териб оляпти. Олгинранг ялтироқ туршаклар бирам хушхўр кўринадики... Биттасини шундоқ олиб оғзингга соласан-у, тишларинг орасида тикиллаб шақар доначаларидек қумок-қумок туршак эрий бошлайди... Зарофат оғзидағи туршак мазасини туйгандек, беихтиёр жилмайди.

— Қойил-э, наҳотки шу хўмрайган бино ичида жилмайишга қодир зот топилса-я?!

Зарофат кўзини очди: тепасида баланд бўйли, қотмагина, озғинлик сабаблими қоп-қора шаҳло кўзлари ниҳоятда катта кўринувчи рангпар йигит турарди. Ширин хаёллари бўлинганидан, бунинг устига қасаллигини эсига солишганидан Зарофатнинг энсаси қотди, йигитга жавоб беришни ҳам ўзига раво кўрмади.

– Сиз бирони кутяпсизми ёки... шу ерда ётибсизми?
– сўради йигит ўзини унинг энсаси қотганини тушунмаганга солиб.

– Наҳотки бирони кутаётган одам касалхона кийимида ўтиради деб ўйласангиз? – кесатди Зарофат унинг тезроқ кетишини истаб.

– Ҳа-я, бу ёғини ўйламабман-ку... – йигит бироз жим қолди. Кейин гапида давом этди. – Очигини айтганда, шундай гўзал қизнинг шу лъянати касалга мубтало бўлишини кўргандан кўра дунёга кўр бўлиб қелганим маъқул эди. Кўрмасдим ҳам, куймасдим ҳам...

Зарофат ўзининг гўзаллигини яхши билар, стонаси-ю қариндошлари, дугоналари, қолаверса, ёнидан ўтган йигит зоти борки, барининг оғзидан шу сўзни эштирди. Аммо ҳали хеч ким бундай таъсирили қилиб айтмаган. Ёки касалхона муҳитининг таъсирида шундай бўлдими, ким билсин...

Уларнинг орасида дўстона туйғу пайдо бўлишига шу сұхбат сабабчи бўлди. Кейин Зарофат Равшан дорилфунуннинг филология факультетида ўқишини, Аңгрен ёнидаги сўлим қишлоқда яшашини, онасининг яккаю ёлғизи, ишонган тоғи эканлигини бияди. Дўстлик бора-бора оловли туйғу – муҳаббатга айланди. АММО...

Саратон тугаётган кунлар эди. Амалиёт машғулотларидан силласи қуриган Зарофат домласига ҳисоботни топшириб бўлди, эртаси куни ўйига – Самарқандга жўнашни режалаштириди. Ота-онасини, укаларини ўлардек соғинган, бунинг устига бироз пул олиб қелиши керак эди. Сентябрь ойи келяпти, яна

шифохонага ётишига түгри келадими, ким билсин? Даволовчи шифокор унга ҳар йили ҳеч бўлмаганданда бир марта профилактика учун даволаниб туриши лозимлигини тайинлаганди. Равшан уйига кетган, “икки кунда қайтаман”, деганди, мана тўрт кун ўтибди ҳамки, дараги йўқ. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да...

Зарофатниг хаёлларини Равшаннинг овози бўлди.

– Зарофат, яхшиям кетиб қолмабсиз!
– Ҳа, тинчликми? – Зарофат сапчиб ўрнидан турди, тўсатдан кўз олди қоронғулашиб, боши гир-гир айланиб кетди.

– Э-э, кўрқманг-е, шунчаки кўролмай қоламаними, деб чўчиғандим! – Равшан чаққонлик билан уни елкасидан қучиб, стулга ўтқазди.

– Ҳа-а, шундай демайсизми? – дея олди Зарофат.
– Янгиликни айтмоқчи эдим-да! Ойим шу ҳафта сизларникига кетяптилар!

– Нега?
– Қизиқсиз-а, нега бўларди: совчиликка-да! Ишқилиб ойингиз...

– Йўғ-э, ойим нимаям дердилар... – шундай дейишга деди-ю, Зарофатни ваҳима босди. Ойисининг хаёлига нима келишини билиб бўладими? Колхозда болҳосилот бўлиб ишлайдиган ойиси ўлардек қайсар шаддод, ўнта эркакни токчага ўтқазиб қўядиган аёллардан. Тўғри, якка-ю ёлғиз қизи Зарофатни еруқўка ишонмай, қўлинини совуқ сувга урдирмай, арзандә қилиб ўстирган, аммо... тўсатдан совчилар кириб борса нима деркинлар?..

Зарофат уйига борди-ю, онаси билан гаплашишга юраги дов бермади. “Нима бўлса бўлди энди”, деё

ўйлади у ва икки кун турибоқ, ғизиллаганча яна Тошкентга қайтди. Қарасаки, Равшан касалхонага тушиб қолибди. “Аҳволи оғир эмиш”, деди Настя хола. У аллақачон йигитнинг ҳолидан хабар олгани касалхонага бориб келишга улгурибди, аммо уни палатага киритишмабди.

Дунёда ўзидан бошқа ҳеч қандай қариндоши йўқ, ёлғиз яшовчи кампир Зарофатни шунчаки пул учун ижарага кўйган бўлса-да, Равшанни бир кўргандаёқ жудаям ёқтириб қолганди. Тўғрироғи у билан танишган куни Равшан “Мен сизни “Настя хола”эмас, балки “Настя буви” деб чақирсан майлими? Холага қараганда буви одамга яқинроқ бўлади-да”, деган ва бу билан кампирнинг юрагини эритиб, унда ўзига нисбатан илиқ меҳр уйғотганди.

Мана ҳозир ҳам Настя буви Зарофатга Равшанинг ҳолидан хабар олгани борганини, аммо уни палатага киритишмаганини айтиб, кўз ёши ҳам тўкиб олди. Зарофат касалхонага етиб келганида, кўзларига ишонмади. Атиги тўрт кун илгари кўрган Равшан акаси эмасди бу! Ранги сарғайиб, кулранг тус олганмий, кўзлари шокосасига чуқур ботган, рангсиз лаблари маҳкам қимтилган, кўзи юмуқ...

— Аҳволим чатоқ, шекилли, — деди у оҳиста, кўзини очишга ҳам мадори етмай. — Сенга билдирмай дегандим, касал енгди...

Зарофат унинг гапини бўлиш учун оғзини очиб чуқур нафас олди-ю... бир вақт кўзини очса, муолажа хонасидаги ўринидикда чўзилиб ётибди, ёнида Равшанинг даволовчи шифокори, яна бир нечта ҳамширалар...

Зарофат күзини очганидан сүнг ҳамширалар бир-бирига қарашибди-да, сүзсиз чикиб кетишиди. Фақат Равшаннинг даволовчи шифокори нарироқда турган стулни олиб Зарофатга яқинроқ қўйди-да, ўтириди.

— Жўдаям ўйламай, иш қилибсизлар-да, синглим, — охиста босик овозда гап бошлиди у. — Фақат ҳаяжонланманг, гапимни бўлмай қулоқ солинг. Сиз — ҳомиладорсиз. Эҳтимол, буни ўзингиз ҳам билмагандирсиз, аммо муддати анчагина катта бўлиб қолибди. Энди болани олдириш ҳам хавфли. Қолдириш ҳакида-ку, гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир... — у Зарофатнинг лов-лов ёна бошлаган юзига қараб бош чайқади. — Э-э, шифокорлардан яшириб қаерга ҳам борардингиз-а! Беморим Азизов билан орангиздаги муносабатни бутун қасалхона билади. Бунинг устига унда силнинг очик тури бўлса, бу жуда юқумли, болага ҳам ўтиши мумкин-ку, ахир! Наҳотки шуни ўйлашга калтафаҳмлик қилган бўлсангизлар... Майли, нимаям дердим, эртагаёқ келиб, қасалхонага ётасиз, тиббий кўрикдан ўтинг-чи, кейин у ёғини маслаҳатлашармиз. Бўнти, турақолинг, бўлғуси дадапольвондан суюнчини олинг, — у жилмайиб Зарофатга қўлини чўзди.

Номусдан ерга кириб кетишига сал қолган Зарофат юзлари лов-лов ёнганча, ўринидикдан турди, шифокорнинг юзига боколмай, ерга қараганча “раҳмат” деб шивирлади-да, эшик томон йўналди.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, кўп ҳажонланманг, — деди шифокор уни эшиккача кузатиб қўяркан, ўзи эса бошини сареклатганича қолди.

Зарофат Равшанга бу гапни қандай етказишини билмай, босни шотганча палата эшигини очганди;

кўзига ишонолмай колди. Бирпас олдин Равшанинг юзлари тупрокранг бўлган эса, ҳозир ёноклари лов-лов ёнар, катта-катта кора кўзлари чакнаб турарди. Ҳамшира кизларнинг бири ҳолис яхшилик қилиш ниятида “кўз кўриб, кулоқ эшитмаган” бу янгиликни унга аллақачон етказиб улгурганди.

– Энди дунёдан армонсиз кетадиган бўлдим! – деб ҳайқирди у эшикдан кўринган Зарофатга қулини чўзиб.

– Факат ўғил бўлсайди...

– Нималар деяпсиз, эсингизни йигинг! – чўчиб кетди ҳозиргина эшитганларидан ҳали ўзига келолмаган Зарофат.

– Эсим жойида, фақат калламни йўкотиб кўйдим-да! Кечир мени, – деди Равшан уни бағрига босиб. – Факат, сендан илтимос, уни олдириб ташламагин. Нима бўлгандаям, у мендан ёдгор бўлсин. Ўғил бўлса, отини Бахтиёр кўясан, бахтиёр кунларимизни эслатиб юрсам. Киз бўлса, майли, ўзинг биласан...

* * *

Йулакда ўтирган ҳамшира унинг йўлини тўсди:

– У ёкка кириш мумкин эмас!

Иккинчи ҳамшира шеригининг сенгидан тортди:

– Йўқ, йўқ, ўтаверинг.

Зарофат уларнинг ёнидан ўтиб, бир неча қадам босганидан сўнг, ҳамшира киз шеригига кўз қисди:

– Ҳозир сенга иккита томи кетганларнинг қиссанин айтиб бераман...

Равшан, ўзининг таъбири билан айтганда, орадан уч ой ўтибгина “касалликка мағлуб бўлди”. Бу эса Зарофат учун дунёнинг охири эди. Ўзининг учун яшашнинг мазмуни қолмаганди. Равшан бўлмаса, яшашнинг, бу

ёруғ дунёнинг, унинг ҳою-хавасларининг Зарофатга нима кераги бор?..

— Йўқ, сен тўшкунликка тушима, — деб уни овутишиг уринарди йиглайвериб қўзлари шишиб кетган Настя буви. — Бу боланг учун зарар, ахир! Ҳали боланг дунёга келгач, ҳою-хавас нималигини ўшанда кўрасан. Гўдакнинг сенга талпинишини, табассумини, алпанг талпанг юришларини кўрганингда юрагинг завқка тўлади.

— Ойим-чи, ойим нима дейди? Қариндошлар, қишлоқдагилар-чи...

— Э, онанг нимаям дерди, бўлар иш бўлди-ку, энди, — кўл силтади Настя буви. — Агар жуда уйидан ҳайдаб юборса, мана, менга киз бўлиб яшайверасан-да! Барибир уйимни қолдирадиган кишими йўқ, сенга васият қиласман. Боланг эса неварам... йўғ-э, эварам бўлади-да! Ахир Равшан мени “бувимсиз” дерди-я... — Настя буви чидай олмади, яна пиқиллаб йиғлаб юборди.

Зарофат ҳам унга жўр бўлди. Икковлон узок бирбирининг сласига бош қўйганча йиғлаб ўтиришди...

Кишки имтиҳонлар пайтида Зарофатнинг кўзи ёриди. У деканатдан рухсатнома олиб, имтиҳонларни вақтлироқ топшириб олган, тўғрироғи, унинг аҳволини кўрган домлалар узок сўраб ўтирмай баҳолиқудрат баҳо қўйиб бера қолишиган эди.

Даволовчи шифокорнинг ҳадиклари бекор кетди: Зарофатнинг баҳтига боласи соғлом туғилди. Настя буви қарилигига қарамай, анчагина эпчил экан, чақалоқ уйига келиши билан оёғи олти, қўли етти бўлиб, чопқиллашга тушди. Болага зарур нимаики бўлса

топар, бозор ёки дўконларни айланиб болалар таомлари ва сутларини олиб келарди.

— Сен оғринмагин тағин, мен буларни шунчаки, бекорчиликдан қиляпман, — дерди у Зарофатга. — Ҳатто уйимни сенинг ўғлингга қолдириб кетмоқчиман. Ҳали ўқишига чиқиб кетганингда Бахтиёржонимга ўзим қараб тураман. Ҳа, эварагинам-а! — кампирнинг меҳри товланиб кетганча, пишиллаб ухлаётган гўдакнинг бурнини чимдиб кўярди.

Шу тарзда орадан тўрт ой ўтди. Ҳатто ўқиётган пайтида ҳам хаёл олиб қочиб кетар, Равшан билан ўтган кунлари эсга тушаверар, Зарофат хотиралар чангалида қолмаслик учун бор вақтини ўғли билан ўтқазишга ҳаракат қиласади.

Май ойи. Иссиқ, дим, ёз нафаси уфуриб қолган кунлар. Кечки пайт Зарофат ўғли ухлаб ётганидан фойдаланиб шоша-пиша дарс тайёрлар, Настя буви кўзларидан шашқатор ёш оқизганча охири кўринмас муҳаббат қиссаси — телесериалини томоша қилиб ўтиради. Тўсатдан эшик қаттиқ тарақлади. Телевизорга берилиб кетган Настя буви эшитмади, шекилли, ўрнидан турмади. Зарофат истар-истамас ўрнидан туриб, эшикни очди. Қай кўз билан кўрсинки, қархисида ойиси туради. Қўлида бир нечта оғир халталар, яна ярим қилиб солинган иккита қоп ҳам бор.

— Анчадан бери уйга бормай қўйганингга хавотирландим, — деди Қомилахон салом-аликсиз қизининг қўлига халталарни тутқазиб. — Уйинг борлигини унутиб ҳам юбордингми дейман-а, қизим?

Ёки ўзингга бошқа ойи топиб олдингми? Ҳа, майли,
Настя холанг уйдами?

– Уйдалар... – Зарофат ортига тисарилиб, ойисига йўл берди.

Комилахон ошхонага кириб, Настя буви билан узоқ хол-ахвол сўрашди. Кейин сўраб-нетиб ўтирамай, ичкари хона томон юрди.

– Чой-пой олиб кел, қизим, оёғимда-оёқ қолмади...

Зарофат чой кўйишга тутинди, кейин эсига тушди-ю, онасининг ортидан югурди. Аммо у кеч қолганди!

– Бу... бу... – Комилахон титраётган бармоқлари билан аравачасида ширингина ухлаётган чақалоққа йшора киларди.

Зарофат энди ҳақиқат юзага чикқанини, барига икрор бўладиган пайт етганини тушунди. Ҳа, энди барча масъулиятни ўз бўйнига оладиган вақт келди. Ахир ойни этак билан ёпиб бўлмайди-ку! Бўлган воқеани бир кунмас бир кун барибир ойисига айтиб бериши керак эди-да...

– Бу... бу – менинг ўғлим, – деди у ва тиззалари қалтираётганини сезиб, ўғлининг каравотчасига суюнди. – Бизнинг ўғлимиз. Баҳтиёржон...

– Ҳм-м, қизим ётволиб ўқиганидан уйга келгани вақт тополмаяпти десам, мана бунака қилиб ўқиётган экан-да?! Манжалаки! Мен сени шунака умидлар билан катта қилувмидим-а? Кўлингни совуқ сувга урдирмадим, емай едирдим, киймай кийдирдим, раҳмати – юзимни шувут қилдинг! – Комилахон боладан нигоҳини узиб, шахд билан Зарофатга ўгирилди. – Қани ўша палид? Ҳамма ишни қилиб ќўйиб, қочиб кетдими? Ташлаб кетгандир-а, ҳойнаҳой?

– Ү... ўлган.

— Ҳа, ўлмай қаро ерга кирсин! Осонгина қочиб қутилибди-я мендан? Ҳали ўлишни кўрсатиб қўяман унга!

— Ойи! — Зарофат юзидағи шашқатор оқаётган ёшларини сидириб, онасининг қўлидан тутди. — Ойи, нималар деяпсиз? Равшан акам ўлган, деяпман сизга!

— Ҳа, “ака” деган тилинг қирқилсин! Ака, дейди-я яна... — бобиллаб кетди Комилахон ва тўсатдан ўчиб қолгандек тўхтаб қолди. Бир дақиқача ўйлаб турди-ю, кейин ўзига-ўзи гапираётгандек секин гап бошлади. — Вой, шўрим! Ўлган бўлса, демак тўй бўлмайди. Энди қишлоқда нима деган одам бўлдим?.. Ҳамма мени ҳурмат килса, раис борми, бошқаси борми, бари менга қулоқ тутса, энди буни эшишиб нима дейишади? Яккаю ёлғиз қизим-а... — кутилмаганда у ўзини стулга ташлади-ю, суюнчиғига бошини қўйиб йиғлаб юборди.

Она-боланинг машмашасини индамай кузатиб турган Настя буви ошхонадан пиёлада совуқ сув кўтариб чиқди-да, Комилахонга тутди.

— Бир сўхтаси совуқ хотин азза-базза Ангрендан келдим, деб совчиликка борганида юрагим увишиб кетганди-я, ўзиям, — тилга кирди Комилахон босик оҳангда. — “Яна келаман”, деганча уни ўчиб кетувди... Ҳа, гапнинг тагида гап бор экан-да... Ҳўш, энди нима қилмоқчисан?

Зарофат елка қисди:

— Ҳеч нима.

— Эсинг жойидами, биз нима қиласиз? Даданг, акаларинг, укаларинг қишлоқда нима деган одам бўлишади энди?! Йўқ, йўқ, тўй қилиш керак!

Умрида онасига тик қарамаган Зарофат бир қарорга келди.

— Ойи, мени тинч қўйинг! – деди дадил. – Мен ўз ҳаёт йўлимни танладим. Сиз қандай тўй қилмоқчисиз, буниси менга қоронғу, аммо мен... менинг тақдиримга битилгани шу экан, бундан норози эмасман.

— Ўв-в бола, сен менга ақл ўргатма! – ўшқирди Комилахон ўрнидан сапчиб туриб. – Нима қилишни мана мен биламан. Мен Ангренга бораман, тез анавининг манзилини бер.

— Ойи...

— “Ойи” ламай тилинг тортилсин-а! Умид билан йигирма йил боқсам-у, устимдан бир арава тезак ағдариб юбординг-а! Бер деяпман манзилини!

— Нима қилмоқчисиз ахир?

— Ишинг бўлмасин, ўзим биламан!

Комилахон худди бу ташвишларига Настя буви айбдордек, кампирни қўполлик билан бир четга суриб уйдан чиқиб кетди.

* * *

Бир неча кундан сўнг Ангрен ёнидаги қишлоқда яшовчи, суянган тоғи – ўғлини лаҳадга қўйиб, кўнгли вайрон бўлиб ўтирган Қумрихон вафот этганига ярим йил бўлган ўғли номидан совчиликка отланди. Орада бир ҳафта ўтгач эса Самарқанддаги бир қишлоқда тўй тадориги бошланди. Кимсан қишлоқда карилла юрадиган Комилахон ёлғиз қизи Зарофатни унаштирди Зарофатнинг ўзи эса имтиҳонларни топшираётгані учун ҳали қишлоққа келгани йўқ, тўй кунигача ети келиб қолса керак, деган гап-сўзлар тарқалди. Тўй

июнъ ойининг ўрталариға – эртаки қовунлар чиқадиган маҳалга белгиланди.

Тўй куни етиб келди ҳамки, Зарофатдан дарак бўлмади. Шунда Комилахон қишлоқ кайвониси – Саломат момога маслаҳат солди.

– Айланай, Саломат момо, нима қилдим энди? Тўйни бошлаб, кўйларни сўйиб қўйдик, ҳализамон қудалар ҳам келиб қолишса кераг-ов... Манави думбул қизимни кўринг, шу пайтда тилиграмм юборибди, “Ойижон, мен амалиётга кетяпман. Агар бормасам, мени тўртинчи курсга ўтказишмайди”, дебди-я... Буни кўринг, амалиётни ўташга нақ Сибирь ўрмонларига кетибди-я, қизим тушмагур!

– Сибирга-я?! – анграйди умрида қўшни қишлоқдан нарига ўтмаган Саломат момо. – Бундай яқинроқ ер қуриб қолганми экан-а?.. Ҳай, айланай, Комилахон, шунга ғам еб ўтирибсизми? Тўйни келинсиз ҳам ўтказаверамиз, бизга нима – ош есақ бўлди-да! Уволи ёмон, ахир қўйларни сўйиб қўйишиди. Бир кунлик тўй ўтади-кетади. Дунё дунё бўлиб, келинсиз тўй бўлса бўлибди-да, шунгаям ғамми, Комилахон...

Комилахон момодан айнан шундай маслаҳатни кутган, аслида унинг тузган режаси ҳам шу эди. Энг муҳими, тўй бўлади, думбул қизининг қилмишлари сирлигича қолади, у ёғига худо пошшо... Эҳтимол, ақли кириб эр-перга тегиб олар, тўйдан кейин бунинг нима аҳамияти бор, ким ҳам буни суриштирарди? Тўғри, эрининг жони чиқкудек бўлиб, ғазаби қайнаб юрибди, қон босими ошиб кетган-у, яна бўлса “Ҳой, мундоқ худодан қўрқсанг-чи! Бир бечорани гўрида тикка

турғазасан, шекилли?” деб мингиллагани ортиқча.

Бечорамиш-а... Қизининг номусини топтаб, ўзини қишлоқда шармандашармисор қилибди-ю, яна бечора бўладими ўша таги паст. Йўқ, Комилахон бўш келадиганлардан эмас...

У шаҳд билан ўрнидан турди, қудаларни кутиб олишга тайёрлана бошлиди. Аммо кудалар у кутганидек бир машина эмас, уч-тўрт кишигина бўлиб келишди. Ичларидан қиринди ўтса-да, жилмайган киши бўлиб, келиннинг “амалиётга кетиб қолганлиги”дан хабарлари борлиги, шунингучун ҳам куёвни олиб келишмаганини, эҳтимол, тўй қолдирилганмикин, деган ҳавотирда бирровга келишганини маълум қилишди.

— Зап яхши қилибсизлар-да келиб, айланайлар, — деди хижолатпазликнинг олдини олишга шошилиб Саломат момо. — Келин бўлмаса, куёв ҳам керакмас бизга. Келин-куёвсиз ҳам тўйни ўтказаверамиз. Акс холда куёвнинг сўппайиб ўтирганини кўриш ажаб ҳолат бўларди-да, нима дедингиз? Ўзингиз келганингиз ҳам етади бизга, айланайлар!

Куда бўлмишлар кайвони момонинг бири тоғдан, бири боғдан гапларига анқайиб қулоқ солиб туришди, бир-бирига маъноли назар ташлашди, кейин куёвнинг онаси бўғзига тиқилиб келган фарёдини аранг.... ютди-да, Комилахон билан яна қайта қучоқлашиб кўришишга тушди...

Бир тўй бўлди, ажаб тўй бўлди, қишлоқقا овозаси кетди. Зарофатнинг собиқ синфдошлари ўртани бўшатмай тоза рақс тушишди, даврада кимлардир етишмаётганини ҳам унугиб қўйиши. Тун ярмидан оққанидан сўнггина тўй тарқади. Мехмонлар уй-

үйларига равона бўлишди, кариndoшлар идиш ювишга тутинишиди, кудалар эса мулозаматларга қарамай, ўзлари келган машинада яна Ангрен томон равона бўлишди.

Машина Самарқанддан чиқаётган пайтда орқа ўринидикда ўзини мудраганга солиб келаётган Кумрихоннинг кўзи тепасида энгашиб турғаң ўглига тушди. “Ўғлим? Равшанжон! – шивирлади у. – Ўзингмисан, ўғлим?” “Ха, ойижон, – шивирлади Равшан. – Сизни жуда соғиниб кетдим.” “Мен ҳам соғиндим, болажоним. Лекин, наилож, яратганнинг амри шу экан. Мана, тўйингни ҳам ўтказиб қайтяпмиз” Ўғлининг қоп-кора кўзлари чараклаб кетди, жилмайиб “Биламан”, деди-ю, онасини аста қучди. “Болам...” – пичирлади онаизор.

– Опам бечора сикилиб, адойи тамом бўлди, – шивирлади ўртада ўтирган аёл нариги четдаги шеригига. – Шунчалар ҳам бағритош одамлар бўлар экан-а дунёда?!

– Ха-я, нимасини айтасиз, – деди униси. – Кумрихон янаям шердек аёл экан. Айтинг-а, тоғдек ўғли ўлиб, юрак-бағри тилка-пора бўлса-ю, уни яна мархум ўғлининг тўйини ўтказишга мажбур килишса-я! Шунақасидан асрасин... – у сесканиб тушиб, ёқасига туфлади-да, калима қайтара бошлади.

Орадан бир неча соат ўтиб, машина манзилга етиб келганида эса Кумрихоннинг йўлда жон таслим этгани маълум бўлди.

* * *

Бу воқеадан бери чорак асрдан ошиқ вақт ўтди,

келинсиз ўтган тўй ҳам унут бўлди. Зарофат ўқишини битириб, олий маълумотли мухандис бўлди, ҳаётда ўз йўлини топиб олди. Комилахон қизини оқ қилиб, ундан юз ўгиран бўлса-да, Зарофатни ўз қизидек кўриб, ташвишларидла шерик бўлган Настя буви вафот этишидан олдин уй-жойини унга васият қилиб қолдирди. Бахтиёржон эса шифокорлик касбини танлаб, одамларни сил касалидан кутқаришга астайдил бел боғлади...

ХИЁНАТ ТУНИ

Дарвозанинг қаттиқ тақиллашидан Элёр чўчиб уйғонди-ю, одати бўйича дарров девордаги соатга қаради. Тунги соат ўн бир. “Оббо, шу пайтда қайси палакатнинг ёёғи тортиб келди экан?”, ғижинди у ўзича ва тургиси келмай, нариги ёнбошига ўгирилди. Э-э, туриб нима зарил, ойисими, акаларими, биронтаси туриб очишар. Жуда бўлмаганда, ана, иккита кеннойиси бор... Аммо Сабоҳат опа ҳам, бошқалар ҳам худди Элёр сингари фикрда эдилар, шекилли, кенг хонадонда тиқ этган товуш эши билмади.

Дарвоза яна тарақлади. Кўщниларнинг уйини ҳам ўзиники билиб, бутун маҳаллани изғиб келадиган Олапар дарвозани тарақлатагётган одамни таъкиб қила бошлади, шекилли, кўчадан болохонадор сўкиниш эши билди. Элёр чидай олмади, ўрнидан сакраб турди. У ҳозир уйкусини бузган одамнинг бўйинини суғуриб олишга ҳам тайёр эди. Тўғри-да, куни бўйи юк

машинасини ҳайдаб, шундай чарчайдики, кечкурунга бориб қимирашга ҳоли қолмайди. Бунинг устига ҳозир тушида Зулайҳони кўраётган эди...

Тушини эслаб, унинг баттар кайфияти бузилди. Ўтган куни дадаси “Ўша таги паст қизни унут! Ўйлангинг кёлаётган бўлса, тенгингни топ!” деб узилкесил шарт қўйди. Зулайҳони қандай унутсин, ахир ундан яхисини топиб бўладими? Бунинг устига, “ёшлик-ғўрлик” дегандек, улар аллақачон ота-она ҳукмидан чиқиб, гунохни бўйниларига ортиб олишган. Зулайҳо ҳозир ҳомиладорликнинг иккинчи ойида, буниси аниқ. Агар бу ишнинг миси чиқиб қолса борми... Буни ўйлашнинг ўзи даҳшат, агар дадаси билса, Элёрни ҳам, Зулайҳони ҳам тикка сўяди...

Элёр шиппагини судраганча дарвозага яқинлашди.

– Падарингга лаънат, қандай касофат итсан ўзи? – деда сўкинган овоз Элёрнинг ҳушини жойига келтириб, қолган-қутган уйқусини ҳам ўчирди. – Мунча акилладинг-а, хумпар, худди бирор уйингни кўтариб кетаётгандек?!

Элёр овоз эгаси ён қўшниси Қаюм ака эканлигини билди-да, қадамини тезлатиб, дарвоза зулфинини туширди.

– Умар уйдами? – сўради Қаюм ака ва гап орасида эгасини кўриб дадилланганидан ўзининг оёғидан тишлашга уринаётган Олапарни яхшилаб бир тепди.

Олапарнинг ангиллаши бутун кўчага ёйилди.

– Э-э, бутун маҳалланинг уйқусини ҳаром қилдингиз-ку! – деди Элёр энсаси қотиб. – Тинчликми ўзи?

– Тинчликмас-да, ука, – деди Қаюм ака хижолатомуз

оҳангда. – Тинчлик бўлса, ярим тунда келармидим?
Озгина пул зарил бўлиб қолганди, шунга...

– Биласиз-ку, бизнинг уйда пул масаласини дадам
хал қиласидилар, эртага эрталаб ғавбатчиликдан
қайтадилар.

– Элёржон, ука, пул бугун жуда зарур эди-да, –
ўтинди Қаюм ака. – Келинойингнинг қон босими ошиб,
миясига қон қуилиби. Щунга тезроқ дори-дармон,
яна шаҳардан тузукроқ доктор олиб келиш керак эди-
да. Биласан, инсульт деганлари жуда расво қасал, тағин
асорати қолмасин, дейман. Ўзи яқинда қиз чиқариб,
бурнимгача қарзга ботиб ўтиргандим, ўлганинг
устига тепгандек бўлди ўзиям... Бўлмаса ҳозир қарз
оладиган вақтми?..

– Майли, Қаюм ака, сиз уйингизга кетаверинг, мен
фермага – дадамнинг олдиларига бориб, сўраб келаман,
– деди Элёр.

У дадасининг Қаюм ака билан яқин оғайни
эканлигини яхши билар, бунинг устига уйқуси батамом
ўчиб улгурганди. Майли, савоб ҳам керак-да...

Қаюм ака уйига кетгач, Элёр бирпас дарвоза олдида
ўйланиб турди-да, кейин дадаси ишлайдиган ферма
томон йўл олди. Ферма уйларига яқин, ораси бир
чақиримча келади.

У ферманинг катта дарвозаси томондан айланиб
юришни истамай, шартта девордан ошиб туша қолди.
Молхоналар атрофини айланиб юрган коровул итлар
Элёрни узокдан кўриб, югуриб келишди. Дадаси гап-
гаштакда кайфи ошиб қолган пайтларда кўпинча Элёр
унинг ўрнига коровуллик қилар, шу сабабли ҳам итлар

уни яхши танишарди. Ҳозир ҳам оёқларига суйқалиб, эркаланаётган баҳайбат итларнинг бошини силаб-силаб, дадаси ўтирган қоровулхонага яқинлашди. Қоровулхонада чироқ ёниқ турса-да, негадир ҳеч ким йўқ эди. Элёр ажабланиб, у ёк-бу ёққа қаради. Ҳеч ким йўқ, у хайронликда нима қилишини билмай турганида, қоровулхонага тиркалган ҳужрадан инграганга ўхшашиб овоз эшитилди. Элёрнинг юраги шувиллаб кетди, югуриб бориб эшикни очди.

Қоровулхонадан тушган чироқ нурида кичкина хона ёришиб кетди. Элёр эса кўз ўнгидаги манзарапи кўриб, оstonада донг қотиб қолди. Кичкина хонадаги кат устида... дадаси ва бузоқбокар аёл онадан туғилгандек бир ахволда ётардилар. Ёруғликни кўрган аёл кўркқанидан кичқириб юборди-ю, калтакни кутаётгандек қўллари билан бошини тўсганча ғужанак бўлиб қотди-қолди. Умар ака ҳам аввал оstonада шипдай бўлиб турган ўғлини танимади. Орадан ўтган бир дақиқа худди бир йилдек узок туюлди, сукунатни фақат аёлнинг бурнини шилқиллатиб тортиши-ю Умар аканинг оғир нафас олишигина бузиб турарди. Нихоят, Умар ака қаршисида турган ўғли Элёрни таниди, шартта ўрнидан турди.

— Намунча бакраясан, ифлос, худди умрингда кўрмагандек...

У одати бўйича шалоқ сўзлар билан сўкина кетди. Кейин ҳамон ўғлининг бакрайиб турганини кўриб, шартта унга яқинлашди-да, тарсаки кўйиб юборди. Шундагина Элёрнинг ҳуши ўзига келиб, кўраётгандари туши эмас, балки ўнги эканлигини тушунди... Ахир болалигидан бери дадасининг калтагини еявериб,

бундай тарсакилар ёд бўлиб кетган-да!

– Дада, бу нимаси ахир... – дея олди у оғир нафас олиб ва шу дам залворли қопларни ҳам эркаклар сингари даст кўтариб юрадиган онасининг ҳорғин қиёфасини эслади. – Ойим билиб қолсалар нима бўлади?

– Билса нима бўлиби? – Умар ака ерда ётган кийимларини олиб, аёлга қараб улоқтириди. – Бўл, тез кийин-да, бу ердан қорангни ўчир!.. Безрайиб тураверасанми энди?!

Элёр охирги савол ўзига қаратилганини англаш, коровулхонага қайтиб чиқди. Унинг оёқ-кўллари дир-дир титрар, эс-хуши бошидан учган, нима қилишини ҳам, нима дейишини ҳам билмасди.

– Хўш, бу “хушхабар” билан ойингни хўрсанд қиласан? – оркасидан дадасининг босиқ овози эшитилди. Аммо Элёр унинг овозидаги сезилар-сезилмас хавотир оҳангини илғаб олди. “Э-ҳа, дадам ҳам нимадандир чўчирканлар-да!” деб ўйлади у. Майли, бир уриниб кўрсин-чи, ахир, “Чиқмаган жондан умид”, дейдилар-ку...

– Дада, очигини айтсам, сиздан буни кутмагандим, – деди у ҳар бир сўзини салмоқлаб, ўйлаб оларкан. – Аммо бундай “хушхабар” билан ойимни хурсанд қилмаслигим ҳам мумкин, агар...

– Нима “агар?” – дадасининг овозида илинж оҳангি пайдо бўлди.

Демак, темирни қизигида босиш керак.

– Агар Зулайхога уйланишимга рухсат берсангиз, бу “иш”ни ойим билмайдилар! – шартта кесди Элёр.

– Нима-а?! Менга шарт қўйяпсанми? Э, онаңгни... –

Умар ака одатича болаҳонадор қилиб сўкиниб юборди-ю, тўсатдан таққа тўхтади. – Қойил-э, ўз болам менга шарт қўйяптими-а? Ё, тавбангдан кетай! – у бирпас ўйланиб турди. Элёрнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб ура бошлади.

Умар ака бир неча дақиқа худди эси оғиб қолғандек, гап-сўзиз Элёрга тикилиб қолди. Элёр ҳам миқ этмай отасига тикиларкан, унинг юзи аввал бўзариб, кейин қизарганини, ҳатто қулоқларигача худди қон куйилгандек қип-қизариб кетганини қузатарди. “Худо урди, дадам бир балони бошлайди-ёв!” юраги шувиллаб ўйлади у дадасининг худди сузишга хезланган хўқиздек бош эгиб, аста ўрнидан кўзғалганини кўриб. Аммо Умар ака... тўсатдан хандон отиб кулиб юборди.

– Э, қойил, ота ўғил, бопладинг-ку! – деди у кула-кула. – “Темирни қизигида бос!”, деб шуни айтишадида, а! – кейин у дарҳол жиддийлашди. – Очиғи, ўша манжалақига уйланишингга икки дунёда ҳам рухсат бермасдим-а... Ҳозир ҳам ичагингни бошингга салла қилиб қўйишим мумкин! – у ўғлига ёмон ўқрайди. – Майли, барибир бирорта хотин оласан-да! Хотинларнинг бари бир гўр, бирининг бошқасидан фарқи йўқ.

Умар ака эшикни очиб, қоровулхонага қаради.

– Тур энди, қорангни ўчир! – ўшқирди у. – Ниятингга етдинг, яна нимага безрайиб ўтирибсан, итдан тарқаган?! Йўқол!

Кутилмаган ҳодисадан ҳуши бошидан учган, бунинг устига отасининг қўли “қаттиқлиги”ни яхши билган

Элёр нима мақсадда келганини ҳам унутды ташқарига отилди. Аммо у отасининг “тас бўлгани”дан хурсанд эди. Қани энди бу янгили тезроқ Зулайҳоға етказса!

Тез орада Элёрнинг онаси Сабоҳат опа тараддудига тушди. Ўғли севган қизни олиб бериш бош тортаётган эрининг ўта қайсарлигидан қатъ куйинган Сабоҳат опа унинг кўнгли юмшаганий кувонганданча зудлик билан тўйни бошлаб юборди ва бой ўтар-ўтмас бу хонадонга гул-гул ёниб яна бир кел тушди.

Тўй ўтди. Хонадондаги ҳаёт яна ўз қолипига тушди. Аммо... ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, Умар ақанинг бузокбоқар Тамарабилаш ишқий саргузаштлар аён бўлиб қолди. Жўшқин “муҳаббат”нинг гувоҳи бўлган соғувчи аёллардан бирининг виждони чидамай сирни Сабоҳат опага ошкор қилиб қўйди. Умри шу уйни, ўн уч нафар боласини деб ўтиб кетган, уззукун бозорда ўтириб, сабзи тўғраб сотиб, оила рўзгорини тебратадиган Сабоҳат опанинг назарида ёруғ олам остин-устун бўлиб кетгандек туюлди. Турмушга чикибдики, у рўзгор тебратади, пул топади, фарзандлар тарбияси билан шуғулланади, яна гектар-гектар ер ижарага олиб, сабзи, помидор, бодринг экиб, уларни сотишга ҳам улгуради. Умар ака эса сутчилик фермасида қоровуллик қиласи, уч кунда бир кечаси навбатчиликда туради, бошқа пайтда чойхонада гапгаштакда бўлади ёки уйда ёнбошлаб, телевизор кўриб ётади. У ҳатто катта ўғилларини уйлантирганидан сўнг ҳам ўзгармади, фақат Сабоҳат опанинг юки сал

снгиллашди, яъни сабзавотларни иккита келини етиширадиган, қайнона эса факат бозорда ўтириб сотадиган бўлди. Ахир энди рўзгор кенгайди, кўпроқ пул керак, қолган фарзандлари ҳам вояга етяпти, уларни ҳам уйлаб-жойлаш лозим-да...

Умар аканинг ишқий саргузаштлари ошкор бўлиши билан бирга бошқа бир сир ҳам очилиб қолди. Яъни, ота-бала қандай “шартнома тузишгани” ва Элёр Зулайҳога уйланишга отасини қандай рози қилгани ҳам эл оғзига тушди.

Ўғлининг шу даражада пасткашлика боришига, уйланиш учунгина онасига хиёнат қилишига, тўғрироғи, отасининг хиёнатига шерик бўлишига Сабоҳат опа чидолмади. Бўлди жанжал, бўлди жанжал... Охир-оқибатда Сабоҳат опанинг юраги бундай икки ёқлама хиёнатга бардош бера олмади – уни бехуш ҳолда қишлоқ қасалхонасига келтиришди. Бир ой жон бериб-жон талашган Сабоҳат опа тузалиб чиқди, аммо келинлар қайнонадаги ўзгаришни кўриб лол қолишиди. Энди Сабоҳат опа бўлар-бўлмасга келинларини койиб бакириб-чакирмас, уй-рўзгор юмушлари билан иши йўқ, бозорга чиқишни ҳам йиғиштирганди. Куни бўйи ойнага тикилганча ўй сурар ёки ясаниб олиб, кўчаларни айлангани чиқиб кетарди. Аммо келинлар бир нарсадан – ўша жанжал бўлган куни Сабоҳат опа билан Умар аканинг орасида бўлиб ўтган бир гапдан бехабар эдилар. Ўшанда Сабоҳат опанинг “Бундай юзсизликка қандай ҳаддингиз сиғди?” деган аламли ҳайқириғига Умар aka хотиржамлик ва ҳатто овозида бироз мазаҳ оҳангি билан “Сенинг нимангга учай? Куни бўйи

югуриб-еласан, вужудингдан анқиётган тер ҳидидан димоғим ёрилиб кетай, дейди. Ундан эса гул иси келади”, деганди. Сабоҳат опа айни мана шу сўзларни унутолмасди. Бот-бот кулоги остида шу сўзлар жаранглаб қолганида аламданми, уятданми ўзини кўйгани жой топлмай қоларди. Ўша пайтда эрининг кўзида акс этган мазаҳни унугтиш учун боши оқсан томонга чиқиб кетар, кўчаларни айлана-айлана сал ҳовуридан тушарди.

Орадан олти ой ўтди. Зулайҳо ўғил кўрди. Акалари бир-иккита қизчалик бўлгани учун ҳам ўғиллик тўқис бўлган Элёрнинг боши осмонга етайдеди, “Ана шунака бўлади-да!” деб кўйди катта келинойиси Манзурага. Келинойиси гап тагидаги гапни дарров тушунди, аммо индамади, ерга қараганча нари кетди.

Ўғил набирасини кўриш Сабоҳат опага насиб этмади. Айни чақалоқ оламга келган куни Сабоҳат опанинг яна юрак хуружи тутди ва у касалхонада вафот этди. Элёрнинг хурсандчилиги азага уланди. Аммо унинг энг катта кўнгилсизлиги ҳали олдинда экан: ўғли – кўзларий қоп-кора, кўрган одамнинг суқи киргудек хушрўй Жавоҳирнинг оёқлари қимиirlамасди.

Тилаб олган ўғлининг ногиронлигини кўриб, Элёр куйиб кетди. Ўғлини қаратмаган шифокори қолмади, ҳисоби, аммо наф бўлмади. Иккинчи ўғил Жасур эса... филай бўлиб туғилди. “Эй, Худойим, сенга нима гуноҳ қилувдим?!” деб ўкириб йиглаб юборди Элёр ўғлининг бири у ёқقا, бири бу ёқقا қараган кўзларига боқиб. Аммо осмондан садо бўлмади, замин ҳам оғзига талқон солгандек жим эди. “Хотинингиз билан яқин қариндош

эмасмисиз?” деб сўради бир шифокор яқин қариндош бўлган эр-хотинларнинг фарзандлари шунақанги туғма нуқсонлар билан дунёга келиши ҳақида маъруза ўқиркан. Элёр билан Зулайҳо бир-бирига қараб елка кисишид ва етти ёт бегона эканликларини айтишди...

Сабоҳат опа ўлди-ю, бу хонадондан файз-барақа кўтарилди. Бир этак болани боқиш Умар аканинг бўйнида қолган, коровулнинг маошига шунча оғизни тўйдириб бўлмасди. Катта келин Манзура бозорга чиқиб кетди, кичиги Дилбар мактабга ишга кирди. Илҳомжон учинчи курсни тугатиб, ўқишини сирткى бўлимга кўчиришга ва иш излашга мажбур бўлди.

Умар ака... чексиз ҳасратда қолди. Умар аканинг оиласи бузуилишига сабабчи бўлган бузоқбокар аёл маҳалладошларининг таъна-дашномларига чидолмай, Россияда яшовчи ота-онасиникига кўчиб кетди ва тез орада унинг турмушга чиққани, эри полковник эканлиги ҳақида миш-мислар тарқалди. Умар аканинг ғиди-бидисидан тўйган катта келинлар маслаҳатлашиб, ўзларига янги “қайнана” излашга тушдилар. Чунки сўнгги пайтларда Умар аканинг феъли айниган, оғзидан шоди кириб-боди чиқар, сўкинишларига одам тугул, илон ҳам чидолмай, пўст ташлаб юборарди.

Тез орада “қайнана” ҳам топила қолди. Ўн олти яшар ўғли бор бева аёл келинларнинг ўзларига қайнана излаётганларини эшлитиб, эриб кетди. “Агар келинларки қайнатасини уйлантиришга уриняптими, демак, у яхши одам экан-да”, деган холосага келди ва Умар акага турмушга чиқишига рози бўлди. Аммо кичикроқ тўйча билан бошланган ҳаёт бир ойга етмай тамом бўлди.

Янги қайнана кетишга қарор қилганини келинлар билдириди.

– Бундай тийиксиз одамни фақат гүр тузатади, – деди у гапни қисқа қилиб ва бўхасини кўтарди. “пешонасиға битилган” эри билан хайр-маъзурни ҳенасия қилганча, жўнаб қолди.

Энди ўғиллар “она” излашга тушишди. Ва, топишни ҳам. Аммо янги оналари Умар аканинг инжиқлигиги бир ҳафтагина бардош беролди, холос. Кейин ўғилла учинчи бир аёлни топиб келишди. У эса бир-икки оғашаб, Умар аканинг яширган пулларини битта қўймади шипирди-ю, кечаси туёғини шиқиллатиб қолди.

Ўғиллар отасига “хотин” топишга шунчала ошиқишган эканки, бу аёлнинг ҳатто фамилиясини ҳам сўрашмаган, паспортини ҳам очиб қўришмаган экан. Оқибатда, “гум” бўлган янги “она”нинг изидан ҳам топишолмади...

Шунда... Умар акага бир нарса бўлди. У ўз-ўзи билан гаплашиб, кулиб юраверадиган, баъзан олдидаги овқатга ҳам қарамай, бир нуқтага тикилиб ўтирадиган бўлиб қолди. Манзура бир қуни қайнатасининг гапига қулоқ солиб ўтириб, унинг Сабоҳат опа билан сўзлашаётганини тушуниб қолди ва ўтакаси ёрилиб, овсини хузурига югарди.

– Вой, дадам жинни бўлиб қолибдилар! – деди ҳовликиб Манзура.

Отасидаги ўзгаришни сезиб юрган ўғиллар ҳам шошиб қолишди. Умар акани дарров руҳий хасталиклар шифохонасиға ётқизишиди. Аксига олиб шифокорлар Умар аканинг хаста эмаслигини айтишди ва бир ойдан

сўнг уни қасалхонадан чиқариб юбориши. Аммо Умар ака ўша-ўша, сира ўзгармаган, ўзи билан ўзи гаплашиб, кулиб юраверар, атрофдагиларга сира парво қилмасди. Бечора келинларнинг шўрига у энди катта-кичик ҳожатини ушлаёлмай қолганди. Келинларнинг кўнгли озиб, қайнатасигаяқинлашишга ҳам ирганишар, фақат раҳмдилроқ Дилбаргина унинг кийимларини ювиб берарди.

Умар ака шу тариқа етти йил азоб чекди. Бу орада қизлари турмушга чиқишиди, кичик ўғиллар ҳам навбати билан уйланишиди. Катта ўғиллар Тўлқин, Комил, Элёр, Илҳом ука-сингилларини уйлаб-жойлашга ҳаракат қилишар, аммо Умар аканинг бу дунёнинг ташвишлари билан иши йўқ эди.

Етти йиллик азоблардан сўнг Умар ака нихоят қазо килди. Очигини айтганда, келинларнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди, аммо Элёргина ғамдан чиқолмас, тўнғич ўғли Жавоҳирнинг чўпдек ингичка, жонсиз оёқларига кўзи тушганида юраги ўртаниб кетарди. Кичик ўғлининг кўзларини эса жарроҳлик операцияси ҳам тўғрилай олмади. Зулайҳо энди фарзанд кўришга кўрқар, бу мавзуда гап кетса, аламли илжайиб “Энди фарзанд кўрсам, умуман қўлсиз ёки оёқсиз туғилади” деб “ҳазиллашган” бўлар, унинг совук гапларидан овсинларининг юраги орқасига тортиб кетарди.

— Вой-ей, мунча нафасингиз совук, мундок бир ўзингизни ўқитиб-нетиб, худони ҳам эслаб турсангиз бўлармиди? — дерди Дилбар кесатиб ва ўтган воқеаларни овсинининг юзига солиб, писанда қиласди. — Ха,

энди-и, норасида гўдакларнинг гуноҳи шунчалар кўпмидики, бундай жазога йўлиқишимаса?

Зулайҳонинг дами ичига тушиб, индамай уйига кириб кетарди. Унинг дардларини фақат ёстиқ кўтарар эди, холос.

Бир куни Элёр тушида Сабоҳат опани кўрди. У ям-яшил дараҳтзорда, кўм-кўк майсалар устида ўтирав, ёнида Жавоҳир ётарди. Сабоҳат опа неварасининг жонсиз оёқларини оҳиста силарди. Элёр атрофига аланглаб қаради.

– Дадангни излайapsанми? – сўради тўсатдан Сабоҳат опа. – Овора бўлма, уни тополмайсан. Энди бошқаларга ҳам гуноҳини ювиш навбати келадими, деб кўрқяпманда...

Элёр уйғониб кетса, туши экан. Хотини Зулайҳо Жавоҳирнинг тепасида куймаланяпти.

– Ҳа, тинчликми? – сўради Элёр шошиб.

– Билмасам, ҳарорати баланд, ёняпти-я! – деди Зулайҳо.

Элёр дарров тушини эслади. Онаси Жавоҳирнинг оёғини силаётган эди-ку! “Эй, худойим, отамнинг хиёнатига шерик бўлганим учун фарзандларимга шунча дард бердингми?” Элёр чидаёлмади, хўнграб йиғлаб юборди. Қатиққўл, доим бақириб-чақириб юрадиган эрининг кўз ёшларини кўриб Зулайҳо кўрқиб кетди, хушини йўқотиб, ерга узала тушди.

Элёр Илҳом укасининг хотини – Малоҳатни уйғотишга югарди. Ҳар ҳолда ҳамшира-ку... Кейин Тўлқин акасиникига чопди. Ярим тунда ўғли билан хотинини машинада қишлоқ касалхонасига элтишди.

Муолажалардан кейин Жавоҳирнинг иссиғи дарров туша қолди ва шифокорлар қўрқинчли ҳеч нарса йўқлигини, боланинг шунчаки томоқ безлари яллиғланганини айтишди. Зулайҳо эса... ҳомиладор экан. Буни эшитиб, Элёрнинг ҳуши бошидан учәёзди.

— Энди нима қилай, маслаҳат беринг! — деди Элёр Дилбар келинойисининг ҳузурига югуриб келиб. — Яна фарзандим ногирон туғилса, энди чидаёлмайман, ўзимни ўлдираман!

— Элёржон, ундаи деманг, худонинг қаҳридан қўрқинг, — деди Дилбар ташвишланиб. — Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди-я, ахир...

Элёр келинойисига бўлган воқеани айтиб берди ва охирида:

— Дадамнинг хиёнатига шерик бўлганим учун ойим мени қарғаган бўлсалар керак, — деди. — Тўғри, ўшанда ҳеч нарса демагандилар, аммо... фарзандларимни кўриб турибсиз-ку...

Дилбар қўлидан келганча қайнисини юпатишга уринди ва охирида онасига атаб худойи қилишини маслаҳат берди.

— Ҳечдан кўракеч, дейдилар, зора ойим гуноҳингиздан ўтсалар, — деб қўйди. — Ахир норасида гўдакларда не айб...

Элёрнинг тараддудини эшитиб, акалари ҳайрон бўлиб, бир-бирига боқишли. Хотини билан боласи касалхонада ётса-ю, бу худойи қилса-я!

— Ака, Элёрнинг ҳам томи кетиб қолмадимикин? — деди Комил маъноли қилиб.

— Ўчир овозингни, сенинг нима ишинг бор? — жеркиди

Тўлқин. – Ундан кўра манави пулни олгин-да, бирга бозор қилиб келинглар...

Худойи ўтганидан сўнг тунда Элёр яна онасини туш кўрди. Сабоҳат опа яна ўша боғда ўтирас, бу сафар атрофида бир тўда одамлар бор эди. Сабоҳат опа ўғлини кўриб, ўрнидан турди-да, дараҳтлар орасига кириб кета бошлади. Элёр онасининг ортидан юрди. Шу пайт Сабоҳат опа тўхтаб, ортига ўгирилди.

– Бу ёққа келма, бу ерда қиласидиган ишинг йўк, – деди шартта. – Ундан кўра укаларингни ўйла, кўрслик қилиб, дилларини оғритма!

Шу пайт Элёр эрталаб кенжатой укаси Қодирни урганини эслаб қолди. Онаси эса кутилмаганда кўздан ғойиб бўлди...

Элёр уйғонганидан сўнг бу туши нимадан дарак эканлигини билолмай боши қотди, аммо бу ҳақда хеч кимга оғиз очмади.

Келинлар эса Элёрнинг кутилмаганда ўзгарганидан ҳайратга тушишди. У энди илгаригидек бақириб-чақирмас, айниқса, кенжа укаси Қодирни бўлар-бўлмасга турткилайверишини ташлаганди.

Ойлар ўтиб, Зулайҳо қиз кўрди. Элёрнинг юраги ҳовлиқиб, туғруқхонага – бош шифокор ҳузурига югорди.

– Илтимос, опажон, қизчамни яхшилаб текшириб беринглар, – ўтинди у. – Агар буниси ҳам ногирон бўлса, чидаёлмайман!

– Вой, ука, намунча ҳовлиқасиз? – жеркиб берди бош шифокор. – Болангиз соппа-соғ, сира хавотирланманг!

– Ахир...

– Илтимос, чиқиб кетинг, менинг ишим кўп, – деди

бош шифокор жаҳл билан. – Фарзандингиз соппа-соғ, уч кундан кейин олиб чиқиб кетишингиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам Зулайхонинг қизчаси соппа-соғ, тўрт мучаси бут эди. Элёр қизалоғига Сабоҳат деб исм кўйди ва уни илк бор қўлига оларкан, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

– Ҳайрият, ойим кечирибдилар! – деб шивирлади Элёр юзини қизалоғининг лўппи юзчасига босиб.

ТАНЛОВ

Қизи борнинг нози бор, деганларидек, эшигининг турумини бузәётган совчиларни танлаб, кетма-кет қайтараётган Карим ака шундайгина девор-дармиён қўшнисидан совчи чиққанида шошиб қолди. Қўшниси Чори ака қишлоқда кўзга кўринган бамаъни, хурматли одам, энг муҳими, фарзандлари жуда ақлли чиққан: икки ўғли Тошкентда ўқиб, синфдош жўраларининг қўзини куйдириб юрибди. Бу йил тўнғичи Ўқтам ўқишини битириб келади, шунга ота-онаси ўғлининг бошини иккита қилиб, тезроқ набира кўриш орзусига гушиб қолишган экан.

– Кўшнимиз ҳам, унинг аёли ҳам тузуккина одамлар, – деди Карим ака хотинига маслаҳат солиб. – Ўғли ҳам ёмон бола эмас, ахир кўз ўнгимизда катта бўлди, бирорвга ола қараганини, қингир ишга қўл урганини сира кўрмадик. Факат... унга нисбатан қизингнинг ҳам кўнгли бормикин ўзи?

– Вой, қизиқсиз-а, қаёқдаги гапларни топасиз! – беихтиёр қулиб юборди Мўътабар опа. – Бу болалар

Тошкентта ўқишига кетаётганида Моҳира ҳали қўғирчоқ ўйнаб юрадиган қизалоқ эди-ку... Шунчаки Мехринисонинг қизингизга ишқи тушган, “Шу қизни албатта ўзим келин қиласман” дегани-деган...

Карим аканинг хавфсираши бекор кетди, онаси совчилар ҳақида гап очиши билан Моҳира “Ўзингиз биласиз”, деди-ю, лоладек қизариб кетди ва шу билан ҳаммаси ҳал бўлди-қўйди.

Ўқтам имтиҳонларни топшириб, уйига қайтганида иш “пишган”, икки оила тўйга таҳт бўлиб, фақатгина куёв келишини кутиб ўтиришарди. Бундай бўлишини кутмаган йигит аввал довдираб қолди, кейин “Ҳали ўқишим тугагани йўқ, мен магистратурада ҳам ўқимоқчиман, олим бўламан”, деб қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди.

Отасининг нақ икки соатлик “маъруза”сидан сўнг Ўқтам келин бўлмиш Моҳирани кўришга кўнди. Майли, кўрса кўрибди-да, нима, асакаси кетармиди? Жиллакурса “Ёқмади” дейди-кўяди, оқибатда кутулади... Аммо у Моҳирани кўрди-ю, гурухдоши Севарага берган ваъдалари ҳам, ҳомиладорлиги анча билиниб қолган бечора қиз ўзини шахарда кутаётгани ҳам эсидан чикди-кетди. Қандай қилиб тўйга рози бўлиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Ўғли рози бўлганидан кувонган ота-онаси тўйга тайёр бўлиб ўтиришганидан дарров ҳаракатни бошлишди ва бир ҳафта ичида унча-мунча одам ҳавас қилгулик тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўйдан кейингина Ўқтамнинг эсига Севара тушди. Унга “Шундоққина уйга бораману, ота-онамга вазиятни тушунираман ва тўйга рухсат олиб келаман. Магистратурани

битирганимдан сўнг бирга қишлоққа кетамиз, унгача анча вақт ўтади ва боламиз тўйдан олдин дунёга келганини ҳеч ким билмай. қўя қолади” деганларини эслаб, виждони қийнала бошлади. Эх, хомкалла, нималар қилиб қўйди-я? Энди бу ёғи неча пулдан тушади? Кош қўяман деб кўз чиқарди. Ҳали ота-онаси Севара ҳакида хабар топишса, нима дейишаркин? Қишлоқда кейин қандай бош кўтариб юради?..

Ўйлай-ўйлай, Ўқтамнинг боши қотиб кетди, юраги сикилганидан ҳатто келинчакка ҳам эътибор қаратолмас, унга сира кўнгли илимасди. Охири у зўр баҳона топди ва “Магистратурага имтиҳон топширадиган вақтим бўлиб қолди” деганча шаҳар томон ура қочди. Шу кўйи бир неча ой бадар кетди. Ҳар сафар ота-онаси қўнғироқ қилишганида ёки укаси Аҳмад уйга бориб келганидан сўнг ижараҳонасига келиб, уйдагилардан салом етказганида, Ўқтамнинг виждони қийналгандек бўлар, аммо дарров бирор баҳона ўйлаб, йўқ ердаги қийинчиликлар ҳакида лофт урар ва уйга бормасликнинг иложини топарди. Аҳмад эса акасининг қилмишларидан хабардор, Севара ҳакида ҳам, уларнинг яқинда туғилган қизчаси ҳакида ҳам билар, аммо акасига ваъда бергани учун бу ҳақда ота-онасига оғиз очолмас, айниқса, Ўқтамдан бирор хабар эшлиши илинжида қайнисининг оғзига мўлтираб қараб турадиган янгасининг юзига боқолмай, виждон қийноғида қовуриларди.

Охири ўғли билан “бекинмачоқ ўйнаш” Чори аканинг жонига тегди.

— Менимча, шу ўғлингда бир гап бор-ов, — деди у

хотинига ўқрайиб. – Энди-и, шу боландан умидингни узавер, онаси, у шаҳарнинг одами бўлиб кетади, шекилли. Қариялар “Тошкентнинг сувини ичган чумчук Маккатуллодан қайтиб келаркан”, деб бежиз айтишмайди. Ўғлинг шаҳарнинг сувини ичдими, энди ўша хаётни кўмсайверади, қишлоқка қайтмайди. Лекин, келинга жабр бўлди: бироннинг боласи, айни гуллаб-яшнаб яшайдиган даврида ёшлиги эрини кутиш билан ўтапти. Энди, йиғласанг ҳам, сиктасанг ҳам, чидайсан: ўғлингга шаҳардан хотин олиб бериб, хотинини ҳам кўчириб юбориш керак. Эри қаерда бўлса, хотини ҳам ўша ерда яшайди. Тушундингми?

Мехринисо опа миқ этолмади. Аввало, эрининг бир сўзли эканлигини яхши билгани учун, иккинчидан, ўғли нилласи чиқмаёқ хотинини ташлаб шаҳарга жўнаб қолгани, салкам бир йилдан бери қорасини кўрсатмаётгани аллақачон маҳалладаги ғийбатчи хотинларнинг тилидан тушмай қолганди. Боз устига, қудалари ҳар икки кунда Ўқтамни сўрайвериб безор қилишган, келин эса худди жонли кўғирчоққа ўхшаб, эс-хушидан айрилгудек бир афтода алфозда юрар, уни кўриб тошюрак одамнинг ҳам раҳми келарди...

Хуллас, Чори аканинг шаҳардан уй олиши-ю, Мохирани олиб келиб ўтқазиб кўйиши Ўқтамга томдан тушган тарашадек кутилмаган ҳол бўлди.

Энди Ўқтам икки ўтнинг орасида қолди. У на Севара билан бирга яшайдиган ижаҳонасига кетишини, на ўзининг уйида қолишини билмасди. Аммо қилиб кўйган иши ҳақида отаси билиб қолишидан ҳам чўчирди; илло Чори ака жуда диёнатли одам, ўғлининг

бундай ишини кечирмайди...

Ўқтам энди иши кўплигини, “бир бало” тажрибалар ўtkазиши зарурлиги, шунинг учун ҳам кечаси билан “шишанайчалар ва тажриба сичқонларининг ёнида бўлиши зарурлиги” ҳақида Моҳиранинг қулоғига қуийиб, Севаранинг олдига жўнаб қоладиган бўлди. Баъзангина кундузлари Моҳирадан хабар олгани келар, бир-икки сўм пул бериб, озгина чидаб туришини илтимос килар, “катта лавозимга кўтарилиб олса, ҳаммаси яхши бўлиб кетиши” ҳақида сафсата сотар ва соддагина хотинини хувиллаган уйида ёлғиз қолдирганча бадар кетарди.

Моҳира эса куни бўйи уйида ёлғиз нима қилишини билмай ўтирас, гаплашиб юрак ёзай деса, биронта таниш-билиши йўқ, куни фақат телевизор кўриш билан ўтар, тунлари уйқусизликдан қийналарди. Жуда юраги тошиб кетганида эса хўнграб йиғлаб олар, дардкаши ҳам, сирдоши ҳам фақат ёстиқ эди, холос.

Бир куни Ўқтам кўриниш бериб қолганида айни ўпкаси тўлиб утирган Моҳира дийдиё қилиб қолди, зерикиб кетнапидан нолиди. Ўқтам эса хотинини овутиш рига уни поездга ўтказиб, кишлокқа жўнатиб юборди. Шу кўйи Моҳира эри келиб олиб кетишини кутиб, қайнонасиникида яшай бошлади. Тўсатдан кўнгли айниб, еганини қайтариб ташлай бошлади. “Шаҳарнинг овқати ёқмади, шекилли, ошқозоним буниди. Энди ўлдиришса ҳам шаҳарга қайтиб бормайман”, деб ўйлади у ўзича. Аммо шунча ўзини эҳтиётлаб, кўнглига ёқмаган овқатга қарамаса-да, аҳволи яхшиланавермади. Анчадан бери келинининг

ранги синиқиб, бир афтода бўлиб юрганидан хавотирга тушиб қолган Мехринисо опа Моҳира боғнинг бир чеккасида қайт қилаётганини кўриб қолди-ю, дарров ҳаммасини тушунди. Кейин дарров чолидан суюнчи олгани югурди. Яқинда набиралик бўлишини эшигтан Чори ака қувонгандан-қувонди-ей! Эр-хотин Моҳирани хижолат қилмаслик учун ўзига индашмади-ю, аммо дарров бу янгилик ҳакида қудаларга шипшитиб қўйишиди, келинини еру-кўкка ишонмай, эхтиётлай бошлиди.

Орадан икки ой ўтса-да, Ўқтам хотинини олиб кетгани келмади. Мехринисо опа оғироёқ келинининг бир ўзини юборишга кўзи қиймай, шаҳарга ўзи бирга олиб келди ва ўғлини койий-койий Моҳирани ташлаб кетди. Не ажабки, хотинининг ҳомиладорлигини эшитиб ҳам Ўқтамда ўзгариш содир бўлмади, юраги зигирча бўлса-да илимади. Моҳиранинг “сўққабош” ҳаёти яна бир қабилда давом этаверди.

Нихоят, Моҳиранинг эгизак ўғиллари дунёга келишиди. Бу янгиликдан икки оила аъзоларининг бошлари кўкка етгудек бўлди, ахир бу Ҳасан-Ҳусанлар иккала бобо ва бувилари учун ҳам тўнғич набиралар эди-да! Моҳира фарзандларининг чилласи чиқиб, кунлар исиб кетгунига қадар қишлоқда – қайнонасиникида турди. Эгизакларга гоҳ қайнонаси, гоҳ онаси қарашиб, анча катта қилиб беришиди.

– Онаси, бу дейман, Ўқтаминг жуда ғалати чиқдими, а?.. – гап бошлади Чори ака кечки пайт Мехринисо опа билан ёлғиз чой ичиб ўтиришганида. – Очиги, жуда хайрон қоляпман-да! Унинг ўрнида бошка йигит

бўлганидами, эгизак ўғиллик бўлганидан дўпписини осмонга отарди, бу сўтак бўлса на хотинига қарайди, на фарзандларига меҳри бор. Кимлардир ўғил фарзанд учун икки дунё орасида зир югуради, Ўқтаминг учун эса қўшалоқ ўғиллари ариқдаги сувчалик ҳам қадрли эмас-а! Тавба қилдим, кимга ўхшаган чиқди шу шўртумшуқ боланг, билмадим...

– Вой, қизиқсиз-ей, ўзингиздан ўтиб кимга ҳам ўхшарди? Тавба қилдим-ей! – жаҳл билан тўнғиллади Мехринисо опа.

– Бўлди, кўп минғирлама, келинингга тайинла, эртага ўзим уйига олиб бориб ташлаб келаман. Ўқтамингни бир ақлини киргизиб келмасам-ми?! Агар бир қилғиликни бошлиган бўлса, калласини узиб, қўлига тутқазиб қўяман!

Мехринисо опа лабини тишлади-ю, индамади. Чори ака эртаси куни тонѓда келини билан набираларини олиб, қўшнисининг машинасида шаҳарга отланди. Чори ака ўғлининг уйини кўрди-ю, бу уйда бир неча ойдан бери одам яшashi у ёқда турсин, ҳатто қадам ҳам босилмаганлигини тушунди. Дарров ўғлининг ишхонасига қўнғироқ қилиб чақиртирди, тоза “чангини қокди”, ҳатто бир-икки тарсаки ҳам туширди, кейин “эсини йиғиб олмаса, калласини узиб, қўлига тутқазиб қўйиши”ни айтиб ўшқирди-да, Моҳира билан набираларини ташлаб, уйига қайтиб кетди. Моҳира хеч бўлмаса бир-биридан ширин фарзандлари эрининг юрагини илитишидан умидвор эди. Аммо Ўқтам бўталоқдек ўғилларига худди бегонанинг боласига қарагандек бепарво бокар, ҳатто ўғиллик бўлганидан ҳам қувонмаганди.

Отаси қишлоққа қайтиб кетиши биланоқ Ўқтамнинг яна “кутилмаган навбатчилиги ва илмий тажрибалари” чиқиб қола бошлади. Ёш тажрибасиз, боз устига шаҳар хаётига кўниkmаган Моҳира қўш фарзандларининг ташвишлари билан ўралашиб қолаверди. У гоҳ у боласига, гоҳ бунисига қарап, овқатлантирас, тагликларини ювар, баъзан холдан тойиб, йиқилиб қоларди. Иккита болани қучоқлаб кўчага чиқолмаса... Ҳатто бир неча кунлаб нонсиз қолиб қетар, овқат пиширишга ҳам илож тополмай, шунчаки чой ичиб кўя қоларди. Онда-сонда Ўқтам бир қорасини кўрсатганида юраги тўлиб, дардини айтгудек бўлса, у жеркиб ташлар, “Битта сендами бола?! Ҳамма хотинлар бола тўқкан, ўзи эплаб боқаяпти-ку, сен яна нимангга қийналасан? Ишламасанг-қучламасанг, қорнингни мен боқаётган бўлсан, нега кўзингни сувини оқизаверасан?” деб жеркиб берарди, ҳатто бир сафар бўралатиб сўкиб ҳам кетди.

Шундан сўнг Моҳира эрига индамайдиган бўлди, қишлоқдан хабар олгани бирортаси келса уйига кетишини, шаҳарга қайтиб оёқ босмасликни кўзлаб, тишини тишига қўйиб, чидай бошлади. Аммо фалокат кутиб турмайди-да! Ҳасан-Хусанлар кечаси билан йиглаб чиқадиган одат пайдо қилишди. Энди Моҳира туни бўйи мижжा� қоқмай икки болага қарап, кундузлари уйқусираб юрарди.

Айни ёз, жазирама саратон бошланган эди. Кеч кирганда тўсатдан Ҳусаннинг иссиғи кўтарилиб кетди. Моҳира нима қилишини билмас, ҳароратда оташ бўлиб ёнаётган боласини қучоқлаб, кўкрак тутар, аммо

боласи баттар чинқириб, оёқчаларини типирлатарди. Кўркқанидан Моҳиранинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Энди нима қилса экан? Тун бўлса, касал болани қаерга, кимга олиб бориб кўрсатсин? Аксига олиб йўтам ҳам бир ҳафтадан бери қорасини кўрсатмайди. Кўни-қўшнилар билан ҳам бордикелдиси йўқ, икки бола билан ўралашиб, кўчага чиқолмаса... Қўшнилари ҳам бари ишли одамлар: эрта кетиб, кеч келишади, кирди-чиқди қилишга вақтлари ҳам йўқ. Шу туфайли ҳам Моҳира хеч ким билан таниша олмаганди.

— Вой, художоним-ей, энди нима қиламан?! — беихтиёр йиғлаб юборди Моҳира ўтдек ёнаётган фарзандининг пешонасига қўлини босиб.

Йиғлаб-йиғлаб, юраги хун бўлган Моҳиранинг қулоғига эркак кишининг қаттиқ овози чалинди. У бир сесканиб тушди: йўтам келдимикин? Йўқ, овоз девор ортидан — кўшни хонадондан келаётганди. Кейин аёл кишининг шараклаб кулган овози эшитилди. “Ярим тун бўлса ҳам қўшнилар ҳали ухлашмабди-я?” ажабланиб ўйлади Моҳира ва... хаёлига бир фикр келди. Кўшни аёлдан ёрдам сўраса-чи? Қандоқ бўларкин... Ахир шунча вақтдан бери шу уйда яшаб, ўзи билан бир қаватда ким туришини билмайди, кўшни хонадондагиларни кўрмаган ҳам. Зора, инсофлироқ аёл бўлса, бирон йўл-йўриқ кўрсатса...

Моҳира шу илинж билан шартта ўғлини қўлга олди, ухлаб ётган Ҳасангә бир кур кўз югуртирди-да, эшик томон йўналди. Кўшнининг эшиги ёнида бир зум иккиланиб тургач, аста тугмачани босди. Ичкаридан

майин садо эштилди, аммо орадан бир неча дақиқа ўтса-да, хеч ким товуш бермади. “Кўшнилар ухляяпти, шекилли”, деб ўйлади Моҳира ва ўзининг эшиги томон ўгирилди. Шу зумда қўшнининг эшиги шарақлаб очилди ва остоңада барваста бир эркак кўринди.

– Хўш?! – деди у гумбирлаган овозда бир Моҳирага, бир қўлидаги болага қараб.

– Мен... анави... – Моҳира эркакнинг важоҳатидан чўчиб, бироз ортига тисарилди, қўрқанидан тили айланмай қолди. – Ҳалиги... янгам уйдами?

– Янга-а?! Қанақа янга?! Қиласиган ишинг йўқми сен бекорчининг? Соат неча бўлганини биласанми ўзи? Ярим тунда ҳам садақа сўрайдими, аҳмоқ?!

Эркакнинг сўнгги сўzlари унинг бақиришидан қулоғи битаёзган, қўрқанидан оёқлари чалишиб кетаётган Моҳирани хушига келтирди. Э, бу қўшни уни тиланчи деб ўйлајитими? Вой тавба...

– Мени тушунмадингиз, – зўрға ўзини қўлга олиб, сўз қотди у. – Менга садақа керакмас... мен қўшниман, – у орқасига ўгирилиб, очик турган эшигига ишора қилди. – Манави уйда яшайман. Ҳалиги... болам касал, нима қилишни билмаяпман... Янгам бўлсалар, шунга... қараб берармикинлар, деб...

Бир ёқда манави барзанги эркакнинг олдидаги уят, бир ёқда чарчоқ ва бегона эркакдан кўмак сўрашдан келган хўрлик бир бўлди-ю, Моҳира хўнграб йиғлаб юборди. Шу он қўлидаги Ҳусан уйғониб, онасига жўр бўлганча чириллай бошлиди. Эшик олдидаги барзанги эркак бир зум энсаси қотган қиёфада болали жувонга қараб турди, нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади, аммо... индамади. Шартта эшигини ташқаридан

кулфлади. Ҳамон кўз ёшлари юзини юваётган
Моҳиранинг тирсағидан авайлаб ушлади-да:

– Қани, юринг-чи! – деди амрона оҳангда.

Моҳиранинг уйига киргач, эркак худди ўзининг
уйидагидек бемалол межмонхонадаги телефонда рақам
теришга тушиб кетди. Моҳира ҳамон ўпкасини
босолмай ҳиқиллаганча, чириллаб йиглаётган
боласини силкитиб, овутишга уринаркан, бегона
эркакнинг ҳатти-ҳаракатларини индамай кузатарди.

– Мана, бўлди, – деди қўшни эркак телефонда ким
биландир гаплашиб бўлгач. – Қани, болани менга
беринг-да, дарров ўзингизни босиб олинг. Ҳадеб
йиглайверманг, ҳозир менинг таниш шифокорим
келади, у ёғини кейин кўрармиз. Яхиси, башарани
бир-р ювиб келсангиз бўлармиди? Шифокорим
келганида ўрмондаги ялмоғиз кампирни учратдим, деб
үтакаси ёрилиб кетмасин, тағин...

Нотаниш эркакнинг қаттиққўл одам эканлигини
кўрсатиб турган қош-қовоқлари очилиб, юзида
табассум пайдо бўлди. Унинг овозида акс этиб турган
оталарча меҳрибонлик, акаларча бир ғамхўрликни хис
этган Моҳира жилмайган бўлди-да, боласини унинг
қўлига тутқазди.

– Ана, бўлди, энди қуёш чиқиб кетади, – деди қўшни
эркак боланинг пешонасига кафтини босаркан,
эркалатган оҳангда. – Шундай чиройли кўзларни
йиглатиб, кийнаган аёлни мушукнинг олдига ташлаш
керак, сичқон деб ўйлаб еб қўйсин...

У шунақанги чин дилдан қах-қах отдики, овози
бутун уйни тўлдириб, ортгани айвончага ҳам чиқиб
кетди. Самимий кулги юкумли бўлади, Моҳира ҳам

бейхтиёр жилмайди. Кейин ўзининг ҳолатидан хижолат тортиб, дарров ҳаммомга кириб, юзини ювишга тутинди.

Моҳира юзини артиб улгурмаёқ, эшик тақиллади. Оқ ҳалатли, қўлида каттагина сумка кўтарган, қарироқ бир аёл экан. У қўшни эрқак билан тезгина сўрашдида, дарров Ҳусанни ечинтириб, текширишга тушиб кетди.

– “Тез ёрдам” чақирмадингизми? – сўради шифокор аёл Моҳирага қараб.

– Йўқ, – деди Моҳира эсанкираган кўйи. – Кечаси бўлса... қаерга боришни билмадим.

Шифокор аёл бошини кўтариб, катта кўзойнаклари ортидан Моҳирага тикилди:

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ю... “Тез ёрдам” кеча-ю кундуз ишлайди-ку? Уйингизда телефонингиз ҳам бор экан...

– Билмадим... – Моҳира ерга қараб, дувва қизарди.

Шифокор аёл Ҳусанни эмлаб, унинг томоқ безлари яллиғланганини, бу жуда хавфли эканлигини, аммо дориларни ўз вақтида ичириб турса асорат қолмаслигини таъкидлади. Кейин Моҳиранинг қўшниси шифокор аёлни йўлаккача кузатиб чиқди, оstonага етганида чўнтағига бир нечта минг сўмлик пул солиб қўйди.

– Бўгти, синглим...

Қўшни эрқак шундай деб, иссиғи тушиб, мудрай бошлиган Ҳусанни кўтариб турган Моҳирага ўгирилганди ҳамки, ётоқхонадан Ҳасаннинг йиғлагани эшитилди. Эрқак ажабланиб бир Моҳиранинг қўлидаги Ҳусанга, бир ётоқхонага қаради:

– Ие... бола овозими?

– Ҳа, Ҳасаним уйғонди, шекилли, – деди Моҳира хижолатомуз оҳангда. – Раҳмат, яхшиям баҳтимизга сиз бор экансиз...

– Э-э, синглим, бўлди-бўлди, оламни сувга чўқтириб юборасиз, – кўшни эркак Моҳиранинг киприкларига қалқсан кўз ёшини кўриб, ҳазиллашди. – Кўп ҳавотирланаверманг, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳа-а, айтганча...

Кўшни ниманидир сўрашга чоғланди-ю, аммо индамай қўя қолди. Негадир бошини сарак-сарак килди-да, ўзининг эшигини очишга тутинди. Моҳира дарров ўзининг эшигини ёпди, иссифи тушиб, жони ором олганча мудрай бошлаган Ҳусанни жойига ётқизиб, Ҳасаннинг иштончасини алмаштиришга тушди...

Эрталаб Моҳира боласининг анча тузуклигини кўриб, юраги жойига тушди, тунда кўрқканлари ўзига эриш туюлди. Айниқса, боласини кўтариб, кўшнисиникига чиққанини, у эса ўзини тиланчи ўрнида қабул қилганини эслаб гоҳ кулгиси қистаса, гоҳ уятдан юзлари ловуллаб ёниб кетарди. “Вой, шарманда! Қай юз билан уялмай қўшнисиникига югуриб чиқибман-а?!” деб ўйларди у тинмай.

Телефоннинг овози унинг хаёлларини бўлди. Моҳира ўрнидан қушдек учиб турди. Ҳайрият-ей, охи Худога етиб, Ўқтам акасининг хабар олгиси келибди-да! Энди кўрқмаса ҳам бўлади...

– Алло, синглим, яхши ўтирибсизларми? – гўшакдан нотаниш эркакнинг овози келди.

— Вой, ўлай, ким бу? — чўчиб тушди Моҳира.

— Худо асрасин, ўлимни гапирманг, синглим! — амрона овоз янгради. — Мен кўшнингизман, шунчаки асалтойнинг аҳволи яхшими, деб сўраб қўймоқчи эдим, холос...

Моҳира қўшнисининг овозини эндинга таниди, ҳол-аҳвол сўраб, яна бир карра раҳмат айтди. Гўщакни жойига қўйганидан сўнг эса шунча ёрдам берган меҳрибон қўшнисининг ҳатто исмини ҳам сўрамаганлигини эслаб, хижолат бўлди.

Хусан тузалгунича, қўшни бир неча марта кўнғироқ қилиб, аҳволини сўради, унинг таниш шифокори — ўша тунда келган аёл ҳам бир-икки марта хабар олиб кетди. Ўктадан эса ҳамон дом-дарак йўқ. Моҳира эрини қаердан излашни ҳам, нима қилишини ҳам билмасди. Аксига олиб, қишлоқдагилар ҳам жим-жит, на қўнғироқ қилишади, на биронтаси келади. Бу орадан ўтган сафар Ўкта ташлаб кетган пуллар ҳам тугаб бўлди, ҳали Хусанга яна дори олиши керак...

Оғир ўйлар исканжасида ўтирган Моҳира жиринглаган товушни эшишиб, аввал телефон томон югурди, кейин эшик қўнғироги жаранглаётганини тушуниб етиб, хурсанд бўлиб кетди. Ҳайрият, Ўкта акаси!

У юргилаганча келиб, шартта эшикни очди. Қаршисида шипдай бўлиб... қўшни эркак турарди. Бир қўлида етим халтага солинглан дориларни, бир қўлида иккита паҳмоқ кучукчани ушлаган эркак хижолатомуз бир қиёфада жилмайди:

— Узр, синглим, мен асалтойлардан бир хабар олай, дегандим...

У кўлидагиларни Моҳираға тутқазди-да, эътиrozга ўрин қолдирмайдиган бир қатъият билан йўлак томон қадам ташлади. Моҳира беихтиёр четга сурилиб, унга йўл берди. Нима учундир у ҳозир етти ёт бегона, ҳатто исмини ҳам билмайдиган бу эркакдан тортинмади. Ҳатто қўрқмади ҳам. Қўшни ҳам худди уни минг йилдан бери танийдигандек, тортинмай тўғри мөхмонхонага кирди, палос устида эмаклаётган эгизакларнинг қай бири Ҳасану, қайсиниси Ҳусанлигини дарров ажратиб олди ҳам, бирпасда Моҳиранинг бутун ўтмишини “суғуриб” билиб олди, ўзининг хаёти ҳақида ҳам сўзлаб беришга улгурди. Моҳира ўзини Зоҳир деб таништирган қўшниси каттагина лавозимда ишлашини, турмуши ҳам анчагина бадастирлиги, аммо хотинининг хиёнати туфайли ажрашиб кетишгани-ю, энди аёл зотига сира ишонмай қўйгани ҳақидаги “ҳасрати”ни тинглаб, тоза ажабланди. “Тавба, шундай келишган, кўркам, топармон-тутармон, меҳрибон эркакка ҳам ҳиёнат қилишарканми? – ич-ичидан ажабланарди Моҳира. – Шунчалик ношукр аёллар ҳам бўларкан-да?”

Айни дамда эса Зоҳир палос устида ўмбалоқ ошаётган Ҳасан-Ҳусанларга қарапкан, қаршисидаги париваш келинчақни зимдан кузатиб, ўзича ажабланарди. У ўша тунда ўзи тиланчи деб ўйлаган аёл қўшниси эканлигини тушуниб қолиб, унга ёрдам берганидан сўнг уни кўп ўйлайдиган, Моҳиранинг чехраси сира кўз олдидан кетмайдиган бўлиб қолғанди. Зоҳир ўзи билан бир қаватда турадиган эгизак фарзандли ёлғиз жувонни кўриб, аввал ажабланганди. Торгинчоқ, уятчан, устига-

устак қишлоқдан келғанлиги аниқ кўриниб турган ёшгина жувоннинг “профессионал ёлғиз она”лар тоифасидан эмаслиги аниқ эди. Қизиқиши устун келди ва Зоҳир киши билмас суриштиргач, бу уйнинг эгаси қайсиdir институтда ишлайдиган Ўқтам исмли ўқитувчи йигит эканлигини, аммо у ёшгина хотинини бу уйга ўтқазиб кўйиб, ўзи бошқа жойда бир аёл билан беникоҳ яшашини, ундан бир ўғли ва бир қизи борлигини, ҳозир ишлари унчалик юришмай қолганлиги учун иккита оилани таъминлай олмаётганини билиб олди. Ҳозир эса Моҳира эрининг “илмий кашфиётлар яратиш учун туну-кун тажрибаонасидан чиқмайдиган, ҳафталаб ишхонасида қолиб кетадиган олим” эканлигини сўзларкан, Зоҳир бу аёл эрининг ўтмиши ва қилмишларидан буткул бехабарлигини тушунди. Шу билан бирга Ўқтам ҳақидаги бор ҳақиқатни гапириб бериш ниятидан ҳам қайтди. Барибир бундан фойда йўқ, эрини севмаса-да, ардоклаган бу содда аёл уни ёмонлашса ишонмаслиги турган гап.

Кунлар елдиримдек учиб ўтар, лекин Моҳира энди илгаригидек сиқилмаётганини сезарди. Эшик қўнғироғининг овози ёки телефон жиринглашини эшитганида эса, илгаригидек юраги орзиқиб кетарди-ю, аммо Ўқтамни эмас, балки... қўшнисини кутаётганини сезиб, ич-ичидан уялиб кетарди. Кунда-кунора қўнғироқ қилиб ёки ишдан қайтаётганида бирров остона ёнида турганча “асалтойларнинг аҳволини” суриштирадиган қўшнининг баджаҳл қилиб кўрсатувчи чимирилган қошлари, худди қарғисидаги

кимсанинг ичидағи сирини суғуриб олмокчидек тикилиб қарайдиган синчков күзлари сира хаёлидан кетмас, дақықа сайн унинг босиқ, осойишта овозини эшитгиси келаверарди. Моҳира борган сари Зоҳирга кўпроқ боғланиб қолаётганини сезар, аммо бунинг сабабини тушунмасди. Севиб-севилишга интизор юраги севмаган инсон қўлига топширилиб, кераксиз буюмдек бир четга ташлаб қўйилганиданми, юраги тўла меҳр-муҳаббати сарфланмай, тўлиб-тошиб ётганиданми, эри бўла туриб бевалардан баттар ҳаёт кечираётганиданми ёки... Балки ўзининг пешонасига битилган муҳаббатини энди учратдимикин, ким билсин?..

Моҳира ўйлаб-ўйлаб, ўйига етолмай, боши қотган кунларнинг бирида Ўқтам кўриниш берди. У одатдагидек бир нарсаларни баҳона қилиб, хотинининг қулоғига “лағмон осаркан”, Моҳира тўсатдан илгари ўзи сира сезмаган бир ҳолатни ҳис этди. Унинг юрагидаги Ўқтам акасига аталган жой ҳозир бўум-бўш эди. Бу бўшлиқни ҳатто ҳавосиз коинотга ҳам қиёслаб бўлмайди, чунки у ерда ҳам юлдузлар, сайёralар, жуда бўлмаганде метеоритлар бор. Моҳиранинг юраги эса мутлақо бўш эди!..

Ўқтам хотинидаги ўзгаришни сезди. Сезди-ю, аммо буни “тоби йўқ”ликка йўйди ва Моҳира оби-дийдасини бошламасидан олдинроқ туёқни шиқиллатиб қолишни маъқул кўрди. Моҳира бир ойдан ошикроқ вақт давомида қорасини кўрсатмаган эри ҳатто меҳмонхонада эмаклаб юрган ўғилларига бирров назар ҳам ташлаб қўймаганини алам билан ўйлаганча ланг

очик эшикка суюниб тураркан, йўлак зинасидан тепага кўтарилаётган оғир-оғир қадам товушлари эшитилди. Аёлнинг ҳозиргина қоронғу зулмат қаърига чўмиб, мутлақо бўм-бўш бўлиб қолган юраги ўзининг борлигини билдиргандек тез-тез уриб кетди. Қоронғулик қаърида юлдузлар чараклаб, камалақдек рангин нурлар тараля бошлади. Моҳира ўзининг ҳолатидан ўзи ажабланиб, беҳолгина эшикка суюнди: “Наҳотки... уни севиб қолган бўлсам?” Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, ахир унинг оиласи, фарзандлари, ойлаб хабар олмаса-да, бошида эри бор-ку... Бу ёғи энди нима бўларкин?

Юрак қурғур эса худди қафасидан чиқиб кетгудек гупиллаб урар, унинг қаърида ожиз бир илҳақлик бор эди: “Хозир... ҳозир у кўринади...”

Нихоят, зулматга чўккан юрак қаъридан қуёш балқди: икки қаватни бирлаштирувчи зинадан чиқиб келган Зоҳир Моҳиранинг қаршисида тўхтади. Худди жуда узоқ вақт кутган одамини кўргандек Моҳиранинг мижжаларидан қайноқ ёшлилаб дувиллаб оқиб кетди...

ЎКИНЧ

– Чой олинглар! Чой! Аччиққина яхна чой!

Кирлигидан туси билинмай кетган олачалпок рангли халтадаги совук чой солинган 7-8 та елим идиш ва иккита учган-нетған пиёлаларини зўрға кўтарганча, пештахталарга анқайган ҳаридорларни оралаб аста кетаётган Мадина бири-биридан ажойиб, турли-туман молларини кўз-кўзлаб ўтирган сотувчиларга илтижоли

боқади.

— Ўзинг жимитдайсан-ку, овозинг нақ ўқдек-а! — гап қотди бекорчиликдан эснаб ўтирган бақалоқ йигит қизчага қараб.

Гарчи йигит эсноқ аралаш, худди ўзига ўзи гапираётгандек пинғиллаб гапирган бўлса-да, Мадина уни дарров эшитди ва тўхтаб, йигитга саволомуз қаради:

— Чой ичасизми, амаки?
— Мен амакинг эмасман, амакинг уйингда қолган! — тўнғиллади йигит қизчага ўқрайиб. — Чойинг муздекми, ишқилиб?

— Ха, ойим эрталаб музлатгичдан олиб берганлар, — ҳозиржавоблик билан бидирлади бозорчиларнинг кўпол муомаласига ўрганиб кетган Мадина йигитнинг тўнғиллашига эътибор ҳам бермай ва халтасини ерга қўйиб, елим идишлардан бири билан пиёлани ола бошлади. — Бир пиёла етадими?

— Тўхта, ўзимнинг идишим бор, — жиркангансимон деди йигит ва пештахта остидан каттакон пиёла олиб, гапида давом этди. — Сенинг пиёлангни кўрсам, кўнглим озиб, нақ бир хафта чой ичолмай юраман. Манави пиёла деб кўтариб юрганинг, мабодо... итингнинг ялоги эмасми, ишқилиб?

Йигитнинг гапини тушуниб етмаган қизча кўзларини пирпиратиб, унга қараб қўйди-ю, аммо индамади. Чой ичаётган йигитнинг ёнидаги шериклари “гап тагидаги гап”ни тушуниб, гуррос кулги кўтаришди. Йигитларнинг кулгисидан чўчиб кетган қизча чой ҳақи — битта ғижимланган эллик сўмлик ва иккита йиртик-

чиртиқ йигирма беш сўмлик пулларни кафтиға
ғижимлади-ю, бу ердан тезроқ узоқлашишга шошилди.

Бозорнинг охиридаги эгалари кетиб бўлган бўш
пештахта ёнига етиб қолган Мадина чарчаганини
эндигина ҳис этди. У бетон қопланган ерга ўтирди-да,
пештахтага суюнди. Чарчаганидан кўзлари ўз-ўзидан
юмилиб кетарди. Ҳа, авжи саратонда, одам қайнаган
катта бозорда қун бўйи чой солинган елим идишларни
кўтариб юришнинг ўзи бўлмайди. Аммо у шунга
мажбур. Энг муҳими, бугунга мўлжалланган
чойларининг ҳаммасини сотиб бўлди. Энди юрак
ховучламай, уйига борса ҳам бўлади. Баъзи кунлари
савдоси юришмай, чой солинган идишларни кўтарганча
қун бўйи, то бозорчиларнинг бари молларини
йиғишириб, бозор эшиклари ёпилгунига қадар шу
атрофда изғиб юради. Бу орада “муздеккина” чойнинг
муздеклигидан асар ҳам қолмай, ҳарорати илиқдан
ҳам анча тепага чиқиб кетган бўлади. Агар Мадина
эрталаб уйдан олиб чиқиб кетган чойининг ҳаммасини
сота олмай, қайтариб олиб борса борми... Ҳамма
томуша ана унда бўлади... Йўқ, бу ҳакда ўйламагани
ҳам маъқул...

Уйидаги бақир-чақир, жанжаллар ва... калтакларни
эслаганидаёқ қизчанинг мудроқ босаётган кўзчалари
қўркувдан чараклаб очилиб кетди, юракчаси беихтиёр
гупиллаб ура бошлади. Дарров халтасининг
чўнтагидаги буқланган, ғижимланган, у ер-бу ери
йиртилган пулларни олиб, текислаб, санай бошлади.
қизиқ, нима учундир пули одатдагидан кўпроқ чиқди.
қизалоқ яна қайта санади: тўғри, уч юз сўм кўп чиқяпти.

Пул кам чиқса, бунга ажабланмасдику-я, аммо ортиқча чиқса ғалати бўларкан...

Мадина тўсатдан эслади: боя, эрталаб, бир ҳаридор амаки икки пиёла совуқ чой ичгач, “Барака топ, қизим!” деб беш юз сўм узатганди. Мадина дарров унга қайтимиини узатди, аммо аллақачон оғир тўрхалталарини қўлига олишга улгурган амаки “Керакмас, ўзингга сакич ола қол, она қизим!” деб жилмайиб қўйди. Бу кишининг оталарча меҳр ила жилмайишини қўриб, Мадинанинг юракчаси орзиқиб кетди, дадасининг “Она қизим, асал қизим!” деб эркалатишлари, хар куни кечкурун ишдан қайтаётганида биронта ширинлик, жуда бўлмаганда, сакич кўтариб келиши эсига тушиб, соғинчи кўзларидан дувиллаб оқиб чиқишига шайланди ҳам. Аллақачон одамлар орасига кириб кетган “амаки”нинг изидан қараб қоларкан, қизча узатилган қўлидаги қайтимни беихтиёр чўнтағига солиб қўйганди...

Ҳозир ўша эрталабки воқеани эсларкан, қизчанинг кўзлари ёшга тўлди. Эҳ, дадаси тирик бўлганида-ку, у ўртоқлари сингари мактабда мазза қилиб ўқиб юрган, бозорда чой сотишнинг машаққатларини хаёлига ҳам келтирмаган бўларди-я...Афсуски, ҳар доим ҳам хаётда инсон истаған нарсалар бўлавермайди-да!

* * *

Курбон билан Маърифат уч нафар қизларини еру-кўкка ишонмас, ҳатто шамолдан-да эҳтиётлаб, авайлаб ўстиришаётганди. Ахил-иноқ яшайдиган бу оиласга қўни-қўшнилар ҳам ҳавас билан қарашар, доим ёшларга баҳт тилашганида шу оиласдаги меҳр-оқибат

кўз олдиларига келарди. Аммо, назар-нафас деган нарсалар ҳақиқатан ҳам бор, шекилли, туппа-тузук юрган, умрида соғлиғидан шикоят қилмаган Қурбон тўсатдан ётиб қолди. Шифокорлар унда ўпка саратони бошланганини, лекин касаллик ҳозирча бошланғич даврда бўлиб, жарроҳлик операцияси ўtkазилса, унинг ҳаётини асраб қолиш мумкинлигини айтишди.

— Вой, саратон бўлмай ўлсин-а, бу дарди бедаво сизга қайдан илаша қолди? — деб йиғларди Маърифат. — Сирам қаттиқ шамолламаган эдингиз-ку, ахир??

Қурбон ўйлаб қолди. У бир марта – ўрмоннинг ўртасида жойлашган ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётганида қаттиқ шамоллаганди. Қуёшли юртда туғилиб-ўсиб, қаттиқ совуқларни кўрмаган йигит кузда ҳарбий хизматни ўтагани йўл олганида рус ўлкасининг қишлоғи шунчалар шафқатсиз бўлишини хаёлига ҳам келтира олмаганди. У жуда оғир шамоллаган – қиш кирганидан то баҳорнинг ўрталарига қадар йўтал ва кураклари остидаги оғриқдан қийналганди. Ҳарбий хизматнинг иккинчи йилини эса Озарбайжондаги ҳарбий қисмда давом эттирган, аммо у ерда қиши учалик қаттиқ бўлмаган эди. Тўғри, ёшлиқ экан-да, Қурбон ўшандада қаттиқ шамоллаганини аллақачон эсидан чиқариб юборган, факат баъзан қаттиқ совуқ қотган пайтларида кураклари остида оғриқ туриб қолар, аммо бир-икки кундан кейин ўтиб кетгани учун ҳам бу ҳолатга учалик эътибор бермасди. Агар ўша пайтлари шифокорга борганида борми, манавиндақа фалокатлар бўлмасмиди? Аммо кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ-да...

Гарчи жарроҳлик операцияси оғир эканлигини билса-да, Курбон унга рози бўлди. Шифокорлар жарроҳи яхши ўтганини, энди бу ёғи нима бўлишини вақт кўрсатишини таъкидлашди. Энг ёмони Курбоннинг тўшакка михланиб қолгани чатоқ бўлди: энди рўзғор ташвиши ва болаларнинг парвариши Маърифатнинг бўйнида қолганди. Аслида мактабда ҳам тузук-қуруқ ўқимаган, қўлида биронта хунари ҳам бўлмаган аёл бирданига ойланинг ола хуржуни елкасига тушганидан довдираб қолди. Бахтига, уйларининг ёнида жойлашган боқчага фаррош кераклигидан дарак топди-ю, кўзи чараклаб очилгандек бўлди. Аммо фаррошнинг маошига уч болани боқиш, улардан орттириб яна касал эрни парвариш қилиб бўлармиди?

Бадастир яшаб ўрганган болаларнинг кам-кўстлари сира тугамас, етишмовчиликлар бўғзига келган Маърифат сиқилганидан ўзини қўйгани жой тополмай қоларди. Доимий етишмовчиликлар феъл-авторига таъсир қилди, шекиляли, Маърифатнинг оғзи нолищдан бўшамайдиган бўлиб қолди, тинмай шанғиллайдиган одат чиқарди. Аммо табиатан кўнгли бўш ва мўмин одам бўлган Курбон унга қаттиқ гапира олмасди. “Тўғри-да, унгаям қийин, ахир хотин киши рўзғор тебратишининг ўзи бўлмайди, – деб ўзига тасалли берарди у хотинининг шанғиллашига қулоқ солганча, тишини-тишига қўйиб ётаркан. – Менинг ётишим бу бўлса, бу ёқда яна қизларимнинг кам-кўстини бутлаши, қорнини ва эгнини ўйлаши ҳам керак. Менинг қачон тузалишим номаълум...”

Чорасизлик қийин экан: ҳатто эркак кишининг ҳам иродасини букиб қўяркан. Курбон танасини аста-секин емираётган дард ва жон олғувчи оғриқларга чидарди-ю, аммо хотинининг нолишларига дош беролмасди, шунинг учун ҳам Маърифатнинг жағини очмаслик учун ўзини оғирликка солар, ҳатто нафас етишмай қолганида ҳам уни чакирмай, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, чидашга уринарди. Бахтига қизлари бор экан, доим ёнида ўтиришади, гоҳ дорисини ичишга кўмаклашишса, гоҳ чой дамлаб беришади. “Она қизим, асал қизим, бону қизим” деб эркалаторди Курбон тўнғич қизи Мадинани. Шу қизига ҳам қийин бўлди: эндинга тўққиз ёшга кирибди-ю, худди бутун дунёнинг ташвишини елкасига ортиб олгандек бирам жиддий-ки! Маърифат эрталаб “Ишга кетяпман” деб чиқиб кетади, уйдаги ҳамма юмуш: касал отасини парвариш қилишдан тортиб ҳатто овқат пиширишгача барчаси шу муштдеккина қизчанинг елкасида қолади.

Курбон шу ётган жойида ҳам Мадина қизига ёрдамлашишга, беш ёшлик Гўзал билан эндинга икки ёшга тўлган Шаҳрибонуни овутиб ўтиришга уринади, фақат ўрнидан туролмагани боис қизининг тувак тутишини истамайди, тишини-тишига босганча хотини ишдан қайтишини кутиб ётаверади.

– Вой-вой-ей, ўлар бўлсан ўлиб бўлдим, бу азоблар ҳам бормиди-я менга? – деб уввос тортиб юборди бир куни ишдан қайтган Маърифат эрининг “дарди”ни эшитгач.—ўзи бутун бошли боғчани ювиб-тозалагунчаку, ўпкам шишиб кетганди. Энди дам олиш ўрнига тувак тутишим ҳам керакмиди-а?!

— Хой, секинроқ шанғилла, бόлалар эшиитмасин! — хитоб қилди Қурбон чидаёлмай.

— Шанғиллайман! Керак бўлса — дод соламан! — янада жазавага тушиб чинқира кетди Маърифат. — Нима қиласай, менинг ҳам жонимга тегиб кетди бундай хаёт!

— Ҳаётдан нолима, ахир қийналаётган сен эмас, балки мен-ку? — босиқлик билан гап бошлади Қурбон. — Нима, жонинг қийналгани устига яна фарзандларинг ҳам азоб тортаётганини кўриб ётиш осон деб ўйлайсанми? Сен буларни тасаввур ҳам қилолмайсан...

— Яна нималарни тасаввур қилишимни хоҳлайсиз, бундан ҳам баттари бўладими? — шартта эрининг гапини бўлди Маърифат. — Тавба, бу кишим қийналаётганишлар... Унда мен рақс тушаётган эканманда-а?! Қорнингизни тўйдирсам, исқиртингизни тозаласам, болаларингизни боқсам, яна “пүф сассик”қа чиқибман-да...

Маърифат шу тариқа ярим соатча вайсади-да, кейин эрининг “дарди”ни ҳам унугди, шекилли, куни бўйи ўзига илҳақ бўлиб ётган дардманга тувак тутишни ҳам паққос унутиб, тўрхалтани олганча кўча бошидаги бозорчага чиқиб кетди.

Хотинининг шанғиллашидан дарди-дунёси зулматга чўмган Қурбоннинг бутун вужуди карахтлик қўйнига чўмганча, шифтга тикилиб ётарди. Тўсатдан пешонасига муздек нарса тёkkанини сезиб, кўзини очди. Қараса, Мадина кўзлари тўла ёш билан тикилиб турарди.

— Дадажон, ўша тувак ўлгурни ўзим олиб бера қолай сизга, ойим шундан баҳона топмай кўя қолсинлар, — деди қизалоғи ҳазин товушда. — Илтимос...

Курбон чидаёлмади: шунча дардга, оғриқларга чидаган одам иложсизликдан, чорасизликдан, шунаканги кунларга қолганидан ер муштлаб ўкириб юборди. Дадасининг йиғлаганини кўрган Мадина ҳам чидаёлмай, унга шерик бўлди.

Маърифат бу пайтда бозорчада картошка-пиёз сотадиган синглиси Муяссарга ҳасрат қилиб, дардлашганча сомса еб ўтиради.

– Ўзи-ку, оёғини осмонга кўтариб, “олма пиш – оғзимга туш” деб ётибди, яна ўлардек чарчаган пайтимда тувак туттиришига бало борми? – ёзғирауди у жаҳл устида сомсани икки тишлаб, ютиб юбораркан.

– Ўлардек пол ювиб, ўзига қўшиб болаларини ҳам боқсам, яна дори-дармонларига ҳам пул топсам-да, бу ҳам камдек, мендан яна хафа бўлади, жувонмарг бўлгур! Нима эмиш, куни бўйи менинг келиб тувак тутишимни кутганмиш. Ишдан вақтлироқ қайтишимни талаб қиляпти... Уф-ф, жонимга тегиб кетди, касал эр билан яшаш қийин экан...

Маърифат ўз-ўзига ачиниб кетди-да, хўрлиги келиб йиғлай бошлади.

– Ҳа-а, опа, боқиманда эрингизни ётқизиб қўйиб боқаверасиз-да, энди! – деди Муяссар кесатиб. – Худонинг атагани шу бўлгандан кейин, каерга ҳам борардингиз?

– Тузалса тузала қолмади, ўлса ўла қолмади! – хитоб қилди Маърифат жаҳл устида.

– Э, ўлишини кутиб ўтирасизми, шартта ўзингиз нариги дунёнинг йўлинни кўрсатиб, кавушини тўғрилаб юбормайсизми? – деди Муяссар.

Унинг гапи нашъа қилиб, опа-сингил бараварига кулиб юборишиди. Маърифатнинг кўнгли бироз очилгандек бўлди. Муяссар опасига фаррошлиқдан фойда йўқлигини, ҳамма пул савдода эканлиғини уқдириб, ёнига чиқишига ундаи бошлади. ўзи шусиз ҳам қаердан пул топишини билмай юрган Маърифатга синглисиининг маслаҳатида жон бордек кўринди-да, “Бўпти”, деб қўя қолди. Опасининг айниб қолишидан чўчиган Муяссар дарров ёнидан бир даста пул чиқариб, ярмини унга берди.

— Бу сизга дастмоя – эртага эрталаб вакъти чиқиб, улгуржи бозордан картошка-пиёз олиб келамиз, кейин менинг ёнимда ўтириб сотишининг ҳавосини оласиз. “Бозорнинг гулий”га айлангач, у ёғини ўзингиз биласиз, – деди.

Синглисиининг меҳрибонлигидан бироз кўнгли кўтарилиган Маърифат уйига қайтди, Мадина пиширган гўштсиз маставага қайрилиб ҳам қарамади, “Эрталаб вакъти ишга кетишим керак”, деганча ётиб ола қолди.

Бозорга чиқиб, кўлига бироз пул кириб қолгач, Маърифатни аси ҳам бироз очилгандек бўлди, аммо эрига кечи тушди дегунча яна тумтайиб оларди.

Бир кунн савдо қилиб ўрганмаганидан бироз тортиниб-қимтиниб ўтирган Маърифатни кўрган бозор паттачиси Шокир унга узоқ тикилиб қолди, кейин олдига келиб:

— Агар янгишмасам, сиз Курбоннинг оиласи бўласиз-а? – деб сўради.

— Ҳм, – гапни қисқа қилди аёл.

— Ҳа-а... – чайналиб қолди Шокир, кейин танияпсизми? Ахир мен

Курбоннинг синфдоши Шокирман-ку?

– Ҳа, ҳа, танидим, – деди Маърифат уларнинг гапи тугашини кута-кута, охири нариги томонга ўтиб кетган ҳаридор жувонни кўз қири билан кузатиб қоларкан.

– Оғайним касал деб эшитдим, шу ростми? – гапнинг индаллосига ўтди Шокир.

– Ҳа, – деди Маърифат секингина, ичида эса олдида гумбаздек бўлиб туриб олиб, ҳаридорларининг йўлини тўсаётган манави паттачини яниб қўйди: “Оғайнимиш-а! Оғайнини бўлсанг, саккиз ойдан бери хеч бўлмаса бир марта бош суқардинг ўша қирғин келгур дўстингнинг уйига! Эримнинг касал бўлганини, тўшак тортиб ётганини бутун олам-жаҳон билиб бўлган-ку; манави пўстак ижикилаб, ҳаридорларимнинг йўлиб тўсиб туриб олганини-чи!”

Шокир паттачи аёлнинг тумшайиб олганини ўзича тушуниб, нари кетди-ю, аммо кечқурун қоғоз халтада олма-узум ва иккита патир кўтариб, Курбондан хабар олгани кирди. Тўғри, Курбон билан наридан-бери ҳолаҳвол сўраган бўлди-ю, оғайнисининг қўлига бироз пул тутқазди.

– Оғайнини, хафа бўлма, буям йиги учун бир синов-да! – деди мулзам бўлиб, пулга кўл узмайтган Курбонга. – Ҳақиқий дўст шундай кунда билинади. Ҳали бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасан. Агар пулдан кийналиб қолсанг, оғринимасдан келинни олдимга жўнатавер, бу дунёда қилган яхшилигимиз қолади...

Шокир мажбурлаб Курбоннинг қўлига пулни тутқазиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлаётганида Маърифат кирди. У хонадаги гап-сўзларни йўлакда туриб эшитиб

олган, шу сабабли Шокирга бўлган муносабати бутқул ўзгарганди. У эрининг оғайнисини бир пиёла чойга таклиф қилди, Шокирга ҳам аслида айни шу керак эди. Оғайнисининг оқибатидан юраги тўлқинланиб кетган Курбон ҳам хотинининг таклифини маъқуллади ва Шокир улар билан бирга кечки овқатга қолди.

Шу-шу, Шокир Курбондан хабар олгани тез-тез кириб турадиган бўлди. У доим ҳар хил ноз-неъматлар кўтариб келар, Курбоннинг олдида Маърифатга пул бериб, “Оғайнимнинг, болаларнинг камига яратарсиз”, дерди. Курбон ўртоғининг бу меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, юраги тўлқинланар, “Яхшиям, баҳтимизга шу ўртоғим бор экан, кунимизга яраяпти”, дерди.

Шунақанги кунларнинг бирида тўсатдан ҳовлида янграган қаҳ-қаҳа товуши Курбоннинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Одатда Маърифат эридан хурсанд бўлганида ҳудди шунақанги ҳандон ташлаб куларди. Ҳозир эса бу қаҳ-қаҳа Курбоннинг кўнглига ҳиёнатнинг исини олиб келгандек бўлди. Қанийди, ўрнидан туролса-ю, ҳовлида нималар бўлаёттанини ўз кўзлари билан кўрса!

Адашмаганлигига Курбоннинг ишончи комил эди, аммо дўсти Шокир ўзининг юзига оёқ қўйишига ишонмасди. Дарди етмагандек, энди шубҳалар юкидан ҳам қийнала бошлаган Курбон кундан-кунга сўлиб борар, Маърифат эса гулдек очилиб, хаётдан мамнун яшарди. Бир сафар эса “дўстидан хабар олгани” келган Шокир уларнинг уйида тунаб ҳам қолди. Тўғри, буни Курбон аниқ билмаса-да, хотинининг эрталаб гулдек яшнаб туришидан гумон қилди. Буниси ортиқчалик

қилди: ётган жойида хотинини ҳам, иймонсиз дўстини ҳам қарғади, аммо унинг қўз ёшларини оқ-коранинг фарқига бормайдиган мурғак қизларидан бўлак хеч ким кўрмади.

Орадан бир ҳафтача чамаси вақт ўтиб, Шокир яна шоир таърифидаги сингари “қўйни-қўнжинитўлдириб” кириб келди, аммо мум тишилагандек оғиз очмай, кўзларини чирт юмиб ётган Қурбоннинг аҳволини кўриб ҳайрон бўлди, кейин “Нима бўлди?” дегандек Маърифатга қараб қош қоқди. Маърифат елка учирив кўя қолди. Шокир худди хеч нарсани билмагандек бир неча дақиқа бемаза-бематра гаплари билан Қурбоннинг бошини қотирди-да, кейин хайр-маъзурни насия қилиб чиқиб кетди. Кўлидан хеч нарса келмаслиги, ноилож-у ожизлигидан тақдирига минг лаънат ўқиётган Қурбон тишини-тишига қўйганча шифт бурчагида осилиб турган исга тикилиб ётарди. Ҳатто қизи Мадина кириб, дорисини қошиқда оғзига тутганида ҳам индамади. Кизалоқ миттигина кўлчалари билан дадасининг озиб, териси суюгига ёпишиб қолган ўзларини, чуқур ажинлар тилиб ўтган пешонасини силаркан, тўсатдан кўзлари катта-катта очилиб, хитоб қиласди:

– Вой!

Қурбон мажолсизгина кўзларини қизига саволомуз қадади. Дадаси касал бўлганидан бери кўп нарсани кўравериб, ақли кириб қолган Мадина унинг унсиз саволини дарров тушунди.

– Сочингиз оқариб кетибди! – у қўрқанидан титраётган бармоқчаларини аста дадасининг соchlарига теккизди. – Пахтадек оппоқ!

Курбон гапиришга ҳам ҳоли келмай, аста кўзини юмди. Нимаям десин, барибир ҳозир унга ва дадаси касал бўлганида бирданига болалигини йўқотиб кўйган қизалоғига тасалли бўладиган биронта сўз йўқ эди дунёда. қизча эса ҳамон дадасидан жавоб кутаётгандек кўзларини мўлтиллатганча унга тикиларди.

– Бориб дамингни олақол, қизим, – деди ниҳоят Курбон зўрға тили гапга айланиб. – Укаларингга ҳам қара.

– Дадажон, анави...

Мадина гап бошлиди-ю, у ёғини гапиролмай тураверди. Бир неча дақиқа кутгач, Курбон бир амаллаб кўзларини очиб, қизига қаради:

– Ҳа, қизим?

Мадина боши билан эшик томонда турган тувакка ишора қилди, гарчи Курбон у ёққа қарамаган бўлса-да, қизининг мақсадини дарров тушунди:

– Керакмас, – кейин қизига миннатдор кўзларини тикди. – Она қизим, асал қизим, бону қизим...

– Керак бўлсам, чақирапсиз, – деди худди катта одамлардек жиддий оҳангда Мадина ва кўшиб кўйди.

– Мен бориб Гўзал билан Шахрибонуни ухлата қолай.

Қизи чиқиб кетгач, Курбоннинг кўзлари қайноқ ёшга тўлди. У ҳозир ўлишни шунчалик истарди-ки...

– Эй, қодир эгам, агар ҳақиқатан ҳам бор бўлсанг, жонимни олиб қўя қол! – ингради у тишларини гичирлатганча. – Бундай ожиз-нотавон бўлиб ётгандан кўра, ўлганим минг марта яхши! Шунчалар ҳам ноҷорлик бўладими, ҳатто ўз-ўзимни ўлдиришга ҳам кучим етмаса-я!..

Оlamга тун чўкиб, ҳаммаёқ осудалик қўйнига чўмган онда тўсатдан қўшни хонадан эркак билан аёлнинг эҳтиросли товушлари эшитила бошлади. Курбоннинг юраклари ўртаниб кетди, шунчалар нотавон, иложсиз қилиб қўйган тақдирига лаънат ўқиди, яна худодан ўзига ўлим юборишини ўтина бошлади.

У тун бўйи йиғлади. Тун бўйи хотинини, юзига оёқ босган дўстини қарғади. Тонг отишини сабрсизлик билан кутди. Тонг отиши билан у хотинига жавобини беради...

Аммо тонг отди ҳамки, Маърифат эрининг холидан хабар олгани кирмади. Кутимаганда ҳовлидан ўнинг қизларига бақираётгани эшитилди.

– Нахс босиб ётмасдан, ўрнингдан турларинг-да, текинтомоқ дадажонингга чой-пой қилиб беринглар, ҳарига еб олсин. Унинг эркаликларига қараб ўтиришга вақтим йўқ, – деди зарда билан.

Бу гаплар Курбонни пичоқсиз сўйди, аммо у ҳали Шокирнинг уйдан чиқиб кетмаганини ички бир сезги билан пайқаб турарди, шунинг учун ҳам душманга айланган “дўсти”нинг олдида шарманда бўлишни истамай, аранг ўзини босди-да, хотинининг бақиришига жавобан сукут сақлашни маъқул топди. Маърифат уйдан чиқиб кетаётгандагина, деразадан бирров мўралаб:

– Мен кетяпман, – деди.
– Тўхта, Маърифат, – деди Курбон кўзларини очмай ва хотинининг ўзига энсаси қотиб тикилганини, аммо ҳамон кетмай турганини сезиб, гапида давом этди. – Маърифат, майли, қандай яшасанг ихтиёргинг, аммо,

илтимос, болаларни зориқтирма. қийнама уларни, ўзи шусиз ҳам бизни деб анча азоб чекишиди...

Курбон бўғзига нимадир тиқилгандек бўлганини сезиб, гапиролмай қолди. Муяссар эса роса упа-элик чапланган башарасини бужмайтирди:

– Оббо, энди маъруза тингларканмиз-да! Кун бўйи текин еб ётавериб, файласуф бўлиб кетибсиз-ку? Ётволиб гап сотгандан кўра, университетга дарс бергани борсангиз бўларкан, хеч бўлмаса беш-ўн сўм пул тўлашарди!..

Бақир-чақирини эшитган Мадина ётган жойидан сакраб туриб дадасининг олдига югуриб келган, унинг ўрни ёнига чўк тушганча, милтири-милтири кўз ёшларини оқизиб ўтирганди. Онаси дарвозани тарақлатиб ёпиб чиқиб кетганидан сўнг, қизча дадасини бағрига босиб, баралла йифлаб юборди:

– Дадажон, мен ойимни ёмон кўраман. Шокир амакини ҳам ёмон кўраман. Катта бўлсам, иккаласини ҳам ўлдираман!..

Қизининг сўзлари Курбоннинг шубҳаларини тасдиқловчи далил-исбот эди. Аммо бир оёғи гўрда бўлган одам учун исбот шартмикин?.. Қизининг сўзлари шаҳдидан бошини азот кўтарган Курбон ҳоли куриб, ўзини ёстиқقا ташлади. Қизига гапирмоқчи эди, аммо бўғзидан фақат хириллаган товуш чиқди, холос. Мадина дадасининг хириллаб, гапиришга уринаётганини кўриб, сув сўраётганини гумон қилди-да, чопқиллаганча бориб пиёлада сув келтирди. Кейин кошиқда сув олиб, дадасининг қуруқшаган лабларига тутди. Курбон сувни хўплади-ю, секин кўзини юмди.

Шу бўйи қайтиб қўзини очмади...

Дадаси касаллигига Мадина тортган азоблар ҳолва экан. Энди бутунлай отасиз қолган қизалоқларниң ахволига маймунлар йиғлай бошлади. Қурбоннинг ўлимидан кейин Шокир уларникига бутунлай кўчиб келиб олди. У аллақачон ўн ёшга кирган Мадинани мактабга ҳам чиқармай, бозорда совуқ чой сотишга мажбурлай бошлади. Ҳатто олти ёшли Гўзал ҳам опаси билан бирга ёки бир ўзи чой сотишга чиқар, болалигига бориб, сотолмас ёки совуқ чой солингаң елим идишларни йўқотиб қўяр, баъзан эса ноинсоф одамлар чойни ичиб олгач, “Чойинг совуқ эмас экан!” дёб пулинин бермай кетишар, бола бечора йиғлаганча қолаверарди. Йиғлагани ҳам майли-я, яна уйга келиб ҳам Шокирдан тоза калтак ер, ўгай отаси уни пул ўғирлаганликда айблаб, беаёв уради.

Энг қизиғи, бу пайтда Шокирдан ҳомиладор бўлган Маърифат қизларининг калтак ейишини кўрса-да, уларнинг ёнини олмас, “Хеч нарса қилмайди, қайтага пишикроқ бўласанлар! Қачонгача сенларни деб иссиқни иссиқ, совукни совук демай, бозорга югураман? Бундай еган-ичганларингни оқланлар-да!” деб Мадинанинг ўзига дакки берар, ҳамон бозорга чиқишидан колмасди. Бу пайтда уч ёш бўлиб қолган Шаҳрибонуни эса уйда бир ўзини қолдириб, устидан эшикни кулфлаб кетишар, қизалоқ ўзича ўйнаб, гоҳ йиғлаб, гоҳ ухлаб, гоҳ дастурхон устидаги паща талаб ётган нонларни куруқ кавшаганча вақт ўтқазарди...

* * *

Шахрибонуни эслади-ю, ҳамон бозор пештахтасига суюнганча ўтмиш хотираларига берилган Мадинанинг хаёллари тарқаб кетди. Бечора синглиси бир ўзи уйда қолган, у бўлса бу ерда дам олиб ялпайиб ўтиришиничи? ҳали Гўзал бечора нима қилаётганийкин, совук чойларини сотиб бўлдимикин? Сотиб бўлмаган бўлса, йиғлаб юрибдими?

Мадина ҳамон қўлида уч юз сўм пулни қисимлаб ушлаб ўтирганини энди сезди. “Яхшиси шу пулга сингилларимга биронта ширинлик оламан, – деб ўйлади у. – Дадам бериб юбордилар, десам бечоралар роса қувонишади. Гўзал икковимиз-ку, майли, дадамнинг вафот этганирини тушунамиз, аммо Шахрибонуга қийин бўлди: бечора ҳамон дадамни соғиниб, ҳар куни чақираверади...”

Шундай қарорга қелган Мадина ўрнидан турди, этакларини қоқди-да, ширинлик сотувчи аёл томон юрди. У танлаб-танлаб, устида шалпангқулоқ қуёнчанинг расми бор каттагина шоколад сотиб олдида, уйи томон кетди. У сингиллари учун совға олиб кетаётганидан шунчалик мағрур эдики, гўё қанот қоқиб учгиси келиб кетарди.

Энг қизиги, сингиллари учун совға олиб келаётган Мадинанинг ўзини уйда кутилмаган совға кутарди. У эшикдан киргани ҳамони Маърифат уй тўрида чўзилиб ётганини, Гўзал куйиб-пишиб унинг юзига сув сепаётганини, Шахрибону эса бир бурчакка тиқилиб олганча, милт-милт кўз ёшларини оқизиб ўтирганини кўрди.

- Нима бўлди? – сўради Мадина синглисидан.
- Анув киши... – Гўзал қўзлари юмуқ ётган онасига бир қур қўз югуртириди-да, овозини пасайтириб, шивирлади. – Анави Шокир амакини қамаб қўйишибди!
- Эсинг жойидами, нега ҳамашади? – сўради бу кутилмаган “янгилик”дан довдираб қолган Мадина.

Гўзал “билмадим” дегандек елка қисиб қўя қолди. Мадина ўзи не ҳасратда сингилларига илиниб кўтариб келган шоколадини ҳам унутди, ҳамон қўзини очмай ётган онасига қараб эса юрагини даҳшат қоплади, нима қиласини билмай қўшнилари – муаллима Марҳабо опаникига югарди. Бир пасда ҳовли қўни-қўшнилар билан тўлди, “Тез ёрдам” келиб, Маърифатни касалхонага олиб кетди. Маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб, Курбоннинг онасини топиб келишди.

Мадинанинг узук-юлуқ гапларидан бўлган воқеани чалакам-чатти тушунган бувиси Карима хола набираларини уйига олиб кетди.

Шундан сўнгги воқеалар худди тушдагидек шиддатли, кечди: Шокирни қандайдир жиноятлардаги иштироки учун узоқ муддатга қамаб юборишли, Маърифат эса ҳомиласидан айрилди, бу ҳам етмагандек, унинг яна номи хунук дардга чалингани ҳам маълум бўлди ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Карима хола набираларини ўз тарбиясига олди. Йиллар ўтди: қизлар улғайишди, бувиси кўмагида яхши тарбия олиб, хунарли, илмли, одобли қизларга айланишли, учковлари ҳам ўз тенгини топиб, уйли-жойли бўлиб кетишли.

- Болам, онанг ҳамон ўша ўзларингнинг уйингда

яшаркан, – деб қолди бир куни Карима хола Мадинага. – Бечора қариб, касалванд бўлиб қолибди, қарайдиган одами йўқ экан, балки кечирсанглар бўлармиди... Ахир нима қилса ҳам онанг-ку?

Мадина бувисига индамади, аммо дарров дадасининг ночорлик ва ожизликтан эзилиб йиғлаганлари, бир кунда соchlари қордек оқариб кетгани кўз олдига келди. Тўғри, у ожизлик, бировга қарам бўлиб қолиш нималигини ўлгунича ҳам эсидан чиқармайди, шу туфайли ҳам онасига ачинади, аммо... Мадинани умр бўйи бир шубҳа қийнаб келади: агар ўшанда онаси шунчалар хўрламаганида эди, балки дадаси ўлмаган бўлармиди? Ахир Маърифат ўзининг қилмишлари билан эрининг тузалишга бўлган интилиши, яшашга бўлган иштиёқини ҳам ўлдирган эди-да...

ҚАРИНДОШЛАР

— Менинг қариндошим йўқ! Мен етимхонадан чиққанман, тушундингми?

Иккинчи қават зинасидан кўтарилаётган Мавжуда эрининг қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб, юраги ўйнаб, беихтиёр тиззаларидан мадор кетди. “Тинчликмикин, кимга бунақа дўқ қиляптилар, ўзи?!” ўйлади сўнг. Йўлакда эса телефонда гаплашаётган Бахтиёрнинг ғазабли овози янгради:

— Олимжон, гапларимдан хафа бўлма, ука! Қариндош дегани фақат тўйда керак бўлмайди, ебкетарга бегоналар ҳам ярайверади. Майли, биз ҳам тўй қилганимизда қариндошлар келмай кўя қолишин! Ўзи

тўй қилганимда қариндошларни айтмай, тўйхонани тўлдириш учун мардикор ёллайман, деб қасам ичганман...

Мавжуда қўлидаги оғир елимхалталарни пиллапояга кўйди-да, бир зум тўхтади. Бахтиёр, афтидан, аммасининг ўғли Олимжон билан гаплашди, шекилли. Яна биронта холаси ёки аммаси тўй қилаётган бўлса, шу баҳона Олимжон қўнғироқ қилган-у, Бахтиёрнинг юрагида тўпланиб ётган алам вулқонини очиб юборган, шекилли. Аслини олганда Бахтиёрнинг портлаши бежиз эмасди...

* * *

Бир неча йил муқаддам кутилмагандан эр-хотин бир вақтда ишсиз қолишиди. Тўғрироғи, Бахтиёрнинг ишхонасига янги раҳбар келиб, иш жойлари кисқартириб юборилди, Мавжуданинг эса жигари оғриб, боши касалдан чиқмай қолди. Бу ёқда уч нафар ўғли, бир қизининг бўйи етиб келяпти, бари ейман-ичаман деган ёшда, аммо ҳали биронтаси ишлаб, ота-онасининг ёнига кирадиган аҳволда эмас.

Бахтиёр бошида унчалик хавотирга тушмади, куни фақат иш қидириб, ташкилотма-ташкилот юриш билан ўта бошлади. У уйда нима аҳвоълиги билан қизиқмас, фикри-зикри фақат тезроқ тонг отиши-ю, қайси ташкилотга бориб, иш сўраши ҳақида бўларди. Болаларининг ташвишлари тугул, оддий гап сўрашлари ҳам юрагига сиғмас, хотинининг негадир ранги сарғайиб, юzlари эскирган газета қофозига ўхшаб бораётганини пайқамас, ҳатто уйда нима егулик бор-йўқлигини ҳам сўрамасди. Уйга келгани ҳамони

хотини олдига қўйган овқатни пок-покизатушиарди-ю, телевизор қаршисидаги диванга мук тушарди. Шу телевизорнинг овозигина уни бутун ўй-ташвишларидан кутқариб, ғурбатга тўла уйидан узоқроққа олиб кетарди, холос. Бахтиёр шунчалик ўзи билан овора бўлиб кетганидан, ҳатто хотини нега уззукун уйда ўтирганини ҳам сўрамасди.

Мавжуда эса эрига тиш ёришни истамасди. У анчадан бери ўнг бикини оғриётган бўлса-да, сир бой бермай, ишга бориб-келиб юрарди. Аммо сўнгги пайтларда ўнг қовурғаси остидаги ўқтин-ўқтин санчиқ туриши, кўнгли айниб, лоҳас бўлиши, тинкаси қуришидан шикоят қилиб, шифокорга борди-ю, “қўлга тушди”. Шифокор унда жигар хасталиги борлигини, зудлик билан касалхонага ётиб даволанмаса бўлмаслигини айтди.

Мавжуда эса... оиласдаги барча паст-баланд харажатларнинг бари ҳозир ўз бўйнида эканини ўйлаб, даволанишни ортга суришга қарор қилди.

* * *

Орадан бир йилча вакт ўтди ҳамки, Бахтиёрга иш топилавермади. Мавжуда эса касалини яширгани сари иситмаси ошкор қилаётганини сезиб қолди. Бир неча марта мазаси бўлмагани туфайли ишга боролмади, кетма-кет ўз ҳисобидан таътил олди ҳам. Оқибатда, корхона раҳбари уни ҳузурига чакиртириб, ҳадеб касал бўлаверадиган ходимлар хусусий ташкилотлар учун катта зиён келтиришини тушунтирди ва то тузалиб олгунига қадар узоқ муддатли таътилга чиқишини таклиф қилди. Мавжуда бу юмшоқцина қилиб айтилган

бўшаш ҳақидаги таклиф эканлигини тушунди ва ортиқча эътиrozсиз ариза ёзди. Очифи, унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди.

У энди даволанмаса бўлмаслигини бўйнига олди, лекин шифохонага ётиш учун пул қани? Мана, ўзи биратўла ишсиз қолди, аммо эрининг ҳам яқин орада иш топиб, пул олиб келишидан умид қилмаса ҳам бўлади. Афтидан, “бемалолхўжа”лик Бахтиёрга ёқиб қолди, шекилли, энди иш излаб камдан-кам кўчага чиқадиган, асосий вақти меҳмонхонадаги телевизор ёнида хаёл суриш билан ўтадиган бўлиб қолди. Бу вақт ичида уйдаги бор йигиб-терган, “яхши кунлар учун” асрраб кўйган пулларининг ҳам таги кўриниб қолди.

Мавжуда болаларига, айникса, бўй етиб қолган қизига сездирмайгина, умр бўйи тақиб юрган тилла буюмларини сотиб, бир оз даволанишга уриниб кўрди, аммо номига қилинган мўолажаларнинг нафи бўлмади ҳам. Аммо, энг ёмон кунлари олдинда кутиб турганини Мавжуда хали билмасди. Сотилган тилла тақинчокларининг пули ниҳоятда тез ишлатилиб кетар, аммо касали тузалишидан ҳам, эрининг бирор иш топишидан ҳам дарак йўқ эди.

Мавжуданинг юрагини даҳшат босди: бу яқин орада эри иш тополмаса, нима бўлади? Ўзининг аҳволи бу бўлса?

— Тахлилларингиз ёмон чиқибди, — унинг юрагини ўртади шифокор навбатдаги қабулда. — Зудлик билан шифохонага ётмасангиз бўлмайди. Биласиз, жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди, акс ҳолда...

Шифокор кўлларини кенг ёзиб, кўзини шифтга

қаратди. Шифокор айтмаса ҳам, Мавжуда ахволи яхши эмаслигини яхши биларди. Чунки вужудини ичидан емираётган касаллик унинг куну тунини бир хил қора бўёққа бўяшга улгурганди. У факат фарзандларини ўйлабгина оғриқларни ичига ютарди.

Мавжуда бир қарорга келди. Энди қарз олмаса бўлмайди. Майли, тузалиб ишга чиқиб олса, қарз узилиб кетар, ишқилиб, болаларининг баҳтига вужудини кемираётган касалликдан фориғ бўлса, бас. Унгача балки Баҳтиёр ҳам иш топиб олар...

Мавжуда кимдан қарз олиши мумкинлигини ўйлаб, роса бош қотирди. Аммасининг ўғиллари дадасининг ёнига кириб қассобчилик қилишади, қўша-қўша машиналар олиб, данғиллама уйлар қуриб ётишибди. Пул чиқса, факат улардан чиқиши мумкин...

— Вой, ҳозирги замонда пул ўлгур кимда бор-а?! — деди аммаси унинг нима ниятда келганини эшитгани ҳамони. — Қара, поччанг билан жиянларинг ҳам тонг коронғусида кетиб, ярим тунда қайтиб, тер тўкишади-ю, топганлари сариқ чақа!

Мавжуда аммасининг бўйнидаги, билаклари-ю бармоқларидағи оғир-оғир тилла тақинчоқларга, уйидаги қимматбахо буюмларга қаракан, бу ерда ўзига аммасининг ибораси билан айтганда, “сариқ чақа” ҳам унмаслигини тушунди-ю, хайрлашишга шошилди. Кўчага чиққунича ўйлай-ўйлай, тўғри манзилини кичик аммасиникига солди. Афсус... Шу тариқа, Мавжуда тўрт нафар холаси билан икки тоғасиникига бориб келди. Факат йўлкира билан улбул кўтариб боришга пул сарфлаганигина қолди. У

кунда-кунора машина алмаштириб, тўй қилаётган, уй қуриб, уй тўйлари ўтказаётган қариндошларининг бари ўзларидан ҳам “хароброқ, сичқондан ҳам камбағалроқ” аҳволда яшаётганларини тасаввур қилмаганди.

Уч кун давомида пул қидириб оёғи толган Мавжуда қариндошлариникига куруқ кириб бормаслик учун охирги пулларини ҳам сарфлаб қўйди. У энди пул сўрайдиган ҳеч кими қолмаганини ўйлаганча уйига кириб бораркан, қизи Нодира иддао билан кутиб олди:

— Ойижон-ей, қаерларда юрибсиз?! Ҳеч бўлмаса нонга пул ташлаб кетсангиз бўлмайдими? Куни бўйи нонсиз ўтирибмиз! Баҳодир билан Ботирингиз бир бурда нонни талашиб, муштлашишибди!

Мавжуда болалар хонасининг эшигидан гуноҳкорона бўйин эгиб мўлтираб турган Ботир билан Баҳодирга қаради. Баҳодирнинг кўз остини чақалоқнинг шапалоғидек келадиган моматалоқ безаб турибди.

— Вой, ўлмасам...

Мавжуда шоша-пиша сумкасини кавлашга тушди. Қўлига биттагина майда қоғоз пул илашди. Бу пулга ҳатто битта нон ҳам келмайди... Кўзларида ёш ғилтиллади. Шундай кунларга ҳам қоладими-я, одам?!

— Ойижон, йиғламанг! — куйинчак қизи дарров жаҳлидан тушиб, онасини кучди. — Пулингиз қолмаганини билардим, шунга ўзим нон олиб келиб қўйдим.

— Вой, ўлмасам! Пулни... қаердан олдинг? — асабданми ёки бошқа сабабданми, Мавжуданинг юраги хаприқиб, ҳансираф нафас ола бошлади.

— Ойижон, фақат йиғламанг, — қизи меҳрибонлик

билан унинг юзини силади. — Эртагаям нон олишга етадиган пул қолди. Пулни... макулатура сўрашса берарсизлар, деб йифиб қўядиган эски газеталарингизни олиб чиқиб топширдик. Яна керакмас эски дарсликларни ҳам қўшгандик, йигирма килодан ошиб кетди. Ярим пулига нон билан картошка олдим, қолгани... мана...

Мавжуда қизининг очиқ кафтидаги буқланган, йиртилган, эски-туски майда пулларга қаради-ю, хўрлиги келди. Қизини аста кучоғига олди-ю... худди отаси ёки онасидан айрилгандек, овозининг борича уввос солиб юборди. У энди одатдагидек “болаларим кўриб қолади” деб ўзини тўхтатмади, юрагидаги барча аламлари-ю, вужудидан оромини ўғирлаган бор оғриқлар кўзларидан қайноқ ёш бўлиб отилиб чиқа бошлиди.

— Ойижон, йигламанг! Баттар касал бўлиб қоласиз!

Қизининг овозидан Мавжуда ўзига келди. Тўсатдан оналик шуури ёришиб, мурғак болалари онасининг ахволидан қандай чўчишлари мумкинлигини тушуниб етди. Кафтлари билан юзини сидириб, кўз ёшларини артаркан, кўзи ётоқхона эшигидан қараб турган Бахтиёрнинг докадай оқариб кетган юзларига, косасидан ўйнаб чиқиб кетгудек чақчайиб турган кўзларига тушди. Афтидан, Бахтиёр қизининг гапларини эшигтан, хотини ўзидан яшириб юрган ҳақиқатдан огоҳ бўлганди.

— Сен... нима... тобинг йўқми? — нихоят тилга кириб, тутилиб-тутилиб сўради Бахтиёр.

— Йўқ, яхшиман... — Мавжуда ерга тушиб кетган елим халтани қўлига олиб, ошхона томон йўналди.

— Яна сўрайсиз-а! — онасининг касали, ётишмовчиликлар етмагандай, отасининг куни бўйи диванда чўзилиб ётишларидан токати тоқ бўлган Нодира ўзини тутолмай ҳайқириб юборди. — Ойим қачондан бери касал эканликларини билмайсизми? Жигарлари оғриётганини, дори олишгаям пуллари йўқлигидан кечалари ухламай чиқишларини билмайсизми? Уйимизда сарик чақаям қолмаганини ҳам билмайсизми? Ёки бугун макулатура топшириб, пулига нон олганимиздан ҳам бехабармисиз?

— Ўчир овозингни...

Бахтиёр қўлини пахса қилиб, қизи томон хезланди-ю, худди кинолардаги секинлаштирилган кадрдаги сингари секи-и-ин тўхтади. У бир ҳамон болалар хонасининг эшиги олдида мўлтираб турган ўғилларига, бир йўлакда худди ўчиб қолган шамдек чехраси нурсиз тус олган хотинига, бир қизи йифлаганча югуриб кириб қетган меҳмонхона эшигига тикиларкан, кўзи очилгандек бўлди. “Пешанаси тақ этиб деворга урилди”, деб шуни айтишса қерак...

Бахтиёр индамади, мушти билан эшикни тарсиллатиб бир урди-ю, индамай чиқиб қетди. На хотини, на фарзандлари қаерга кетаётганини сўрашмади. Сўрашни ҳам исташмади...

* * *

Туни бўйи Бахтиёрдан дарак бўлмади. Мавжуда ўнг қовурғаси остида симиллаган оғриқ турганига эътибор бермасликка уриниб, дераза ёнида ўтириб чиқди. Бундай ўтиришлар унга янгилик эмас, оғриқ туфайли қачонлардан бери тунлари мижжа қоқмай юриб

чиқяпти. Аммо эрининг қаёққа кетганидан бехабарлиги уни ташвишга соляпти. Тағин у ер-бу ерда ичиб юрган бўлса-я... Шу етмай турганди, ўзи...

Тонг ёриша бошлаганида, тўсатдан эшик қўнғироғи жиринглади. Мавжуда сапчиб туриб, эшик томон отилди. Аммо қўнғироқ то у эшикни очгунига қадар ҳам жиринглашдан тўхтамади.

Мавжуда эшикни очиб, ҳайратдан қотиб қолди. Бахтиёр ранги кордек оқариб кетган, усти-боши чанг, бир алфозда деворга суюниб турар, боши эшик қўнғирофининг тугмачасига тегиб тургани учун, қўнғироқ овози сира тимайсди.

— Вой, бу нимаси? — Мавжуда эрининг қўлтиғидан тутиб, ичкарига етаклади.

Бахтиёр эшикдан кирди-ю, гуп этиб йўлакка қулади.

— Мавжу, пул... йўқ! Ҳамма қариндошимникига бориб келдим! Йўқ! — Бахтиёр қўлларини мушт қилиб, паркетни мутлади. — Пул йўқ! Ҳеч кимда йўқ...

Тўсатдан, Мавжудани ҳайратда қолдирганча Бахтиёрнинг соқоллари ўсган, ёноқлари бўртиб кетган юзларидан кўз ёшлиари думалаб туша бошлади. У ёнгинасида ўзига ҳайрат билан тикилганча, лолу караҳт турган хотинининг кўлидан маҳкам ушлаб, қандайдир ёввойи, ноинсоний овозда хитоб қилди:

— Мен пул топаман, мана кўрасан! Сени даволатамиз! Факат ўлиб қолма, илтимос!

Мавжуда нимаям десин, касали ўзига маълум, шифокор айтганидек, “жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди”. Аммо пул бўлмаганидан кейин даволанишга умид йўқ, демакки, ўлмаслик ҳақида ваъда ҳам беролмайди...

Мавжуда шу ҳақда ўйларкан, беихтиёр ўлим ҳақида шунчалар хотиржам ўйлаётганидан ҳайратга тушди. Қарилар айтишади-ку, қазоси яқинлашган одам ўлимдан қўркмай қолади, деб... Балки уни ҳам...

У хаёлига келган фикрдан чўчиб кетди. Кураклари ораси жимиirlаб, бир сесканиб тушди. Бахтиёр унинг аҳволини сезиб, мунғайиб қолди.

— Аммамниига ҳам бордим, акамниига ҳам, ҳеч кимдан пул чиқмади. Ҳозир тоғамниидан келяпман, Бу йил ҳажга борармишлар, шунга пул йиғаётганимишлар... — Бахтиёр бошини елкалари орасига тортиб, кўзларини хотинидан яширганча, ҳазин товушда давом этди: — Шу, дейман... Мавжу... балки, уйни сотсакмикан?

— Нима-а?! Уйни-я?

— Ҳа-да! Сени даволатиш керак-ку, ахир! Пулни қаердан оламиз бўлмаса?

— Эх! — аламли илжайди Мавжуда. — Балки энди уйнинг пулиям менга ёрдам беролмас? Ҳали мени деб болаларим кўчада қолишинми?

— Эсинг жойидами, нималар деяпсан? Нега кўчада қолишаркан? Ҳозирча кичикрок, бир хонали уй олиб турамиз. Сен тузалганингдан кейин пул йиғиб, бошка уй олармиз...

Эрининг кутилмаган меҳрибончилигидан Мавжуданинг юраги тўлиб кетди. Қайноқ қўз ёшлари юзларидан ирмоқдек жилдираб югаруди. Бахтиёр ўрнидан тураркан, хотинининг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

— Йиғлама, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, мана

кўрасан. Тузаласан, иш ҳам топасан. Мени айтди, дерсан...

Агар телефон юринглаб қолмаганида, ким билсин, йўлакдаги эр хотин ва оға-онаси ning гапларини жимгина остоңада тинглаётган Нодира қанча вакт шу алфозда туришарди? Аммо телефоннинг жирингланини нюхоят хонадон сохибларини сергак тортириди.

— Қара-чи, сенга бўлса керак. Мени сўрашса, уйда йўқлар, дегин.. — бўғик овозда деди Бахтиёр кафтлари билан хотинининг кўз ёшларини сидириб.

Кўнғироқ қилаётган Мавжуданинг ишхонасидаги ҳамкасб дугонаси Лобар экан.

— Мавжуда, яхшимисиз, уйдагилар тинчми? — Лобарнинг жарангдор, қувноқ овози гўшакдан тошиб чиқиб, йўлакни ҳам тўлдириди. — Бизни унутиб юбордингиз, тузукроқ иш топиб олдингизми, дейман-а?

— Йўғ-е, — Мавжуда овозидан йиғлагани билинмаслиги учун чуқур нафас олди. — Ҳозирча уйдаман.

— Нега уйдасиз? — Лобарнинг овозидан ҳайрат аралаш хавотир сезилди. — Тинчликми?

— Шу... жигар курғур... биласиз-ку, сал оғриб турарди...

— Жигар, дейсизми? Вой, жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди-ку! Нима ташхис қўйишди ўзи?!

— Билмадим... — Мавжуда хўрсинди. — Даволатай деганим билан пулим йўқ-ку, барибир...

— Вой, бу нима деганингиз?! Жинни бўлдингизми, Мавжуда, бир эмас, тўрт болангиз бор-а! — Лобарнинг

тез-тез нафас олаётгани эшилди. Қизиққон, жүшқин феълли бу аёл ўзини тинчлантириш учун чукур-чуқур нафас олишга одатланганди. — Бўпти, уйда бўлиб туринг, мен ўқдек учеб бораман. Ўша эски манзилингиздасиз-а?

— Ҳа...

Мавжуданинг гапи тугамасданоқ нариги томонда гўшакни қўйиб қўйишди. Мавжуда ҳаммом эшиги олдида сочиқни тутганча ўзига савол назари билан тикилиб турган эрига қараб, елка қисиб қўйди.

Лобар ўзи айтганидек, “ўқдек учеб” келди. У билан бирга Мавжуданинг уйига цунами тўфони етиб келгандек бўлди. Лобарнинг баланд, ўқтам овози тўрт хонали уйни тўлдириб, ҳар бурчакда жаранглай бошлади.

— Мавжуда, мана, сизга пул! — деди Лобар елим халтани ярмигача тўлдирган пулларни узатиб. — Қўрқмай олаверинг, қизимнинг тўйига йигаётган пулдан бу... Эсингиздами, сизга ўгай она қўлида ўсганимни айтиб ўтирадим. Онамни жигар касаллиги олиб кетган. Ўшанда олти ёш бўлганман, касалликни даволатишга дадам пул топиб беролмагани учун онам бечора мен билан акамни ташлаб, у дунёга кетган-қолганлар... — шаддод аёлнинг мижжаларига ёш қалқса-да, овозида заррача титроқ сезилмади. — Шу касалнинг касрига акам икковимиз ўгай она қўлида ит азобини кўриб ўсдик. Олинг, — у пулларни Мавжуданинг қўлига тутқазди. — Сиз билан саккиз йил бирга ишладик, дугонадек бўлиб қолдик. Болаларингизга ўзимникидек тақдирни право

кўрмайман. Мана сизга пул, даволанинг, тузалиб, ишга чиқинг. Буни садақа деб эмас, балки яхши ният билан қарз деб беряпман. Қарз узилиб кетар, аммо соғлиқ топилмайди. Сизга бир нарса бўлса, болаларингизнинг ҳоли нима кечишини ўйланг. Тўғрими, почча?!

Аммо Лобарнинг ўзига қаратилган сўзларига жавоб беришга “почча”нинг кўзларидан оқиб тушаётган қайноқ ёшлар имкон бермади...

* * *

Лобар Мавжудани мажбурлаб юриб, қиммат хусусий шифохонага ётқизди, унинг касали тузалгани, аммо ҳар эҳтимолга қарши парҳез тутиши кераклиги ҳақидаги ташхисни эшитганида, ҳаммадан кўпроқ қувонди.

Мавжуданинг бахтига, у ўзига келиб бораётган кунларнинг бирида Бахтиёрнинг ишлари юришиб кетди, яхши фирмадан иш топди. “Тақдир чархпалаги бир кун пастда, бир тепада” деганлари шу экан-да, шунча қийинчиликлардан кейин бу оиланинг ташвишлари ариб, ёргуғ кунлари бошланди. Лобардан олинган қарзлар ҳам тўланди, бу орада Мавжудага мос иш ҳам топилди.

Шундай бўлса-да, Бахтиёр оғир кунларида ёрдам кўлини чўзишдан бош тортган яқинларига нисбатан аламзадалигини унотолмади. Мавжуда эрининг кўнглини юмшатишга қанчалик уринмасин, Бахтиёрнинг гинаси тарқамади ва ўзининг ҳам, хотинининг ҳам қариндошлариникига бормай кўйди.

Мавжуда эрининг қайсарлик қилишига синган кўнгилни бутлаб бўлмаслиги сабабчи эканлигини

тушунади, шунинг учун ҳам арқонни узун ташлаб, кутади. Вақт ҳар нарсага ҳакам, дейдилар, балки Бахтиёрнинг ҳам кўнгил яраси бир куни битиб, аразаламларини унутар...

ЎҒИЛ

Манзура хола совуқ қотганидан оёклари увушиб қолганини сезди, беихтиёр устига кўрпа ёпиш учун қўли билан пайпаслай бошлади, аммо негадир қўлига кўрпа чети илинмади. “Ёздаям шунчалик совуқ бўладими? — деб ўйлади у. — Тонг отиб қолдимикан? Туриш керак, тағин ўғлим ўқишига кеч қолмасин...”

Кампир кўзини очишга уринди, лекин уddaрай олмади. Қовоқлари худди кўргошин қуйилгандек оғир, киприклари бир-бирига елимланиб қолгандек сира очилай демасди. Тўсатдан қулоғи остида кимнингдир овози жаранглади:

— Ходажон, уйғондингизми? Мени кўряпсизми?

Ким бу? Нотаниш овоз... Бу овозни илгари сирам эшитмаган...

Манзура хола бор кучи билан кўзини очишга уринаркан, тўсатдан кўзлари очиқлигини, шунчаки кўрмаётганини пайқади. Орадан қанчадир сония-үтгачгина, кўз ўнги тиниклашиб, кўзи равшанлашди. Атроф худди туманга чулғангандек, ғира-шира сутдек оппоқ шуълага тўлган. Бу шуъла орасидан кимнингдир юзи кўриняпти. Ёшгина аёл. Кўзлари қоп-кора. Ўзи оппоқ либосда...

— Ким...

Манзура хола “Кимсиз?” демокчи эди-ю, аммо гапини давом эттиrolмади. Аёлнинг юзи у томон янада яқинлашди:

- Қайта жонлантириш бўлими ҳамширасиман!
- Ҳам...шира...

Манзура хола сесканиб кетди. У аланглаб овоз келаётган томонга ўгирилишга ҳаракат қиларкан, кимнингдир юмшоқ, иссиққина қўллари бошини махкам ушлаганини сезди.

— Ҳадеб қимиrlайверманг! Бирпас сабр қилинг, уйғонганингизда ҳаммасини тушуниб оласиз.

Манзура хола жим қолди. У вужудини қандайдир илиқлик қамраб олаётганини, ўзини оппоқ йўқлик қаърига тортиб кетаётганини ҳис этди. У бор кучи билан уриниб, йўқликка чўмиб кетмасликка ва кўзларини каттароқ очишга, атрофини кўришга урина бошлади. Кутимаганда Манзура холанинг кўз олди тиниклашди-ю, ўзининг оппоқ хонада ётганини кўрди. Ёнгинасида кўҳликкина оқ ҳалатли аёл ҳамдардлик ила унга тикилиб ўтиради.

— Мени кўряпсиз-а? — сўради аёл кутимаганда.
— Ҳа... — Манзура хола томоғида турган “тошча”ни бир амаллаб ютди-ю, гапида давом этишга уринди.— Сиз ким...

— Бўлди, кўп гапирманг, ҳали ҳаммасини билиб оласиз, — ҳамшира аёл чиройли табассум қилди. — Энг муҳими, хушингизга келдингиз. Набирангиз эшитса, хурсанд бўлади! Бола бечора роса куйинди, ўзиям уч кеча-кундуз тепангизда ўтиреди-я!

— Набирам... — Манзура хола савол назари билан

аёлга тикилди. — Набирам Самарқандда. Учта набирам бор...

Ҳамшира аёлнинг юзига табассум қалқди. Хайрият, беморнинг хотираси тез ўзига қайтди. Шу ёшда бўлсаям, анчагина бакувват кампир экан-а... Баъзан бир неча кун оғир бехушлик ҳолатида ётган одам ўзига келганидан сўнг хотираси тез ўзига қайтмай қийналади. “Тезрок шифокорга хабар бериш керак”, деб ўйлади у чўнтағидан ихчамгина қўл телефонини чиқараркан.

— Набирангиз Жавоҳиржонни айтяпман, — гап қотди ҳамшира рақам тераркан. — Балки касалхонага тушганингизни эшитиб Самарқанддан етиб келганми, бунисини билмадим. Бола бечора шифокорга ялиナвериб, юрагини эзиб юборди. Охири ичкарига киритиб, ёнингизда ўтиришига рухсат берди...

“Жавоҳирми? Ҳали уни набирам деб ўйлашибдими?” Манзура хола ҳамширанинг бемор хушига келгани ҳақида шифокорга хабар бераётганини эшитмади ҳам, чунки бу вактда хаёллари уни тортқилаб, узок-узокларга олиб кетганди...

Ўша йили қиши жуда совуқ келганди. Кор кўп ёғди, ҳаво ҳарорати жуда пасайиб, кўп қаватли уйлардаги хонадонлар совиб кетди. Совуқнинг таъсириданми, табиий газ босими тушиб, бир човгум сув салкам бир соатда қайнайдиган бўлиб қолди. Эри эрталаб олтида ишга кетади, шунинг учун ҳам Манзура соат тўртларда туриб, нонуштага уннайди. Ўша куни ҳам у эрта тонгда туриб, нонушта тайёрлаётганди. Кутимаганда йўлак томондан ғалати, ингичка овоз эшитилди. “Совуқдан дайди мушуклар кириб қолдимикан?” деб ўйлади у,

аммо чиқиб қарапта эринди. Тұғрироғи, ҳозир эри үйғониб қолишини ўйлаб, ишидан чалғигиси келмади. Дарҳакиқат, шу орада ортидан Илҳомжоннинг овози әшитилди:

— Қани, нонушта тайёрми?

Эр-хотин шошилмай нонушта қилишди. Манзура атайлаб нонушта вақтими узокроқ чүзишта ҳаракат қиласы. Ҳозир эри чой ичади-ю, ишига жүнайди, у эса, куни бўйи ёлғиз қолади. Умр бўйи ишдаб ўргангандан аёл эмасми, пенсияга чикқанига бир ой бўлибди-ки, ҳамон уйда ёлғиз ўтиришга кўниколмаяпти. Авваллари кундузи дугоналари, ҳамкасларига қўнғироқ қилиб, вақтими ўтказди. Аммо кейинчалик дугоналари гапни қисқароқ қилишга уринаётганларини сезиб, узок-узок сухбатлар уларнинг ишига ҳалакит берадётганини тушуниб, қўнғироқ қилишни тўхтатди. Ёлғизгина қизини Самарқандга узатиб юборган, у ҳам икки боласи-ю рўзғор юмушларидан ортиб тез-тез қўнғироқ қилолмайди.

Аксига олиб, бугун Илҳомжон ишга шошаётганди. У шоша-пиша чой ичган бўлди-ю, тезроқ эшик томон йўналди. Манзура эрининг ортидан эшикни қулфлашга улгурганди ҳамки, тўсатдан йўлакдан унинг ажабланган хитоби әшитилди:

— Ие, бу нима?

— Нима экан?!

Манзура шоша-пиша эшикни очиб, йўлакка чиқди ва эрининг қўлидаги эскирганидан титилиб кетган жун адёлга ўралган тугунчага тикилди.

— Бола... — Илҳомжоннинг овозида саросима ва ҳайрат сезиларди.

— Бола дейсизми?!

Манзура дарров тугунчани қўлига олиб, эски адёлнинг чеккасини кўтарди. Сийрак қоп-кора соchlари пешонасигача тушган, оппоққина лўппи юzlари кўкимтири тус олган бола.

— Бола-ку?! — деди у ажабланиб.

— Шуни айтяпман-да! — деди Илҳомжон кўзини боладан узолмай.

— Кимнинг боласи... — Манзура гап бошлаганди хамки, тўсатдан эси жойига келди. — Вой ўлай, шу совуқда анқайиб турганимизни-чи?! Бола совуқ қотиб қолгандир балки! Тирикмикан, ищқилиб?!

— Э-э, шуни айт!.. — Илҳомжон болага тикилди. — Бирам ваҳимачисан-е! Нафас оляпти-ку! Бор, уйга олиб кир, овқат-повқат бер, мен ишга кеч қоляпман. Кечқурун ишдан ёайтганимда гаплашармиз.

У шундай дея, тез-тез зинадан пастга йўналди. Манзура кўлида тугунча билан эшик олдида серрайиб қолди. Овқатмиш-а! Янги туғилган чақалоқ бўлса, унга қандай овқат беради яна? Она сути керак-ку, ахир... Сутни қаердан олсин?

Манзура чақалоқни ётоқхонасига олиб кириб, мурғаккина бадани ўралган эски латталарни ечиб ташлади. Оппоққина, бақалоққина, кўринишидан соғлом туғилган ўғил бола. Афтидан, янги туғилган, чунки ҳали киндик яраси битмаган... Таглиги хўл. Эшик тагида узоқ ётган, шекилли, оёқлари музлаб қолай дебди. Совуқ қотганидан бутун бадани кўкимтири тусга кирган... Буни кўриб, Манзуранинг юраги ларзага келди.

— Вой қўлинг сингур, қайси жувонмарг шунақанги ойдаккина болани кўчага ташлаб кетибди-! — қарғанди у жаҳл билан боланинг тагидаги хўл латталарни юлқиб олиб, бурчакка улоқтиаркан. — Хах, болага зор бўлгур-а!

У вайсай-вайсай, болани ўзининг кўрпасига ўради, кейин югуриб ҳаммомга кирди. Олдин кир ювадиган тоғорасини қўлга олди, кейин боланинг ҳали битмаган киндиги кўз олдига келди. Тағин ул-бул инфекция тушириб қўймасин, киндик яраси битмаган, ахир. Шу хаёллар билан ҳамир қорадиган тоғорасини олди, уни ичимлик содаси билан яхшилаб ювди. Човгумга илиқ сув солди-да, ётоқхона томон юрди.

Боланинг ҳамон кўзи юмуқлигини кўриб, Манзурунинг юрагига ваҳм ўралади, аста кўрпага ўралган боланинг устини очди. Шу онда тўсатдан қўлига урилган иссиқ нарсадан бир чўчиб тушди. Кўрпа орасида ҳам ҳали баданига иссиқ ўтмаган болакай совуқсираб чоптириб юборганди.

— Вой-ей, бўталок-ей! — беихтиёр кулиб юборди Манзура. — Роса юрагимни ёрдинг-а, ўзиям!

Бола парвариши ҳам эсидан чиқсан экан, уни қўрқа-кўрқа қўлига олиб, тоғорага солди, киндигига сув теккизмасликка ҳаракат қилиб, елкасидан сув куя бошлади. Бироздан кейин боланинг баданига иссиқ югуриб, пуштиранг тусга кира бошлади. Кутимагандада у шунақанги ингалаб берди-ки, чўчиб тушганидан Манзурунинг ўтакаси ёрилаёзди. У болани тезгина юмшоқ сочиққа ўраб, кўрпанинг куруқ томонига ётқизди. Ҳамон зорланиб йифлаётган болага қараб,

боши котди. Бола оч, шекилли, аммо уни қандай түйдирса экан-а? Аксига олиб уйида сут ҳам йўк... Болани ташлаб, сут қидиргани ҳам чиколмайди...

Кутилмаганда, куни кеча пишириқ пиширганида, озгинагина қуюлтирилган сут ортиб қолгани эсига тушди-ю, ошхона томон югурди. Ҳа, мана, ярим пиёла қайнаган сув куйиб, совутишга шошилди. Ётоқхона томондан ҳамон боланинг ингалапи эштиларди. “Вой, бу сутни болага қандай ичираман-а?” деб ўйлаб қолди Манзура кутилмаганда. Ана сенга муаммо! У қўлидә косадаги сутни ушлаганча, ошхона ўртасида қакқайиб қолди. Кейин косадаги сутни стол устига қўйиб, эрига қўнғироқ қилишга шошилди. Бахтига Илҳомжон ишхонасига етиб борган экан, дарров гўшакни кўтарди.

— Тинчликми?

— Болани қандай овқатлантиришни билолмаяпман!

— деди Манзура йиғлагандан бери бўлиб.

— Қанақа бола?! — Илҳомжон тоқатсизланиб сўради-ю, дарров эрталабки воқеа эсига тушди. — Қандай овқатлантирадинг, сут бер-кўй-да!

— Сутни қаердан оламан? Яна сут ичириш учун ўёрғичли шиша ҳам керак, уни қаердан оламан?

— Каердан олардинг, дўкондан оласан... — Илҳомжон галини тутатмай, бир зум ўйланиб қолди. — Э-ҳа, дўконга николмайсан-ку! Майли, икки соат бир амаллаб тургив! Ҳозир бошлиқнинг олдига кириб чиқай, кейин узим олиб бораман,

Манзура гүшакни ташлади-ю, яна ошхонага йўналди. Чой қошиқ ва косадаги анча совиб қолған сутни олиб, ётоқхонага югурди. Бола ҳамон ётоқхонани бошига кўтариб, ингалаб ётарди. Манзура ўрини четига ўтириб, сочиққа ўралган болани қўлига олди ва оғзига чой кошиқда бир томчи сут қуиди. Бола дарро в жимиб, тамшангандан сутни ютди. Қорни очиб кетганиданми, у энтикар, ютоқар, тезроқ тўйиб олишта уринарди. Аммо бир томчи-бир томчидан оғзига солинаётган сутдан сира тўявермагач, яна овозининг бориғи ингалай бошлади. Манзура нима қилишини билолмай ўрнидан туриб, болани аста қўлида тебратга бошлади. Қоп-кора кўзчалари ёпилиб, бола пишиллаб ухлаб қолди. Аммо аёл уни ётқизса, бола яна уйғониб, йиғлашибдан чўчиб, ҳамон қўлидан қўймай ўтираверди. Илҳомжон чақалоқлар озуқаси ва сўргичли шиша кўтариб келганида ҳам Манзура шу алфозда ўтирганди.

Эр-хотин куни бўйи чақалоқ билан өвора бўлишди. Бола бокқан пайтлари ҳам эсидан чиқиб кетган эканми, бошлари қотиб, тоза эсанкирашди. Илҳомжон тиним билмай, бир неча марта бозорга чиқиб келди. У гоҳ болага иштончалар, гоҳ таглик олиб келар, гоҳ яна сут олиб келишга отланарди. Эри охирги марта кўчага чиққанида, бир нечта шиқилдоқ ва машиначалар ҳам кўтариб келганини кўриб, Манзура кулиб юборди.

— Вой, қизиқсиз-а, ўйинчоқ шартмиди ҳозир? Буларни ўйнайдиган бўлгунича ҳали қанча вақт борку!

— Кўявер, вақт тез ўтади, хадемай ўйнаб қолар... — Илҳомжон тўсатдан гапдан тўхтаб, хотинига тикилиб

қолди. — Менга қара, бу бола... кимники экан-а? Уни топиб олганимиз ҳақида бирор ерга хабар беришимиз керакдир?

— Шошмай туриңг, — Манзура сүрғични лаблари билан махқам қисиб, ютоқиб эмаётган болага тикилди.
— Хабар бериш бир гап бўлар...

Илҳомжон эътиroz билдиrmади. Аммо кечаси кутилмагандан боланинг ҳарорати кўтарилиб, ўт бўлиб ёна бошлиганида кундузи хотинининг гапига кирганидан афсусланди ҳам. “Тез ёрдам” шифокори боланинг шамоллаганини айтиб, тезгина дорилар эмлади. Кейин дори солинган қутичани ёпаркан, қизиқсиниб сўради:

— Набирангизми?
Эр-хотин бир-бирига қарашди-ю, гап топишолмади.
Шифокор ажабланиб уларга тикилди:

— Боланинг онаси...
Гарчи Манзура қўли билан эрининг тирсагини ушласа-да, Илҳомжон шифокорга боланинг онаси йўқлигини, тўғрироғи, уни топиб олишганини айта бошлиди. Буни эшитиб шифокорнинг ранги ўчди.

— Дарров тегишли жойга хабар беришингиз керак!
— деди у қатъий равища.

Туни бўйи боланинг юзига термулиб, ухламай чиққан Манзура эрталаб бир қарорга келди. Нонушта ҳам қилмай, кийиниб олган эрининг кескин харакатларини кўриб, аёлнинг овози шаҳдамлашди:

— Болани топширмайман!
— Ахир...
— Ахир-пахири йўқ, бу менинг болам, тамом-вассалом!

Тұғри, Манзуранинг “тегишли идора”га етиб бориши учун бир ҳафта вакт кетди. У қар куни эртага боришини, яна бир күнгина шу “бечора бола”га қараашга рұхсат беринини ўтинар, Илхомжон эса хотинининг болага бўлган кутилмаган меҳридан ажабланса-да, уни хафа қилишга ботинолмасди.

Манзура кимгадир керак бўлмагани учун эшик тагига ташлаб кетилган болани “ўз боласи” қилиб олиши қанчалар қийин кечиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганди. Топиб олинган бола топширилган Мехрибонлик уйи мудираси уни Манзурага фарзандликка беришдан қатъяян бош тортди. Манзура эса ҳар куни мудиранинг олдига бориб, “боласи”ни кўрсатишларини илтижо қилишдан эринмади.

— Опажон, тушунсангиз-чи, фарзандингиз, набираларингиз бор экан, — деди ниҳоят мудира очигига кўчиб. — Ёшингиз ўтиб, эллик беш ёшга кириб ҳам қўйибсиз. Буболани улғайтириб, оёққа турғазгунча етмиш ёшдан ҳам ошиб кетасиз-ку! Бу ёшда болага қараашга имконингиз тугул, кучингиз ва... соғлифингиз етармикан?

Манзура энди гап нимадалигини, эшиги тагига ташлаб қетилган болани нима учун унга беришдан бош тортишаётганини тушунди. Ҳақиқат аччиқ, аммо тан олмай иложи йўқ! У юзини ювиб тушаётган кўз ёшларини яширишга ҳам уринмай, илтижо қилди:

— Боламни...

— Майли! — кутилмаганда эриди мудира. — Турмуш ўртоғингизга айтинг, хужжатларни тўғрилаб келсинлар!..

Жавохир Манзура билан Илҳомжоннинг ҳаётига янги қувонч ва нур олиб кирди. Қўни-қўшнилари Жавохирни асраб олишганидан хабар топмасликлари учун Илҳомжон ўзлари яшаётган жойдан узокроқ тумандан уй олди. Манзура эса янги қўшниларидан ўзининг ёшини, пенсияга чиққанини яширав, жуда қизикувчан қўшни аёлларга эса “қариган чоғида худо берган супракоқди”си ҳақидаги уйдирмаларни сўзлаб, чалғитарди.

Жавохир уч ёшга кирганида Илҳомжон саратон туфайли оламдан ўтди-кетди. Ана шундагина Манзура Мехрибонликуйимудираси қанчаликчақ бўлганлигини тушуниб, қариганида топган ўғлининг келажагидан хавотирлана бошлади. Отасининг маъракаларига етиб келган қизи Зумрад ҳам шундай фикрда экан, шекилли, эри билан маслаҳатлашиб, Жавохирни ўзлари фарзандликка олишларига кўндириди.

— Ойижон, ёшингиз олтмишга яқинлашиб қолди, ёш болага қарашингиз жуда оғир бўлади, — деди у Самарқандга қайтиб кетаётганида, онасининг кўнглига оғир теккизмаслик учун эҳтиётлик билан сўзларқан.

— Укамни бизнинг тарбиямизга беринг. Жавохир ҳали кичкина, эсини танимаган, мени она ўрнида қабул қилиши осон бўлади. Куёвингиз билан гаплашдим, укамни ўз ўғли сифатида кўради. Нима бўпти, битта ўғлимиз иккита бўлади-қўяди-да!

— Бундай гапни бир гапирдинг, иккинчи оғзингга ола кўрма! — деди Манзура қизининг оғзиға уриб. — Жавохир менинг ўғлим, сени эса уканг! Худо умримни берсин, хаётимни тиккан шу болагинамнинг баҳтини

кўрай. Ўғлимнинг .болаларини кўтариб юришга етказсин мени!

Зумраднинг лаблари пирпиради-ю, йиғлақ юбормаслик учун онасини маҳкам бағрига босди. Йушиш, бу ҳакда қайтиб оғиз очмадилар.

Ўэнди ўзини жуда эжтиёт қиласар, тұну-кун Яратгандан боласини ёлғиз қолдирмаслигини тилярди. Холис ният қилғаниданми ёки Жавоҳирнинг баҳтиданми, ишқилиб, мана етмиш түрт ёшгача эсон-омен етиб келди. Ўғли ўн түккиз ёшга кириб, йигирмага қараб кетяпти. Онаси ёлғиз қўл билан катта қилаётганига қарамай, ақлли, если-хушли йигит бўлиб етишди.

Жавоҳир улғайиб, кўзга кўринадиган бўлгани сари Манзууранинг юрагини хавотир ғижимларди. Бирор куни ўнинг туққан онаси топилиб қолса-ю, ўғлини тортиб олса-чи? Гарчи юраги остида тўққиз ой кўтариб юрмаган бўлса-да, аллақачон вужудининг бир парчасига айланиб улгурган Жавоҳир ҳақиқий онасини қора тортиб кетса-чи? Манзура хола ўзининг онаси эмаслигидан хабар топиб, ундан юз ўгириб кетса-чи?

Ўғли ўн саккиз ёшга кирганида, Манзура хола ҳақиқатнй ундан яширишга ҳаққи йўқлигини тушуниб етди. Бор ҳақиқатни сўзлаб бергунича бутун дунёсини зулмат қоплаган эса-да, “Ўғлим, агар мен боримдами ёки мендан кейинми, ҳақиқий онанг топилиб қолса, ундан юз ўгиримагин” деб насиҳат қилишга куч топа олди. Жавоҳир онасининг сўзларини бошини эгиб, жимгина тинглади-ю, кейин важоҳат билан:

— Ойижон, менинг онам битта, у ҳам бўлса — сиз! Ҳозир ҳам, кейин ҳам фақат сиз менинг онамсиз! Бу

ҳақда бошқа гапирманг, мен ҳам эшиитмай, — деди.

Шу пайтгача Жавохирни бошқалар унинг набираси деб ўйлаши мумкинлигини Манзура хола ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ҳозир манави ҳамшира аёлнинг гапларини эшитиб, ғалати бўлиб кетди. Боласи бечора уч кун тепасида ўтирган бўлса, иссиқ-совуғидан ким ҳабар олдийкин? Ҳали оч-наҳор юргандир-ов...

— Холам тушмагур-ей, ўзиям зўр кампир экансиз-а!
— Новчагина, қалин қора қошлари туташиб кетган шифокор йигит Манзура холанинг тепасига энгашди.
— Ана энди бу юрак билан коинотга учсангиз ҳам бўлади!

— Менгә нима бўлди ўзи? — сўради Манзура хола шифокор йигитнинг ғалати гапларидан ҳеч нарсани тушунолмай.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — шифокор йигит унинг томир уришини текшираётib, қўзларини қисиб жилмайди. — Холажоним, ҳавотирланманг, юрагингиздаги битта томир ёпилиб қолган экан, шуни салгина очиб қўйдик, холос. Аммо-чи, юрагингиз жудаям зўр экан, у билан яна етмиш беш йил яшаб, рекорд ўрнатсангиз ҳам бўлаверади...

Шифокорнинг қолган гаплари Манзура холанинг кулоғига кирмади. Унинг нигоҳи эшикка қадалди. Эшик олдида елкасига оқ ҳалат ташлাগай Жавохир турарди. Унинг жавдираган қоп-қора қўзлари онасига қадалди:

— Ойижон, уйғондингизми?!

Манзура холанинг назарида эшикдан қуёш кириб келгандек бўлиб туюлди, дарди-дунёси ёришиб,

күрай. Ўғлимнинг боладарини кўтариб юришга етказсин мени!

Зумраднинг лаблари пирпиради-ю, йиғлаб юбормаслик учун онасини маҳкам бағрига босди. Йиғлаб шу, бу ҳақда қайтиб оғиз очмадилар:

Ўэнди ўзини жуда эҳтиёт қилас, тўну-кун Яратгандан боласини ёлғиз қолдирмаслигини тиларди. Холис ният қилганиданми ёки Жавоҳирнинг баҳтиданми, ишқилиб, мана ётмиш тўрт ёшгача эсон-омен етиб келди. Ўғли ўн тўққиз ёшга кириб, йигирмага қараб кетяпти. Онаси ёлғиз қўл билан катта қилаётганига қарамай, ақлли, если-хушли йигит бўлиб етишди.

Жавоҳир улғайиб, кўзга кўринадиган бўлгани сари Манзуранинг юрагини хавотир ғижимларди. Бирор куни ўнинг туқкан онаси топилиб қолса-ю, ўғлини тортиб олса-чи? Гарчи юраги остида тўққиз ой кўтариб юрмаган бўлса-да, аллақачон вужудининг бир парчасига айланиб улгурган Жавоҳир ҳақиқий онасини қора тортиб кетса-чи? Манзура хола ўзининг онаси эмаслигидан ҳабар топиб, ундан юз ўгириб кетса-чи?

Ўғли ўн саккиз ёшга кирганида, Манзура хола ҳақиқатнй ундан яширишга ҳаққи йўқлигини тушуниб етди. Бор ҳақиқатни сўзлаб бергунича бутун дунёсини зулмат қоплаган эса-да, “Ўғлим, агар мен боримдами ёки мендан кейинми, ҳақиқий онанг топилиб қолса, ундан юз ўгирмагин” деб насиҳат қилишга куч топа олди. Жавоҳир онасининг сўзларини бошини эгиб, жимгина тинглади-ю, кейин важҳоҳат билан:

— Ойижон, менинг онам битта, у ҳам бўлса — сиз! Ҳозир ҳам, кейин ҳам фақат сиз менинг онамсиз! Бу

ҳақда бошқа гапирманг, мен ҳам эшитмай, — деди.

Шу пайтгача Жавоҳирни бошқалар унинг набираси деб ўйлаши мумкинлигини Манзура хола ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ҳозир манави ҳамшира аёлнинг гапларини эщитиб, ғалати бўлиб кетди. Боласи бечора уч кун тепасида ўтирган бўлса, иссиқ-совуғидан ким ҳабар олдийкин? Ҳали оч-наҳор юргандир-ов...

— Холам тушмагур-ей, ўзиям зўр кампир экансиз-а!
— Новчагина, қалин қора қошлари туташиб кетган шифокор йигит Манзура холанинг тепасига энгашди.
— Ана энди бу юрак билан коинотга учсангиз ҳам бўлади!

— Менгә нима бўлди ўзи? — сўради Манзура хола шифокор йигитнинг ғалати гапларидан ҳеч нарсани тушунолмай.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — шифокор йигит унинг томир уришини текшираётиб, кўзларини қисиб жилмайди. — Холажоним, хавотирланманг, юрагингиздаги битта томир ёпилиб қолган экан, шуни салгина очиб қўйдик, холос. Аммо-чи, юрагингиз жудаям зўр экан, у билан яна етмиш беш йил яшаб, рекорд ўрнатсангиз ҳам бўлаверади...

Шифокорнинг қолган гаплари Манзура холанинг қулоғига кирмади. Унинг нигоҳи эшикка қадалди. Эшик олдида елкасига оқ ҳалат ташлаган Жавоҳир туради. Унинг жавдираган қоп-қора кўзлари онасига қадалди:

— Ойижон, уйғондингизми?
Манзура холанинг назарида эшикдан қуёш кириб келгандек бўлиб туюлди, дарди-дунёси ёришиб,

юзларига табассум ёйилди. У шифокорга қараб, жилмайди:

— Айтганингиз келсин, ўғлим. Аммо мен ҳали яна юз йил яшамоқчиман. Тилаб-тилаб зўрға топган ўғлимнинг болалари тугул, набираларини ҳам ўзим кўтариб, катта қиласман!

ҚАСОС

Азиза қўл телефонида мириқиб сухбат қилаётганида тўсатдан йўлакда турадиган уй телефони жиринглади. Азиза ўрнидан туришга улгурмай, телефон овози тинди. У энсасини қотириб, яна сухбатини давом эттириди.

Телефон яна тилга кирди. Чўзиб-чўзиб жиринглади.

— Телефонинг жиринглаяптими? — сўради нариги томондан дугонаси Умидга уй телефонининг илтижоли жиринглашини эшишиб. — Бўпти, телефонга қарайқол. Тағин эринг қўнғироқ қилиб тушолмаётган бўлса, асаби қайнаб ўлмасин!

— Э-э, шуни айт! — Азиза шошиб қолди. — Бўпти, мен телефонга қарай қолай! Майли, ўртоқ, кейинроқ қўнғироқ қиларман!

— Майли, майли, тинч бўл! — Умидга ҳам гўшакни кўйишга шошилди.

Азиза қизил тугмачани босгани ҳамони, қўл тёлефони жиринглади. Қизи Нафиса экан.

— Вой, ойи-ей, намунча гап сотасиз-а?! — гўшакдан қизининг салом йўқ, алик йўқ, жаҳл билан бақиргани эшитилди. — Сизга тушолмай, портлаб кетай дедим-а!

Уй телефонини кўтармайсиз, соткангиз нукул банд!

— Бўпти, бўпти, чийиллама! — авж пардага кўтарилиди Азиза. — Тезроқ гапир, нима демоқчисан?!

— Дадам гирт маст, оёқда туролмайдиган бўлиб келиб, уйга киряптилар!

— Нима?! Буни қаердан билдинг?!

— Вой-ей, бир қизиқ одамсиз-а! — қизининг жазавага тушиб, асабийлашаётгани, аммо ўзини базўр босаётгани овозидан сезилди. — Мен деразамизнинг рўпарасида, дараҳтлар тагида турибман. Деразадан қарасангиз, кўрасиз! Бўпти, гапнинг қисқаси, лифт ишламай қолибди, Шароғжон ака бир амаллаб дадамни зиналардан тепага судрабчиқяптилар! Мен орқаларидан киришга кўрқяпман...

— Тўғри қилибсан кирмай! Тағин сени кўрса, дадангни жағи очилиб, ўлмасин! Яхшиси қўшни уйдаги дугонанг Мухлисага қўнғироқ қил. Агар уйида бўлса, бир нарсани баҳона қилиб, уларникуга кир-да, кечгача ўтириб тур! Даданг ухлаб қолгач, ўзим сенга қўнғироқ қилиб чақираман.

— Хўп! — Нафисанинг оғир хўрсингани эшитилди.

— Ойижон, майли-ю, тағин,... дадам сизни уриб-нетиб юрмасмикинлар?

— Гўлмадим! — Гапнинг пўсткалласини айтди-кўйди Азиза. — Урса ун оши, сўкса сўк оши, деб чидаб келяпман-у, яна бир марта шундоқ овқатлардан исчам ичибман-да!

Азиза қизининг жавобини ҳам эшитмай, телефоннинг қизил тугмачасини босиб кўйди. Майли, уйдаги жанжалларни қизи кўрмай, дугонаси镍ида тинчроқ

ўтиргани маъқул. Ҳарна қилса қиз бола, ҳали ўзи бир уйга бориб, қанча жанжалларни кўраркин, буни ким билади... Азизанинг ўзи ҳам бир вактлари шу қизига ўхшаган меҳрибон, лапашангина, кўнгли бўш қиз эди. Ўн йил қайнонанинг қўлида яшади, ўтири деса ўтири, тур деса турди. Турмушнинг ҳар неки муштлари бўлса, барига дош беришга уринди. Мана, оқибатда асаблари кетди, сал нарсага жизиллайдиган, тажанг, бақироқ аёлга айланди. Бу орада тўрут фарзандли бўлди. Уч қиз, бир ўғил. Ўғли дунёга келиши арафасида эрининг лавозими ошди, пуллари ўлчовсиз бўлиб қолди. Ўғли туғилганидаги хурсандчилиги эрининг шаҳар марказидан тўрут хонали ҳашаматли уй олишига уланиб кетди.

Янги уй олишганидан кейин, Азизанинг кайнанасиникидан алоҳида чиқиб кетиб, оёғини узатиб яйраб яшашга бўлган умиди ҳавога учиб кетди. Еггинч, қавагдаги шинам безатилган янги уйга кўчиб келишди-ю, эри Азизанинг уйдан қадам босиб кўчага чиқишига изн бермай қўйди. Ишлашга рухсат беринини-ку, орзу қилмаса ҳам бўларди.

Баҳодир ўзи ишхонасидами, ресторонлардами ёки гапдами ўтиради-ю, ҳар йигирма дақиқада уй телефонига қўнғироқ килади. Агар шу пайтда Азиза ўз вактида телефон қўнғироғини кўтармай қўйса, урди худо! Кейин ҳаммомда кир юваётгани ёки айвончада овқат қовураётганини айтиб, ҳар қанча ўзини оқламасин, бехуда кетарди. Баҳодир бир нарсани баҳона қилиб ишхонасидан етиб келар, жанжал-тўполоннинг оқибати Азизанинг камида бир ҳафта-ўн

кун кўчага чиқолмай уйда ётиши билан тугарди. Қандай ҳам чиқсин, баданидаги кўкариқларни-ку, бир амаллаб яширса бўлади-я, аммо юз-кўзларидаги моматалоқларни қандай кетказсин?!

Шундай кунларда уйга нон ва сутни Баҳодирнинг ҳайдовчиси Шарофжон олиб келади. У тўпигига тушгудек узун халатда, кора кўзойнак тақиб эшик очган Ализага қўлидаги тўрхалталарни тутқазади-ю, дарров зиналардан пастга тушиб кетишга шошилади.

Бир куни одатдагидан анча қаттиқроқ бўлган жанжалдан кейин Азиза ўрнидан тура олмай қолди. Шунда Баҳодир уйга баланд бўйли, чиройли рус аёлни бошлаб келди. Бу аёл ётоқхонадаги ўрнида чўзилиб ётган Ализани илк бор кўрганидаёқ бир сесканиб тушди. Тўғри, Ализанинг шишиб, моматалоқлардан қорайиб, шаклини ўзгартирган юз-кўзларини кўрган аёл тугул, ҳатто арслон ҳам қўрққанидан наъра тортиб юборган бўлармиди, ким билсин...

Баҳодир “Нина опа” деб хушомад қилиб, атрофида айланиб-ўргилаётган шифокор аёл қовоғини осганча, Ализага қандайдир дори эмлади-ю, кейин юз-кўзларига малҳам қўя бошлади. Азиза шу заҳоти синиб кетгудек бўлиб сирқираётган суюкларидаги оғриқ йўқолганини, вужуди худди ҳавода муаллақ тургандай енгил бўлиб қолганини ҳис қилди. Мана, юзларининг ҳам лўқиллаб оғриши босилди.

— Агар яна бир марта шу аҳволни кўрсам, милицияга қўнғироқ қиласман! — деди шифокор Баҳодирга хўмрайиб тикиларкан, хотинини шу аҳволга солган одамни сизлаб гапиришни ҳам ўзига лозим кўрмай. —

Мен шифокорман, қотилнинг шериги эмасман.
Бечорани нақ ўлдириб қўйишишингга сал қолибди-ку!

— Нима қиласай, уч марта телефон қилсам хам гўшакни кўтартмади-да ўзи!

Баҳодир шифокор аёлнинг тешиб юборгудек ўзига қадалган кулранг кўзларига карай олмай, қўлини кўксига қўйиб, бошини хам қилди.

— Мен, ҳалиги... — Азиза бегона аёлнинг олдида ўзининг қаердда бўлганлигини айтишга истихола қилиб, жим бўлиб қолди.

— Қаерда бўлганингизнинг менга қизиги йўқ! — шифокор аёл бироз талаффузни бузса-да, соғ ўзбек тилида гапира бошлади. У кўрсаткич бармоғини Баҳодирнинг нақ юзига никтади. — Яхшиям суякларига ёки ички аъзоларига шикаст етмабди. Хотинини бундай калтаклаш жиноят! Мен сени огоҳлантирдим! Кейинги сафар қаерга мурожаат қилишимни ўйлаб ўтирамайман!

— Хўп, опажон, бир оғиз сўзингиз! — Баҳодир чўнтағидан бир даста пул чиқариб, аёлнинг қўлига тутқазишга уринди.

— Бу пулни олмайман! — Аёл унинг қўлини нари туртди. — Сендақа одамнинг пули менга ёқмайди. Бўпти, мен кетдим.

— Хўп, опажон, тушундим, — Баҳодир ялтоқланганча аёлнинг ортидан юрди.

Кейин Баҳодирнинг ташқи эшикни шарақлатиб очгани ва ҳайдовчисига бақиргани эшитилди:

— Шароф, опани уйларига элтиб қўй!

Ўшанда, Азиза бир ой уйдан кўчага чиқолмаганди.

Уйларидаги мунтазам жанжалларни күрәвериб, анча дийдаси қотган, ҳар сафар дадаси жанжал қилиб, онасини урганида, жимгина күз ёшларини оқизиб ўтирадиган Нафиса аллақачон ўсмир ёшига етиб, оқкорани анча тушуниб қолгани учунми, шу сафар исөн күтарди.

— Ойи, нега дадамнинг бунақа қилиқларига чидаб юраверасиз?! — онасига тиқилинч қилди Нафиса. — Нима, дадамнинг калтагини ейиш учун турмушга чиққанмисиз ўзи? Нега уйимизда кунда-кунора жанжал, биз хам катталардек тинчгина яшасак бўлмайдими? Нега сиз ҳам дугоналаримнинг онасига ўхшаб, кўчаларда ясаниб, селкиллаб юрмайсиз? Қачон қарама, доим у ер-бу ерингиз кўкарған, доим асабингиз қайралған, яримта гапимизни кўтаролмай бақириб-чақирасиз.

— Хўш, нима қил дейсан? — беҳафсалалик билан тушунтиришга уринди Азиза. — Шунчалик ақлли бўлсанг, гапир, нима қилай?

— Бундай яшашни хоҳламайман! — овозининг борича қичқирди қизи асабийлашиб. — Уйимизда тинчлик бўлишини, ҳамма ўртоқларимдек яшашни хоҳлайман! Дугоналаримни уйимга олиб келсам, дейман...

— Нега олиб келмайсан дугоналарингни? Олиб келавер, — бефарқ оҳангда деди Азиза. — Наҳотки шундай ҳашаматли уйингга дугоналарингни олиб келишдан уялсанг?

— Ойижон, шу гапни ўйлаб гапиряпсизми? — лабини қийшайтирди қизи. — Ўртоқларимни олиб келганимда,

дадам бўрондек учиб кириб, сизни уриб кетишларини тасаввур қўляпсизми? Бунақанги шармандалиқни қўтара олади деб ўйлаяпсизми мени?

Азизанинг эътиroz билдиришга чоғланган тили қотди-қолди. У доимо эрининг беўрин рашки туфайли калтак ейишлару ҳафталааб уйдан кўчага чиқмай, ҳатто тўй-маъракаларга ҳам аралашмай яшашга ўрганиб кетибди-ю, аммо бу ҳолат фарзандларига қандай таъсир қилишини ўйламабди-я! Мана, ҳақиқат Нафисанинг нафрат тўла нигоҳлари сифатида ўзига тикилиб турибди.

— Нимай қилай, қизим, ажрашайми? — тикка сўради у. — Ишламасам, кучламасам, тўрт бола билан ўзимни қандай боқаман? Пул кутуртиряпти-да, дадангни...

— Доим шундай дейсиз! Ўт тушсин пулига, тушундингизми! Менга керакмас дадамнинг пуллари! Пулларини ёмон кўраман! Дадамни ёмон кўраман!

Нафиса юргурганча хонасига кириб кетди. Кейин унинг хонасидаги ёзув столини тарсиллатиб ургани, компьютер сичқончасини суғуриб олиб, бурчакка улоқтиргани эшитилди. Азиза гарчи қизи асабийлашганида қўлига тушган нарсани отиб-улоқтиришини билса-да, унинг хонасига кирмади: майли, отаверсин, синдираверсин! Бу нарсаларга Азизанинг пули куйибдими? Унга нима, барибир Баҳодир эртагаёқ ҳаммасининг ўрнини тўлдириб қўяди. Азиза эса ҳали эридан бир қасос олади. Шунаканги ўч олсин-ки, Баҳодир бир умр эслаб юрсин! Фақат ана шу қасос олиш йўлини ўйлаб топса бўлгани...

Нохуш хотиралар гирдобидан чиқолмай, ҳамон

йўлакдаги телефон олдида тик турган Азиза ташқи эшик қулфига калит сүқилганини эшитиб, ўша ёқса ўгирилди. То у етиб боргунича, эшик очилиб, орқа ўгириб остононадан кириб келаётган Шарофжон кўринди. У ғирт мастилигидан оёқда туролмай қолган Баҳодирнинг қўлтигидан тутиб, бир амаллаб тўртга қаватнинг зинасидан тепага тортиб чиқкунича қаро терга ботиб кетганди.

Баҳодирнинг чангга беланган, яна қандайдир жигарранг-қизил доғлар тегиб, қотиб қолган кимматбаҳо туфлисининг уни ҳам эшикдан ичкарига киргач, ҳайдовчи харсиллаганча тўхтади. Ҳамон бир қўли билан бошлиғининг қўлтигидан тутганча, иккинчи қўли билан пешонасидағи терларни артаркан, орқасида уй бекаси турганини сезиб, паст овозда луқма ташлади:

— Кеннойи, акамнинг тұфлисини ечиб олинг, кейин ётоқларига киритиб ётқизиб қўяман. Костюмларини ечиб, ҳаммомга ташлаб кетаман, кейин қаарпиз! — у эрининг туфлисини ечаётган аёлдан кўзини четга олиб, афсусланганнамо оҳангда оҳиста деди. — Шундай киммат костюм расво бўлди-я!

Азиза шундагина эрининг бутун уст-бошидан бадбўй хид келаётганини пайқади.

— Нима бу? — деди у бир туфли юзасидаги доғларга, бир кимматбаҳо костюмнинг ёқасидаги шубҳали доғларга тикилиб.

— Э... — Шарофжон қўл силтаб, бошлиғини ётоқхона томон торта бошлади. Шундаям бекасининг гапини жавобсиз қолдиргиси келмай, изоҳ бериш учун тўхтатди. — Хавотирланманг, шунчаки хурмачасидан

ошиқчароқ ичишганди, кўнгиллари айниб, қайт қилвордилар. Майли, дўкон тўла костюм, яна оладилар-кўядилар, шу муаммоли?

Азиза ҳайдовчининг овозидаги нозик таънани пайқади-ю, индамай қўя қолишни маъқул кўрди.

Шарофжон Баҳодирни ётоқхонага судраб кириб, ўрнига ётқизди. Кейин бир амаллаб унинг устидаги булғанган костюмни ва бўйинбоғини ечди-да, гуноҳкорона бир қиёфада Азизага мўлтираб каради:

— Узр-да, кеннойи, Баҳодир акам бугун бир катта ишни қўлга олдилар. Шуни сал нишонлашганди...

Азиза индамади. Нимаям десин, янайм уруш жанжалсиз, калтаксиз қутулганига шукр.

Шарофжон кетгач, Азиза бадбўй хидга тўлиб кетган ҳаммомга кирди. Нимаям қилсин, эрининг туфлиси билан костюмини тозалаб кўймаса бўлмайди.

У жирканибина костюмни қўлига оларкан, унинг хийла оғирлигини сезди. Ё тавба, бу яна нимаси...

Азиза костюмни қўлида салмоқлаб кўраркан, унинг чўнтаклари дўппайиб турганига қўзи тушди. Шоша-пиша чўнтакларга қўл югуртириди. Костюмнинг ички чўнтағидан елим ҳалтага ўралган тўртбурчак нимадир чиқди. Азиза шоша-пиша уни олиб қаради. Дасталаб, бели боғланган пуллар. Доллар. Олтита тахлам. Умрида шунча пулни кўрмаган Азиза анқайиб қолди. Вой-бў! Шунча пул-а?! Бу қанча пул бўлади...

— Азиза!

Баҳодирнинг овозидан чўчиб кетган Азизанинг қўлидаги пуллар нозик зангори тусли кошин қопланган ҳаммом полига сочилиб кетди. У шоша-пиша пулларни териб олишга уринди. Аммо шу пайт яна Баҳодирнинг арслондек наъраси эшитилди:

— Қаердасан?!

Шундан сўнг кётма-кет сўкишлар дўли ёғилди. Бечора аёл қўрқанидан ғужанак бўлганча бир зум котиб турди-да, кейин ерда сочилиб ётган пулларни ҳам унугиб, ётоқхона томон югурди:

— Мана, кетяпман! Ҳозир!

Аммо ётоқхона эшигини очди-ю... каравот ёнида гандираклаганча қаддини ростлашга уринаётган Баҳодирга тўқнашди.

— Қаерда юрибсан?! Жазманларинг биланмидинг?! Пулимни сен олдингми?!

Бечора аёл ҳали оғиз очишга улгурмасиданоқ, эрининг сўлакмондек мушти пешонасига келиб урилди-ю, кўз олди коронғилашиб, худди ўрнидан турғазилган латта қўғирчоқ сингари чўғдек гилам устида узала тушди-қўйди...

Азиза кўзини очганида, ётоқхонани Баҳодирнинг момақалдириқдек хурраги тутган, арадаш ичилган ичкиликларнинг бадбўй ҳидидан димоги ёрилгудек. Азиза зирқираб оғриётган пешонасини ушлаб, инグラб юборди. Пешонасини безатиб турган олмадекми, ёки ундан ҳам каттароқми шиш жуда қаттиқ оғриётганди. Оғриқ зўридан жони кўзига кўриниб кетган аёл аста ўрнидан туришга уринди. Баҳодир урганида, ерга қаттиқ тушган шекилли, бўксасида ҳам зириллаган оғриқ сезилди. Азиза бир амаллаб ўрнидан туриб, ҳаммомга йўналди.

Ҳар қадам босганида оғриқдан инқиллаб кўяркан, ҳаммомга кирганида оёқ тагида сочилиб ётган пул дасталарини илғамади ҳам. Тўсатдан оёғи остида

сочилиб ётган пуллар сирғаниб кетди-ю, гандираклаб кетган Азиза ўзини тутолмай, пешонасидаги ғурра ҳаммом деворига урилди. Аёлнинг кўз олдида ўт чақнаб, бир зум оғриқ зўридан карахт бўлиб қолди. Эс-хуши ўзига келгачгина, инграб, оёғи остига ҳаради ва кошинлар усти билан битта бўлиб сочилиб ётган пулларни кўрди.

Кутилмаганда аёлнинг қалбини ғазаб, нафрат, исён эгаллади. Унинг бор қулфатига, баҳтсизлигига, жони азобда қолганига шу пуллар айбдордек туюлди. У шарт эгилиб, бир даста пулни чанталлади.

— Ўт тушсин сенларга! — хайкирди у овозининг борича. — Йўқ бўлиб кетларинг! Ўзим йўқ қиласман сенларни!

У пулларни парча-парча қилиб йирта бошлади. Кошинлар устини, ванна ичини пул парчалари эгаллади. Азиза ҳамон пулларни қарғаганча югуриб айвончага чиқди-да, чиқиндилар солинадиган челакни олиб келди. Ҳаммаёқда тўзиб ётган пулларни ховучлаб олиб, челакка сола бошлади. Чиқинди челакни айвонга олиб чиқиб қўйди-ю, гўё кўнгли ором олгандек бўлди. Шу билан у ҳамма нарсани унутди. Шу жумладан, чиқинди челакдаги пулларни ҳам...

Ҳамма томоша эртаси куни эрталаб бошланди.

— Пулларим қани? — ўшқирди эртаси куни эрталаб уйғонган Баҳодир гўё хотинининг нақ косадек шиш безатиб турган пешонасини кўрмайтгандек бамайлихотиргина.

— Қанақа пул? — сўради талмовсираб Азиза.

У ростдан ҳам кечаги кунни, айвончадаги чиқинди

челакка боғлами билан ташланган, майдаланган долларларни пакқос унуганди.

— Чўнтағимдаги пулларни айтяпман, мол! — ўшқирди Баҳодир. — Олтмиш минг доллар қани?!

— Қанча-а? — ўрнидан туриб кетаёзди Азиза.

— Олтмиш минг, деяпман! — тоқатсизланди эри. — Бу қанча пул бўлишини биласанми?!

— Билама-ан...

— Балони биласан! — шарт кесди эри. — Пулим қани, топ деяпман!

— Мен кўрганим йўқ пулингизни...

Баҳодир хотинига тикилиб қаради. Ростдан хам хеч нарсадан бехабардек мўлтираб турибди. У шубҳаланиб, кафти билан пешонасини ишқалади.

— Ички чўнтағимда бели боғланган олти ўрам доллар бор эди.

— Билмадим...

— Э, сен нимани билгандинг, ўзи?! — Баҳодир чўнтағидан қўл телефонини олиб, рақам терди. — Шароф! Қаердасан?! Келяпсанми? Бўпти, тезроқ кел, анави ҳайвонларнинг олдига борайлик. Кеча молдек ичганимдан фойдаланиб, пулларини шилиб қолишибди!

У ҳамон ўзидан кўз узмай тикилиб ўтирган хотинига қайрилиб қарамай, йўлакка чиқиб кетди...

Азиза уйига терговчи келганидагина, эри кимнингдир ишини битириб бериш учун олтмиш минг доллар пора олгани, аммо бу пулларни йўқотиб қўйиб, ўша одам билан бориб ёқалашгани, кимдир тартиб посбонларига хабар берганидан кейин қочиб кетгани, ҳозир қидирувда эканлигидан хабар топди.

— Агар эрингиз уйга келса, хабар берарсиз, — деди фуқаролик-күйимидағи кексароқ киши Азизага ташрифнома узатиб.

Азиза бош иргаб құя қолди. Аммо шу билан эри уйга қайтмаслигини, пойтахтдан анча узоқдаги бир қишлоқда құлға олиниб, товламачилік ва порахұрлық учун панжара ортига ўтиришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Фақат нимадир солиши учун чиқинди чөләгина очиб, пулларни күрганидагина бўлган воқеа эсига тушди. Дарров чөлақдаги пулларни палос устига олиб ташлай бошлади. Майдалаб, парчаланган пулларни кўриб юраги ачишиб кетди. Шу заҳоти меҳмонхонага, терговчининг телефон рақамлари ёзилган қофозчани олгани югурди. Ташибномани қўлига олди-ю... ўйланиб қолди.

Қозонга яқин юрсанг, кораси юқади, деганлари рост, шекилли. Айни шу дамда Азиза эрининг чўнтағидан чиққан пулларни уларнинг эгасига топширгиси келмаётганини сезиб қолди. У қалбининг туб-тубида қандайдир кора илон бош қўтарганини сезди. Юрагидаги шу пайтгача эрига нисбатан тўплланган ғазаб, нафрат, ўзига нисбатан ачиниш, ўқинч бош қўтарди. Эридан еган калтаклари, ноҳақ сўкиш эшиятганлари эсига тушди. Ҳафталаб кўчага чиқолмай, оғриқларга чидаб, болалари кўриб қолмаслиги учун унсиз кўз ёш тўкканлари-чи?! Эридан қасос олиш учун қасам ичганлари-чи?!

— Йўқ! — деди Азиза овоз чиқариб ўзига-ўзи. — Бу пулларни топширмайман! Мана, мен излаган қасос шу

бўлақолсин! Еган калтакларим, эшитган сўкишларим учун бундан яхшироқ қасос бўлиши мумкинмас. Мени уриб-суреб, истаганича мазаҳлаган кимсага қасос қандай бўлишини бир кўрсатиб қўйай!

У сочилиб ётган пулларни яхшилаб тахлади, юзта-юзта қилиб белини боғлаб қўйди. Яхшиям фақат йигирматача пулни йиртишга улгурган экан, уларни алоҳида олиб қўйди. Ҳечқиси йўқ, балки елимқоғоз билан ёпиштирса, уларни ҳам ишлатишнинг йўли топилар...

Азиза қасос олишни қойиллатди. Баҳодир бир неча йилга қамалганидан фойдаланиб, у билан ажрашиш ҳақида судга ариза топширди, пулларни эса фақат ўзи биладиган жойга яшириб қўйди. Баҳодир билан ажрашганидан сўнг эса эрининг шўришларига сабаб бўлган пулларни яйраб-яйраб ишлатди.

ДЎСТЛИК ҚАДРИ

Эрталабдан бошига жуда қаттиқ оғриқ кирган Муштарий зўрга ишхонасига етиб келди.

Муштарий эзикни очиб, ичкарига қадам ташлади-ю, ҳамкаси Наргизанинг сурма тортилган шаҳло кўзлари янада катта очилганча ўзига қадалганини кўриб, юраги орқага тортиб кетди. У Наргизани сирам бунақангидий қиёфада кўрмаганди.

— Тинчликми? — сўради у салом-аликни ҳам унутиб, оstonада қаққайиб турганча.

— Вой-й, Муштарий опа... — Наргизанинг овози титраб кетди. — Анув-чи... Анув, Сирож ака-чи...

Наргизанинг оппоқ оқариб кетган рангини кўриб, юрагига ваҳима ўрлаган Муштарийнинг оёқлари жонсизланиб, пахтадек юмшаб қолди. У ёнгинасида турган Сайднинг стулини ўзи томон суриб, оҳиста чўкди.

— Сирож акага нима бўлибди?

Шу пайт эшик очилиб, остоңада Сайд кўринди.

— Муштарий опа, келдингизми? — деди у салом-аликни ҳам унугиб, тушкун аҳволда. — Ҳали хабарингиз йўқдир, Сирожиддин ака ўтиб қолибдилар! Ҳозир кеннойи қўнғироқ қилдилар. Юраклари тутиб қолибди... Идорадаги ҳамма эрқаклар жанозага кетишади. Аёлларга ўзингиз бош бўларкансиз...

Муштарий Сайднинг гапларини эшитарди-ю, аммо маъносини англамасди. Кўзларидан қайноқ ёшлар ирмоқчадек юргургиларди.

— Муштарий опа, қўйинг, йиғламанг... — Наргиза сал ўзига келиб, ўрнидан турди-да, Муштарий томон одимлади:

— Наргиза, опани тушунса бўлади, — деди Сайд ҳамкасб аёлнинг ҳолатини ўзича тушуниб. — Улар Сирож ака билан бирга ўқишган, ўттиз йилча бирга ишлашган...

Муштарий Сайднинг охирги гапларини эшитди. Чиндан ҳам Сирож унга шунчаки гурух, оддий ҳамкасбими迪?

* * *

Баҳорги имтиҳонларни топшираётган пайтлари эди. Гуруҳдош дугонаси Марҳабо ҳовлиқиб келди.

— Муштарий, биласанми, сени ким билан таништирмоқчиман? — деди у одатдагидек сирли қилиб, сўзларни чўзиб гапиравкан.

— Ким экан, мен билан танишмоқчи бўлган азамат?
— деди Муштарий одатдагидек кўзини китобдан узмай.

Эртага имтиҳон, бу қиз бўлса нуқул севган йигити билан боғма-боғ дайдишини-ю, хиёбонларда музқаймоқ еб ўтиришнигина ўйлади, холос.

— Сирож акамга сен ҳақингда гапириб берувдим, таништири, деб кўймаяптилар, — бидирлаб кетди Марҳабо, кейин дугонасининг биқинига туртди. — Қара, лекин илаштириб кетиб қолмагин-а! Нак сочингни юлиб оламан!

Китобдан кўз узмай ўтирган Муштариининг қулоғига гап киравми... Марҳабо дугонасининг қўлидаги китобни шартта тортиб олди.

— Сенга гапирияпман, шекилли!
— Ундан кўра китоб ўқисанг бўлмайдими, эртага имтиҳон бўлса...

— Қўй-е! — дугонасининг гапини шарт бўлди Марҳабо. — Қалбинг севгига тўлиб турганда, китоб ўқишга бало борми? Бир амаллаб топширарман...

— Стипендия...
Муштариининг гапи оғзида қолди, Марҳабо хандон отиб кулганча югуриб чиқиб кетди.

Кечга томон, Муштарий овқатни пишириб, дугонасининг эрта қайтишидан умидини узиб, бир ўзига овқат сузаётган пайтда, йўлакдан Марҳабонинг шўх қаҳқаҳаси янгради. Зум ўтмай, эшик очилиб, оstonада ўзи ҳам кўринди.

— Муштарий, таниш, Сирож акам!
Муштарий шошиб эшик олдида турган баланд бўйли,

гавдали йигитга қаради. Сирожиддин қизлардан бор-йүғи бир ёшгина катта бўлса-да, анчагина салобатли кўринар, гап-сўзлари ҳам қиёфасига мос — оғир-босик, маъноли эди. У шўх-шаддод, бир гапириб ўн куладиган Марҳабонинг бири тоғдан, бири боғдан кела±тган гап-сўзларига жилмайганча қулоқ тутар, аммо унинг ҳар бир истагини сўзсиз муҳайё этишга тайёр эканлиги сезилиб туради.

Йигит Муштарийнинг шоша-пиша ярим тайёр маҳсулотлардан пиширган уграсини худди лаззатли таом тановул қилаётгандек иштаҳа билан ичаркан, қизнинг минг хижолат ила паст овозда “Анави... гўшт тугаб қолган экан-да... узр энди...” деб чайналганини эшлиб, унга тасалли берди:

— Койилман, гўштсиз ҳам шунақсанги мазали таом пишира олган пазандани илк бор кўришим!

— Ҳо-о, мақтовлар менга ҳам қолсин! Мен ҳам овқат пиширишни биламан! — деди Марҳабо одатдагидек эркалигини кўрсатишга шошилиб.

Сирожиддин мийифида жилмайди-ю, аммо жавоб бермади ва яна овқатга тутинди...

Ўша йили ёзда Марҳабо билан Сирожиддининг тўйи бўлди. Учинчи босқичда Сирожиддин ўқишини Марҳабонинг гурӯҳига кўчириб ўтказди, мутахассисликлар орасидаги фарқ қилувчи имтиҳонларни топширди. Икковлари оиласи талабалар истиқомат қиладиган ётоқхонага кўчиб ўтишди ва доимо бирга юрадиган бўлишди. Энди Муштарий баҳтидан масрур, анчагина тўлишиб, янада ҳуснига ҳусн кўшилган Марҳабо билан фақатгина институтда кўришарди.

Учинчи босқични битираётган вақтларида, айни имтиҳонлар яқинлашганда Марҳабо қизчалик бўлди. Аммо у ота-онасининг ҳам, қайнана-қайнатасининг ҳам қистовларига қарамай, боласи сал катта бўлиб олгунича ўқишдан академик таътил олишга кўнмади.

Муштарий дугонасининг аҳволини тушунарди. Тўғри-да, қайси эркак хотинини шаҳарда ўқитиб қўйиб, ўзи қишлоқда болаларини қараб ўтиришга кўнарди? Шундай бўлса-да...

— Қизинг-чи? — деди у дугонасининг қўлидаги митти қўғирчоқдан кўз узолмай.

— Бир гап бўлар! — дарров одатдаги кўринишига қайди Марҳабо.

Марҳабо айтганини килди, кузда яна эри билан бирга ўқишга келди. Бир сафар Марҳабо, бир сафар Сирожиддин ўқишдан қолиб боза бокашар, бир-бири учун дарс тайёрлашар, хўллас, зир юргургилаб, вақт ўтказишарди.

Шу тариқа бир ғамаллаб охирги босқичгача етиб олишди. Кишки имтиҳонлар бошланаётган вактда оғзи қулоғида юргургилаб қелган Марҳабо Муштарийни кучоқлаб олди-да, сарзанд кутаётганини, Сирож акасига ўғил ҳадя этмоқчилигини айтди. Муштарий аввалига қувониб кетди, кейин эс-хушини йиғиб олиб, дугонасига тикилди:

— Ўғиллигини қаердан билаколдинг?

— Тушимда кўрдим! — беғамгина хандон отди Марҳабо.

— Гапниям оласон-а! — кулиб юборди Муштарий.

— Рост айтяпман!

Марҳабо ҳам, Муштарий ҳам олдинда ўзларини нималар кутаётганини ҳали билишмасди. Олдинда уларни диплом иши, кеча-кундуз тинимсиз ёзишлар ва “вагон-вагон” чизмалар кутаётганди. Муштариини-ку, иши осон, аммо Сирожиддин ҳам, Марҳабо ҳам бири еру-осмон орасида сапчиб, булутларни тұтишга шайланадиган шүх қизалоғи, бошқаси дунёға келажак фарзандидан ошибгина диплом ёзиши ва чизмалар чизиши мумкин эди. Айни шу даврга келиб, Марҳабонинг ой-куни яқынлашиб, дипломини ёзиш у ёқда турсин, ҳатто қызчаси ва эрига ҳам қаролмай, пишиллаб, зўрға юрадиган бўлиб қолди. Марҳабо одатдаги қаҳқаҳаларини ҳам тарқ этган, нуқул оёғи оғриётгани ёки шишаётганидан шикоят қиласидиган бўлиб қолганди.

— Барибир академик таътил оламан, шекилли, — деди у бир куни гап орасида Муштариийга нолиб. — Аммо шу билан уйда ўтириб қолиб кетаман, буниси аниқ. Ўқиганим ҳавога учиб кетадиган бўлди-да!

— Шунча чидадинг-ку, яна бир-икки ой чидагин-да! — деди Муштарий куйиниб. — Агар ҳозир таътил олсанг, ўқишингни тиклаганингдан кейин яна бир йилни қайта ўқишингга тўғри келади!

— Сенга гапириш осон! — Марҳабонинг овозида илк бор қандайдир афсус оҳангى сезилди. — Шу ахволимда дипломни қандай ёзаман, чизмаларни қандай чизаман? Сирож акам ҳам ўзининг дипломини қилиши керак, бу ёқда қизимгаям қарайтилар...

Марҳабонинг кўзларидан қайноқ томчилар югуриб кетди. Дугонасининг ахволини кўриб, Муштарий шошиб қолди.

— Қўй, йиғлама! — деди у шошганидан нима дейишини билмай.— Йиғламагин, илтимос. Хоҳласанг сенга ўзим ёрдамлашаман.

— Қанақасига? — ҳайратдан Марҳабонинг кўз ёшлари ҳам бир зумда қуриди. — Ўзингни дипломингчи?

— Мени қўявер, ахир мен сенинг аҳволингда эмасман-ку, эплайман!

Ўша кундан бошлаб Муштарий Марҳабонинг ётоқхонасига танда қўйди. Гарчи Сирожиддин бошида Муштариининг дугонасига ёрдамлашишига қаршилик қилиб, ўзи бир амаллаб эплашини айтса-да, овозидан миннатдорлиги сезилиб туарди.

Муштарий кундузлари Марҳабоникига бориб, унинг диплом ишини ёзар, тунлари эса аччиқ-аччиқ қаҳва ичиб олиб, ўзиникини тугатишга шошиларди. Марҳабо кўрпачада дўмбирадек шишиб кетган оёқларини силаб ўтирганча диплом иши мавзусини бир бошдан айтиб туар, Муштарий уни қофозга туширади. Сирожиддин қизчаси уларга ҳалакит бермаслиги учун уни ўйнатиб ўтирад, тўполончи боласи ухлаётган вактда эса ё ўзининг ёки хотинининг диплом чизмаларини чизишга тутинарди. Баъзан, эриб кетиб, дугоналарга ош дамлашга тушиб кетарди.

Шу тариқа уч ой ўтди. Амал-тақал билан учовлари ҳам диплом ишини тугатишли.

Диплом ҳимоясига келган Марҳабони кўрган домлалар маъноли кўз уриштиришди-ю, уни ортиқча гапиртиришмади ҳам. Номига диплом мавзуси бўйича бир-иккита савол берган бўлишиди-ю, дарров уни

чиқарип юбориши. Марҳабонинг ҳимояси вақтида эшик олдидан нари кетолмай қолган Муштарий, дугонасини бағрига босиб, тезгина табриклиди-ю, дадил ҳимояга кириб кетді. У диплом ҳимоясини тутаттач, илмий раҳбари бўлган ёшгина муаллиманинг мамнун жилмайганча, “Беш!” ишорасини килиб, маъноли кўз қисганини кўриб, қўнгли жойига тушди. Аммо у ташқарига чикқанида, эшик олдида Марҳабо ҳам, Сирожиддин ҳам йўқ эди. Аввалига дугонаси унинг дипломини ҳимоя қилиб чикқунича кутиб турмаганидан Муштариининг бироз қўнгли оғригандек бўлди, аммо тўртинчи бўлиб диплом ҳимоясига кирадиган Сирожиддин ҳам йўқлигини кўргач, юрагига ғулғула тушди..

— Аҳмедов! — учинчи марта чақирди диплом ишларини қабул қилувчи комиссия котибаси. Аммо Сирожиддиннинг дом-дараги йўқ эди.

Кечқурун эса Муштарий дугонасининг ўғиллик бўлганидан ҳабар топди.

Муштари билан Сирожиддин битта корхонага ишга йўлланма олишди, Марҳабо эса икки боласи борлиги сабабли “эркин” диплом олиб, ўзи ўта ёмон кўрадиган “таътил”га чиқишга мажбур бўлди. Аммо унинг зўри билан ота-оналар бирлашиб, аввалига икки ёшнинг ижарахонада яшавлари учун шароит қилиб беришди, кейин бир хоналик бўлса-да, уй олиб бериб, кулоклари тинчиди.

Муштари ҳам турмушга чиқди. Гарчи ўзи орзу қилганидек ўта романтик бўлмаса-да, илиқ-милиққина турмушидан унчалик нолимайди, уч нафар фарзандини

катта қиляпти, уйи-жойи бор, ишләяпти, шунисигаям шукр қиласи.

Марҳабо фарзандлари катта бўлгач ҳам ишга киришни орзу қилмади, эрининг топғанига қаноат қилиб, уйда ўтиришни маъқул кўрди. Сирожиддин эса бу вақтда оддий ходимдан бўлим бошлиғи лавозимигача кўтарилди, бир хонали уйи тўрт хонали бўлди, машина олди...

* * *

Бир ҳафта муқаддам, Наврўз байрами муносабати билан ишхонада уюштирилган тантана туфайли ишхонада ушланиб қолишганида, Сирожиддин Наргиза билан Муштариини уйларига ташлаб қўйганди. Наргизанинг уйи яқинроқ бўлгани учун аввал уни уйига ташлаб, кейин Муштарийникига йўл олишган, йўл-йўлакай одатдагидек у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, талабалик давларини эслаб, кулишиб кетишганди...

Шуларни эсларкан, Муштари чуқур хўрсинди: Йўқ, Сирожиддин унинг учун шунчалик курсдош эмас! У ўзига яқин қондош, акадек бўлганини Муштари хозир чуқур англаб етди. Афсуски, жудолик бошига тушгандагина тушуниб етди...

КОВАТОК

Май ойининг бошлари. Айни қуёш забтига ола бошлаган, ҳали баҳор тугамаган бўлса-да, ёзнинг нафаси сезилиб қолган кунлар. Ишдан хориб-чарчаб қайтаётган Мазура ёпган нон ҳарид қилиш учун бозор томон қайрилди. То ноннинг пулинини тўлаб бўлгунича,

нончиларнинг орқа тарафи катортизилган растворларнинг биридаги ошкўкилар орасида турган ток баргларига қўзи тушди. Бирдан коваток егиси қелиб кетди. “Баҳор тугай деяпти, ҳалиям коваток қилганимиз йўқ-а!” деб ўйлади у беихтиёр.

Манзура кўкат сотувчи қиз билан узок савдолашиб, охири икки минг сўмга саккиз боғ ток барги олишга келишди. Ўх-хўй, шунча баргдан нақ икки лаган коваток чиқади. Эри коватокни жуда яхши кўради, бир тўйисин...

Манзура ҳовликқанча уйга келиб, коватокка ҳаракат бошлади. Гўшт тўғраб овора бўлмади, балки музлатгичда турган тайёр қиймадан кўпроқ қўшиб юбора қолди. Шу орада институтга киришга тайёрланаётгани учун тарихдан қўшимча дарс берувчи репетиторга кетган қизи Сарвиноз қайтиб келди-ю, ишлари ҳам тезлашиб, дарровгина бир қозон коватокни тугиб ташлашди.

Айни овқат пишар маҳали Сарвинознинг бир қават пастки хонадонда яшовчи дугонаси қўнғироқ қилиб қолди-ю, у “Ойижон, Дилфузанинг бир гапи бор экан. Бир зумга тушиб келай” деди-ю, онасининг хўп дейишини ҳам кутмасдан ғойиб бўлди-қолди. Дилфузаси тушмагур кийим-кечаклар ва ясан-тусангага ўта берилган қиз, янги нарса олдими, дарров Сарвинозни чақириб, ўнга мақтанишга уринади. Кошки, шаҳар марказида яшайдиган замонавий қиз бўлишига қарамай, айни шунақанги нарсаларга сирам қизиқмайдиган Сарвинознинг бундан ичи куйса ҳам майлийди...

Кечқурун Солижон ишдан қайтганида иштахаочар икки лаган коватокнинг буғи бурқираб, хонтахта устида кутиб турарди.

— Вой-бў, бизнинг уйимизга ҳам баҳор келибдими?

— деди Солижон кафтларини бир-бирига ишқалаб, ошхонага кириб келаркан.

— Ие, эсингиздан чиқдими, февраль ойиданоқ кўк сомсалар пишириб берганимда уйимизга баҳор кириб келганди-ку? — дарров “чақиб” олишни унутмади Манзура.

Аммо биринчи коватокни оғзига солибօқ, Солижоннинг афти буришди. Юзини тириштирганча коватокни узок чайнади, кейин нима бўлганини тушунолмай, қўлидаги коватокни ейишини ҳам, емаслигини ҳам билолмай турган хотинига хўмрайиб қаради...

— Шунгаям چул кетказиб сотиб олдингми? — у иккинчи коватокни шаҳд билан силтаганди, қийма ўралган барг очилиб, ичидагилар лаганга сочилиб кетди. — Ток барги қариб кетибди-ку! Резинкага ўхшайди ўзиям, шуни еб бўладими?! Пул топиб ақл топмагансан-да, бозорчилар нарса деб қўлингга тутқазиб юборишса, индамай кўтариб келаверасан! Қариб кетган баргларни фалон пулга олгандирсан, ҳали?!

— Икки мингга саккиз боғ... — иккиланиброқ деди Манзура ва шошганидан қўлидаги коватокни оғзига солди.

Таомнинг таъми яхши, сирайм нордон эмас... Резинкага ҳам сира ўхшамаяпти.... Қизик, бунинг нимаси ёқмади экан?

— Кўрдингми нордонлигини?! — хотинидан кўзини узмай турган эри ғолибона хитоб қилди. — Мундо-оқ бир нарсани очиб кўриб, текшириб, қараб олсанг бўлмайдими? Бозордаги ҳаммадан қолган-кутган нарсаларни олиб келиб, ошқозонимни ўлдиряпсан ўзи! Мен буни емайман!

Солижон кутилмаганда олдидаги лаганини нари сурди. Чарчаб келгани устига шунча овқат пишириб, ҳолдан тойған Манзурунинг бу аҳволдан жаҳли чиқиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Мен сизни ўйлаб, мазза қилиб ейсизми, деб...

— Ҳа, жуда мазза қилдим, раҳмат! — эри жаҳл билан кафтини юзига тортиб, ўрнидан турди. — Бошқа овқат қилиб овора бўлма, тўйиб кетдим! Яхшиси нон-чой ичганим маъқул!

Солижон ўрнидан туриб, меҳмонхонага кириб кетди. Ошхонада икки лаган коватокка термулганча қолган Манзурунинг хаёлларини эшик кўнғироғининг жаранглаши бузди. Дугонасиникида соатлаб қолиб кетадиган қизи бунча вақтли қайтибди? Тинчликмикан ўзи?

Манзура ҳатто одатича “Ким-м?” деб сўрамаёқ, шошиб эшикни очди. Эшик олдида шипдек бир йигит илжайиб турарди. Йигит кўзига иссиқ кўринди-ю, аммо Манзура шошганидан уни даставвал танимади ҳам.

— Вой... — деди у ортига бир қадам тисарилиб, чўчиб кетганини яширолмай. — Сизга ким керак?!

— Шунакасан-да, ўзинг қариндош-уруғларингнигига бориш йўлини унутиб қўясан-у, яна излаб келганларни

танимайсан! — деган шаддод овоз янгради йигитнинг ортидан, кейин уни четга суреб, энг кичик холаси Сайёра пайдо бўлди. — Ўзи саноқли жиянларинг бор-у яна уйингга излаб келса, “Кимсиз?” дейсанми?

Холасининг иddaоларини эшишиб, Манзуранинг кулгиси қистади-ю, лекин ўлардек аразчи холасининг аччик-тизиқ гаплари фавворадек отилиб кетишидан чўчиб, ўзини босди. Саноқли жиянинг бор, дейди-я, яна! Ўзи саккизта холаси, иккита тоғаси бор Манзуранинг. Уларнинг ҳар бирини уч-тўрттадан фарзандлари бўлса... Жиянларининг саноги юзнинг ярмидан ошади, тўй қилгудек бўлса, бегона одам чақиришга ҳожат йўқ.

Холаси ўғли билан меҳмонхонага кириб, уйнинг тўрини эгаллагач, Солижон улар билан бир оғиз ҳолаҳвол сўрашган бўлди-ю, аммо ҳалиям аразидан кутуолмаётгани учунми, ётоқхонага кириб гум бўлиб кетди.

— Куёвингизга эътибор берманг, ўзи ишхонадан кайфияти бузилиб қайтди, гап-мап эшифтганми, билмадим, — деб баҳона қилиб қўя қолди Манзура хижолатпазликдан чикиш учун.

— Қўявер, ҳамма эркак шу аҳвол, — шангиллади холаси. — Бизникиям шу аҳвол, қачон қарама, кимдир арпасини хом ўриб қўйгандек қовоғидан қор ёққани-ёқкан.

— Э, нимасини айтасиз, бугун озиб-ёзиб бозордан ток барги олиб келиб, коваток қилсам, “Барг қариб қолибди, емайман”, деб аразлаяптилар.

— Э-э, аввалроқ шунаقا демайсанми? —

шинавандароқ ҳоланинг иштахаси очилиб, юзига табассум югурди. — Биласан-ку, қоваток — жонидилим. Қани, олиб кел-чи, ўзим бир баҳо берай!

Манзура елиб-югуреб, яна ҷойни янгилади, йўқала лагандаги коватокни ҳам дастурхонга келтириб қўйди.

— Им-м, зўр-ку! — хитоб қилди Сайёра бир дона коватокни оғзига солиб, мазза қилганидан кўзларини юмиб, бошини чайқатаркан. — Жуда қўлинг ширин-да, ўзиям! Ўзи бирорни мақтаси ёқтирумайман-ку, аммо сени мақтамасам гуноҳ бўлади, буниси аниқ! Ишқилиб, қизинг ҳам ўзингга ўхшаб пазандагинами?

— Ҳа, энди... — Манзура гап тополмай, дастурхоннинг четини ҳимарди. — Ҳар ҳолда онасидан ўтиб қаёқаям борарди?

— Ҳа, буни ўзим ҳам биламан! — Сайёра ўғлига имо қилди. — Жаҳонгир, ол ўғлим, зўр бўпти ўзиям! Холангни жудаям қўли ширин-да!

Бўйи салкам икки метрга яқин, елкалари ҳам шундан қолишмайдиган полвонкелбат Жаҳонгир онасининг биргина ишорасини кутиб тургандек, дарров иштаҳа билан олдидаги лаганга қўл узатди.

— Энди-и, жиян, гапнинг индаллосини эшиш...

Холаси иштаҳа билан коваток ейишда давом этаркан, бу машғулот орасида яна Манзурага катта ўғлини уйлантироқчи эканлигини, авжи саратонда тўй қилиш нияти борлигини, аммо Манзуранинг қизидан бошқасини келин қилмоқчи эмаслигини ижикилаб тушунтира кетди.

— Вой...

Манзура бошқа гап тополмай, жиянига мўлтираб қолди. Жаҳонгир эса бу вақтда коватокни мазза қилиб

пок-покиза тушириш билан овора эди. Шу пайт Манзура тўсатдан қизини туғруқхонадан олиб келишган кунни эслади. Сайёра жиянининг қўлидан чақалоқни авайлаб оларкан, юзидан чўлпиллатиб ўпид, баланд овозда “Бунча чиройли бу қиз?! Худо хоҳласа, шу қизни ўзим келин қиласман” деган, ўшанда беш ёшларда бўлган Жаҳонгир эса онасининг қўлидан ушлаганча, Манзуранинг қўлидаги “катта қўғирчоқ”ка тикилиб қолганди...

— Вой, хола, қизим эндинигина ўн олтига киряпти-ку?!
— деди Манзура чўчиб. — Бу йил тўққизинчи синфни тугатаяпти, ҳали колледждаям ўқиши керак ахир!

— Йўғ-э? — Сайёра бир жиянига, бир ўғлига қаради.

— Ҳали мактабни битирмадими?

— Ўзингиз ҳисобланг, қизим Жаҳонгирдан бор-йўғи беш ёш кичкина бўлса...

— Тўғри, Жаҳонгир энди йигирма бирга кирди-ку!

— Сайёра тиззасига шапнатилаб қулиб юборди. — Вой, мен ўлай, тағин қизингни биронтаси илиб кетмасин, деб кўчиб югуриб келибман-а! Майли, жиян, унда биз турайлик. Ишқилиб, гапингдан айниб, бошқа биронтасига қизингни бериб юбормайсанми?

— Йўқ, йўқ, — шопниб деди Манзура. — Ҳар ҳолда камида тўрт йилсиз қизимни узатмайман.

— Бўлди! — хола ўғлига имо қилди. — Қани, полвон, турдик. Тўйни қолдирамиз. Уч йилдан кейин келамиз. Жиян, гапингда турасан-а?

— Хўп, дедим-ку! — Манзура қўлинин кўксига кўйди.

— Уч йилдан кейин гаплашамиз.

Сайёра узоқ хайр-хўшдан кейин ўғли билан чиқиб кетгач, Манзура енгил нафас олди. Яхшиямки, бу

ажабтовур совчилар борлигига қизи келиб қолмади.
Бола бечора нима деб ўйларди, ким билсин...

— Ҳа-а, холанг нимага келибди?

Манзура ортига ўгирилди. Остонада турган Солижон “отдан тушгани, аммо эгардан тушолмаётгани”ни намойиш қилганча, хўмрайиб туради. Уни кўриб негадир Манзуранинг кулгиси қистади.

— Совчиликка келишибди.

— Йўғ-э, ростданми? Сен нима дединг?

— Нимаям дердим, уч йилдан кейин келсангиз,
гаплашамиз, дедим-да!

— Э, буни қара-я, қизим катта бўлиб қолганиниям сезмай қолибмиз-ку, — Солижон келиб хонтахтанинг нариги томонига, Манзуранинг қаршисига ўтирди. — Вой-бў... — У бир зум хотинига тикилиб турди-да,
кейин чехраси очилиб, жилмайди. — Менга қара...
корин очиб кетди-ку, овқат-повқат олиб келсанг-чи?

— Қанақа овқат? — Манзура эрига анқайиб тикилди.

— Қанақа овқат бўларди, коватокни-да! Боя овқат
емадим-ку!

— Коватокми?

Манзуранинг кўзи дастурхонда турган иккита бўш лаганга тушди. У кутилмаганда хандон отиб кулиб юборди. Кула-кула кўзидан чиқкан ёшларни артаркан,
эрига стол устидаги лаганларни кўрсатди:

— Дадаси... коватокдан шу қолди, холос. Майли,
хафа бўлманг, эртага яна пишириб берарман...
Совчилар еб кетишибди!

Солижон бир лаганга, бир хотинига қаради, кейин нима гаплигини тушунди ва хотинининг қаҳқаҳасига

күшилди. Шу орада дугонаси никидан қайтиб чиққан Сарвиноз хонага бош сүкди:

— Вой, нега шунчалик куляпсизлар? Мен ҳам кулай!

ОМОНАТ

Ҳаким ака пенсияга чиққанидан кейин күп қаватли уйда яшашга сиқилиб колди. Умр бўйи такси ҳайдаб, доимо кўчада, ҳаракатда бўлгани учунми, бирданига уйда ўтириб қолиш унга азоб бўлиб кетди. У гоҳ ётқхонанинг, гоҳ айвончанинг деразаси олдига келар, кўчага тикилар, аммо нимани кўрмокчи эканлигини ёки нимани кутаётганини ҳам ўзи билмасди.

Илгари, ишлаб юрган пайтларида, ўзининг ибораси билан айтганда, “одамдек телевизор кўролмагани”дан нолиган эса-да, энди бир ойча босим меҳмонхонадаги юмшоқ диванда ётиб телевизор томоша қилгач, бундан ҳам зерикди. Телевизорни ёқади-ю, пультни қўлига олиб, бир каналдан бошқасига олаверади, олаверади.

— Барака топкур, мундоқ юракни кенгроқ қилиб, битта нарсани кўрсангиз-чи, ахир! — деб шанғиллаб қолади Ноила опа гоҳ-гоҳида. — Тинмай пультни бурайверасиз, бошимниям айлантириб юбордингиз-а!

— Гапниям оласан-а, пультниям бурайдими? — эринибгина хотинини мазаҳлайди Ҳаким ака. — Пультни босади, билдингми, ўқимаган!

— Ҳа, битта сиз ўқигансиз-да! — кесатади Ноила опа бўш келмай. — Олим бўлиб кетганингиздан билимингиз бошингизга сифмай, соchlарингизнинг орасидан тўкилиб тушган.

— Бошимга тил теккизма! — ўшқиради “нозик жойи”га зарба теккан Ҳаким ака жизиллаб.

— Эркак киши уйда ўтириб қолмасин экан-да! — Ноила опа ҳам жизиллай бошлайди. — Зерикканингизнинг аламини мендан оляпсизми энди? Мундоқ бир кўчага чиқиб, айланиб, чойхона-пойхонага кириб келсангиз-чи!

— Чойхона деганинг шу пайтда қаерда кутиб турган экан? — энсаси қотиб, тўнғиллайди Ҳаким ака. — Қаердан топаман сенга чойхонани? Чойхоналарнинг ҳаммаси тўйхонага айланиб кетган-ку! Қаҳваҳона-ю ресторон деганларга кирсанг, чўнтағингни қоқиш тугул, қирқиб олишади!

— Ундай бўлса ҳовли олинг-да кўйинг! — охири мақсадига кўчди Ноила опа ниҳоят. — Маҳаллада яшасангиз, келди-кетди бўлади, қўни-қўшнига аралашасиз, эрталаблари ошга чиқасиз, ишқилиб, кунингиз ўтади. “Дом”га биқиниб олиб, думалаб ётаверган билан кун ўтмайди-да! Зериккандан факат мен билан жанжаллашгингиз келаверади...

— Воҳ! — хитоб қилди Ҳаким ака кутилмаганда. — Койил-э, хотинлардан ҳам ақлли гап чиқаркан-ку!

— Нима... — Ноила опа тушунмай эрига қараб турди.

— Бўлди, бўлди, гапни чўзма! — Ҳаким ака сабрсизлик билан хотинининг гапини бўлди. — Ўзинг яхшисан-ку, гапни чўзаверганинг чаток-да! — У бош бармоғини хотини томон нуқиди. — Бугуноқ куёвлар билан маслаҳатлашаман. Уч хонали уйимизнинг пўлига йиғиб-тергандаримизни қўшамиз, етмаганига куёвлардан қарз-ҳавола кўтарамиз-да, маҳаллага

күчамиз. Жиллакурса ҳовлимиз бўлади-ку, уч-тўрт қатор сабзавотми, гулми экиб, шуларга қарасам ҳам кун ўтади. “Дом”имизда ҳам биз қаторилар қолмади, ҳаммаси ёшлар, таплашадиган қари-қартанглар йўқ. Маҳаллада мен тенгилар топилар, ахир...

Ноила опа нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, қизиқкон ва тез фикридан қайтадиган эрининг айниб қолишидан чўчиб, индамади. Ҳаким ака эса дарров куёвларига сим қоқиб, бу янгиликни хабар қилишга тушди.

Аммо Ноила опа чўчиганидек, бу сафар Ҳаким ака фикридан қайтмади. Гарчи уч нафар куёви бир оғиздан ҳовли олишига кўмаклашишга рози бўлишган эса-да, Ҳаким ака қарз-ҳаволасиз иш битиришга қарор қилганди. Холис ният қилган эканми, тез орада арзонроққина ҳовли ҳам топилди. Куз бошларида улар уч хонали уйи бор ихчамгина ҳовлига кўчиб ўтишди. Куёвлари биргалашиб, қайнотасининг янги уйини бир сидра қўлдан чиқариб, оқлаб-кўклаб беришди.

Ҳаким аканинг ҳовлига кўниши анча қийин кечди. Хали тонг отмасидан бир хўрөз томоқ қириб қийқиришга тушади. Кейин бошқалари ундан ортда қолишмасликка уриниб чирана бошлашади. Салдан кейин итлар басма-басига хуришади.

— Оббо! — дейди Ҳаким ака бошини иккита ёстиқ орасига тиқиб, ухлашга зўр бериб уринаркан. — Уйқуниям харом қиласпти-я булар!

Аммо зум ўтмай иккита пар ёстиқ орасида боши терлаб, нафаси қайтади-ю, у яна бошқа томонига ўгирилиб, ўзини ухлашга мажбурлай бошлайди. Аксига олиб, энди қулоқлари бир неча уй наридаги

дарвозанинг ғийчиллаб очилганини-ю, машинасининг моторини қиздираётган қўшнисининг хотинига бақириб гапираётган гапларини ҳам эшита бошлайди.

— Хой, қаердасан? — Ҳаким ака ўрнидан туришга эриниб, хотинини чақиради. — Деразани ёпиб қўйсангчи, бундоқ!

Аммо бу пайтда Ноила опа эрининг ухлаёлмай қийналаётганини кўрмай кўя қолиш учун аллақачон ҳовлига чиқиб кетган бўлади. У ҳовлини, дарвоза олдиларини сув сепиб сипира бошлайди. Энди супургининг шитирлаши ҳам Ҳаким аканинг асабларини эговлай бошлайди.

Ҳаким ақабиройча қийналгач, уйқуси бузилаётганига кам ҳаракатлик сабабчи бўлаётганини тушуниб етди. У энди кундузи ухламай, ҳовлида куймаланиб, дарахтларни бутаб, қуриб қолган ўтларни юлиб, ҳаммаёқни тозалаб юрадиган бўлди. Кейин бунақанги юмушлар билан куни ўтаётгани ўзига эриш туюлиб, эрталаб ва кечга томон бир-бир қўчага чиқиб, сайр қилиб келишга одатланди. Бора-бора қўшни маҳаллаларга ҳам ўтадиган, йўлда тўхтаб, учраган таниш-нотанишлар билан гаплашиб вақт ўтказадиган бўлди. Таксиҷилик қилиб, гапга бийрон бўлиб кетгани сабабли нотаниш одамлар билан танишиш қийин кечмасди.

Шунақанги сайрларининг бирида уйидан бир неча маҳалла наридаги масжидга дуч келди. Масжид эшиги ёнида бир қанча эркак-аёл тиланчилар ўтиришарди.

Чақалоқ болани бағрига босганча, деворга суюниб ўтирган аёлни кўриб, Ҳаким аканинг юраги эзилиб кетди. У тиланчиларга яқинлашиб, чўнтағидаги майда

пулларни улашиб чиқа бошлади. У пулни бериши бериши билан тиланчилар дуога қўл очишар, узун-қисқа қилиб, билган сураларини ўқишига тушишарди. Фақат энг охираиде ўтирган қоп-қора кимсагина юмуқ кўзларини ҳам очмасдан, “Рахмат, биродар” деб қўйди.

Бироз бўғиқроқ бу овозни эшитиб Ҳаким ака ғалати бўлиб кетди. Бу овоз унга шунчалар таниш эди-ки... Уни қачон, қаерда эшитган бўлиши мумкин? Йўқ, Ҳаким ака қанча таксичилик қилган бўлмасин, сирайм таксисига тиланчиларни чиқармаганди. У негадир бу тоифа одамлардан ўзини олиб қочишига харакат қиласарди.

Ҳаким ака ҳамон кўзлари юмуқ ўтирган тиланчига тикиларкан, унинг аслида қоп-қора эмас, балки узоқ вақт совун ва сув кўрмагани учун териси шунақанги рангга кирганини пайқади. Устидаги кийимлари ҳам рўдапо, уларни кийим эмас, шунчаки танани кўздан яшириб турувчи бирниқоб десабўлади. Умудраяптими, ёки кўзларини одамлардан яширяптими, буниям билиб бўлмайди...

— Узр, ука... — Ҳаким ака бармоғини тиланчининг елкасига яқинлаштириди-ю, аммо унинг баданига теккизишга ирганиб, кафтини унинг юзи олдида силкитди. — Менга қаранг...

— Ҳа? — Тиланчи кўзини очди.

Очди-ю, дарров яна юмиб олди. Аммо Ҳаким ака кир-чир афти-ангор, рўдапо кийимлар яшириб турган бу кимсани таниши учун унинг чақнаб турган қора кўзларини кўриши етарли бўлди.

— Зоҳир?!

— Мен Зоҳир эмасман! — бу сафар тиланчининг

овози бўғиқ эмас, балки қилич зарбасидек шиддатли янгради. — Кетинг! Зоҳир ўлган! Зоҳир йўқ!

— Зоҳир, мен ахир Ҳаким акангман-ку, танимадингми?! — Ҳаким ака кетишни хаёлига ҳам келтирмаётганди. — Сенинг сменадошинг, устозинг Ҳакимман. Кўзингни очсанг-чи, ахир!

Аммо тиланчи ҳамон қайсарлик билан кўзини чирт юмиб ўтиради. Ҳа, қайсарлиги ҳам ўша Зоҳирни танитиб турарди. Ҳаким ака қўшнисининг ўғли Зоҳирни ўзи ишлайдиган такси саройига ишга олиб келган, иш ўргатиб, устозлик қилган, кейин узоқ вақтгача у билан сменадош бўлганди.

— Зоҳир...

— Кетинг, Ҳаким ака, мени қийнаманг! — ўтинди Зоҳир алам билан лабларини тишлиб. Аммо лабларининг титраётгани унинг кўнглидаги ҳаяжон ва аламини сотиб кўйди. — Зоҳир ўлган! Зоҳир қарғишига колган! Ўзингиз биласиз-ку...

Ҳа, Ҳаким ака билади. У ўша воқеани унутмаган. Унутмайди ҳам. Тўғрироғи, унуголмайди. Ўша воқеани деб ўзининг ҳам юзи шувут бўлган, қанча вақт ҳамкасларини юзига қаролмай юрган. Тўғри, вақт ўтиб, ўша воқеа унутилган, аммо кимларнингдир кўнглида шубҳа уруғлари қолиб кетганди. Ҳаким ака эса доим ўша воқеани эслаганида, мавҳумликдан қийналарди.

Ўша воқеа ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида содир бўлганди. Ҳаким ака дам олаётган куни кутилмаганда такси саройи навбатчиси қўнғироқ қилиб, уни директор чақирираётганини айтиб қолди. Ҳаким ака шоша-пиша етиб келганида, директорнинг

хонасида икки нафар пўрим кийинган йигитлар ўтиришганини кўрди.

— Ҳакимжон, бу йигитлар Москвадан келишибди,
— деди директор салом-аликни қисқа қилиб, дарров мақсадга ўтаркан. — Уларни танийсизми?

Ҳаким ака йигитларга бир-бир қарапкан, новчароқ, кўзойнак тақсан йигит шошилмайгина деди:

— Бизни аэропортдан Қорақамишга элтиб қўйган таксининг ойнасига “Сеними шошмай тур” мультфильмидаги бўрининг расми ёпиширилганд! Биз иш юзасидан сухбатлашиб кетаётганимиз учун ҳам таксичининг юзига қарамаган эканмиз...

• Тўғри, Ҳаким аканинг машинасини олд ойнасига мультфильмдаги бўрининг расми ёпиширилган. Бу йигирма етти ёшга кирган бўлса-да, ҳамон болаликдан чиқолмай, мультфильмларни ётиб томоша қиладиган, ҳатто болалар сеанслари вақтида “Ғунча” кинотеатрига бориб, мультфильм кўриб келадиган сменадошининг иши. Зоҳир ўзини ўша бўрига ўхшатишни ёқтиради, ҳатто соchlарини ўстириб, бўйнигача тушириб юради ҳам...

— Ҳа, машинамга бўрининг сурати ёпиширилган, аммо бу яқин орада аэропортдан Қорақамишга мижоз олиб борганимни эслай олмайман. — деди Ҳаким ака босиклик билан, кейин директорга қаради. — Восит ака, нима гап ўзи, билсам бўладими?

— Ҳакимжон, гап шундаки... — Директор бир зум ўйланиб тургач, гапида давом этди. — Бу укамиз Москвадан келибдилар. Олд ойнасига бўри сурати

ёпиштирилган такси машинасида йигирма икки минг сўм пул солинган сумкаси қолиб кетибди.

Ҳаким аканинг оғзи очилиб қолди. Ўша йилларда бу шунақанги катта пул эди-ки! Бунча пулга уй билан бирга яна бир машина ҳам сотиб олса бўларди.

— Уйимни сотиб келгандим, — деди бўйи пастроқ йигит паст овозда. — Отам оғир қасал эканлар, шунга...

— Билмадим-ов, менинг машинамда сираям... — Ҳаким ака довдираф гап бошлади-ю, тўсатдан хаёлига бир фикр келди. — Ўзи бу воқеа қачон содир бўлганди?

— Кеча, кечқурун! — хитоб қилди кўзойнакли йигит.

— Э-э, шунақа демайсизларми?! — юзи ёришиб кетди Ҳаким аканинг. — Ахир кеча сменадошим ишлаган-ку! Зоҳир деган йигит! Кеча у ишлаган, бугун дам оляпти.

— Сменадошингиз билан гаплашсак бўлармикан?

— деди кўзойнакли йигит шошиб.

— Агар қўнғироқ қилсак...

Ҳаким ака гапини тугатишга улгурмасидан директор қўл ишораси билан уни тўхтатди-ю, котибасини чақириди:

— Жамилахон, зудлик билан Зоҳир Абдуллаевни чақириб беринг. Айтинг, ўқдек учиб етиб келсин!

То Зоҳир келгунига қадар Ҳаким ака кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай, директор билан йигитларнинг сухбатини тинглаб ўтиришга мажбур бўлди. Пул этаси бўлган йигит автомобиль заводида муҳандис бўлиб ишлаганини айтиб берди. Отаси саратонга чалинганини эшитиб, ишидан бўшабди,

яқында олган уйини ҳам сотиб, ота-онасининг ёнида яшаш учун күчиб келибди...

Тез орада Зоҳир ҳам етиб келди. У директорнинг хонасига кирганида ўзини одатдагидек беғам, қувноқ тутди. Кечкурун таксида қолиб кетган пул ҳакида эшитганида, Зоҳирнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

— Вой-бў! Шунча пул-а! Шунча пулни эхтиёт қилсангиз бўлмайдими?!

— Жомадонларимиз кўп эди, юхонага сиғмагани учун машина ичигаям жойлашга тўғри келувди, — деди йигит хижолатомуз оҳангда. — Пул солинган сумкани оёқ остига қўйгандим, эсдан чиқибди-да, ака!

— Афсус, пул солинган сумкани кўрганим йўқ, — деди Зоҳир елка қисиб. — Смена вақтим тугаганида, машинани навбатчига топшириб кетганман! Узр-да, энди!

Йигитлар бир-бирига қараб, елка қисишли. Пул эгаси бўлган йигитнинг йиглаб юборай деб турганини кўриб, Ҳаким аканинг раҳми келиб кетди. У йигитларни такси саройи навбатчисийнинг олдига бошлаб борди. Аммо машинани қабул қилиб олган навбатчи ҳам, уни ювиб-тозалаган фаррошлар ҳам ҳеч нарсани тонишмаганини эшишиб, жудаям ажабланди. Тарвузи қўлтиғидан тушган йигитларнинг бўшашибгина қайтиб кетишларини кўриб, Ҳаким аканинг юраги эзилиб кетди.

Шу воқеадан сўнг ҳамкаслари Ҳаким ака билан Зоҳирга ғалати қарай бошлашди. Зоҳир эса орадан кўп

ўтмай ишдан бўшаб кетди. Ҳаким ака хотинидан Зоҳир икки хонали уйини сотиб, шаҳар марказидан данғиллама ҳовли сотиб олганини эшилди. Кейин унинг машина сотиб олгани ҳақидаги миш-мишлар болалади...

Мана, бир вақтлари нафақат ўзи, ҳатто устози бўлган Ҳаким акани ҳам ҳамкасларининг шубҳаси остида қолдирган, кимнингдир пешона тери билан топган пуллариний ўзлаштириб бойиган кимса тилаччи қиёфасида қаршисида ўтирибди. Гарчи Зоҳир тилдан қолгандек миқ этмай ўтирган бўлса да, унинг шўришларини Ҳаким ака дарров тушунди.

— Сени қарғашмаган, аслида ўзинг омонатга хиёнат қилгансан, ука! — деди у негадир қаршисидаги абор кимсага сирайм раҳми келмаётганини тушуниб тураркан.

— Ака, хиёнатимнинг жазосини тортиб бўлганман, юрагимни эзаверманг-да, энди! — деди. пушаймон ёшлари юзини юваётган Зоҳир овози титраб. — Қизим ногирон туғилди, хотинимни саратон олиб кетди. Уйимдан, машинамдан айрилдим. Қанд касалига чалинганимдан кейин оёғимни кесиб ташлашди, — у алам билан қўлтиқтаёқларини уриб қўйди. — Мана, ўтири-ибман, тиланчилик қилиб...

Ҳаким ака кўз ёшлари кир-чир юзларини юваётган йигитни на юпатадиган, на далда берадиган бир сўз тополмаслигини тушуниб, бу ердан узоклашишга шошилди...

ОТА ҚАДРИ

Июлнинг авжи кун қизиган палласи. Иссиқдан ранги бўзарид, оқиши тус олган осмондаги саратон қуёши темирчининг босқонидаги сингари ҳарорат уфуриб турса-да, бозор авжиди. Сотувчилар сотиш билан, харидорлар савдолашиш билан овора бўлиб, кун қизиғига парво ҳам қилишмайди. Пешонасидан дувдув тер қуйилаётган аравакашлар эса одамларни туртиб-суртиб, юк тўла аравасини тор расталар орасидан олиб ўтишга уриниб, ҳайқиришади:

— Пўшт! Пўшт-ей! Арава келяпти!

Гоҳ-гоҳида арава у ер-бу ерига келиб урилган аёллар “Йўқ бўлгур, кўзингга қарасанг ўласанми?” деб аравакашни койиганлари ёки эркакларнинг бўралатиб сўкишлари қулоққа чалинади. Ари уясидек ғувиллаётган бозор шовқини орасидан тинмай харидор чақираётган ўн уч ёшлардаги қизчанинг янгроқ овози эшитилади:

— Нўхатшўрак! Нўхатшўрак! Кимга нўхатшўрак?!

Бошига оқ дурра ўраб, қора кўзойнак тақиб олган газлама сотувчи йигит ўзидан бир неча қадам наридан ўтиб кетаётган қизчани чақирди:

— Ҳой, бу ёққа қел!

Кизча пилдирабгина унинг ёнига яқинлашди:

— Лаббай, амаки!

Сотувчи йигит ирганиб, лабини қийшайтириди:

— Амаки дема, амакинг уйингда қолган! Бир камим сен билан қариндош бўлишим эди!

Кизча киприкларини пирпиратиб, каловланиб қолди. У бозорда нўхатшўрак сотувчи онасининг ортидан

эргашиб; шовқин-сурон ичида катта бўлган эса-да, ҳалигача бозорчи эркакларнинг қўпол муомаласига, аёлларнинг эркакча бўралатиб сўкишларига, гоҳ-гохида расталар орасидан эшитилиб қолувчи беҳаё қочириқ ва ҳазилларга кўниколмайди. Буларни эшитганида бозордан қочиб чиқиб, бунақангги гап-сўзлар бўлмайдиган узоқ-узоқларга кетиб қолгиси келади. Лекин, наилож, тирикчилик, уч нафар қизини ёлғиз боши билан боқаётган, буям етмагандек уч йилдан бери икки хонали уйини қуриб битказолмаётган онасига ёрдам бермаса бўлмайди.

Сарвиноз ҳалиям бир нарсаларни вайсаётган йигитнинг қора кўзойнакларига қараб, хаёли қочди.

Қизнинг онаси аслида мактабда ўқитувчилик қиласиди. Анча йиллар муқаддам қайнонасининг бадфеъллиги оқибатида эри билан ажрашиб кетган. Эри Ўқтам уч нафар қизи билан хотинини уйдан ҳайдаб чиқариб, ўзи уйини гаровга қўйиб, савдо-сотик билан шўгулланишга киришди. Савдодан тушган пулнинг фойдасини еб-ичиб юраверди, судхўрдан олинган пулларнинг фоизини қайтариш ҳақида ўйламади ҳам. Оқибатда бир йил ичида олган пулларининг фоизи ўсиб бориб, яримта уйнинг нархига тенглашиб қолди. У пулни қайтаришни ўйламаётганини кўрган судхўр аёл Ўқтам билан онасини уйдан ҳайдаб чиқариб, гаровга қўйилган уйини тортиб олди. Онаси болалари шаҳардан уй олиб чиқиб кетган, ҳозир ёлғиз яшаётган синглисиникидан қўним топди, аммо Ўқтамнинг кўп ичишидан яхши хабардор бўлган хола уни уйига қўймади. Ўқтам савдо-сотикка аталган пулининг бир қисмига ижара уй олди-

да, етти ёшли ўғли бор бир бева аёлга уйланиб олди. Кейин эса мастилигига ўғлини етаклаб Садоқатнинг акасини уйига борди ва “Мана, кўриб қўй, сен туғиб бермаган ўғилни топиб олдим!” деб собиқ хотинининг устидан роса кулди. Яхшиям маҳалла-кўй бор экан, эркаклар йиғилиб, оёғида туролмай қолган Ўқтамни кўплашиб судраб, маҳалладан олиб чиқиб, ҳайдаб юборишиди.

Ётиб еганга тоғ чидамайди, деганларидек, савдога сарфлаш ўрнига катта-катта ишлатилаётган пулларнинг таги кўринди-ю, Ўқтамнинг пули тугади-колди. Ижараҳона эгаси икки ой кутгач, пулидан ҳам умидини узиб, Ўқтамни уйдан хайдаб чиқарди. Кўчада қолишганидан сўнг иккинчи хотини ҳам Ўқтам билан хайр-маъзурни насия қилиб, ўғли ва зарур нарсаларини олиб, ўзига бошқа манзилгоҳ излаб кетди. Ўқтам холасиникига бош уриб борди, аммо унинг ичкиликбозлигидан безор бўлган холасининг кўнгли юмшамади, уни уйига қўймади.

Энди Ўқтам тасодифан учраб қолган танишларининг ҳисобига қорин тўйдириб юришни одат қилди. Аммо Ўқтамнинг даври-даврони узоқка чўзилмади: ошна-оғайнилари ҳам бу хийласини тезгина тушуниб етишди-ю, уни кўрса ҳам кўрмаганликка оладиган, иложи бўлса, узокроқ юрадиган бўлиб қолишиди. Ўқтам аввалига бозорда арава судрашга уриниб кўрди, аммо қўпол феъли туфайли аравачилардан бир неча марта калтак еб, бу ердан ҳам ризқи қийилди. Кейин сомсачиларнинг тандирига ўт ёқиб юрди, аммо сомсачи йигитлар тандирига газ ускунаси ўрнатиб олишди-ю,

“текинхўр гўлаҳ”ни ортиқча боқишдан халос бўлишди. Шундан кейин бошқа бирор иш излаб тополмаган Ўқтам мардикорлик билан шуғуллана бошлади. Гарчи оғир ишга бўйни ёр бермай, ўзини минг ёққа ташласада, нима ҳам қилсин, тирикчилик экан-да, кўникуди, тақдирига тан берди. Охири бир бойваччанинг чорбогида яшаб, уй хизматларини бажариб яшаб юраверди.

Ота-онаси яқиндагина вафот этишгани туфайли ҳам Садоқат қизларини олиб, акасиникидан бошпана топди. Бахтига янгаси куйинчаккина эди, қайнисинглиси ва унинг болаларини турткиласади, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Шундай бўлса-да, Садоқат ўқитувчининг маошига яшаб, акасининг қўлига қараб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Чунки бу ёқда акасининг бир эмас, уч нафар норғулдек ўғиллари улғайиб келяпти, уларга ҳам уй-жой керак бўлади ҳали. Шуларни ўйлаган аёл ишга киришди: мактабдаги ишидан бўш пайтларида тамаки экди, қишли-қировли кунларда эса улгуржи бозордан калиш олиб келиб, қишлоқда сотди, акасининг уйи ёнидаги бозорга нўхатшўрак пишириб олиб чикди, уйку нималигини унудти. Гарчи у муаммоларини дастурхон қилиб юрмаса-да, ота уйидан қувилиб, эрта улғайиб қолган қизлари онасининг ёнигакиришга, баҳолиқудрат ёрдам беришга уринишарди.

Бироз пул йиққанидан кейин Садоқат жамоа хўжалигидан ер сўраб борди. Қишлоқ жойда бир нарсани яшириш жуда мушкул. Бу аёлнинг бир эркақдек ишлашини, эрсиз ҳам оёққа туриб олишга, уч

фарзандини бирордан кам қилмасликка уринаётганини ҳамма, шу жумладан, хўжалик раҳбарлари ҳам аллақачон пайқашганди. Хўжалик раҳбари ортиқча гап-сўзсиз Садоқатнинг уй қуриши учун ер ажратиб берди. Акасининг ёрдами ва қўуни-қўшниларнинг хашари билан Садоқат уч хонали, олди айвон қилинган ихчамроқ уйни тиклаб олди. Тўғри, битта хонани оқлаб-кўклаб, кўчиб кириб олишди-ю, аммо иккита хонасини таъмирлашга қўли калталик қилди. Бу ёқда катта қизлари Саломат ва Соҳибанинг кетма-кет бўйи етиб, уйни совчи босган. Энди Садоқат икки ўт орасида ёняпти: олдин қизларини узатсинми ёки уйини битирисинми?

Аёл боши билан эркакдек бўлиш қийин экан, охири оналик хисси ғолиб чиқди ва у катта қизига келган совчиларга розилик билдириб, тўй тадоригини бошлади...

— Хой қиз, қулоғинг том битганми?!

Сотувчи йигитнинг ўшқиришидан бир чўчиб тушган қизчанинг хаёллари сочилиб кетди. У кўзларини пирпиратиб, сотувчи йигитга жовдираб термулди:

— Нўхатшўрак берайми, амаки?

— Яна амаки дейди-я! Э, нўхатшўрагингни ҳам... — сотувчи йигит болаҳонадор қилиб сўқинди-да, кетишини ҳам кетмаслигини ҳам билолмай турган қизчага, қараб ўшқирди: — Бўл, бер тезроқ, кейин қорангни ўчир! Уйингга бориб ухла, менинг олдимда нима бор?!

Бекорчиликдан уларнинг гапларига қулоқ солиб турган бошка сотувчи йигитлар гурра қулиб юборишиди. Қизча шоша-пиша елим идишга

нўхатшўрак солиб, йигитга узатди-да, бу ердан нари кетишга шошилди.

Кизча раста ёнидан узоқлашаркан, тўсатдан кимнингдир ўзига тикилиб турган нигоҳини ҳис этди. У беихтиёр ён-атрофига аланглади-ю, аммо таниш чехрани илғамади. Сарвиноз тўхтаб, қўлидаги нўхатшўрак солинган идишни ерга кўйди-да, дам олгандек бўлиб, аста атрофига разм сола бошлади. Кутимагандаги қулоғининг таккинасида эркак кишининг овози янгради:

— Кизим...

Сарвиноз чўчиб тушиб, ортига ўгирилди. Қачон тоғора-ю кир совунни кўрганини эсдан чиқарган кирчир кулранг кўйлак кийган, ювилишдан узоқ паҳмоқ соchlари юзига сочилган, соколлари ўсган ориқ юзи ва ич-ичига ботган қоп-кора кўзлари даҳшатга соладиган новчагина эркак унга тикилиб турарди. Сарвиноз тўсатдан ойисининг бозорда тўрли одамлар юриши, ҳар кимнинг олдига яқинлашавермаслик кераклиги ҳақидаги огохлантиришини эслаб, бир сесканиб тушди.

— Сизга нима керак?! — деди у ўзини ортга тортиб.

— Кизим... — эркак қуруқшаган тили билан лабларини ялаб, бир тамшаниб кўйди. — Кизим...

Гарчи бозор шовқини ичра улғайган бўлса-да, ҳали бола эмасми, Сарвиноз шунакаңги қўрқиб кетди-ки, ҳатто челякдаги нўхатшўракни ҳам, у анча-мунча пул туриши ҳақида ҳам унутиб, расталар орасидан ура қочди. Эркак ғизиллаганча қочиб бораётган қизчанинг ортидан тикилганча қолди:

— Кизим...

Сарвиноз уйига етиб келганида, онаси эндигина ишдан келиб чой ичайтган экан. Қизининг энтикиб, яна қурук қўл билан қайтиб келганини кўриб, онаизорнинг юраги товонига тушиб кетай деди.

— Ҳа, нима гап, тинчликми?! — хитоб қилди у шошганидан ўтирган жойидан туролмай. — Челагинг қани? Ўғриларга учрадингми?

Онасининг овозини эшитгандан кейингина Сарвиноз ўзига келди, кўркувлари кўз ёшлари бўйиб мижжаларидан қуйилди. У шошилиб, сўзларни ямлаб, бозорда учратган одам ҳақида сўзлаб берди. Қизи бозорда кўрган одамни таърифларкан, Садоқат ичидан зил кетди, “ўша кора одам”ни элас-элас танигандек бўлди. У собиқ эрининг кечмишларидан, айни вақтда қандайдир бойваччанинг уйида хизматкор сифатида ишлаётганидан хабардор эди. Яхшиямки, отасидан бир ёшлигида айрилган Сарвиноз отасйни таниб қолмагани...

— Кўрқма, қизим, мен ёнингдаман-ку, — деди Садоқат ҳамон қўрқувини унутолмай, пиқиллаб йиглаётган қизининг соchlарини силаркан. — Бўпти, сен чой-пой ичиб, дамингни олиб тур, мен ўзим бозорга бориб, хабар олиб келаман.

Садоқат шундай деди-да, бозор томон ғизиллаб кетди. У шунча йиллардан бери қизлари учун нафака ҳам тўлашни истамай, қораси ўчиб кетган эрининг тўсатдан пайдо бўлгани, устига-устак ўзи бир ёшлигида кўрган Сарвинозни таниб, уни “қизим” деб кўркитганидан хавотирга тушганди. Собиқ эрининг нияти нималигини билолмаётгани аёлни айникса

күпроқ чүчитаётганди. Аммо бозорда Ўктамни учратмади, биронта таниши ҳам уни күрганини айтмади. Садоқат бозордан ул-бул харид қилган бўлдида, уйига қайтди.

Останадан уй ичидаги эрқак кишининг қаттиқ овозини эшитган Садоқатнинг юраги ўйнаб кетди. У эшикни шаҳд билан очиб, ичкарига отилди. Не кўз билан кўрсинг-ки, уй тўрида неча йиллардан бери кўрмай, чехрасини ҳам унутиб юборган эри Ўктам керилиб ёнбошлаб ётибди. Сарвиноз билан Сохиба бир бурчакда қунишибгина ўтиришибди. Уй ичини бадбўй хид босиб кетган-ки, нафас олиб бўлмайди. Ўктам Сарвиноз айтганидек, ёқавайрон, усти-бошига қараб бўлмайдиган даражада кир-чир, қоколлари ўсганидан дарвишларга ўхшаб қолган...

— Бу ерда нима қиляпсиз? — сўради Садоқат шаҳд билан.

Онасининг овозини эшитиб ўзига келган Сарвиноз йиғлаб юборди-да, ўрнидан тура солиб, Садоқат томон югуруди. Садоқат кизини бағрига босиб, елкаларини силаб юпатаркан, яна Ўктамга ғазабли ниғоҳларини тикди.

— Нега келдингиз?

— Нима қилибди, келсам ўзимнинг уйимга келдим — сурбетларча илжайиб жавоб қилди Ўктам ёстикни икки бўклаб, елкаси остига қистираркан. — Бу уй кизларимники, демакки, мениям уйим. Кизларимни кўргани келдим.

Ўзининг бошига не кўйларни солган одамнинг бунчалар сурбетликка бориши мумкинлигини тасаввур

ҳам қилмаган Садоқатнинг юраги портлаб кетишига сал қолди. Аммо у бир амаллаб ўзини босди-да, бир вактлар бир ёстиққа бош қўйган инсонга тикилди:

— Қизларингизни? Энди қизларингиз эсингизга тушдими? Шу қизларни гўдаклигига кўчада тентиратиб қўйганингизни унутдингизми? Қизларингизга етимлик тамғасини босиб, болалигини ўғирлаганингизни унутдингизми? Қизларингиз тоғасининг қўлига термулиб яшаётганида, бироннинг ўғлини боққанингизни унутдингизми? Учта бола билан бошимни минг ёққа урганимда, тамаки экиб, калиш сотганимда қаерда эдингиз? Болаларим нўхатшўрак сотиб уй қуришимга ёрдам берганида қаерда эдингиз? Энди уй қуриб, қизимни узатаман деганимда ота эканлигингиз ёдингизга тушдими?! — Садоқат бор нафратини кўзларига жамлаб, Ўқтамга тикилди. — Йўқ, бу менинг уйим! Бу ерда сизга жой йўқ! Чиқиб кетинг!

Садоқатнинг мўминлигидан фойдаланиб қолишни мўлжаллаб келган Ўқтам шошиб қолди:

— Бу нима деганинг? Сен ҳали мени ҳайдаяпсанми? Мени-я, ўз эрингни-я?!

— Ҳа! — Садоқатнинг овозидан дераза ойналари титраб кетди. — Сиз эрим эмассиз, чунки расман никоҳдан ажрашганман! Уй эса менини! Чиқиб кетинг!

Ўқтам каловланиб, бир Садоқатга, бир қизларига мўлтиради. Аммо эсини таниганидан бери отасини кўрмай, ота меҳри нималигини билмай ўсган қизларнинг кўзларида меҳр тугул, ҳатто ачинишни ҳам кўрмади. Икки қизи унга худди қўчадаги тиланчига

қарагандек бир ижирғаниш билан қараб туришарди. Садоқатнинг ҳайдашидан ҳам қўра, қизларининг кўзидаги ирганиш Ўқтамга таъсир қилди. У ўрнидан тура солиб, эшикка отилди.

Ўқтамнинг ортидан Садоқат жирканиш ва ғазаб билан, ота меҳрини кўрмаган қизлари эса ўкинч ила тикилиб қолиши...

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ТАЪТИЛ

Зарифа ишдан чиқиб уйига қанот чиқариб учгандек бўлди гўё! Рост-да, ахир неча йилдан бери орзиқиб кутган меҳнат таътилига эришади-ю, янаям хурсанд бўлмасинми?

Зарифа ҳам бошқалар сингари ўз вақтида меҳнат таътилига чиқишига ҳозирланади. Ҳатто дам олиш ўрнига уйидаги нималарни ўзгартиришини, нималарни сотиб олишини, қаерга меҳмонга боришини ҳам режалаштиради. Аммо ҳар сафар бошлиғи унинг аризасига қўл қўяркан, мулојимгина, рад этиб бўлмайдиган қатъийлик билан:

— Зарифахон, қачон ишга қайтасиз? Икки кун дам олсангиз, етар-а? — деб ишшайиб қўяди.

Зарифа нимаям десин? Бошлиғи шундай деганидан кейин... Боз устига корхонадаги ўзи қиладиган ишларни бошқа одам уddeлай олмаслигини ҳам яхши билади. Ўлганининг кунидан бошлиғига қараб илжайган бўлади-ю, меҳнат таътилининг пулени олиб, яна “жавлон уриб” ишлашда давом этаверади. Олийхўмматлик ила ўзига ато этилган икки кунлик

дам олиш уй тозалашу нималарнидир пишириб-күйдириш билан ўтиб кетади.

Бу сафар бошлигининг “сахийлиги” тутиб кетдими, июнь ойининг бошида, кўпчилик ходимлар таътилда бўлишларига қарамай, нақ беш кун дам олишга рухсат бериб юборди. Беш кун-а... Энди шунча кун бўш вақтини нималарга сарфласа экан-а?

У зиналардан тез кўтарилиб, уй эшигини очаркан, шундоққина остона ёнида деворга тираб кўйилган йўл сумкасига кўзи тушди.

— Хайрият, келдингизми? — иддао билан кутиб олди уни қайнанаси. — Бирам имиллайсиз-ей, бундок тезроқ келай ҳам демайсиз-а! Уйингиз, эрингиз борлигиям эсингиздан чиқиб кетади, шекилли. Бўпти, киринг, тезроқ ҳаракатингизни қилинг, Олмалиқдан сим қоқиши, жиянимнинг эри ўтиб қолибди, эрталаб чиқаришармиш. Ҳакимжон такси ушлагани чиқиб кетди.

“Оббо, шу етмай турувди” деб ўйлади Зарифа, беихтиёр ҳолисизланиб, деворга суюаркан. Ўзи не ҳасратда шу беш кунликкина дам олишга эришганди-я, шуям ҳаром бўлди энди. Дам олиш тугул, мўлжаллаган ишларини бажариб олиш ўрнига бутун вақти азагарчиликда ўтади энди. Шу пайтда унинг ҳатто марҳумдан ҳам хафа бўлиб кетди. Оламдан ўтиш учун топган вақтини қаранг! Келиб-келиб Зарифанинг таътилга чиқадиган вақтини танлайдими-я...

— Сиз отланмай кўяверинг! — вайсади қайнанаси келинининг ҳолатини ўзича тушуниб. — Ўлган ўлди-кетди, сизнинг дод-фарёдингиз билан қайтиб тирилиб келмайди. Тағин ишдан қолсангиз, бўйнинг узилгур

бошлиғингиз маошингиздан отнинг калласидай қилиб юлиб олмасин...

Қайноаси Олмалиққа бир ўзи қетмоқчи эканлигини тушуниб етган Зарифанинг кўнгли очилиб, кайфияти кўтарилди. Ҳатто шу пайтда заҳари чак-чак томиб турадиган вайсақи қайнанаси ҳам кўзига авлиёдек кўриниб кетди. У дарров ошхонага ўтиб, чой қўяркан, телефон жиринглади.

— Такси тутиб келдим, — гўшақдан Илҳомжоннинг овози эшитилди. — Ойимнинг сумкаларини пастга олиб тушиб бер!

Қайноаси ўтирган такси жўнаб кетгач, эр-хотин уйга киришди. Шунда Зарифа янгиликни, яъни ниҳоят меҳнат таътилига чиққанини айтишга ҷоғланиб, эрига юзланди.

— Тезроқ кечки овқатга жиз-биз қилгин-да, менинг кийимларимни тайёрлаб қўй, Эрталаб хизмат сафарига кетяпман. — Илҳомжон хотинининг саволомуз нигоҳини илғаб, изоҳ беришга ту tinди. — Мен таклиф қилган янги лойиха тасдиқдан ўтди. Раҳбаримиз лойиҳамни амалда тадбиқ этишни ўзимга топширди. Бир ҳафта хизмат сафарида бўламан.

Зарифа тезгина шўрва солиб қўйиб, овқат пишгунча эрининг кийимларини тайёрлашга ту tinди. Шу пайт кўчадан ўғли Жаҳонгир шошилиб кирди:

— Ойи, тез формамни ювиб беринг!
— Қанақа формани? — Зарифа дазмолни темир тахтacha устига қўйиб, ўғлига ўғирилди.
— Қанақа бўларди, спорт кийимимни-да! — ҳовлиқди Жаҳонгир. — Самарқандга чемпионатга борарканмиз! Устозим айтдилар!
— Республика чемпионатими? — сўради газета

ўқиши билан банд Илҳомжон сухбатга аралашиб.

— Билмадим. Ишқилиб, ўн иккита бола борарканмиз!

— Намунча ҳовлиқасан? Эртага ювиб бераман. Мен эртадан бошлаб меҳнат таътилидаман, — Зарифа яна кўчага чопишга тайёр ўғлига мөхр билан боқди.

— Ие, янгилик-ку! — Илҳомжон қўлидаги газетани бир четга ташлаб, хотинига қаради. — Туяниңг думи ерга тегиб, бошлиғинг ахийри таътил бердими? Ишқилиб тўлиқ таътил оларкансанми?

— Беш кун!

— Вой-бўй, катта иш бўлибди-ку! Майли, бир оз дам ол, охиригина пайтларда жудаям чарчаяпсан ўзи... Ойим камида ўн кунсиз келмайдилар, мен бўлмасам, Жаҳонгир... — у ўғлига ўгирилди. — Ие, ўғлим неча кунга кетяпсизлар ўзи?

— Беш кунга! — деди оғзи нонга тўла бола зўрға гапириб. — Чемпионат икки кун бўларкан, кейин яна бир-икки кун биз шаҳарни айланарканмиз, устозлар эса ўша ердаги оғайнилариникида меҳмон бўлишаркан. “Эртага соат ўнда залга йигилинглар”, дейишди.

— Ие, унда кийимларингни бугун ювишим керак экан-ку, — шошиб қолди Зарифа.

— Бу дейман... — Илҳомжоннинг хаёлига бир фикр келди. — Ойим, мен, Жаҳонгир йўқ бўлсак, қизинг икковингни тоза битинг тўкиларкан-да!

— Ха-я, шуни айтинг, — деди Зарифа энсасини қотириб. — Кейин ўша тўкилган битларни териб, ош қиласиз, ҳарна гўшт текин тушади.

— Оббо, иштаҳани ҳам ўлдирдинг-а! — ўшқирди Илҳомжон қўлидаги пиёлани дўқ этказиб хонтахта

устига қўяркан. — Кизинг намунча кечикди?!

— Мен келдим! — эшик тарафдан Нигоранинг овози эшитилди. Одатда оғир-босиқ бўладиган дадасининг қизишаётганини кўрган Нигора, салом беришни ҳам унутиб, онасига тикилди. — Ойижон... тинчликми?

Илҳомжон индамай ўрнидан туриб, йўлакка чиқиб кетди. Отаси чиқиб кетиши билан Нигора дарров онасини маҳкам кучиб, юзларидан ўпишга тушди. Зарифа қизига тикилди:

— Ха, намунча хурсанд кўринасан?

Нигоранинг юзига шодон табассум ёйилди:

— Ойижон, эртага тўйга кетяпмиз!

— Қанақа тўйга? Бу ҳақда гапирмагандинг-ку?

— Бухоролик гуруҳдошимиз Азиза турмушга чиқяпти, — бепарво қўл силтади қизи. — Уч кунда қайтамиз... Ойижон, жаҳлингиз чиқмасин, кеча дадамдан рухсат олувдим-ку...

— Йўғ-э, жаҳлим чиқмаяпти... — Зарифа шу пайтда хаёлига келган фикрдан ўзи ҳайратга тушди. — Бу тасодифни қара! Бувинг Олмаликқа кетди, камида ўн кундан кейин келади. Даданг хизмат сафарига, уканг чемпионатга кетишяпти. Сен Бухорога кетсанг, мен меҳнат таътилида уй қўриқлаб ўтиарканман-да?

— Вой, ростданми? Мехнат таътилига чиқдингизми?

— Нигора қувончидан чапак чалиб, онасини яна қучиб олди. — Зўр-ку! Эх, шундай пайтда тўйга кетаётганим чатоқ бўлди! Майли, қайтиб келганимдан кейин бирга бозор айланамиз, бўптими?!

Зарифа қизининг ҳафсаласини қайтармаслик учун бор-йўғи беш кунга рухсат олганини айтольмади.

Эртаси куни азонда Илҳомжон уйдан чиқиб кетди. Туни бўйи кийимларини тайёрлаб, дазмоллаб чарчаган Нигора, қўл телефони икки-уч марта туриш вақти бўлганини билдириб жиринглаганидан кейингина зўрға кўзини очди-ю, “Вой-бў, ухлаб қолибман-ку!” деб хитоб қилганча, нонушта ҳам қилмай, ховлиқиб кетиб қолди.

Зарифа соатга қаради: саккиз бўлай деб қолибди. У одати бўйича тез-тез кийиниб, соchlарини тўғрилагани тошойна олдига келди. Анча пардоз қилганидан кейингина бугундан бошлаб меҳнат таътилида эканлиги эсига тушди.

— Оббо, эсимдан чиқибди-ку! — деди у ўзига-ўзи овоз чиқариб, кейин бошлаган ишини чала қолдирмаслик учун пардозини охирига етказди:

Зарифа ошхонага ўтиб, ўғли учун чой дамлади, қуймоқ пиширди. Кейин ўғлининг хонасига кирди. Жаҳонгир қўлларини икки ёнга ташлаб, юзини ёстиқка босганча қотиб ухларди. У ўғлининг уйқусини бузишга кўзи қиймай бир оз қараб турди, кейин аста эгилиб, Жаҳонгирнинг қуюқ қоп-қора қошларидан ўпди.

— Туракол, ўғлим, “эртароқ кетаман” дегандинг, — деди у ўғлининг тикандек қаттиқ соchlарини силаб.

— Соат неча бўлди? — Жаҳонгир кўзини очгиси келмай, чойшабни бошига тортишга уринди.

— Саккиздан ошди...

— Нега вақтлироқ уйғотмадингиз? Формамни ювдингизми? Устозимиз ўнга йиғилишимизни айтгандилар.

— Ҳали вақтли, улгурасан...

Зарифанинг гапи оғзида қолди. Жаҳонгир милтиқ ўқидек ғизиллаганча ҳаммомга, кейин ошхонага, сўнгра ётоқхонасига югуаркан, кўз очиб-юмгунча ювинишга, кийинишга ва иккита қўймоқни паққос туширишга улгурди. Пиёладаги совиб қолган чойни катта-катта хўплаганча, тайёр турган йўл сумкасини елкасига осди:

— Бўпти, ойижон, мен кетдим!

Жаҳонгир зиналарни дўпиллатиб, иккита пиллапоядан битта сакраганча, югуриб тушиб кетди.

Зарифа ошхонага қайтиб, дастурхон ёнига ўтирди. Уйга шунақангি сукунат чўқдик... У девордаги электрон соатнинг унсизгина вақт санашига тикилиб, бир неча дақиқа ўтирди.

Қизик бўларкан. Ишхонада югуриб-елиб, тинимсиз ҳаракатда бўлган, доимо гоҳ эри, гоҳ қайнанаси, гоҳ болаларига андармон бўлиб куни ўтган одам бирданига бунақангি кимсасиз сукунат қўйнига тушиб қолса, қизик бўларкан. “Коинотдаги фазогирлар шунақангি сукунат ичидা қолишса керак”, деб ўйлади у беихтиёр тўғрисида турган телевизор экранидаги сунъий ер йўлдошига тикилиб. Ҳозир унинг уйи коинотдек улкан бўшлиққа айланди-кўйди.

Зарифа кўзини телевизордан узиб, деразага қарадида, ўрнидан турди: бекорчи хаёлларга берилишга вақт йўқ, беш кунлик таътилидан унумли фойдаланиши керак. Демак, ишни уй тозалашдан бошлайди...

* * *

Зарифа соат бешда уйғонди. У одатдагидек шошашиша ўрнидан туриб, нонуштага уннамоқчи эди,

түсатдан таътилда эканлиги, уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлиги эсига тушиб қолди. “Яна озгина ухласамчи?” деб ўйлади беихтиёр. Чорак асрдан бери бунчалар тинч, кимсасиз шароитда дам олиш насиб қилмаганди. Ишхонада ҳам, уйда ҳам доимо иш билан банд, қачон охирги марта “одамдек” дам олганини эсләёлмайди...

Унинг қулоқларига шу пайтгача ўзи сирам илғамаган тонгги шовқин-суронлар урилди: қўшни хонадонда чақалоқ йиглаяпти, кўчада кўмдир сабрсизлик билан машинасини “би-бип”латяпти, дераза ёнида сутчи хотин чўзиқ овозда тинмай “Маҳзуна опа-а!” деб чақиряпти, ҳовлидаги чинор шохida зағизғон шақиллаяпти. Қаердадир оламни бошига кўтаргудек бўлиб телефон жириングлаяпти...

Зарифа кутилмагандан ўзининг уйи йўллагидаги телефон жиринглётганини сезиб қолди. Эрта сахардан ким бўлдийкин яна? У ўрнидан қандай сакраб туриб, телефон гўшагини кўтарганини сезмай қолди.

— Во-ей, бормисан? — оламни бошига кўтаргудек шанғиллади у ёқдан дугонаси Ўлмас. — Ха, энди, таътилга чиқдим, деб-а ...

— Кўйсанг-чи... — зўр-базўр юраги жойига тушган Зарифа енгил тортиб, хўрсиниб қўйди. — Намунча, ҳали хўроз қичқирмасидан мени эслаб қолибсан?

— Эслайман-да! Нима, гапинг бормиди? — ўзича чапанилашди дугонаси, кейин хандон отиб кулди. — Нима, таътилга чиқиб ҳам қадрдон дугоналарингни кўргани келмайсанми? Бугун синфдошлар қизлар би-ир йигилмоқчимиз. Зўр қаҳвахона топдик! Тинчгина жой, чиройли, озодагина. Бир мазза қилайлик-а!

— Қандай бўларкин?

— Қандай эмас, қантдай бўлади! — ўшқирди Ўлмас.
— Қани, келмай кўр-чи, кунингни кўрасан лекин! Ҳар
йили бетингни ел олгур мижғов бошлиғингни баҳона
қилиб, синфдошлар учрашувидан қочиб қоласан.
Барибир кўлга тушаркансан-ку! Соат ўнда учращамиз,
тушундингми?

Ўлмас шангиллаганча манзилни тушунтира
бошлиди. Зарифа ҳомузга тортганча унинг гапларига
кулок соларкан, тўсатдан ҳаммомдаги тоғорада یвитиб
кўйилган пардаларини эслади: уларни ювиб кетишга
улгоролмайди барибир...

* * *

Зарифа оёғи зириллаб оғришидан уйғонди. Кун
ёришиб кетгани учун, пардалари олиб ташланган
деразадан тушаётган қуёш нурлари ҳонани сахийлик
 билан заррин нурга тўлдирибди. Оббо, ухлаб қолибди-
ку! Эрталаб вақтли уйғониб, кир ювишни
мўлжаллаганди. Аммо кеча дугоналари билан кўп
раксга тушиб юборганидан, ҳамон зириллаб оғриётган
оёклари бугунги режалар пучга чикишини сездириб
туради. Дугоналарий ўзиям тоза соғинишган экан, уч
соатга мўлжалланган ўтиришлари нақ олти соатга
чўзилиб кетди. Еб-ичиб, ҳолдан тойгунча раксга
тушиб, тоза яйрашди.

Қаҳвахонадан кўчага чикқач ҳам, йўл ёқасида бирор
соат гап сотиб туришди-ёв... Таксилар кетма-кет келиб
тўхтар, аммо Ўлмас шаддодлик билан, “Бор, бор, биз
кўл кўтартганимиз йўқ ҳали!” деб ўшқиргач, энсаси
котган ҳайдовчилар тезликни оширишарди.

Зарифа соат нечада уйига етиб келганини ҳам

эслолмайди. Келган заҳоти ўзини таппа ўрнига ташлади-ю, ухлади-қолди... Мана, энди қуёш терак бўйи кўтарилигдан пайтда уйғониб ўтирибди.

У эринибгина юз ювишга тутинганди ҳамки, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Вой, энди турдингми? — ҳайрат билан хитоб қилди эшик олдида тоғора кўтариб турган опаси Малоҳат. — Оббо, мени йўлдан қолдирдинг-ку! Бўл, тезроқ кийин, совчиликка борамиз.

— Йўғ-э?! Кимга?

— Кимга бўларди, жиянинг Аббосга-да?

— Вой, Аббосами? Ҳали ёш-ку??

— Ўшликка ёш, нима қилай энди, яхши кўрган қизининг уйини совчи босганимиш. Тағин узатиб-нетиб юборишса, ўғлим бир балони бошлаб юрмасин тағин, деяпман-да! Э, намунча гап сотдинг, бўл дегандан кейин бўл-да, энди! — сабри тугаб, ўшқирди опаси.

Совчиларни жуда яхши кутиб олишди. Дастурхон тўлиб кетган, нимаики ноз-неъмат бўлса, бари муҳайё эди. Келин бўлмиш ишда эканлиги туфайли совчилар факат унинг суратини кўриш билан кифояланишди.

— Жуда маданиятли, зиёли одамлар экан-а, — деди Малоҳат қайтаётганиларида.

— Ҳа-я, отаси ўқитувчи, онаси муҳандис экан...

— Сал эсинг паствми десам, хафа бўласан, — чақиб олди Малоҳат. — Отаси-онасининг касбини нима аҳамияти бор? Зиёлини дастурхонни безатишига қараб баҳола! Қара, шотто янги қаймоқ ҳам қўйибди-я! Бўлмаса, совчиликка келаётганимизни айтганимга бир соат бўлувмиди ёйуми...

Зарифа бир ҳафтача муқаддам қизига совчи келганини эслади. Қизимни узатаман деб юрибди-ю, аммо дастурхонга янги қаймок қўйилиши зиёлилик тоифасини белгилашидан бехабар экан! Уникига келган совчилар, катта фирмада масъул лавозимда ишлашига қарамай, зиёли эмас экан, деб ҳисоблаб кетишгандир ҳали...

Зарифа опаси билан бирга тўғри уларни кетди. Кечгача опасининг тўй ҳақидаги режалари-ю орзу-ҳавасларини эшитавериб, қулоғи қоматга келди. Кечқурун қайтди-ю, йўлакдаёқ уйдан ғалати ҳид келаётганини пайқади. Шошиб ҳаммомга киаркан, уч кундан бери кир ювиш куқуни солинган сув ичиди ивиб ётган пардалар кўкимтири туслага кирганини пайқади.

— Вой, бу нимаси?! — хитоб қилди у шоша-пиша тоғорадаги парданинг устига сув очаркан.

Зарифа уч кун муқаддам ивтилган кирларни тун ярмидан оқкунича ювиб, ёйиб, тоза чарчади. Эртаси куни тушга томон қайтган Нигора ойиси ҳамон ухлаб ётганини кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди.

— Мана, тўрт кун таътил ҳам ўтди, — кулди Зарифа чой устида. — Эртага сен билан дўкон айланамиз, шу билан таътил ҳам тугайди.

— Унда дам ололмас экансиз-да? — ачинди қизи,

— Қўявер, қизим, ҳеч бўлмаса таътил баҳонасида совчиликка бориб, зиёлиларни қандай ажратишларини билиб олдим-ку, — кулди Зарифа.

КОРБОБОНИНГ ҚАЙНОТАСИ

— Ойижон, Янги йил байрамига норин ҳам пиширамизми? — сўради тўққиз ёшли Ситора.

— Билмадим, даданг нима деса шу-да, — деди Дилфуз қизининг мақсадини дарров тушуниб.

Ситора ҳали ёш бўлишига қарамай, ошпазликка жудаям қизиқади, ҳалитдан суюқ овқатларни пиширишга қўли келиб қолган. Ҳозир эса унинг бутун фикри-зикри норин тўғрашни ўрганишдан иборат:

— Бу йил Янги йил байрамига норин пиширмаймиз, буниси аник! — гапга аралашди ўн бир ёшли Равшан компьютеридан кўзини узиб, синглисига кулиб қарапкан.

Унинг одати шу, олдин синглисингининг ичини бир қиздириб қўяди. Ситоранинг қизиқувчанлиги зўр келиб, ичи қизиб, ялинишга тушганидан кейингина нима гадлигини айтади.

— Вой, нега пиширмас эканмиз? — дарров сўради Ситора акасининг ҳийласига лақقا тушиб. — Дадам айтдиларми сизга?

— Айтмадилар-у, аммо ўзим биламан!

Соддагина қизига ичи ачиган Дилфуз ғарзандларининг гапига аралашмаса бўлмаслигини тушунди.

— Билсанг, айтакол, биз ҳам бехабар қолмайлик! — деди ўжиддий туриб.

Равшан яна бироз таранг қилмоқчи эди-ку, аммо болалигига борди, ичидагини узоқ яширолмай, лўндасини айтди-кўйди:

— Чунки, бу йил От йили! От йилида от гўшти ва

қази солинадиган овқатлар пишириб бўлмайди!

— Қаердан билдингиз? — дарров сўради Ситора.

— Интернетдан ўқидим. Агар билсанг, бу йил дадамнинг мучали экан. Демак, ҳар йилги одатимизни ўзгартирсак ҳам бўлади!

Дилфузада қизининг нималар деганини эшитмади. “От йили” деган сўзни эшитиб, хаёли қочди. Хаёллари уни заррин қанотларига илаштириб, узок-узоқларга учирив олиб кетишиди...

Дилфузада эсини таниганидан бери уйларида Янги йилга норин пиширишарди. Дилфузада кичкиналигига ойисининг “Дадаси, узоқ пиширилиб, тез ейилиб кетадиган норинсиз ҳам байрам дастурхонида жуда кўп тансик таомлар бўлади. Балки, жўжа қовуриб қўя қолсак, осонроқ бўлармиди?!” деганини кўп эшитарди. Шунга қарамай, у дастурхонга норин тортилмаган Янги йилни эслай олмайди.

Дилфузада улғайиб, энг аввало норин тўғрашни ўрганди. Шундан сўнг ойиси оиласвий анъаналарини ўзгартиришга уринмайдиган бўлди. Дилфузада байрамдан бир кун олдин нориннинг хамири ва гўштини пишириб, музлатгичга жойлаб қўярди. Ўттиз биринчи декабрь куни эса эрталабдан отаси гўшт ва казини, ўзи эса хамирни тўғрашга кўришарди.

Дилфузада ўқишини битириб, ишга кирган йил ҳам От йили бўлган. Ўттиз биринчи декабрь куни Дилфузада ишлайдиган фирмада дам олиш куни деб эълон қилинган бўлса-да, эрталаб тўсатдан ишхонасидан қўнғироқ қилишиб, фирма раҳбари чет эл билан ҳамкорликка боғлиқ қандайдир хужжатни излаётганини, уни тез топиб бериш кераклигини

айтишди. Дилфузга тўғраётган хамирини ҳам ташлаб, тез кийинди-ю, ишхонасига югурди.

Қизининг ишхонасида муаммо чиққани етмагандек, кутилмаганда Иномжон аканинг телефони ҳам сайраб қолди. Маълум бўлишича, унинг институтда бирга ўқиган қадрдон оғайниси Акмал эрта тонгда оламдан ўтиб қолибди.

— Оббо, одам деганиям шундай кунда қазо қиласдими-я?! — деди Иномжон аканинг кайфияти бузилиб. — Эй, тавба қилдим-а! Акмал ўзи ажойиб одам эди-да, доим алламбало нарсаларни ўйлаб топиб юрарди. Ҳатто бу дунёдан кетишиниям ажабтовур қилишни уддалаганини каранглар! — у узун уф тортди.

— Бўпти, онаси, ўзинг бу ёғини эплаб тур, мен жанозага бориб келай!

Эри кетгач, Марҳабо опа боши котганча ошхонада ёлғиз қолди. Талаба ўғли Жамшид аzonлаб уйдан чиқиб кетганди. Жамшиднинг оғайнилари Янги йилни гуруҳдошлари Нодирнинг уйида бирга кутиб олишни режалаштиришган, эрталабдан бозорга тушишни режалаштиришганди.

— Зўр Янги йил бўлдими?! — деди Марҳабо опа ўзига овоз чиқариб, учта лаганда уйиб қўйилган пиширилган хамирларга, тоғорадаги пишган гўшт ва қазига қааркан. — Шу норин шартмиди, жўжа ковуриб қўя қолсак ҳам бўларди-ку?!

Ҳали бу ёкда салатнинг масаллиқлари тўғралмаган, тортнинг ҳам нони пиширилган-у, лекин крем билан безатилмаганди. Марҳабо опа алам билан лагандаги хамирлар томон қўл силтади-ю, тортга уннаб кетди.

Соат бешларда торт ва салатларни тайёрлаб бўлган Марҳабо опа эндиғина пиширилган хамирни тўғрашга киришганди ҳамки, Дилфузা каттакон гулдаста ва чиройли чинни сервизни кўтариб кириб келди.

— Ойижон, бошлиғимиз росаям ажойиб-да! — эшикдан кира солиб, бидирлаб кетди қизи. — Янги йилда ходимларга куттилмаган совға қилишнинг шунақанги йўлинни топибдилар-да! Ҳамма ходимларни йигиб, йил давомида яхши ишлаганимиз учун раҳмат айтдилар, гул ва совға бердилар. Кейин каттакон торт ҳам тайёрлатиб келишган экан, бир бўлакдан еб кетишимизга тўғри келди. Кўчага чиқсан, баҳтимга дарров такси тўхтай қолди. Таксичи яхши одам экан, бекатгача элтиб қўйишини гаплашувдим, аммо нақ йўлак ёнигача ғизиллатиб олиб келиб қўйди...

Ҳали Дилфузанинг гапи тугамай, Марҳабо опа қизининг раҳбари тутган йўлни мақташини ҳам, норози бўлишини ҳам билмай турганида, эшик қўнғироғи жиринглади. Иномжон ака осто надан кирибօқ, қизига қаради:

— Қизим, бўлақол, тезроқ кийимингни алмаштири, норинни тўғрайлик!

— Даðаси, норинни қачон тўғраб бўласизлар? Соат ҳам бешдан ошди, балки жўжа қовуриб қўя қолганимиз маъкулмиди?

Аммо ўта қайсар Иномжон акага хотинининг эътирози чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. У дарров кийимини алмаштириб, ошхонага кириб кетди. Эрининг феълини яхши билган Марҳабо опа гапни кўпайтирмай, дастурхон безатишга киришди. Янги

йил киришига ярим соатча қолганида Иномжон ака билан Дилфузада норинни түграб бўлишди.

— Улгурдик-а! — деди Иномжон ака қизига жилмайиб қараб. — Яна бир йилдан кейин тугатамизми, деб хавфсираётгандим!

— Ота-бола бир бўлсангиз, тоғни талқон қилиб ташлайсизлар-ку! — деди Марҳабо опанинг ҳам кайфияти очилиб.

Курантлар бонг уриб, Янги йил кирганини билдириди. Яхши тилаклар ва хуш кайфият билан байрамни нишонлаётган таниш-билишлар қўнғироқ қилиб, табриклай бошлишди. Иномжон ака қўл телефонидан, Дилфузада эса уй телефонидан бўшамай қолди. Шу сабабли ҳам тўсатдан эшик қўнғироги жиринглаганида, Марҳабо опа ўрнидан турди.

Марҳабо опа эшикни очди-ю, қаршисида турган Корбобони кўриб, ҳайратдан ҳангуманг бўлиб қолди. Корбобо! Ростакам! Оппоқ соқоллари кўксига тушади. Кизил чопонидаги юлдузчалар йўлак чироғида чараклайди. Худди ростакам эртакдан чиқиб келган Корбобога ўхшайди!

— Янги йилингиз муборак бўлсин! — Корбобо олдинга бир қадам босганди, Марҳабо опа беихтиёр ортга чекиниб, йўлак томон сурилди. — Сизларга совға келтирдим!

— Раҳмат...

Марҳабо опа кутилмаган ҳолатдан довдираб, Корбобонинг қўлидаги чиройли зар халтачага тикилди. Корбобо халтачани қўлига тутқазгандагина ўзига келди-ю, эътиroz билдириди:

— Йўқ, йўқ... Кечирасиз, биз Корбобо буюртма қилмаганмиз!

— Корбобониям буюртма қиласими? — Корбобо ўқтам овозда ҳандон отиб қулиб юборди. — Корбобо фақат ўзи истаган одамига совға келтиради. — Корбобо шундай деб, олдинга яна бир қадам босди-да, меҳмонхона томон ўғринча нигоҳ ташлашга уринди.

— Хў-ўш... Уйингизда Корбободан совға олишини кутиб ўтирган болалар борми?

— Болалар... Қанақа болалар? — тамомила довдираб қолган Марҳабо опа ниҳоят Корбобонинг мақсадини тушуниб етди. — Ҳа-я, фарзандларимиз катта бўлиб қолишган, Корбобога ишонадиган ёшдан ўтишган... — у қовун туширганини пайқаб, узр сўрашга шошилди.

— Кечирасиз, айтмоқчийдим-ки...

— Бекор қилишади, катталар ҳам Корбобога ишонишлари керак... Мана, мен келдим-ку!

Корбобо зарқоғоздан қилингтан халтачани яна унга узатганида, Марҳабо опанинг йўлакда узоқ қолиб кетганидан ажабланган Иномжон ака ўрнидан туриб, эшик олдига яқинлашди. Дадасининг ортидан Дилфузада ҳам йўлакка чикди.

— Ие, меҳмон келиби-ку! — деди кутилмаган меҳмоннинг ажабтовур кўринишидан сирайм ажабланмаган Иномжон ака. — Қани, ичкарига киринг, бирга байрамни нишонлаймиз!

— Узр, энди мен борай! — кутилмаганда кетишга шошилиб қолди “меҳмон”. — Янги йилингиз қутлуг бўлсин! Янги йилда уйингизда тўйлар бўлсин!

Корбобо Марҳабо опанинг қўлига халтачани

тутқазди-ю, зиналардан тез-тез тушиб кетишига шошилди. Марҳабо опа беихтиёр халтачани очиб, каттакөн шоколадни күрди.

— Бу укамнинг ҳазили, шекилли, — деди ҳазилкашлиги ва хушчақчақлиги билан донг таратган укасининг ақл бовар қилмас ҳазилларига кўникиб кетган Дилфузга.

— Уканг талаба бўлса, Корбобо буюртма қилишга қаердан пул топдийкин? — ишонинкирамай сўради Марҳабо опа.

— Кўявер, ҳозирги йигитларнинг бари учар, бир йўлини қилгандир-да! — деди Иномжон ака парво ҳам қилмай.

Аммо оғайнилари билан байрамни нишонлаб, эртаси куни қайтган Жамшид Қорбобога буюртма бермаганини айтгач, ҳаммаларининг боши қотди.

— Менимча, бирор буюртма берган-у, Қорбобонинг “градуси” ошиб кетиб, манзилни адаштирган, шекилли, — деди ниҳоят Иномжон ака узоқ ўйлаганидан сўнг. — Шоколадни очманглар, тағин бирорвнинг насибасини еб қўймайлик. Кутайлик-чи, балки эгаси чиқиб қолар...

Иномжон ака ҳақ бўлиб чиқди, байрамдан бир ҳафта ўтгач, шоколаднинг “эгаси” топилди. Тўғрироғи, Қорбобо номидан Иномжон аканикига совчилар қелишгандагина, улар “совға”ни ким буюртма килганлигини билишди.

Маълум бўлишича, ўттиз биринчи декабрь куни Дилфузани уйига элтиб қўйган таксичи йигит қизни бир кўришда ёқтириб қолган экан. Қизнинг ўзидан у ҳақида сўраб-суриштиришга уялган йигит ўйлай-

ўйлай йўлини топибди. У Мустақиллик майдонига бориб, бола-чақалар билан суратга тушиб юрган Қорбобонинг либосини ижарага олибди. Кейин ичига шоколад солинган бир нечта Янги йил “совға”ларини харид килибди-да, Қорбобо ниқоби остида ўзига ёккан қиз кириб кетган йўлакдаги хонадонларга бирма-бир кириб чиқиб, Дилфузанинг манзилини аниқлашга уринибди.

Энг қизиғи, таксичи йигитнинг бундай топқирлиги Иномжон ақага жудаям маъқул тушди.

— Койил! — хитоб қилди Иномжон ака совчилар кетиб, хотини ва ўғли билан бирга қолишганида. — Жуда ажойиб йигит эканми? Бунақа топқир йигитни биринчи кўришим! Ё тавба, наҳотки Қорбобоға қайнота бўлсан-а! “Мен Қорбобонинг қайнотасиман” дейдиган одам Ўзбекистонда ягона бўлса керак, нима дединг?!

— Ўзбекистон у ёқда турсин, бутун Ер юзида деяверинг! — деди Жамшид ҳам кулиб. — Дада, мен энди “Қорбобонинг қайнисиман” десам бўлаверарканда!

— Намунча ҳовлиқдинг?! Олдин опанг ишдан келсин, жавобини айтсин! — деди Марҳабо опа ўғлини койиб. — Нима, совчи келса, тегиб кетаверадими?

— Ойижон, қизларни билмайсиз-да! — ҳандон оти кулиб юборди ўғли. — Буни романтика деб қўйишибди! Бунақангি Қорбобони чироқ ёқиб қидиришга тўғри келади!

— Ҳа-я, сиз-да романтикани тушунадиган, биз энди кариб қолдик! — деб ачитиб қўйган бўлди Марҳабо опа, аммо шу онда ўзининг ҳам юраги “Қорбобо”га

нисбатан илиб тұрганини ҳис этди.

Яңги йил тунида Корбобо “Яңги йилда уйингизда түйлар бўлсин!” деб тиляк қилганида жудаям холис бўлган эканми, шу йили Иномжон аканинг уйида тўй бўлди. Корбобо ниқобини кийиб, ўз бахтини излаган йигитнинг уйида ҳам...

Қизи енгидан тортқилашидан Дилфузанинг хаёллари сочилиб кетди.

— Ойижон, нима дейсиз, Яңги йилга норин пиширамизми? — деб сўрарди ҳамон қизикувчанлиги қонмаган қизи.

— Қизим, яхшиси қандай таом пиширишни Корбободан сўраганимиз маъкул, — деди Дилфуза қулиб.

— Вой-й, ростданми? — ҳайратдан Ситоранинг кўзлари катта-катта очилди. — Шундай қилсак ҳам бўладими? Корбободан қандай қилиб сўраймиз? Нима, сиз Корбобонинг телефон ракамларини биласизми?

— Топамиз! — онасининг ўрнига шоша-пиша жавоб қилди Равшан. — Мен ҳозир интернетга кираман-у...

— Ўғлим, интернетингни овора қилма! — жилмайди Дилфуза. — Корбобони қаердан топиш кераклигини ўзим биламан.

— Ростдан-а?!

— Рост, қизим, рост! — Дилфуза қизчасини бағрига босиб, дадасиникига жудаям ўхшаб кетадиган юзларини силаб, пешонасидан ўпиди. — Ахир мен Корбобони ўн иккӣ йилдан бери танийман-ку!

ХОВЛИ ЭТАГИДАГИ УЙ

Муқаддам хола қафтларини тиззаларига тираб, бázур үрнидан турди. Остона олдида бетартыб ётган калишини оёғи учи билан туртиб, шиппагини кийидида, секин юриб ҳовлига чиқди. Осмоннинг шарқ томони аста ёришиб, элас-элас кўзга ташланаётган тоғлар узра зўрга илиниб турган патсимон булутлар қип-қизил тилла рангига кира бошлабди. Кузнинг салқин ҳавоси иссиқ уйдан чиқиб келган кампирнинг баданини жунжиктирди.

Муқаддам хола кўзини кунчиқар томондан узиб, ҳовлини қоқ ўртасидан бўлиб турган симтўр томон қаради. Симтўрнинг нариги томонида, ҳовли этагида икки хона, олди айвон қилиб қурилган уйнинг чироқлари ўчиқ. Уй ёнидаги ярим аср умр кўриб қўйган қари ўрикнинг сояси тушиб тургани учун ҳам ҳовли сахни ҳали қоронги, қимирилаган жон кўринмайди.

Кампир қўлинини эрта тонгдан бери сал сирқираб оғриётган белларига тираганча, дарвоза томон юрди. Дарвозанинг кичик эшикчасини очаркан, кўчага сув сепиб, супуриб қўйилганига кўзи тушди. Орастада, тоза кўчани кўриб кампирнинг кўзи яйрамади, аксинча ғаши келди.

— Хув, кўчамни сипирмай қўлларинг синсин! — жавради у жахл билан ва кўчага чиқиши ниятидан қайтиб, яна ҳовли томон йўналди.

Олди очиқ ошхонага бориб, чой қўйди-да, ҳовли ўртасидаги баланд тахта каравот устига келиб ўтирди. Унинг кўзи яна ҳовли этагидаги уйга қадалди. Хаёллари

уни мажбурлаб судраганча узок-узокларга олиб кетди...

Муқаддам беш қиздан кейин ниҳоят ўғил кўрганида, эридан кўра кўпроқ ўзи хурсанд бўлганди. Унинг бутун орзу-умидлари, келажаги ўғли билан боғлик бўларди. У ёлғизгина ўғлини асраб-авайлашга шунчалар уринардики, оқибатда уни ҳаммадан, ҳатто қизлари ва эридан ҳам қизғана бошлаганини сезмай қолди. Баҳодир кўчадан кириб келган дадасининг бағрига отилиб эркаланганида, Муқаддам тезгина ўғлининг ортидан етиб келарди. У дадаси ҳаволатаётганидан завқланиб, қиқирлаб кулаётган ўғлини эрининг қўлидан олишга ҳаракат қиласарди.

— Кўйинг, болани йиқитиб юборманг тағин!

— Нега йиқитарканман? — астойдил ҳайратланарди Муроджон, кейин кутилмагандан ўғлини ҳавога ирғитиб, шовқин соларди: — Ушла болани!

Муқаддамнинг жон ҳолатда олға узатилган қўли бўш қолар, Муроджон чаққонлик билан ўғлини илиб олиб, маҳкам бағрига босар ва шу ҳолатда ҳовли томон юриб кетарди. Муқаддам эса тарвузи қўлтиғидан тушганча, эрининг ортидан аста одимларди.

Қизлари бирин-сирин улғайиб, турмушга чиқиб кетишиди. Баҳодир улғайиб, келишган, кўркам йигитга айлана боргани сари онанинг юрагидаги қизғониш ўти баттар аланга ола бошлади. Баҳодирни нафақат дадаси ва опаларидан, ҳатто оғайнилари ва қўшни қизлардан ҳам қизғона бошлаганди.

Ўрганган кўнгил, деганларидек, қизғониши ўғлини уйлантирганидан кейин ҳам барҳам топмади. Ўғлини қизғонадиган одамлари сафига энди келин ҳам

күшилди. Гарчи келинни ўзи излаб бориб, совчи бўлиб олган бўлса-да, Муқаддамнинг назарида хушхандонгина бу қиз ўғлига номуносибдек туюлаверарди. Келин келгач, қайнонанинг қилдан қийик қидиравериши оқибатида оиласдаги тинч ҳаётга дарз кетди. Кунда неча мартараб кўтариладиган жанжаллардан зада бўлган келин қайнонасидан дод деганча ажрашишга қарор қилди.

Келин кетгач, Муқаддамнинг юраги сиқилмай қолди. Аммо бу узокқа чўзилмади. Баҳодир отасига ишхонасида Шоҳида исмли қиз борлигини, унга уйланмоқчилигини айтди. Муроджоннинг ҳай-ҳайи билан Баҳодир иккинчи марта уйланди. Онанинг юрагидаги ўт яна алангана ола бошлади. Ахир у ўғлига қандай қизларни раво кўрмай юрганди, ота-бала бўлса индамайгина соchlари сичқон думидек, кўзлари олайган, семизликда тўртта бўғирсоқни токчага ўтказадиган бир таъвияни топишибди! Муқаддамнинг юраги ёниб кетди. Бу бадбашара қиз унинг тилаб олган ўғлига муносиб эмас...

Аммо Баҳодир бундай фикрда эмасди. Унинг назарида Шоҳиданинг соchlари ипакдек майнин, шаҳло кўзлари оҳуникидек гўзал, қадди-қомати сарвдек эди. Ўғли хотинига боғланиб қолгани сари, Муқаддамнинг баттар юраги ўйнарди. У ўғли ва эрини ўзини менсимасликда айблар, аммо Муроджон хотинининг таъналарига қулоқ ҳам солмай қўйганди.

— Хой, барака топгур, ўғлингни ўшлигида шунча қизғандинг, бўлди-да, энди! — деб хитоб қилди хотинининг юрагидагиларни сезиб юрган Муроджон

бир куни чидаёлмай. — Кўй энди, боланг тинчгина яшасин!

Муқаддам ғазабидан ўзини қўйишга жой тополмай, ўғли ва эрини ўзига ром қилиб олган келинидан уч олиш ҳакида ўйлай бошлади. “Ҳаҳ, уйинг куйгур, мегажин, ахийри ўғлимни тортиб олдинг-а...” деб ўйлади у бир куни ҳовли этагида уйга тикилиб ўтириб. Кутимагандга хаёлига яхши ўй келди.

Эртаси куни келини уйидан чиқиб кетишини пойлаб туриб, ўғлининг уйи ёнига борди-да, айвон четидан доғланмаган пахта ёғини қуиб, ёқиб юборди. Аммо айни айвон ромлари алангага ола бошлаганида, қўшниси Назирахон ниманидир сўраш учун чиқиб қолди-ю, ҳовли четидаги уйдан чиқаётган тутунни кўриб, додвой солиб қўшниларни чакирди.

Баҳодирнинг уйига унчалик зарар етмади-ю, аммо бу ишда кимнинг қўли борлигини сезган Муроджон aka юрак хуружи билан ётиб қолди. Муқаддам эрининг касал бўлганини ҳам келинидан кўриб, ўғли йўқлигига роса жанжал қилди. У жаҳл устида ақлини йўқотиб, ошхона токчасида турган гўшт майдалайдиган болтани ола солиб, келинига отди. Тўғри, болта келинга тегмади-ю, аммо Шоҳида қўрқанидан йиқилиб тушди, оқибатда ҳали ой-куни етмаган боласи етти ойликда туғилиб қолди.

Онасининг тинимсиз жанжаллари, уйидаги нотинчлик Баҳодирнинг ҳам асабини ишдан чиқара бошлади. У хаёлипаришон бўлиб, қўли ишга бормай қолди, оқибатда ишдан бўшашига тўғри келди. Ҳаётидаги барча кўнгилсизликлари онаси, тўғрироғи

онасининг қизганишлари туфайли бўлаётганини тушунибетган Баҳодир ўз ўлими билан атрофдагиларни онасининг бемаъниларча жанжалларидан қутқаришга қарор қилди. У ярим кечада туриб, ўзини ҳовлидаги ўрик шохига осди.

Кутилмаганда юраги безовта қилиб қолгани учун тоза ҳаводан нафас олиш учун ҳовлига чиқкан Муроджон ака ўғлининг уйи олдидаги ўрик тагида қорайиб турган нарсани кўрди. У яхшироқ кўриш учун яқинроқ бориб, дараҳт шохидаги ўғли осилиб турганини кўрди. Муроджон ака даҳшатдан қўллари қалтираганча шоша-пиша ўғлининг бўйнидаги арқонни ечиб юборди. Ечди-ю, яқиндагина оғир касалликдан тузалган юраги дош беролмади: у ерда хушсиз ётган, аммо ҳали тирик бўлган ўғлининг оёқлари ёнига чўк тушганча жон берди. Эрта тонгда ҳовли супургани чиққан келин ўрик тагида чўзилиб ётган ота-болани кўриб, фарёд урди...

Отасининг маъракалари ўтганидан сўнг Баҳодир иккита одам олиб келиб, ҳовли ўртасига симтўр тортиридий. Мана, орадан беш йил ўтибдики, Муқаддам опа ўғлининг дийдорига зор яшаяпти. Ўғли онасига фақат салом беради, холос. Саволига жавоб қайтармайди, ўзи ҳам бирор нарса гапирмайди. Келини эса гап-сўзсиз олдига овқат келтириб қўяди. Муқаддам опа хуши келса овқатни татиган бўлади, хуши келмаса, косаси билан ҳовлига улоқтириб юборади. Келин гап-сўзсиз келиб, овқат қолдиқларини йиғиштириб олади. Эрталаблари эса ҳамон қайнонасишнинг эшиги тагини супуришини канда қилмайди...

Ҳовли этагидаги уйдан қораҷадан келган, баланд

бўйли, кўзлари кулиб турган Баҳодир чиқиб келди. Ўғлини кўриб Муқаддам опанинг соғинчдан юраги симиллаб оғрий бошлади, у қимирашга ҳам кўркиб, озғин қўлини кўксига босганча ўтираверди. Йигит елқасидаги сочиқни қўлига олиб, уй томон ўгирилди:

— Келақолмайсанми?

— Ҳозир! — уй ичидан янгроқ овоз эшитилди, кейин дўмбоққина Шоҳида чиқиб келди.

Келин човгумдаги сувни қуйиб турди, Баҳодир иштаҳа билан юзини юва бошлади. Мана, у ювениб, юзини, қўлларини артди, кейин сочиқнинг бир учи билан хотинининг юзини ишқаб қўйди. Шоҳида кўнғироқчадек жарангдор овозда ҳандон отиб юборди.

— Секинроқ! — Баҳодир огоҳлантирмақчидек тезгина қўшни ҳовли томон қаради-ю, ўзига тикилиб турган онасига кўзи тушиб, шошиб қолди. — Ассалому алайкум!

Муқаддам хола алик олишни ҳам лозим топмай, юзини четга бурди. Баҳодир хотинига ўгирилди:

— Қачонгача шундай яшаймиз, ахир?!

— Сабр қилинг! — Шоҳида лабини тишлади. — Онада! Ҳар бир она ҳам ўғлини қизғонади. Ахир... — у бир зум жим қолди. — Мен ҳам ўғлимни яхши кўраман. Аммо мен ўғлимга бундай ҳаётни раво кўрмаган бўлардим... Майли, қўяверинг, онангиз бир куни тушуниб етадилар. Юрақолинг, чой ичинг, ишга кеч қоласиз...

Баҳодир симтўрнинг нариги тарафидаги онасига қаради. Унинг негадир юраги симиллаб, кетди, онасининг ўзига армон билан тикилган кўзларидаги

чукур ҳасрат ва мұнгни илғагандек бўлди. Йигит қўлида сочиқни қисимлаганча, иккиланиб қолди:

— Ойимнинг олдига ўтсаммиカン?.. — у икки қадам босган жойида яна тўхтади. — Йўқ, бошқа сафар... Майли, ишга кеч қолмай, бугун йигилиш борийди...

Чошгоҳга яқин Шоҳида қайноаси куни бўйи ҳовлидаги тахта супадан тушмаганини сезиб қолди. Муқаддам хола кўзини ўғлининг уйига тикканича, ўтирган жойида омонатини топширганди...

МУНДАРИЖА

Қайнона	3
Ишонч қудрати.....	16
Тақдир синови	27
Пистачи қиз	37
Бир аёлнинг бир куни.....	52
Хизматкор	67
Қарор	76
“Малика”нинг бахти.....	88
Эпчил келин	103
Синов.....	112
Шаллақи хотиннинг кўнгли.....	126
Нажот бекати.....	144
Машъум севғи	161
Тобут кўтармаган ўғил.....	176
Бир муҳаббат тарихи.....	184
Армонга тўла дунё	204
Ҳиёнат туни	224
Танлов	239
Ўкинч	256
Қариндошлар	275
Ўғил	288
Қасос	301

Дүстлик қадри	314
Иштаҳаси зўр совчилар	322
Омонат.....	330
Ота қадри	340
Орзиқиб кутилган таътил	349
Қорбобонинг қайнотаси	360
Ховли этагидаги уй	369

УДК: 76.06

ББК: 82. 4-8

К78

Қайнона: хикоялар түплами / муаллиф М. Иулдошева
- Тошкент: «Адабиёт учкунлари», 2017. - 378 б.

1. Йўлдошева, Мухаббат

УДК: 76.06

ББК: 82. 4-8

ISBN 978-9943-987-57-9

ҚАЙНОНА

(хикоялар)

Муҳаррир: Д. Қўзиева

Техник муҳаррир: Ш. Абдураҳмонов

Саҳифаловчи-дизайнер: Г. Тожибоева

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 – 2013 йил 4 июль

Босишга рухсат этилди: 10.04.2017 й. Бичими 60x84^{1/16}

Офсет босма усулида урилди. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 23,62. Нашр. хисоб табоғи 24,0.

Адади 5000 нусхада. Буюртма № 73

Нашриёт манзили:

«Адабиёт учкунлари» нашриёти, 100027,


Тошкент шахри, Ўқчи кўчаси, 29-й.

Босмахона манзили:

«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖ-да чоп этилди.

Тошкент шахри, Чилонзор-14, 32-й.



The image shows a rural landscape at sunset. In the foreground, a wooden fence made of dark posts and light-colored rails runs across the frame. Beyond the fence is a field of green grass and some low-lying plants. In the distance, there are several large, dark trees and a range of hills or mountains under a sky filled with dramatic, orange and yellow clouds.

ISBN 978-9943-987-57-9



9 789943 987579